

28.08.3  
УЧУ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

МИРЗО УЛУГБЕК НОМИДАГИ  
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ



УЛГАЙИШ  
ФИЗИОЛОГИЯСИ


Тошкент - 2004

Ўзбекистон Республикаси  
олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги

Мирзо Улубек номидаги  
Ўзбекистон Миллий Университети

*К.Т.Алматов, Л.С.Клемешева,  
А.Т.Матчанов, Ш.И.Алламуратов*

## Улғайиш физиологияси



6246

Тошкент-2004

Дарслиқда организмнинг улғайипидағи ўзгаришилари ва даврлари, болалар ва ўспириналарнинг ўсиши ва ривожланишининг умумий қонуниятлари, қон тизими ва унинг айланиши, таянч-ҳаракат аппарати ва мушак тизимлари, овқат ҳазм қилиш ва овқатланишининг ёшга оид хусусиятлари, ҳарорат бошқарилуви, айирув аъзолари, нафас олиш, ички сөкреция безлари, асаб тизими ва олий асаб фәолиятишининг ривожланишига оид маълумотлар берилган.

Дарслик одам ва ҳайвонлар физиологияси курси бўйича ихтиослашган бакалавр ва магистирларга мўлжалланган. Ёнга оид физиология курси ўқитилётган университет ва институт талабалари ҳам фойдаланишилари мумкин.

Тақризчилар: биология фанлари доктори, профессор  
Кадиров Э.К.  
биология фанлари доктори, профессор  
Ахмеров Р.Н.

Маъсул мухаррир: биология фанлари доктори,  
профессор Махмудов Э.С.

Ушбу дарслик М.Улубек номидаги ЎзМУ биология –  
тупроқшунослик факультети методик кенгаши (2003 й  
8 октябр, 2 баённома) томонидан нацрга тавсия этилган.

## СҮЗ БОШИ

Ушбу дарслік – университеттің «Одам ва ҳайвонлар физиологиясы» кафедрасыда тағым олаётганды талабалар учун улғайыш физиологияси бүйіч махсус курсни үқитиш таж – рибасининг натижасыда яратылған. Үнда, турлы ёш даврла – ридағы ҳомила ва болалар физиологияси соҳасидаги мате – риаллар умумлаштирилған. Дарслік, турлы функцияларни ёшга оид хусусиятлари тұғрисидеги маълумотлар билан ил – люстрация қилинған. Шуны ҳам назарда тутиш лозимки, муаллифлар, маълумотларни умумлаштириш пайтида, қарама – қарши ёки тұлық бұлмаган ахборотлар мавжудліги билан боғлиқ қийинчиликларга дуч келділар. Шу туфайли, дарс – лиқда көлтирилған катталиклар стандарт сифатида ишлә – тилмаслигини назарда тутиш лозим.

Одам организми уругланған тухум ҳужайрасидан то вояға етган ҳолатига қадар жуда мұраккаб ривожланиш даврини үтади. Ёшга оид физиология бола организми функциялари хусусиятларини ҳомила, янги туғылған чақалоқлик, болалик, вояға стган ва қариган даврларида, яғни онтогенезнинг барча даврларида үрганади.

Одам ва ҳайвонлар умумий физиологиясининг улғайыш физиологияси соҳасини пайдо бўлиши амалиёт ва биринчи галда тиббиёт талабларидан келиб чиқкан. Ушбу фан эришган ютуқлар, болаларнинг турлы ёшдаги даврларида баркамол ривожланиши муаммоларини ҳал қилишига йўнал – тирилған улғайыш психологияси, мактаб гигиенаси ва педагогикаси асосида ётади. Тағым ва тарбия самарадорлігі болалар ва ўсмирлар ривожланишининг, айниқса, энг юқори таъсирчанлик ва у ёки бу омилларни юксак даражада се – зувчан ҳамда организмнинг қаршилик күрсатувчи хусусияти пасайған даврларини ҳисобга олувчи анатомо – физиологик хусусиятлари билан чамбарчас боғлиқдир.

Улғайыш физиологияси болалар ва педагогик психо – логия фанларининг илмий асоси ҳисобланади. Масалан, улғайыш психологияси И.П.Павловнинг асаб тизимининг пластиклиги, уни муҳит таъсири остида компенсаторли ва функционал – мослашувчанлик имкониятларини үзгариш – лари, асаб тизимини физиологик үзига хослиги ва хусуси – ятлари тұғрисидеги, шу билан биргә шартсиз ва шартлы

рефлекслар, биринчи ва иккинчи сигнал тизимлар, таҳлилий ва синтетик кортикал фаолият, динамик стереогин, олий асаб фаолияти турлари түғрисидаги таълимотини ўз ичига қамраб олган. М.М.Сеченевнинг таълим ва тарбия учун муҳитнинг ҳал қилювчи аҳамияти мавжудлиги түғрисидаги роялари ҳам ўқувчиларга индивидуал ёндашиш, уларда маълум бир кўнилмаларни ҳосил қилиш каби педагогик масалаларни ечиш пайтида фойдаланилади. Умумлаштириш ва фарқлаш функцияларини ва асаб фаолиятининг айрим бошқа қонуниятларини шаклланишини ёшга оид хусусиятларини билмасдан туриб, таълим самарадорлигини опириш масалаларини түғри ечиш мумкин эмас. Болаларни жисмоний тарбиялаш назариясини ишлаб чиқиши ҳам уларнинг физиологик хусусиятларини ҳисобга олмаган ҳолда амалга ошириш мумкин эмас.

Ёшга оид педагогика ва психология ҳам, ўз навбатида улғайиш физиологияси фанини ривожланишига таъсир кўрсатади. Таълим ва тарбия масалаларини ечиш бўйича ўtkазилган маҳсус тажрибалардан олинган маълумотлар, бола организмининг ўзига хос хусусиятларини чуқурроқ тушунишда муҳим аҳамият касб этади.

Улғайиш физиологияси, фан сифатида, эмбриология, анатомия, гистология, биофизика ва биокимё фанлари соҳасида эришилган ютуқлар билан чамбарчас боғланган ҳолда ривожланади.

Улғайиш физиологиясини фан сифатидаги муҳим ва зифаларидан бири – турли ёшга оид болалар учун таълим ва тарбия усусларини аниқлаш ва асослани имкониятини берувчи, уларни ақлий ва жисмоний юкламаларини физиологик нормаларини ўрганиш ва белгилаш ҳисобланади.

Ушбу дарсликдаги материални тушуниш ва ўзлаштириш, имконияти талабалар «Одам ва ҳайвонлар физиологияси» курсини ўргангандаридан сўнг пайдо бўлади.

Дарсликни ҳар бир бўлимида, ушбу ҳолатда кўриб чиқилаётган саволларнинг рўйхати ва охирида, ўзлаштирилган материал бўйича ўз – ўзини назорат қилиш учун саволлар берилган.

## ОРГАНИЗМНИНГ УЛҒАЙИШИДАГИ ЎЗГАРИШЛАРИ ВА ДАВРЛАРИ

- ❖ Улғайишнинг даврийлиги.
- ❖ Организмни ёшга оид ўзгаришлари.

Бола организми вояга етган организмдан бир қатор муҳим белгилари билан фарқ қиласади. Уларни билиш, эмпирик йўл билан эмас, балки тўлиқ илмий асосда яъни болаларни ёшга оид хусусиятлари ҳисобга олинган ҳолда, уларни ҳар томонлама баркамол ривожланиш тизимини яратиш имконини беради.

Одам организммини ривожланиши, узлуксиз жараён сифатида, инсон ҳаётининг барча даврларида давом этади. Фақат шунни эътиборга олиш зарурки, қариш жараёни ўзига хос бўлиб, бир қатор ҳолларда қайта ривожланиш билан боғлиқдир. Тана вазнини, алоҳида аъзолар ва тўқималарнинг кагталашибуидаги энг жадал ўзгаришлар ҳамда уларни дифференциялашуви бола ҳаётининг биринчи йилида ва болалик даврида амалга ошади. Вояга етган даврда организмнинг ўсиши тўхтайди, лекин функционал дифференциялашуви ва рефлектор фаолиятни такомиллашуви ички кортикал алоқаларни ривожланиши ва мураккаблашуви ҳисобига давом этади.

Ўсиш ва ривожланиш бир хил моҳиятли жараён эмас, лекин бола баркамол ва нормал ривожланган пайтда улар яқиндан алоқада бўлади ва ўзаро ҳамкорликда ҳаракат қиласади. Патологик ҳолатларда ҳам вояга етиш, айрим ҳолларда баркамол шароитларда содир бўлиши мумкин, лекин бунда, у, жадалланган ҳолда кечади. Масалан, айрим ҳолларда, баъзи бир морфологик структуралар даражасида муддатидан олдин етилиш содир бўлиб, бу ҳол бир вақтнин ўзида индивидда болалик ва вояга етган нишонлар ва белгилар пайдо бўлишини тезлаштиради.

Боланинг ёшга оид ривожланиш даврлари тана ва аъзолар оғирлиги ва катталиги, скелет суюкларини қотиш даражаси, тишларини пайдо бўлиши, ички секреция безларидаги бирлантирувчи тўқималарни ривожланиши, кортикал фаолият тавсифи ва бошқа нишонлар асосида аниқланади. Лекин, ҳозирги давргача, ёшга оид даврларни тизимлашти-

риш учун асос бўладиган универсал умумий биологик функционал ва морфологик белгиларнинг тўлиқ рўйхати аниқлангани йўқ. Морфологик ва функционал белгиларни алоҳида ёшга оид даврларда ҳамкорликда ўтишлари ҳамда болаларнинг ўсиш ва ривожланишидаги тезкор ўтувчи ли-памик жараёнлар даврларни қатъий четаралаш ва тизим-лангиришни қийинлаштиради. Бу ҳол, тизимлангиришда бирдамликка олиб келмайди. Педиатрияда, Н.П.Гундобина таклиф қилган ривожланиш даврлари схемаси энг кўн тар-қалган:

1. Она қорнида ривожланиш даври. Ушбу давр, ҳомила овқатланиш, нафас олиш, ҳарорати ва бошқа омиллари ма-салаларида она организми билан тўлиқ боғлиқдир. Бу даврда ҳомиланинг ўсиши ва ривожланиши тез содир бўлади.

2. Янги туғилган даври. Бу давр 2–3 ҳафтани ташкил қиласди. Ушбу давр туғилиш моментидан бошланиб, то 2,5–3,5 ҳафта гача давом этади ва организмни ташки мұҳит ша-роитига мослануви билан тавсифланади. Янги туғилган болада илк бор ўпка орқали нафас олиш содир бўлади ва ўпкада қон айланиш функцияси бошланади. Она организми орқали овқатланиш ўрнига боланинг шахсий овқат ҳазм қилиш тракти функцияси орқали овқатлапиши амалга ошади, анализаторлар ҳам организм фаолиятида фаол иштирок этади. Ушбу даврда ҳомилани озиқланишини таъмин-лайдиган тизимнинг узилиб тушиши ва киндик ярасини тузалиши содир бўлади, тана оғирлигини олдин камайини сўнгра эса, тикланиши ва ортиши бошланади.

3. Чакалоқлик даври. Бу давр 1 йилгача давом этади. Ушбу даврда тана узунлиги 1,5 баробар катталашади ва ўр-тacha 75 см га етади, оғирлиги уч баробар ортади ва 11–12 кг атрофида бўлади, асосий алмашинув ортади, эндокрин безлар функцияси тезлашади, нутқни ҳаракатлантирувчи анализаторлари анча ривожланиб бола гапиришни боллайди, лекин сўз бойлиги кам бўлади, яъни атиги 10 тача сўзни ташкил қиласди.

4. Ясли ва мактабгача ёшдан олдинги давр. Бу давр 1 ёшдан то 3 ёшгача давом этади. Ушбу даврда ўсиши ва тана оғирлигини ортиши бирмунча пасаяди, лекин бола юриш ва сўз нутқи кўникмаларига эга бўлиши оқибатида, уларни ат-роф мұҳит билан мулоқот қилиш соҳаси кенгаяди. Болада

ўзини ўзга одамлардан фарқлай олиш қобилияти пайдо бўлади [исмини айтиб чақирганда қарайди, қулини беради ва х.к.). Аъзоларнинг тўзилиши ва функциялари такомилланади.

5. Мактабгача ёшдаги давр. Бу давр 3 ёшдан то 7 ёштагача давом этади. Ушбу даврда билиш жараёнлари (хотира, тафаккур, ижодий фикрларига ҳаракат) жадал ривожланади, скелет сужкларини қотишни ва сүяк – мушак тизимини мустаҳкамланиши жадал содир бўлади, боланинг ҳаракатлари анча турли – туман ва координацияланган ҳолда содир бўлади, янги туғилган даврдагига нисбатан мушакларнинг кучи 4 – 5 маротаба ошади ва юрак фаолияти сезиларли даражада яхшиланди, миясининг оғирлиги катталашади ва 7 яшар болада 1350 граммни ташкил қиласди, шартли рефлекторли алоқалар кўп сонли бўлади, шартли тормозланиш ривожланади. Бу даврда болада сут тишлари пайдо бўлади.

Мактабгача ёшдаги болалар бўйича бир текисда ўсмайди. Аввалига йилига 4 – 6 см, 6 – 7 ёшида 7 – 10 см гача ўсади ва буни бўйининг биринчи физиологик тўзилиш даври деб аталади.

Болаларнинг вазни ҳам бир хилда кўпаймайди. 4 чи ёшда боланинг оғирлиги қарийиб 1,6 кг га кўпаяди, 5 чи ёшда 2 кг га яқин, 6 чи ёшга бориб 2,5 кг, яъни ўрта хисобда йилига 2 кг га кўпаяди. 6, 7 ёшга бориб, боланинг оғирлиги бир яшарлигидагига нисбатан икки барабар ошини керак. Бу ёшда тери тобора қалинлапади, эластиклашади, унда қон томирлар сони камаяди, у механик таъсирларга анчагина чидамли бўлиб қолади. 6 – 7 ёштагача бўлган болалар териси – нинг сирти 1 кг вазнга нисбатан хисоблагандага катталарни – кига қараганда кўпроқ бўлади, шу сабабли улар салга иссиқлаб кетиши ёки совуқ қотиши мумкин.

6. Кичик мактаб ёшдаги давр. Бу давр 7 ёшдан то 12 ёштагача давом этади. Ушбу даврда ўсиши ва скелет сужкларини қотиши давом этади, оёқларнинг ўсиши ҳисобига тана про – порциялари ўзгаради, мушаклар жадал ривожланади, катта ярим шарлар нўстлоғининг интеграцияловчи роли ортади, тормозланиш жараёнлари кучаяди. Жигар, буйраклар, ўнка, юрак ва бошқа аъзолар ҳамда тўқималарнинг структуравий ва функционал дифференциялашуви якунига стади. Тимус безини қайтар ривожланиши бошлиниади. Қалқонсимон без ва гипофизнинг функцияси кучаяди. Жинсий безларнинг

гормонал таъсири бошланади. Жинсий вояга етишни З босқичга бўлишади:

а) пубертатолди даври. Бу давр иккиламчи жинсий белгиларни ўсишини кучайиши ва ривожланишини бошла ниши билан фарқланади;

б) пубертат даври. Бу жинсий вояга етиш даври. Бунда иккиламчи жинсий белгилар шакланади, жинсий аъзолар вояга етади ва иккала жинс учун хос бўлган жараёнлар (ҳайз кўриш ва эякуляция) амалга ошади. Тананинг ўсиши нисбатан секинлашади.

в) пубертаткети даври. Бу даврда жинсий вояга етиш якунланади ва етуклик ёши бошланади.

Жинсий вояга етишнинг динамик жараёни қиз болада 8–9 ёшда, ўғил болада эса 10–11 ёшда бошланади. Ушбу давр 8–9 йил ва ундан кўпроқ вақт давом этади. Жинсий вояга етишни тезлашиши ёки сўстлашишида атроф муҳит, жумладан иқлим шароитлари муҳим рол ўйнайди.

7. Ўрта мактаб ёщдаги даври. Бу давр 12 ёшдан то 15 ёшгача давом этади. Бу давр жадал ўсиш ва тана вазнини ортиши билан тавсифланади. Тана пропорциялари сескинаста вояга етган инсон кўрсаткичларига яқинлашади. Жинсий вояга етиш (ўғил болада 13–14, қиз болада 11–12 ёш) ва жинсий безлар гормонларининг таъсирини ортиши остида иккиламчи жинсий белгилар пайдо бўлади. Гипофиз ва қалқонсимон безнинг функциялари кучаяди, тимус қайтар ривожланишга (инволюцияга) учрайди. Бош мия катта ярим шарларининг қобиғи «организмнинг барча функцияларини бош бошқарувчиси ва тақсимловчиси» сифатида фаолият кўрсатади. Қўзғалиш ва тормозланиш жараёнлариниบาลансланганлиги ва уларни ҳаракатчанлиги токомиллашади, фарқлаш ва умумлаштириш функциялари, айниқса, иккинчи сигнал тизимини ривожланиши туфайли мураккаблашади.

8. Юқори мактаб ёки ўспиринлик ёши даври. Бу давр қиз болада 13 ёшдан то 18 ёшгача, ўғил болада 15–16 ёшдан то 19–20 ёшгача давом этади. Ушбу давр жинсий безлар функциясини кучайиши, иккиламчи жинсий белгиларни ривожланишини якунланиши билан тавсифланади. Бошқа ички секреция безларининг, айниқса, гипофиз ва қалқонсимон безнинг функциялари ҳам кучаяди. Тимус бези бундан мустасно, унинг инволюцияси давом этади. Барча

аъзолар ва тизимлар функцияси, узлуксиз ривожланиш оқибатида, сезиларли даражада такомиллашади.

Иқлім ва иқтисодий шароитта қараб қызларда жинсий стилиш тахминан 12–14 ёшдан бошланиб, 16–18 ёшларда туғайды, үғил болаларда 13–15 ёшдан бошланиб, 18–20 ёшларгача давом этади. Энг аввало жинсий белгилар пайдо бўлади: қовга ва қўлтиққа жун чиқа бошлайди, қызларда сут безлари катталашади, үғил болалар овози дўриллаб қолади. Жинсий безларнинг етилганлик аломати: қызларда ҳайз куриш, үғил болаларда ихтилом бошланади.

Ўсмирнинг взни ортади, бир йилда тахминан 3–5 кг семиради. Ўсмирлар учун тез ўсиш, гавда пропорциясининг бузилиши характерли. Уларнинг бўйи бир йилда тахминан 10 см ўсади, үғил болаларга қараганда қызларнинг зўр бериб ўсиши эртароқ бошланади. Ўсмирларда гавда, тўқима ва аъзоларнинг барча қисмлари тез ўсади ва ривожланади, лекин уларнинг ўсиш суръати турлича бўлади. Қўл ва оёқ—ларнинг узунлашиши яққол сезилади. Үғил болаларнинг танаси, қўл, оёқ ва чаноқ кундалангига бироз ўстач чўзилади. Юз ўзгаради, кўкрак қафаси шакли катталарникига ўхшаб қолади. Гавданинг айрим қисмларини нотекис ўсиши ҳара—катлар уйғунлигининг вақтинча бузилишига олиб келади. Ўсмир бесўнақай ва қўшол бўлиб қолади. 15–16 ёшдан сўнг бу ҳодисалар секин—аста ўтиб кетади. Бу даврда ўсмирларнинг парғада тўғри ўтиришига аҳамият бериш керак, чунки гавдасини нотўғри тутиб ўтирса, умуртқа поғонаси қийшайиб қолиши мумкин.

Чин товуш бойламлари ҳаётнинг биринчи йилида ва 14–15 ёшда айниқса тез ўсади. 12 ёшдан бошлаб товуш бойламлари үғил болаларда қызларникига нисбатан узун бўлади, үғил болаларнинг овозини дўриллаши шу билан изоҳланади.

Ўсмирларда ўпка тез ўсади, умумий ҳажми кенгаяди, 12 ёшга етганда унинг ўпкаси чақалоқникига қараганда 10 марта каттаяди.

Ўсмирларни турли аъзоларида функционал ўзгаришлар кузатилади. Юрак ҳажми катталашади, «ёшлар юраги» ёки ўсмир юраги ҳосил бўлади, қулоқ согланда шовқин эши—тилади. Кўпчилик ҳолатларда қон босимининг ошиши (ёшлар гипертонияси), юрак кучлироқ тепади, томирнинг тез уриши

кузатилади (баъзан босим пасайиб, нульс сийраклашади), ҳансираш, чакка соҳаси оғриши мумкин. Айримларида тӯ – сатдан қисқа муддат бош айланиши, ҳупидан кетиш (кўцинча қизларда), меъда ичак йўлларининг ҳар хил бўлимларида қисилиш ҳолатлари кузатилади. Узоқ вақт тик турганда, қимириламай ўтирганда бош айланиши, юрак ва қорин соҳаларида ноҳуш сезги пайдо бўлади. Мажбуран узоқ вақт тик турганда айрим ўсмиirlар хушидан кетиши ва қусини мумкин. Уларнинг ранги оқаради, қўл бармоқлари муздек бўлиб қолади, баъзан кўкимтириг рангта ҳам кирини мумкин. Бу ҳодисаларниг барчаси ётгандан сўнг тезда ўтиб кетади. Бундай ўсмиirlарда жуда кўп терлаш, қизил дермографизм (терига тирноқ билан чизгандан қизил йўл қолади), кайфиятигининг дарров ўзгариши кузатилади. Бундай ҳодисаларга шу ёшга ҳос вегетатив асад тизими ва эндокрин тизимининг төқарорлиги, руҳий ва жисмоний зўриқини сабаб бўлади. Ёни ўлғайини билан бу аломатлар, одатда ўз – ўзидан ўтиб кетади, аммо шундай ҳодисалар пайдо бўлганда унинг ҳақиқий сабабини аниқлаш учун, албатда, врачга учраини лозим.

Улгайини физиологияси ва жисмоний тарбия институтти томонидан 1965 йилда ёшга оид даврийлик муаммоларига багишлаб ўtkазилган симпозиум барча илмий, таълим, давлатни ва бошқа ташкилотларга қўйидағи ёшга оид даврийлик схемасидан фойдаланишини тавсия қилган:

1. Янги туғилган – биринчи 10 кун;
2. Гўдаклик ёши – 1 ёшга қадар;
3. Илк болалик – 1 ёшдан то 3 ёштагача қадар;
4. Биринчи болалик – 4 ёшдан то 7 ёшта қадар;
5. Иккинчи болалик – ўғил болалар 8 дан 12 ёшта қадар.  
қиз болалар 8 дан 11 ёшта қадар;
6. Ўспиронлик ёши – ўғил болалар 13 дан 16 ёшта қадар.  
қиз болалар 12 дан 15 ёшта қадар;
7. Навқиронлик ёши – ўғил болалар 17 дан 21 ёшта қадар, қиз болалар 16 дан 20 ёшта қадар;
8. Етукллик ёши – биринчи давр: эркаклар 22 дан 35 ёшта қадар, аёллар 21 дан 35 ёшта қадар; иккинчи давр: эркаклар 36 дан 60 ёшта қадар, аёллар 36 дан 55 ёшта қадар;
9. Қариллик ёши – эркаклар 61 дан 70 ёшта қадар, аёллар

56 дан 74 ёшга қадар;

10. Кексалик ёши – эркаклар ва аёллар 90 ёшга қадар;
11. Узок умр күрүвчилар – эркаклар ва аёллар 90 еш ва ундан тоқори.

Кейинчалик, ҳар бир ёшга оид даврни экспериментал асослаш пайтида ушбу даврийликка аниқлик киритилиши мүмкин.

Билимларни текшириш учун саволлар.

1. Одамнинг ривожланишидаги ёшга оид даврлар нималарга асосланган ҳолда аниқланади?
2. Педиатрияда қандай ёшта оид даврлар фарқланади?
3. Болаларнинг алоҳида ёшта оид даврлари учун қандай белгилар хос?

## БОЛАЛАР ВА ЎСПИРИНЛАРНИНГ ЎСИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИНИ УМУМИЙ ҚОНУНИЯТЛАРИ

- ❖ Ўсиш ва ривожланиш түғрисида тушунча.
- ❖ Ривожланишининг нотекислиги ва системогенез.
- ❖ Ривожланишининг узлуксизлиги.
- ❖ Акселерация.
- ❖ Ирсият.

Шахснинг барқамол ривожланишига организмни атроф мұхит билан фаол ҳамкорлығи өқибатида әришилади.

Бола онтогенезининг мұхим қонуниятларига гетера – хрония ва ҳаёт учун мұхим функционал тизимларни мудда – тидаң илгари стилиши ҳодисаси (акселерация) билан узлук – сиз ўсиш ва ривожланиш киритилади.

Ўсиш деганда түқималар, аъзолар ва умуман тана массасини ортини тушунилиб, у, одам танаси катталығи ва шактани мос равишдәги ўзгаришлари билан белгиланади. Барча түқималар ўсади, лекин ушбу жараённинг жадаллігі инсон ҳаётининг алоҳида даврларида турлича ҳамда алоҳида түқималар аъзолар ва тизимлар учун бир вақтда содир бўл – майди. Ўсиш жараёни ўз чегарасига эга бўлиб, аёллар учун 20 – 25 ёшни ва эркаклар учун – 23 – 25 ёшни ташкил қиласи.

Хужайралар сонининг күпайиши билан бир вақтда уларнинг сифат кўрсаткичларини ҳам ўзгариши содир бў – лади, яъни функционал жиҳатдан турли моҳиятта эга түқималар ҳосил бўлади ва ривожланади, улар мураккаб аъзоларга бирлашадилар, алоҳида тизимларга хос бўлган морфологик тўзилмалар шаклланади. Одам организмининг ривожланиши унинг барча ҳаёт цикли даврида содир бўлади. Бунга, вояга етган даврдан бошланадиган қариш жараёнлари ҳам киради ва, қоидага биноан, организмни қайтар ри – вожланиши бошланади. Ривожланиш жараёни аъзолар ва уларнинг тизимлари фаолиятини функционал дифферен – цияланиши ва такомилланишида намоен бўлади, масалан, марказий асаб тизимининг рефлектор фаолиятини ички кортикал алоқаларни, юрак – томир, овқат ҳазм қилиши, та – янч – ҳаракатланиши ва бошқа тизимларнинг мураккабла – шубви ва ривожланиши ҳисобига такомиллашувида билинади.

Ўсиш ва ривожланиш тирик материянинг умумий био-логик хусусиятлари ҳисобланади ва узлуксиз илгариловчи жараён кўринишида бўлади. У ёки бу физиологик тизим-ларнинг тузилишида ёки фаолиятида ёшга оид хусусият-ларнинг мавжудлиги, бола организмини алоҳида ёшга оид даврида тўлақонли ривожланганлигини кўрсатмайди. Айнан шундай ўзига хос хусусиятлар мажмуи у ёки бу ёш даврини тавсифлайди.

**НОТЕКИС РИВОЖЛАНИШ** ёки гетерохрония. Организмнинг нормал ҳолатида ўсиш ва ривожланиш бир-бири билан жуда яқин алоқада ва ҳамкорликда бўлса ҳам, улар бир вақтда ва бир хил жадаллиқда содир бўлмайди, чунки бирон-бир аъзо массасининг катталашиши уни бир вақтда функционал жиҳатдан такомиллашувини билдирамайди. Онтогенезда, биринчи навбатда, онтогенезнинг ушбу босқичида ёки яқин келажагида организмни яшаши учун зарур бўлган аъзо ва тизимларнинг ривожланиш тезлиги ўзгарамади. Ушбу босқичда зарур бўлмаган функционал тизимларнинг ривожланиши эса, аксинча орқада қолади. Бунга мос равишдаги далилларни умумлаштиришда, П.К.Анохин-нинг, фаолияти организмни фойдали мослашувчанлик на-тижаларини таъминловчи тузилмалари бирлиги сифатида намоён бўлувчи алоҳида функционал тизимларни онтогенезда ривожланишининг гетерохронизми тўғрисидаги на-зарияси қўйл келади. Функционал тизимларни кетма-кет шаклланиши системогенез деб номланади.

Сут эмизувчиларнинг ҳар хил турлари янги туғилган болаларининг функционал етуклик даражаси билан фарқланади. Етук туғиладиган ҳайвонлар деярли туғилган зоҳагиёқ тик туриш ва юриш, она сутини мустақил эмиш қобилиятига эгадирлар (масалан, бузоқлар, тойчоқлар), дениз чўчқачалари ва бошқалар). Етук туғилмайдиган ҳайвон болаларининг ҳаракат функциялари нисбатан суст ривожланган бўлиб, ҳаётининг биринчи куни ва ҳафталарида улар кучсиз ва ҳимояга муҳтождирлар (итлар, мушуклар ва қуёнлар боласи). Бундай янги туғилган болаларда етук туғилмаган организмнинг белгилари жуда кескин намоён бўлади ва уларнинг ривожланишида вояга этиш муддати жуда узунидир.

Савол туғилади – одам организмини стуклик давргача ривожланиши учун шунча узоқ даврни қандай зарурати бор? Ушбу саволга аниқ жавоб беринің қийин. Балким, кетма – кет морфологик ва функционал қайта шаклланиш шароити – дагина, одам мияси үзининг мураккаб психик функциялари билан ривожлана олса керак. Инсон – ижтимоий организм. Мия функциясини нормал ривожланиши бола бошқа одамлар билан мулоқотда бўлганда гина амалга ошади. Инсон жамиятидан ташқарида бола миясининг психик функция – лари (онг, тафаккур, нутқ) ривожланища орқада қолади. Бу тўнрисида ҳайвонлар орасида яшаб улғайган болалар ҳастини баён қилинча кўп гапирилган.


Гетерохронияга мисоллардан айримларини кўриб чиқа миз. Гўдакни туғилган моментда яшашини таъминлаш учун, онтогенезнинг биринчи босқичида ҳаёт учун муҳим аҳами – ятга эга бўлган функционал тизимлари унинг эмбриогенез жараёнида олдиндан етишади. Бунга, гўдакнииг сут эмиши, йўталиш, кўзини очиб юмиш ва бошқа шу каби уни овқат – ланиши ва муҳитнинг заарали таъсирларидан ҳимояланиш функцияларини таъминловчи рефлекслари киради. Ушбу рефлексларнинг биологик фаоллиги муҳимдир. Агар, чақалоқ туғилган моментида, унинг сўриш функционал тизими етилмаган бўлса (бола муддатидан анча илгари туғилган ҳолатда юзага келади) унда сўриш рефлексини чақириш учун чоралар кўриш зарурати келиб чиқади. Аксириш, йў – талиш ва кўзни очиб – юмиш рефлекслари ёрдамида гў – дакнинг нафас йўллари ҳамда кўз соққасидаги унинг ҳаёти учун ҳавфли ҳолатни юзага келтириши мумкин бўлган зар – рачалар ва чанглар чиқарип юборилади. Туғилиш моментида етилмаган ёки тўлиқ етилмаган функционал тизимлар мав – жуд. Гўдак калласи терисида асаб охирларига эга бўлган учламчи асаб, туғилиш моментида ўзига хос бўлган функцияларни бажаришга тузилмавий ва функционал жиҳатдан тайёр бўлмас экан. Юрак иннервациясида гетерохрония, симпатик иннервациянинг етилишини илгарила бекетиш кўринишида намоён бўлади, парасимпа – тик иннервация (адашган асаб) эса, фақатгина 15 – 16 ёшга келиб юрак фаолиятини бошқаришда тўлиқ равишда фаол қатнаша бош – лайди.

Одам ривожланишининг узлуксиз жараёнида бундай гетерохрон етилиш ва функционал тизимларнинг олмасиши узок муддатли филогенез ва онтогенез ҳамда эволюцион қайта ўзгаришларда мослашишининг прогрессив шакларини наслий мустаҳкамланиши оқибати ҳисобланади.

П.К.Лнохиннинг фикри бўйича, туғилиш моментига келиб, тўлақонли функционал тизим қўйидаги бўғинларга эга бўлиши керак: бола организмига бўладиган ўзига хос таъсиrlарни қабул қила олиш қобилиятига эга бўлган рецептор аппаратлар; асад тизимининг ўтказувчи қисмлари; марказий нейронлароро алоқалар; периферик ишчи аппаратурлар ва қайтар афферент ахборотни таъминловчи афферент аппаратлар бирлиги. Тузилмавий ривожланишининг гетерохрон жараёnlари тизим ичида ҳам (яъни битта функционал тизим доирасида), тизимлароро (яъни алоҳида тузилемавий ҳосилалар организмнинг постнатол ривожланишининг турли даврларида унга зарур бўлганда) ҳам бўлиши мумкин.

Ривожланишининг иотекислигини қўйидаги ёшга оид ўзгаришлар мисолида кузатиш мумкин (1 расм). Янги туғилган гўдак нисбатан калта қўл – оёқлари, танаси ва бошининг кагталиги билан фарқланади. Унинг калласининг баландлиги танаси узунлигининг  $1/4$  қисмини, икки яшар болада эса –  $1/5$ , олти яшарда –  $1/6$ , ўн икки яшарда –  $1/7$  ва вояга стган одамда –  $1/8$  қисмили ташкил этади. Ён катталаштан сари калланинг ўсиши секинлашади, оёқ – қўллар – нинг ўсиши эса кучаяди. Жинсий етилиш даврини бошланшига қадар тана пропорцияларидаи фарқ бўлмайди ва улар пубертат даврида пайдо бўлади.

Тананинг бўйи ва эни ўртасидаги пропорцияларни турлича бўлишини учта босқичини ажратиш мумкин: 4 ёндан 6 ёнгача, 6 дан 15 ёшгача ва 15 ёндан то вояга етгунча қадар. Агар, пубертатолди даврида умумий бўй оёқларнинг ўсиши ҳисобига ортса, пубертат даврида эса – тананинг ўсиши ҳисобига (суюкларнинг қалинлашиши ва мушак тўқималарнинг ўсиши) ортади.



1 расм. Тана пропорциясининг ёшга оид ўзгариши.

1–2 ойлик хомила, 2–4 ойлик хомила, 3–Яни түғилган чақалоқ, 4–2 ёшлик бола, 5–6 ёшлик бола, 6–12 ёшлик бола, 7–25 ёшлик йигит


Тананинг бўйига ўсишининг нотекислиги қуйидагича намоён бўлади (2 – расм). Бола ҳаётининг биринчи йилида унинг бўйи 25 см ўсади ва 75 см ташкил қиласди. Иккинчи йили тананинг ўсиши секинлашади ва у фақат 10 см ўсади. Кейинги йилларда (6 – 7 ёштагача) ўсиши тезлиги янада секинлашади. Кичик мактаб ёшишининг бошланишида бўй 6 – 10 см, 8 – 10 ёшта келиб эса – 3 – 5 см га ўсади. Жинсий болаготта етиш даврида ўсиши тезлиги яна ортади – ҳар йилги ўсиш 5 – 10 см ташкил этади. Тана ўсишининг энг кўп ортиши қиз болаларда 12 ёшта келиб, ўғил болаларда эса – 15 ёнда кузатилади (3 – расм). Бўйининг ўсиши асосан қиз болларда 19 ёшга келиб, ўғил болаларда эса – 20 ёшга келиб тугалланади. Янги түғилган даврдан то вояга етгунга қадар инсоннинг бўйи 3, танаси – 3,5, қўллари – 4, оёқлари – 5 маротаба узунлашади. Тананинг бўйига ўсиши ҳаётининг биринчи йилида унинг массасини ортиши билан, кейинги даврда секинлашиши эса – функционал тизимларнинг ҳужай – ралари, тўқималари, аъзолари дифференциялануви жара – ёнларини фаолашуви билан боғлиқ бўлади. Лекин, фаол ўсиш даврлари жадал дифференциялашув даврлари билан

мос келмаслиги мумкин. Масалан, баш мия ва орқа мия массасининг ўсиши 8–10 ёнга келиб вояга етган инсон мияси оғирлигига тенгланишган ҳолда деярли якунланиши мумкин, унинг асаб тизимини функционал такомиллапуви эса яна узоқ муддат содир бўлади.

Боланинг ҳар қандай ёпида унинг ва оғирлигини аниқлаш имкониятини берувчи қулай эмпирик математик формулалар ишлаб чиқилган. Бола бир ёшга тўлгандан кейин унинг оғирлигини аниқлани учун қуйидаги формула тақлиф қилинган:


$$P = P_1 \cdot (2 \text{ кг} \times N)$$

бунда:  $P$  - боланинг аниқланган оғирлиги (кг);



2-Расм. Бўй ўсишни билдирувчи ўсиш эгричизиги ва тананинг йиллик ўсиши.

Ординатада: А—бўй узунлиги, см.да, Б—бир йиллик бўйни ўсиши, см.да. берилган. Абциссада—ёши йилларда берилган.



3-Расм. Бола ва қизларда бўйнинг пуберват ўсиши.

Ординатада—бир йиллик бўйнинг ўсиши, см.да, абциссада—ёши йилларда берилган.

6246

P<sub>1</sub>- бир яшар боланинг оғирлиги (ұртача 10 кг);

N - бола ёшининг сони;

2 кг - бир ёшдан кейинги бола оғирлигини ҳар йилги ортиши.

Бир ёшдан юқори бола бўйини узунлигини аниқлаш учун қуийдаги формула таклиф қилинган:

$$A = A_1 + (5 \times N)$$

бунда: A – боланинг аниқланган бўйи;

A<sub>1</sub> – бир яшар боланинг бўйи (ұртача 75 см);

5 – бир ёшдан кейинги ұртача бўйининг ўсиши;

N – бола ёшининг сони.

Келтирилган формулаларни боланинг жисмоний ривожланишини аниқлаш учун нисбий аҳамиятта эга эканлигини эслатиш лозим.

**РИВОЖЛАНИШНИНГ УЗЛУКСИЗЛИГИ.** Ўсии ва ривожланиш жараёнлари узлуксиз содир бўлиши аниқланган ва у, организмнинг ўзгаришларида, яъни унинг янгилашишида, янги ҳужайраларнинг пайдо бўлишида, функцияларнинг ва фаолият турларининг мураккаблашишида ҳамда такомиллашишида намоён бўлади. Юришининг бошланиши ва моториканинг кейинги ривожланиши, биринчи сўзлар ва нутқ функциясининг кейинчалик ривожланиши, жинсий балоғатга етиш даврида болани ўсиринга айланиши, марказий асад тизимини ва биринчи галда бош мия пўстлоғини узлуксиз ривожланиши ҳамда рефлектор фаолиятини мураккаблашуви – ривожланишининг бу босқичлари организмдаги кўп қиррали ва турли хилдаги узлуксиз ўзгаришларнинг бир қисминигина ташкил қиласиди. Бунда, барча аъзолар ва тўқималарнинг ривожланиши уларни функционал жиҳатдан такомиллашуви билан бир вақтда содир бўлади.

Узлуксиз ривожланиш қариллик чоғида ҳам кузатилади ва у, инволюцион тавсифга эга. Қариллик чоғидаги организмда содир бўладиган ўзгаришлар жуда мураккаб ва ушбу муаммо, буюк алломаларни жуда қадимдан ўзига жалб қиласиди. Бунда, барча жойларида охирги 100 – 150 йил давомида кузатила –

**АКСЕЛЕРАЦИЯ.** Ривожланишдаги акселерация (лотинча *acceleratio* – тезлаштириш) ёки тезлашган ривожланиш муаммоси бутун дунё биологлари, тиббиётчилари ва социологлари диққатини жалб қиласиди. Бундай ном билан, ер юзининг барча жойларида охирги 100 – 150 йил давомида кузатила –

ётган ҳодиса аталмоқда. «Ривожланиш» атамаси кенг маъно англатганлиги сабабли унга аниқлик киритиш мақсадга мукофиқидир. Биологик ва ижтимоий акселерация тұғрисида гапиришта барча асослар мавжуд.

Биологик акселерация деганда, инсоннинг биологик ривожланишига тааллуқли барча ўзгаришларни тупиниш керак. Бунга, одамни морфологик ва функционал ривожла-нишини тавсифловчи бир қатор күрсаткичлар киради. Ушбу ўзгаришлар маълум бир ижтимоий муҳиттә содир бўлади ва кўп жиҳатдан ижтимоий сабаблар билан белгиланади. Ижтимоий акселерация деганда, болалар билимларининг ҳажмини улардан 50 – 100 йил илгари яшаган тенгдошлариникуга нисбатан органдарни тушуниш керак.

XX асрнинг 20 – йилларидан бошлаб Швеция, Англия, Германия, АҚШ, Япония ва бошқа мамлакатлардаги 6 – 14 ёшдаги болалар, ўз ривожланишида, улардан юз йил илгари яшаган тенгдошларига нисбатан анча ўзиб кетганлиги тұғрисидаги маълумотлар пайдо бўла бошлади. Кичик ва ўрта ёшдаги болаларнинг бўйи 10 – 15 см, оғирлиги эса – 8 – 10 кг органдарни аниқланди. Ушбу ҳодиса – бўй ва оғирликни асрий ортиши деган ном олди. Кейнги йилларда, акселерация янада ёрқин намоён бўлғанлиги кузатилган. Бундан 50 йил илгари одамлар бўйининг максимал узунлиги 25 – 26 ёшга тұғри келган бўлса, бизнинг замонимизда ўғил болалар 18 – 19 ёшда, қиз болалар эса 16 – 17 ёшда тұлық жисмоний ба-логатта етадилар, янги туғилган чақалоқлар танасининг узунлиги 1930 – 1940 йиллардагига нисбатан ўртача 1 см кўп.

Акселерация кейинги ёш даврларини ҳам қамраб олади. 1970 йилда туғилган болалар бир ёшга тұлғанда 1900 – 1910 йилларда туғилган ўз тенгдошларидан 2 см узунроқдир. Уч яшар ўғил болаларнинг бўйи 1901 – 1905 йиллардагиларга нисбатан 15,5 см баландроқдир. Ушбу ёндаги Варшавалик болаларнинг бўйи 1924 йилдан то 1961 йилгача 4 см ўстган. Етти яшар ўғил болаларнинг бўйи 1959 йилда 1901 – 1905 йилларга нисбатан 9 см баланд бўлган. Бундай мисолларни жуда кўп көлтириш мумкин. Лекин, шуни күрсатишимиз лозимки, 1941 йилда қиз болалар бўйини ўсиши 20 ёшта ке-либ тұхтаган бўлса, ҳозирда 18 ёшда, ўғил болаларники 25 ёшда бўлса, ҳозирда 20 ёшда тұхтамоқда.

Гавда узунлигининг ўртача катталиги (Россияда, Европада, 180 – 182 см) ҳали ривоожланиш баркамоллиги сақланган нормани асрлар давомида кузатилган чегаралар – пинг юқори кўрсаттичига яқинлашиши содир бўлмоқда.

Гавда массасининг ортиши эътиборни жалб қилмоқда. Бўйнинг ўсишини ортиши, сўзсиз массани ҳам ортишига олиб келади. Шу билан бирга, массасининг ортиши бўйнинг ўсиши натижасида ортишига нисбатан каттароқ бўлади. Янги туғилган чақалоқнинг массаси охирги 30 – 40 йилларда тахминан 200 граммга кўпайган. Агарда, бўйнинг узунлиги 1 см кўнайгандаги ҳисобга олинса, унда массаси 6 – 7 гр кўнайиши даркор ёди. Ушбу кўрсаткич анча кўплиги туфайли массасининг ортиши фақатгина бўйнинг ўсиши билан боғлиқ эмас деб айтса бўлади. Янги туғилган бола массасининг ортиши ҳомиладор аёлларни овқатланишида рационаллик йўқлити оқибати деса ҳам бўлади.

Бир ёшдаги болалар 50 йил илгариги тен қурларига нисбатан 1,5 – 2 кг оғирдирлар. Европанинг бир қатор шашарларидағи маълумотларга кўра, охирги 80 йил ичида, 13 яшар ўғил болаларнинг массаси 12 кг кўпайган. Вояга етган Москваликларнинг массаси, охирги 40 йилда 9 кг ортган. Массасининг бундай кескин ортиши, албатта, акселерациянинг оқибатида эмас, балки ортиқча овқатланиш натижасида деган холоса кўпроқ тўғри келади.

Акселерация организмидаги кўпчилик функционал тизимлари ривожланишига ҳам таъсир кўрсатди: таянчхаракат, эндокрин ва бошқалар. Масалан, қўл бармоқлари ва кифтнинг суюкларини қотиши 1936 йилдагига нисбатан 1 – 2 йил олдинроқ содир бўлмоқда. Сут тишларнинг доимий тишларга алмашиши ҳам шу муддатларга олдинга сурилган.

Жинсий балоғатта етиш аср бошидагига нисбатан 2 йил илгари содир бўлмоқда. Чехиядаги қизларнинг ҳайз кўриши 1914 йилда ўртача 14 ёшда содир бўлган бўлса, 1963 йилга келиб 12 йилу 8 ойда бошланган. Норвегияда яшайдиган қиз болаларда ҳайз кўриш 1850 йилда 17 ёнда бошланган бўлса, 1967 йилда – 13,5 ёшда бошланган.

Жинсий балоғатта етиш муддатлари географик, климатик шароитлар ва ирқий хусусиятлар билан белгиланади деган мустаҳкам ўрганилган нуқтаи назар қайта кўриб чиқилмоқда. Масалан, Нигерияда жинсий балоғатта етиш

14,3 ёшда содир бўлса, эскимосларда – 14,7 ёшда бошланади, Болтиқбўйи мамлакатларида Ўрта ер денгизи бўйидаги мам – лакатларга нисбатан илгарироқ, Англияда эса Нигерия ва Ҳиндистондагига нисбатан бир йил олдин бошланади.

Жинсий балоғатта етиш муддатларига турмуш тарзи кўпроқ таъсир қиласи. Шаҳарлик қизларнинг жинсий ба – лоғатта етиши қишлоқдаги қизларникига нисбатан 2–3 йил олдин бошланади.

Жинсий балоғатга етишининг тез бошланиши билан биргаликда климаксининг бошланиш муддати чўзилган. Ҳозирда климакс 48–50 ёшда кузатилса, XX асрнинг бошида 43–44 ёшда бошланган. Шундай қилиб, аёлларнинг бола туғиши даври 7–8 йилга кўпайган.

Одам ривожланиши тезлашганини тасдиқлаш учун асос бўлган ўзгаришлар юқоридагилардан иборат.

Охирги ўн йиллар ичида болаларнинг тез ривожланиши тушинтириш учун бир қатор назариялар таклиф қилинган.

**ГЕЛИОГЕН ТЕЗЛАШИШ НАЗАРИЯСИ** – муаллифи доктор Коҳ (1935 й), у амалиётга «акселерация» тушунчасини киритган, унинг назариясига кўра, ўсишни тезлашишини чақирувчи бирламчи қўзғаттич қуёш ҳисобланади. Яхши турмуш шароитлари ва ёритилганлик, очик ҳавода узоқ мулдат бўлиш, калорияли овқатланиш, бола организмини Д витамини билан таъминланганлиги ва жадал инсолияция – акселерация содир бўлишига ёрдам берувчи омиллар ҳисобланади. Лекин, ушбу назария, шаҳар ва қишлоқ болалари, яхши ва кам таъминланган оиласардаги болалар ўртасидаги ривожланиш тезлиги даражасидаги фарқланишни тушинтира олмайди.

Ленц билдирган фикрга кўра, охирги 100 йил давомида АҚШ ва Европа мамлакатларида гўшт ва ёғни истеъмол қилишнинг ортиши ривожланишни тезлашишига олиб келган асосий сабабдир. Оқсил ва ёғларининг акселерацияни чақирувчи таъсири Ленцнинг фикрича гипофиз ва қал – қансимон безнинг иштирокида амалга оширилади. Лекин, тадқиқотлар шуни кўрсатадики, антропометрик кўрсат – кичларнинг катталашиши ушбу маҳсулотларни истеъмол қилишга нисбатан ортиқдир. Иккинчи жаҳон уруши пайтида ва ундан кейинги даврда шаҳар ва қишлоқда яшовчи болалар

бир хил овқатланган, айрим ҳолларда қишлоқ болалари ях – широқ овқатланганлар, лекин шунга қарамасдан шаҳарлик болалар йирикроқ бўлганлиги аниқланган. Демак, овқат – ланиш муҳим омил бўлгани билан акселерациянинг ягона сабаби сифатида қаралмайди. Оловли Ер аҳолиси орасида Она деб номланган қабила бўлиб, уларнинг бўйи 175 см, бошқаси Яхган номли қабилаларнинг бўйи эса 158 см дан ошмайди. Ушбу иккала қабила бир хил климатик шароит – ларда ёнма – ён яшайдилар ва овқатланишида ҳам кам фарқланади.

БЕРГЕРНИНГ ВИТАМИНЛАР ЭРАСИ НАЗАРИЯСИга кўра ўсиш жараёнларини тезлашишига  $B_1$ ,  $B_{12}$  ва  $\Delta$  витаминаларини таъсирига катта аҳамият берилади. Лекин, витаминалар эраси бошланишидан аввал ўсиш жараёнлари – даги ўзгаришлар мавжуд эканлиги кўрсатилган.

КОНСТИТУЦИОНАЛ ТАНЛАШ НАЗАРИЯСИ кенг тарқалган бўлиб, 1942 йилда Бенхолдт – Томсен томонидан илгари сурилган. Унинг фикрича, акселарация – вегетатив, ички секреторли ва мия билан боғлиқ (ақлий) фаолият турларига қобилияти ёки организмининг реактивлиги юқори бўлган одамлар сонининг кўпайиши билан белгиланади. Бундай қобилияти одамлар бир – бири билан турмуш қуришган, натижада уларнинг хусусиятлари ҳам насл орқали болаларига ва келгуси авлодларига ўтган. Ушбу назарияга кўра, шаҳар аҳолисининг ривожланишини техника, кескин фарқлар, шовқин, ёритилиш, турмуш тарзининг тезлиги ва ҳ.к. қўзгаттичлар ҳам тезлаштиради. Шундай қилиб, бунда, одамларни қишлоқлардан шаҳарларга ва қайтар кўчириш пайтида танлаш омили биринчи кўрсатилади. Ушбу назария инқроз, ишсизлик ва уруш йилларида ҳам акселерацияни пасайганлиги сабабларини тушинтирмайди.

РАДИОТЎЛҚИНЛИ НАЗАРИЯСИни 1941 йилда Трей – берг илгари сурган. Унга кўра, одам гавдаси катталикларини ортишини бошланиши 20 – йилларнинг бошида радиостанцияларни қуришни бошланиши билан тўғри келади. Лекин, шу ҳам маълумки, гарчанд радио тўлқинлари сақланиб турса ҳам атроф муҳитни ноқулай шароитларида (уруш, очарчилик, эпидемия) ўсиш тормозланади. Ер шарида рентген мосламаларини кенг тармоғини ўрнатилганилиги ҳамда одам –

чотни радиоактив нурланиши даражасини ортиши акселерацияга күмаклашып мумкин.

Ва, охир оқибатда, ижтимоий – майший шароитларни яхшиланиши, кенг жорий қылинган гигиена тадбирлари, овқатланишинг яхшиланиши ва бошқа күпчилик омиллар шунга олиб келдик, наслий асос солинган сифатлар тұлық үзини реализация қылди. Бундай имконият ёмон ижтимоий – майший шароитларда мавжуд бўлиши мумкин эмас.

Ф.Ярда наслий генетик омил кейинги авлодларнинг ўсишини тезлашишини белгилайди. Агар яшац шароитлари яхни бўлса (овқатланиш ва климат), ушбу наслийлик хусусият сифатида ўсишини тезлашишини таъминлайди. Бунга, ГЕТЕРОЗИС НАЗАРИЯСИни ҳам кўрсатиш мумкин. XIX асрда, айниқса, XX асрда ижтимоий, диний, ирқий ва миллатлараро чегараларни бузилишига олиб келган кескин ижтимоий ўзгаришлар содир бўлди. Буниинг оқибатида миллатлараро оила қуришлар оддий ҳолга айланди. Ҳозирги вақтда, турли динга мансуб одамларни турмуш қуришита қаршилик қилиш тўсиқ бўлмай қолди. Оила қуришда географик чегаралар ҳам кескин кенгайди. Буниинг ҳаммаси наслийликни кескин ўзгаришига олиб келди ва унинг оқибатида ривожланиш акселерацияси содир бўлди.

УРБАНИЗАЦИЯ НАЗАРИЯСИ – XIX асрнинг иккинчи ярми, айниқса, XX аср шаҳарларни кескин ривожланишини ва қишлоқ аҳолисини шаҳарларга кўчиб ўтишини билан тавсифланишини тасдиқлайди. Шаҳар турмуш тарзи, унинг үзига хослиги ва ҳодисаларга бойлиги интеллектуал ва сексуал ривожланишини эртароқ содир бўлишига, бу эса, ўз наебатида, эртароқ жинсий балоғатта етишига, ўсишини тезлашиши ва шу кабиларга олиб келади.

Келтирилган назариялар маълум илмий қизиқишини уйғотади, лекин уларнинг фақат биттаси билан акселерацияни тушинтириш мумкин эмас. Эҳтимол, кўриб чиқилган ҳодисалар ва овқатланиш гетерозис, урбанизация, нурланиш, ижтимоий – майлий яъни ижтимоий ва биологик омиллар – нинг мураккаб мажмуида шароитларининг яхшиланишини уйғуналигига, акселерация сабабларини излаш керак. Акселерациянинг оқибатлари бир хил бўлмайди, чунки ўсишининг тезлашишида организмни барча тизимларини тезкор ривожланиши рўй беради: юрак қисқаришлари, нафас олиш

частотаси тезроқ пасаяди, жинсий балогатта стиш эрта содир бўлади ва ҳ.к. Бу эса, ҳамма вақт ҳам маъқул эмас, чунки жисмонан настроқ ривожланган бола акселератдан чидам – лироқ бўлиш ҳоллари ҳам кам учрамайди.

Акселерация гетерохронияни, яъни ўсиш ва ривожла – нишни нотекислигини кучайтириди. Бола 10 – 11 ёшига тўл – ганда унинг эндокрин тизимида гормонларни ажралишини кучайганлиги туфайли кучли ўзгаришлар содир бўлади. Улар гавда ўсишини рағбатлантиради, лекин кўкрак қафаси ўсишда орқада қолади. Акселерация содир бўлаётган ўспи – ринда ушбу диспропорция кучаяди. Тана ва юрак катта – ликларини мос келмаслиги анча сезиларли бўла бошлайди. Юрак ўсишидаги бу ортда қолиш қон билан таъминланига ва организмни кислород ва озуқа моддалари билан таъмин – лашга сезиларли таъсир кўрсатади. Тана ўсишини тезлашуви оқибатида қон – томир тизими ривожланишини орқада қолиши билан боғлиқ гипертония хасталигига учраган ак – селератлар ҳам учрамоқда. Секин ўсаёттап болаларда бундай ҳодиса кузагилмайди.

Юқорида айтилганидек, биологик акселерациядан ташқари ижтимоий акселерация ҳам бўлиши мумкин. На – фақат физиологик механизmlар кучайди, балки психик жа – раёнлар ҳам анча вояга етди. Бошқача айтганда, болалар нафақат баландроқ ва йириқроқ бўлишган, балки бир вақтнинг ўзида эртароқ вояга етмоқдалар. Назарий фикр юритганда болаларни вояга етишини тезлашишини ҳам ту – шиниш мумкин. Агарда, жинсий балогатга етиш 2 йил ил – гарни содир бўлса, бу ҳолатда бутун эндокрин тизим ва у билан бирга барча функционал тизимларнинг жумладан асаб тизимининг фаолияти қайта ўзгартирилади. Шунинг учун, акселерация физиологик ҳамда психик жараёнлар ва механизmlарни қамраб олади деяни хуносага келиш мумкин.

Қайсиdir даражада, акселерация билан мактабда эрта – роқ таълим олишни бошлаш борлиги боғлиқdir. Муваф – фақиятли таълим олишга, сўзсиз болаларнинг ахборотларга бойлиги кўмаклашади ва шу туфайли миянинг аналитик имкониятларини юқори даражада ривожланиши кузатилади. Акселерация, М.И.Сеченов ва И.П.Павловнинг ҳайвонлар организми ва атроф – муҳит бир – бири билан мустаҳкам боғлиқdir ҳамда муҳитнинг ўзгариши функционал тизим –

ларда мослашиш характеристига эга маълум бир ўзгаришларга олиб келади деган таълимотини исботлайдиган далиллардан бири ҳисобланади. Бирон – бир омилларни узоқ муддат таъсири доимий ҳисобланмаган ва янги шароитларда ўзга – риш қобилияти бўлмаган янги белгиларни пайдо бўлиши билан бирга ўтиши мумкин.

Ирсият, наслий ўзгарувчанлик қонуниятларини антро – погенетик ўрганади. Инсоннинг шаклланишида биологик омиллардан ташқари ижтимоий омиллар ҳам муҳим аҳами – ятга эга. Натижада, одамда олий асаб фаолияти, яъни онг, тафаккур, идрок, нутқ, меҳнат қилиш қобилияти ва ҳ.к. пайдо бўлган. Ушбу хусусиятларни наслдан ўтиши генетик ва ижтимоий омилларнинг умумий таъсири остида амалга ошади. Одам генетикасини ўрганиш пайтида генеологик, популяцион, эгизаклик, цитогенетик усувлар ва молекуляр генетика усули қўлланилади. Наслдан наслга ўтиш барча тирик организмлар учун хосдир. У, тур учун хос бўлган белгиларни, тузилиш хусусиятларини, индивидуал ривож – ланиш ва организмни функция қилиши кабиларни сақлаш ва авлоддарга узатиш қобилиятида намоён бўлади.

Ирсиятнинг сирлари кўп вақтдан бери инсонни қизиқтириб келган ва унинг табиати тўғрисида турли – туман фикрлар, айрим ҳолларда афсонавий эҳтимоллар ай – тилган. Фақатгина 1944 йилда аниқлаандики, ирсиятнинг материал моддаси дезоксирибонуклеин кислота (ДНК) ҳи – собланади. Ҳужайра бўлинганда ДНКнинг қиз молекулалари янги ҳужайралар ўртасида тақсимланади ва шу туфайли наслийлик моддасини сақланиши ҳамда бир – бирига ўтиши, оқибатда авлодда ўзига хос белгиларни таъминлайди.

ДНКнинг асосий миқдори ҳужайра ядросининг ихти – сослашган тузилмаларида – хромосомаларида мавжуд бўлиб, уларнинг сони, тузилиши ва шакли ҳар бир тур организм учун ўзига хосдир. Масалан, одамда 46 та хромосома мавжуд бўлиб, уларнинг 44 таси 22 жуфт гомологик хромосомаларни (аутосомаларни) ҳосил қиласи ва иккитаси жинсий хромо – сомалар жуфтлигини ташил қиласи. Жинсий хромосома – ларнинг жуфтлиги эркаклар ва аёлларда турлича бўлади. У, аёлларда иккита ўхиша X – хромосомалардан (XX), эркак – лардан эса – битта X ва битта Y хромосомалардан (XY – жуфтлик) ташкил толган. Алоҳида хромосома – бу кетма –

кет жойлашған генлар гурухы бўлиб, улар мустақил равища да ёки бошқа оқсиллар билан ҳамкорлиқда организмда маълум бир белгиларни пайдо бўлиши билан белгилайди. Хромосомалар жуфтлиги, ўз навбатида, генларнинг умумий тўпламидаги генлар жуфтлигини, яъни генотипни аниқлайди.

Ген – доимий, ўзгармас ҳисобланмайди, унда ўзга – ришлар – мутация содир бўлиши ва нишонда геннинг фақаттина ўзига хос хосиятлари бўлган вариантлари пайдо бўлиши мумкин. Эволюция жараёнида бир хил мутациялар йўқ бўлган, бошқалари эса сақланиб қолган. Масалан, кўз қорачигини рангига жавоб берадиган ген иккита вариантта эга: биттаси жигар рангни, иккинчиси – ҳаво рангни белгилайди; одам қонини гуруҳларга мансублигини назорат қилувчи ген З та вариантта эга ва ҳ.к. Ген вариантларидан тузилган жуфтлики аллел деб аталади.

Генларнинг аллел жуфтликлари уруғлацган пайтда шаклланади. Етук жинсий ҳужайралар мейотик бўлиниш йўли билан ҳосил бўлади. Тухим ҳужайралар ва спермата – зоидлар хромосомаларнинг гаплоид тўпламига эга. Уруғланган пайтда сперматозоид ва тухум ҳужайраларнинг ядролари қўшилади ва организм учун хос бўлган хромосомаларнинг диплоид тўплами тикланади. Лекин, энди унинг ярми онаси ва ярми отасининг хромосомаларидан иборат. Хромосомалар жуфтлигини тикланиши, ўз навбатида, отоналари белгиларидан ўзига хос фарқлари бўлган янги аллел жуфтликларни шаклланишига олиб келади.

Гомологик хромосомалар гаметалар ўртасида тақсимланиши ва уруғланиш пайтида гаметаларнинг учрашиши тасодиф қонуни бўйича амалга ошиши туфайли, уруғланган тухум ҳужайрада (зигота) ҳар қандай гомологик хромосомалар учрашиши ва аллел жуфтликни ҳосил қилиши эҳтимоли тенгдир. Аллеллар бир хил бўлганда, улар нишонларни шаклланишида бир хил йўналинида қатнашадилар. Аллеллар ҳар хил бўлганда, улар ўртасида ўзига хос ҳамкорлик муносабатлари ўrnагилиши мумкин: бири иккинчисини намоён бўлишини қисман ёки тўлиқ йўқотади (доминантлик ҳодисаси), ёки уларнинг иккаласи ҳам намоён бўлади (кодоминантлик ҳодисаси). Доминант аллеллар назорат қиладиган белгилар бир хил даражада эркак ва аёлларда топилади ҳамда уларни кейинги бир нечта авлодларда кузатиш мум-

кин. Агар, бундай белги болада намоён бўлса, у, албаттга, ота ёки онада бўлини мажбурдир. Бошқа томондан, ота – онада доминант белгини мавжудиги, у, албаттга, болада ҳам намоён бўлади дегани эмас. Агар ота – она гетерозиготали бўлса, уруғланишда таркибида доминант ген бўлмаган гаметалар қатнашиши эҳтимоли бор ва болада, ота – онага хос доминант белгилар бўлмаслиги мумкин.

Рецесив белгиларга эга одамлар соғлом одамлардан фарқ қилмайди ва ушбу белгиларни ташувчи экаплигини ҳам билмайдилар. Рецесив белгиларни намоён бўлиши учун ота ва она ҳам ушбу белгиларни ташувчи бўлиши лозим. Бундай ирсият қонуниятлари, нима сабабдан амалда соғлом ота ва онадан ирсий қасалликлари бўлган бола туғилиши мумкин – лигини тушиниш имконини беради. Патологик белгиларниң яширин ҳолатига ташувчилик частотаси жуда кичик ва генларида бир хил ўзгаришлар ташувчи одамларни оила қуриш эҳтимоли эса ундан ҳам камдир.

Ҳозирги вақтда, одамларда кўпчилик доминант ва речесив белгилар топилган. Доминант белгиларга қўл бармоқларниң калта бўлиши, қўшилиб ўстган бармоқлар, аниқ қўришни, бузилиши шапқўрлик, нормал тана ва боши бўлган ҳолда, қўл – оёқларниң калта бўлиши, одингга туртиб чиқиб турган жағлар, қонда холестерин миқдорини кўплиги, яногида чуқурчаларни мавжудлиги, кўзларни катта бўлиши, катта бурун; бурун тешикларини катта бўлиши, узун даҳан, майда қўннироқ соchlар, 25 ёшта келиб соchlарни оқариши, эркакларни жуда эрта кал бўлиши, туғилганда тишларниң мавжудлиги, терининг қоралиги, сепкиллар, нормал ўсиш, ўнг қўллилик, абсолют эшитиш қобилияти, семизликка мойиллик, узун кириклар, А, В, АВ – қон гурухлари ва бошқалар киради.

Речесив белгилар: соchlарниң бўлмаслиги, силлиқ соchlар, оч рангли соchlар, ингичка бош бармоқ, кўк кўзлар, ўғил болаларда қандли диабат, кичик кўзлар, нормал қўриш қобилияти, энли ва қиррали бурун, калта даҳан, 40 ёшдан кейин соchlарниң оқариши, аёлларниң кал бўлиши, туғилганда тишларниң бўлмаслиги, бош суягининг узун бўлиши, чалақайлик, ирсий карлик, қоннинг О гурухи, ўроқсимон ҳужайрали анемия, гемофилия, галактоземия, алькантонурия, туғма карлик, микроцефалия, фенилкетону –

рия ва бошқалар. Чақалоқлар касалликларининг 93 фоизига яқини наслий мойиллик, яъни насл бўйича ўтадиган нуқсонни ўз ичига олган ўзига хос генлар тўплами билан тушинтирилади. Кўинча, булар моддалар алмашинувининг ёки оқсиллар биосинтезининг ҳозирги вақтда углеводлар алмашинувининг бузилиш сабаблари яхши ўрганилган. Голюзиготали рецессив ҳолатда гликозидазалар синтези бузилади ва углеводлар парчаланмайди, натижада бола 1–3 ойлигида нобуд бўлади. Барча аъзоларнинг тўқималарида углеводлар – гликозамингликанлар (мукополисахаридлар) бор. Агарда уларнинг алмашинуви бузилса, болалар ақлий ва жисмоний ривожланишида орқада қолади: ўсиш секинлашади, кўкрак қафаси ва қўл – оёқлар деформацияланади, кўп ҳолларда буқрлик пайдо бўлади (Марфан синдроми). Ушбу гурӯҳ ҳасталикка буюк бастакор ва ижрочи – скрипкачи Николло Паганини мубтало бўлган. Унинг юзи жуда оч рангда, кўзлари чуқур жойлашган, бармоқлари ўта эгиувучан ва жуда узун бўлган. Ушбу касаллик илк бор Паганини оламдан ўтгандан сўнг 56 йил ўтгандан сўнг баён этилган.

Ҳозирги вақтда оқсиллар, ёғлар, аминокислоталар, углеводлар, минерал моддалар алмашинувини ирсий боғлиқ бўлган бузилишларини 2000 дан кўпроқ тури маълум.

Ирсий касалликлар билан курашишнинг энг фойдали усули – генетик консультацияядир. Яқин қариндошлар ўртасида оила қурилганда ҳавф жуда каттадир: яъни ака ва сингил, амакиваччалар, холаваччалар ўртасидаги никоҳлар, чунки уларнинг генетик аппаратида бир хил нуқсонга эга генлар бўлиши мумкин. Кўп сонли қариндошлар тўғрисида маълумотга эга бўлиш муҳимдир. Горизонтал текислик бўйича қариндошлар, яъни бир ота – онадан туғилган ака – ука ва опа – сингиллар, амакиваччалар, холаваччалар, тоғаваччалар ҳамда вертикал бўйича қариндошлар, яъни ота ва оналар, болалар, холалар, боболар, бувилар, катта бобо ва бувилар ҳамда ундан ҳам узоқроқ қариндошлар уруғлар алоқаси аҳамиятига эга. Улардан қайси бири қандай ҳасталикка учраган, қанча умр яшаган ва нима сабабдан ўлганлигини билиш муҳимдир. Буларнинг барчасини билиш ҳавфлийлик даражасини камайтиради.

Аномалиялар билан туғилган бола, ота – оналари сиртдан соғлом кўринса ҳам уларнинг ирсий табиатини ис-

богламаслигини айтиш лозим. Микроцефалия ҳасталиги ҳомила ривожланаётган пайтта рентген нурлари билан нурланиш оқибатида, тұгма гүнгілік эса – вирусли қизилча ҳасталиги оқибатида бўлиши мумкин. Бир қатор авлодлар болаларида учрайдиган бир хил турдаги ҳасталик ота – она – ларига таъсир кўрсатадиган қасбий заарлар, оиласидаги шароит ва овқатланишининг ўзига хос ҳусусиятлари билан боғлиқ бўлиши мумкин.

Жинс билан илашган белгилар жинсий хромосомаларни наслий ўтиши қонуниятлари билан аниқланади.

Ирсий ҳасталиклар XX асрда фаол ўрганила бошланди. Бу ҳол, генетикани – ирсият ва уни ўзгарувчанлиги тўғрисидаги фаннинг ютуқлари билан боғлиқдир. Ирсий ҳасталиклар, юқорида келтирганидек, генетик ахборотни ирсий мустаҳкамланган ўзгаришлари билан белгиланади. Уларни аниқлашни генеологик схемани тузиш йўли билан амалга ошириш мумкин. Ушбу усул қариндошларни аниқлаш имкониятини ҳам беради.

Ота – оналардан олинган наслий ахборотдан бирданига фойдаланилмайди. Ҳомила ривожланаётган пайтда бир нечта ҳавфли моментлар мавжуд бўлиб, улардан иккитаси энг асосийдир, яъни: 1) эмбрион билан она организми ўртасида алоқа ўрнатилаётганда, яъни уруғланган тухум ҳужайрани бачадоннинг шиллиқ пардасига имплантацияси содир бўлаётганда, плацента шаклланади ва 2) морфогенез бошланаётганда (8 – 11 хафтагача). Эмбрион ҳаёт фаолиятини биринчи ҳавфли босқичда бузилиши, қоидага кўра, нобуд бўлишига олиб келади.

Ривожланаётган ҳомила турли заарларни таъсирларга ҳомиладорликнинг 1, 3 ва 9 – ҳафтада сезгир бўлади. Заарли таъсир кўрсатувчи омиллар – алкоголь, гипоксия, айрим дорилар, заҳарлар ривожланишини сусайишига яъни маисруҳ болаларнинг туғилишига, ёки тўхташига яъни нобуд бўлишига олиб келади. Худди шундай омилларга витаминалар ва аминокислоталар етишмаслигини ҳам киритса бўлади. Қизамиқ, оспа, грипп, полиомиелит, тепки (свинка), қизилча касалликларини чақиравчи вирусларнинг токсинлари, айниқса, ҳомила ривожланишининг биринчи 4, 5 ойида зарар етказувчи таъсир қилади, ҳомиладорликнинг 2 – ярмида дизентерия, холера, туберкулёз, сифилис, безгак, сибир

язваси кабиларни қўзгатувчилари ҳам худди шундай таъсир кўрсатади.

Онанинг ионизацияси плацентанинг тўқималари ва қон томирларида ҳамда физиологик функцияларда бузилишларга олиб келади. Бу ҳолда, эмбрион асаб тизими тўқималарининг ва қон яратувчи аъзоларининг дифференциялашуви сусайди. Мутация частотасини юз мартараб катталашибурвчи айрим биополимерлар (бегона ДНК ва РНК) ва алкалоидлар – супермутагенлар деб аталади. Умр канцерогенлар ва тера-тогенлар (teratos – бадбашара) ҳисобланади.

Отанинг тўйимсиз овқатланиши, инфекцион касалликлар билан хасталаниши, турли кимёвий агентлар ва нурли энергия сперматазоидлар ҳаёт фаолиятини пасайтиради ва уларнинг хромосомал ашпаратини шикастлантиради. Натижада, ўлик туғилиш, юрак – томир тизими, мия ва бошқа аъзолар тузилишида ўзгаришлар содир бўлиши ҳам мумкин.

Шикастлантирувчи омиллардан бири онанинг тамаки чакиши ёки унинг тутинидан нафас олиши ҳисобланади. Бу ҳолатда ривожланаётган бола онаси билан бирга тамаки чақаёттандай бўлади. Бундай таъсирнинг самараси болада гипоксия ҳолида намоён бўлади. Кенг тарқалган шикастлантирувчи омил – алкоголь ҳисобланади ва уни истеъмол қилиш ҳомилани алкоголь синдромига олиб келади. У, болани жисмоний ва ақлий ривожланишини орқада қолилишида, мия ҳажмини кичиклашишида, бош чаноғини ва оёқ – қўлларни бесўнақай мажруҳ бўлишида, психопатия кўринишида намоён бўлади.

Мутациялар генератив бўлиши мумкин, агар ўзгаришлар жинсий ҳужайраларда содир бўлса ва авлодларга ўтса, жумладан ядрорий бўлиши мумкин, агар соматик ҳужайралар ядросининг хромосомаларига таалуқли бўлса ва ўзгаришлар цитоплазматик тузилмалар (митохондриялар) ДНК сида бўлса, цитоплазматик бўлиши мумкин. Генетик материалдаги ўзгаришларнинг тавсифига баглиқ равишда генли мутациялар фарқланади, яъни геннинг алоҳида нуклеотидлари киритилганда ёки тушиб қолганда, ёки геннинг инактивацияси мавжуд бўлганда кўзатилади. Хромосомали мутациялар уларни қайта тузилишида, масалан, хромосомаларнинг гомологик бўлмаган шаҳобчаларини рекомбинацияси ҳисобига қайта тузилишида ифодаланади. Уларга,

хромосома томонидан якуний шаҳобчасини йўқотиши киради. Хромосома шаҳобчасини хромосомалар ўртасида ёки шу хромосоманинг ўзида бошқа жойга сурилиши, ген шаҳобчаси ва хромосома шаҳобчаси қайтарилиши (дупликация) мумкин. Мисол тариқасида Даун синдроми деб аталадиган наслий хасталикни келтириш мумкин. Ушбу хасталикнинг келиб чиқиш сабаби 21 – хромосоманинг трисомия ҳолати, яъни ушбу хромосома жуфтлигини биттага кўпайишидир. Ушбу ортиқча хромосомали материал ҳомилапи нормал ривожланишини бузади. Натижада бола ўзига хос бўлган маълум бир белгилар билан туғилади ва унга кўра туғриқхонадаёқ тўгри ташхис қўйиш имконини беради. Даун синдроми бўлган касалнинг боли кичкина, юз тузилиши қўполроқ, кўзлари кичкина ва бир – бирига яқин жойлашган, оғзи ярим очиқ ҳолатда бўлади. Эмоционал ва ақлий қобилияtlари пасайган бўлиб, унинг даражаси интеллектуал нуқсоннинг катталигига боғлиқ.

Бундай паталогия билан болаларни туғилиш частогаси юқори ва онанинг ёшига боғлиқ: 35 ёшгача ҳавф 0,2 фоизга, 40 ёшга келиб эса – 1 фоизга, 45 ёш ва ундан кейин 3 фоизга тенг бўлади. Отанинг ёшига нисбатан бундай ўзаро боғлиқлик кузатилмаган.

Одамда жинсий хромосомалар сонини ўзгариши билан боғлиқ хасталиклар ҳам топилган бўлиб, уларга Клейн – фельтер синдроми ва Шершевский – Тернер синдроми киради. Биринчиси фақатгина эркакларда учрайди ва жинсий хромосомалар сонини битта X га ортиши билан боғлиқ. Улар жинсий хромосомалар бўйича XXV генотипга эгадирлар.

Клейнфельтер синдроми билан хасталанган одамларда жисмоний, ақлий ва жинсий соҳаларида ўзгаришлар кузатилади. Оёқ ва қўллари нормадан узун, елкаси тос қисмига нисбатан энсиз, танасида ёғларни тўпланиши аёлларникига мансуб бўлади. Жинсий балоғатга етиши бошланиши билан ақлий ривожланишининг орқада қолаётгани намоён бўлади.

Шершевский – Тернер синдроми аёлларда учрайди. Бу ҳолатда гомологик жинсий хромосомалар сонини биттага камайиши кузатилади, яъни нормал XX хромосома ўрнида X хромосома қолади.

Бунда чақалоқ қўл ва оёқларида шиши билан туғилади, шиши бир неча ойдан кейин ўз холига сўрилиб кетади. Бўйин

ва билак бўғимларида худди қанотга ўхшаш ортиқча тери бурмалари учрайди. Бола ўсган сайин унинг ривожланишида орқада қолаёттани сезилади. Болагатта етиш даврида жинсий инфантлизм белгилари ва бирламчи аменорея холатлари кузатилади. Бундай касаллар учун калта бўйин ва паст бўйли, тухумдонларнинг етарли ривожланмаслиги, иккиламчи жинсий белгилари суст ривожланганлиги хосдир.

Моддалар алмашинувига алоқадор ирсий касалликлар анчагина кўпайган:

1) Аминокислоталар алмашинувининг ўзгариши натижасида ривожланадиган ирсий касалликларининг 30 дан ортиғи фанга маълум.

2) Ёғ алмашинувини бузилиши ҳам айрим ирсий касалликларга сабаб бўлади. Бу касалликлардан энг оғири Той – Сакс амавротик идиотияси хисобланади. Бўнда кўриш қобилиятиниң сусайиши, эси настлик ва бошқа неврологик симптомлар кузатилади. Касаллик ака – ука ва опа – сиигиллар орасида учрайди. Бундай болаларнинг ота – онаси кўпинча соғлом бўлишади.

3) Углевод алмашинувининг ўзгаришига алоқадор ирсий касалликлардан галактоземия учрайди. Бунда галактозани глюкозага айлантирувчи энзиматик жараён ўзгаради, галактоза ва унинг маҳсулотлари ҳужайраларда тўпланиб, жигар, марказий асаб тизими ва бошқа аъзолар фаолиятига зарар етказади. Галактоземинда ич кетиш, қайт қилиш, жигар ишқастланишидан бадан сарғайиши, кўз гавҳарининг киралашуви (катаракта), эсипастлик, жисмоний ривожланмаслик каби белгилари учрайди. Қандли диабет ҳам углевод алмашинувининг бузилишига алоқадор ирсий касаллик ҳисобланади.

4) Ўт пигменти – билирубин алмашинувининг бузилиши ҳам айрим ирсий касалликка сабаб бўлиши мумкин. Масалан янги туғилган чақалоқларнинг гемолитик касаллиги юзага чиқади. Бунда эритроцитлар тинмай парчаланиши натижасида қон плазмасида билирубин кўп тўпланади. Қонда билирубин миқдорининг кўпайиб кетиши марказий асаб тизими ҳужайраларини заҳарлайди, бола ақлий ва жисмоний ривожланмай қолади.

5) Иммунитетни ўзгаришига алоқадор ирсий касалликларга мисол қилиб, хусусий оқсиллар синтезланишининг

ирсий жиҳатдан ўзгариши организмнинг айрим юқумли касалликларга нисбатан берилувчанлигини оширишини олиш мүмкин. Бу эса организмнинг ҳимоя функциясини пасайти — ради, чунки хусусий оқсил — иммуноглобулиннинг организмда синтезланмай қолиши шу организмнинг ирсиятига боғлиқ. Брутон касаллигида иммуноглобулин синтези бузилади ва бу кўпинча ўғил болаларда кўпроқ учради. Бунда болалар деярли соғлом туғилади, лекин 3—4 ойлигидәёқ юқумли касалликларга берилувчанлиги аниқланади. Болада ўпка, ўрта қулоқ (отит), меъда — ичак тизими тез — тез ял — лифланиб туради. Катта ёшли болаларда ўпканинг сурункали яллигланиши кузатилади.

6) Қонга алоқадор ирсий касалликларга чақалоқларнинг имолитик касаллиги киради. Бу асосан она ва бола қонидаги резус — омил, ҳамда эр — хотин қон гурухларининг мос келмаслиги оқибатида пайдо бўлади. Одам қонидаги эритроцитларда нормал гемоглобин билан бирга касал гемоглобинлар ҳам учраб туради. Улар наслдан — наслга ўтадиган гемоглобиноз касаллиги олиб келади.

Оқ қон таначалари патологиясига боғлиқ ирсий касалликлар ҳам бўлиши мүмкин. Лейкоз (оқ қон касаллиги) нинг ҳосил бўлишида ген мутацияларининг ҳам аҳамияти борлиги аниқланган. Имофилия ҳам қон тизимининг ирсий касаллиги бўлиб, бунда асосан, қоннинг ивиш функцияси пасаяди. Бунинг асосий сабаби қон ивишида иштрок этадиган айрим оқсиллар синтезини бузилиши ҳисобланади.

7) Буйрак фаолиятининг бузилишига алоқадор ирсий касалликларни аниқлаш анча қийин, чунки бу касалликлар нефритта ҳам, пиелонефритта ҳам ўхшайди. Шунинг учун бундай касалликларни нефропатиялар, яъни нефритга ўхшаш касалликлар деб юритилади. Буларни аниқлашда оила анамнези, авлодлар шижарасини тузиш ва генетик таҳдиллар ўтказиш каби клиник текширишлар муҳим аҳамиятта эга. Ирсий нефропатияда бўйрақдан бошқа аъзо ва тизимларда ҳам ўзгаришлар кузатилади (карлик, ақли пастлик, скелетдаги ўзгаришлар ва ҳ.к.). Бу гуруҳдаги ирсий касалликка рахитга ўхшаш айрим касалликлар (масалан, фосфат — диабет) ҳам киради. Бунда сийдик таркибида аминокислота, фосфор ва қанд миқдори ортади, цистин, глицин алмашинуви ўзгаририди, бўйрак ишининг нуқсони сабабли водород ионлари

ажралади, натижада организмда кислота – туз мувозанати бузилади.

8) Эндокрин тизим фаолиятига боғлиқ ирсий касалликлар. Эндокрип безларда гормонларнинг ишлаб чиқарилиши энзимлар иштироқида борганлиги сабабли бир энзимнинг организмдаги ирсий нуқсони айрим гормонларнинг ишлаб чиқарилиши жарағанини үзгартыриб, организмда альбумин тизимлар фаолиятини бузилишига олиб келади. Бұйрак усти безларининг пүстлөк қисми углевод алмашинувига таъсир күрсатадиган глюкокартикоидлар (гидрокартизон ва б.), сув – туз алмашинувига таъсир этадиган минералокортикоидлар (яльдостерон ва б.), иккиламчи жинсий белгиларининг шаклланишини таъминловчи андроген гормонлар ишлаб чиқаради. Бұйрак усти безлари фаолиятининг үзгариши адреногенитал симптомни көлтириб чиқаради. Сув – туз алмашинувининг үзгариши билан боғлиқ бүлгән аденоидиттің синдромида болалар овқат емай, чақалоқлар әмманай қуяди ва түхтөвсиз қайт қиласы, озиб кетади.

Қалқансызмон безнинг ирсий касалликлари яхши ўрганилған. Бу без фаолияти бузилса, организмда ёғ ва углевод алмашинуви үзгараади, гипотиреоз (претинизм) касаллиги пайдо бўлади.

9) Нерв тизимига ҳлоқадор ирсий касалликларга асаби муншак тизими (авис олувчи мушшак дистрофияси, миопатия) касалликлари ва мия зарарланиши киради. Кўз шикастлаши билан кечадиган ирсий касаллиқда кўз структурасида дегенератив үзгаришлар кузатилади. Бу кўпинча карлик билан кузатилади. Наслдан – наслга ўтиш тўғрисидаги масалани кўриб чиқиш билан бирга қуийдаги муаммо ҳам қизиқиш уйғотади. Психик хусусиятлар ҳам наслдан ўтадими ва агар ўтса, қай тарзда ўгади? Буни тадқиқот қилиш учун, боришиб қийин бўлган (ороллар, юқори тоғ зоналари) жойларда ажралган ҳолда (изоляцияда) яшайдиган одамлар гурӯҳларида кўп вақтлардан буён содир бўлаётган үзига хос ҳолатдан фойдаланса бўлади. Бундай шароитларда, одамларининг сони кам бўлганлиги туфайли, яқин қариндошлар ўртасида оила қуришга мажбур бўлишади ва бу, одатдагина нисбатан, авлодларда генетик хусусиятларни анча аниқ наимоён қилишга олиб келади. Дорғистоннинг бенита қишлоқларида ва таққосланған учун Москвада яшайдиган 1300

кишини текшириш пайтида уларнинг жисмоний белгилари, олий асаб фаолияти хусусиятлари (чиdamлилиги, ишчанлиги, асаб – жараёнларининг тезлиги) ҳамда психикасининг ўзига хослиги (масалани ечиш тезлиги ва тўғрилиги) аниқланган. Уларда ушбу белгиларни наслдан – наслга ўтишини тақ – қослаш шунни кўрсатадики, энг паст ўзгарувчанлик ва юқори наслийлик жисмоний белгилар (қоннинг гуруҳи, ранг ва таъмни қабул қилиш хусусиятлари, бўй ва вазн) учун хосдир. Психик фаолият белгилари энг кучли наслдан наслга ўтади ва энг кўп ўзгарувчандир.

Ушбу тадқиқотлардан қилинган холосалар таниқли невропатолог ва генетик олим С.П.Девиденкованинг назарий фикрларини исботлайди, яъни: катта ўзгарувчанликка эволюцион жиҳатдан ёш аъзо ва тизимлар мойил бўлса керак ва мос равишда, кичик ўзгарувчанлик эволюциянинг ўзоқ, йўлини босиб ўтган қадимги аъзо ва тизимларга хос бўлса керак. Одамнинг юксак ривожланган мияси ва психика билан боғлиқ бўлган унинг функциялари, инсонни тур сифатида ривожланишини охирги босқичларидан бирида пайдо бўлган.

### **Билимларни текшириш учун саволлар.**

1. Ўсиш ва ривожланиш тўгрисида тушунча.
2. Гетерохрония атамаси тўгрисида нимани тушунасиз?
3. Онтогенезда функционал тизимларни нотекис ривожланиши қандай биологик аҳамиятга эга?
4. Гетерохронияга мисоллар келтираоласизми?
5. Етилган функционал тизим қандай бўғинларга эга?
6. Ривожланишнинг узлуксизлиги деганда нимани тушунасиз?
7. Акселерация атамаси нимани англатади?
8. Акселерация сабаблари ҳақида қандай назариялар мавжуд?
9. Авлодларда белгиларни наслдан наслга ўтишини генетик моҳияти.
10. Белгилар ўзгарувчанлиги тўгрисида тушунча. Мутация ва унинг турлари.

## ҚОН ТИЗИМИ.

- ❖ Қон миқдори.
- ❖ Гематокритли сон.
- ❖ Аминокислоталар концентрацияси.
- ❖ Қоннинг морфологик таркиби.
- ❖ Қоннинг гурухлари.

Одамнинг индивидуал ривожланиши жараёнида се-  
кин – аста унинг қон тизими шаклланди. Ушбу тизимга қон  
яратувчи аъзолар, қон томирлар бўйлаб циркуляция қилувчи  
қон, қон оқимидан чиқиб тўқималар, аъзоларга ўтадиган  
лейкоцитлар (тўқима ва аъзоларда қоннинг шаклли эле-  
ментларини парчаланиши содир бўлади) ҳамда ушбу ти-  
зими бошқариш механизмлари киради.

Қоннинг яратилиши ёки гемопоэз деб, қоннинг шаклли  
элементларини пайдо бўлиши ва етилиши жараёнларига  
айтилади. Ҳомиланинг ривожланиши даврида қон яратувчи  
аъзоларнинг кетма – кет ўрин алмасиши содир бўлади. Са-  
риглик, жигар ва кўмиг ёки модулляр қон яратилиш фарқ –  
ланади.

Қон яратилишининг биринчи ўчоқлари эмбрионни ту-  
хим сарифи халтачасининг деворида ривожланишини 19--  
кунида пайдо бўлади. Иккинчи ойнинг бошланишида қон  
яратилиши эмбрионнинг ўзида ривожланади, унинг охирига  
келиб эса кўпроқ жигарда содир бўлади. Тўртинчи ойнинг  
бошланишига келиб суяк кўмигида қон яратилиши бошла-  
нади, унинг охирига келиб талоқда ҳам содир бўлади. Та-  
лоқда лимфоцитлар ҳосил бўлади ва эритропоэз ўчоқлари  
пайдо бўла бошлайди.

Бола тўғилганидан кейин эритроцитлар, донали лейко-  
цитлар ва тромбоцитларнинг ҳосил бўлиши кўмигда содир  
бўлади. Лимфоцитлар лимфатик тутунларда, тимусда, та-  
лоқда, ичакнинг соллитар фолликулаларида, пейерли тоша-  
малarda ҳосил бўлади. Боланинг биринчи ёшларида қоннинг  
яратилиши барча суяк кўмикларида содир бўлади. Бола 4  
ёшга етганда қизил суяк кўмини ёғ тўқимасига айланиши  
бошланади ва бу жараён 14 – 15 йил давом этади. Жинсий  
балоғатга етиш даврига келиб, қоннинг яратилиши умуртқа  
погоналарини қизил суяк кўмиги қовурғалар, тўш, эпифиз,

сон ва болдир сүякларида сақланиб қолади. 30 ёшдан ўт—тандап кейин қон яратилиши фақат күкрак, қовирға ва умуртқа погоналарини күмигиде содир бўлади.

Қоннинг миқдори янги туғилган болаларда 0,5 литрни, вояга еттанларда — 4—6 литрни ташкил қилади, лекин тана бирлигига тўғри келадиган қоннинг миқдори янги туғилган болаларда катталарникига нисбатан кўпdir. Қон ҳажмиининг бундай нисбатан кўплиги моддалар алманинувиини анча юқори даражада таъминлаш билан боғлиқdir. Бола 12 ёшта етганда қоннинг нисбий ҳажми катталар кўрсаткичларига яқинлашади. Жинсий балоғатта етиш даврида қоннинг миқдори бир мунча ортади (1—Жадвал ).

1 — Жадвал.

### Турли ёшга оид даврларда одам қоннининг миқдорий кўрсаткичлари

Қон миқдори	Ёши				
	Янги туғил танлар	1 ёш	6—11 ёш	12—16 ёш	Вояга еттанлар
Тана оғирлигига фоиз ҳисобида	14,7	10,9	7	7	5—5,6
Таннанинг 1 кг оғирлигига нисбатан (мл)	150	110	70	70	50

Қоннинг ёпишқоқлиги болада каттароқ. Қоннинг қуюлиш тезлиги янги туғилган болада катталарникига нисбатан 2—3 марта юқорироқ бўлиб, ҳаётининг биринчи ойини охирига келганда катталарникига тенглашиб қолади (2—Жадвал).

Турли ёшга оид давларда одам қонининг  
(ёпишқоқлиги)

Ёши	Ёпишқоқлик кўрсаткичи, н.с.м <sup>-2</sup>
Янги туғилган	
3 – 5 кунлик	14,8 – 10,0
5 – 6 кунлик	8,6 атрофида
1 – 12 ойлик	4,6 (3,8 – 5,4)
1 – 3 яшар	4,57 (3,6 – 5,7)
3 – 15 яшар	4,61 (3,5 – 5,8)

Гематокрит сон (қоннинг шаклли элементлари ҳажмини қон плазмаси ҳажмига нисбати) катта одамларда 40 – 45% ташкил қиласди. Туғилгандан кейинги биринчи кунда у, катталарницидан юқори (ўртача 54%) бўлади. Бу ҳол, эритроцитларниң юқори концентрацияси ва айрим эритроцитларниң ўртача ҳажмини катталиги билан белгиланади. Бир яшар боланинг қонидаги шаклли элементларни ҳажми 35%, 5 ёшда – 37%, 11 – 15 ёшда – 39% ташкил қиласди. Катталар учун нормал кўрсаткичлар пубертат даври тугагандан кузатилиди.

Қон плазмаси реакцияси катталарда бирозгина ишқорли ( $\text{pH } 7,35 – 7,40$ ) бўлади. Ҳомила ва янги туғилгандар учун қон плазмаси реакциясини кислотали томонга сурилиши (аидоз) хосдир. У, ҳомила 5 ойлик бўлган пайтдаёқ кузатилиди, аралаш қоннинг  $\text{pH}$  кўрсаткичи 7,33 атрофида. Ҳомиладорликнинг охирги ойида бу кўрсаткич 7,13 – 7,23 гача пасаяди. Аидоз метаболик ҳисобланади, у, моддалар алмашинувининг охиригача оксидланмаган маҳсулотларни ҳосил бўлиши билан белгиланади. Қоннинг ишқорли заҳираси катталитини нисбатан пастлиги аидознинг оқибати ҳисобланади. Энг ёрқин бўлган аидоз бола тўғилиши билан кузатилиди ва биринчи сутка ўтгандан кейинги вақт ичида у секин – аста камаяди. Катталарницига яқин бўлган  $\text{pH}$  кўрсаткичи 3 – 5 сутка давомида ўрнатилади. Болаликнинг барча давларида, буфер асослар миқдорининг камайиши ҳисобига унча катта бўлмаган компенсацияланган аидоз сақланади ва у, ёш катталашган сари йўқолиб боради.

Оқсиллар ҳомила ва бола қони плазмаси таркибида катталарни кига нисбатан паст концентрацияда бўлади. Қон плазмаси таркибида энг кам миқдордаги оқсиллар ҳоми – лапинг барча ривожланиш даврларида сақланади. Ҳомила 4 ойлик бўлганда оқсиллар концентрацияси  $25 \text{ г/л}^{-1}$ , янги туғилганда эса  $56 \text{ г/л}^{-1}$  ташкил қиласди. Бола 1 ойга тўлганда оқсил концентрациясини пасайиши ( $48 \text{ г/л}^{-1}$ ) секин – аста унинг миқдорини ортиши билан алмашади ва 3 – 4 ёшга бо – риб катталар кўрсаткичлари нормасига тенгланади ( $70 – 80 \text{ г/л}^{-1}$ ). Катталар билан солинтиргандаги, болалар учун оқсил концентрацияларининг анча кенг индивидуал фарқлари хосдир.

Болалар ҳаётининг биринчи йилларида қон плазмаси – даги оқсил фракцияларининг нисбати катталарнидан фарқ қиласди. Янги туғилган болаларда гамма – глобулиналарнинг миқдори анча юқори бўлади. Буни сабаби тўсиқдан ўтиб, ҳомила қонни плацентар она организмидан олиши билан белгиланса керак. Бола туғилгандан кейин она организмидан олинган гамма – глобулиналарнинг парчаланиши содир бўла – ди, уларнинг миқдори камаяди ва ҳаётининг учинчи ойига келиб энг паст даражага етади. Ундан сўнг гамма – глобулиналар миқдори секин – аста ортади ва 2 – 3 ёшга бориб катталардаги нормага етади.

Бола ҳаётининг биринчи йили давомида глобулиналар фракцияси мураккаб ва бир хил бўлмаган ўзгаришларга уч – рапиди: гўдаклик даврида глобулиналар таркибли пасайиши альбуминлар миқдорини ортишига олиб келади. Ҳаётнинг иккинчи ойида уларнинг миқдори умумий оқсилнинг  $66 – 76$  фоизини ташкил қиласди (катталарда 64% атрофида). Бу ёшда плазмадаги альбуминлар миқдорининг абсолют ортиши бўлмайди, чунки оқсилнинг умумий концентрацияси унча катта эмас. Бола ҳаётининг биринчи йилларида қондаги аминокислоталарнинг умумий концентрацияси катталар – никига нисбатан 35 фоизга кам бўлади.

Кондаги эритроцитлар концентрацияси ҳомила орга – низмида суюк кўмигида қоннинг яратилиши бошлангунга қадар ўсиб боради ва ундан сўнг катта тезлиқда ортади (3 – Жадвал). Ҳомила қонининг эритроцитлари катта одамлар – никига нисбатан икки мартағача йирикроқдир ва уларнинг таркибида кўп миқдорда гемоглабин бор. Эмбриогенезнинг

илк босқичларида, қонга, таркибида ядроси бўлган эритроцитлар кўпроқ келиб тушади. Ҳомила ривожлана бориши билан уларнинг сони камаяди.

Ҳомиланинг ривожланиш даврида эритроцитлар концентрациясини секин-аста ортиши, уларнинг диаметри ҳажми ва таркибида ядроси бўлган ҳужайралар сонини камайиши содир бўлади. Вояга етган эркакларда эритроцитлар концентрацияси  $5 \cdot 10^{12}/\text{л}$ , аёлларда эса  $-4,5 \cdot 10^{12}/\text{л}$  ни ташкил қиласи. Бола туғилгандан бир соат ўтгач эритроцитлар концентрацияси юқори ( $5,9 \cdot 10^{12}/\text{л}$ ) бўлади. Янги туғилган даврда эритроцитлар концентрацияси пасаяди, бир ойлик даврга келиб  $-4,7 \cdot 10^{12}/\text{л}$  ташкил қиласи. Бундай пасайиш уларни жадал парчаланиши билан изоҳланади. Парчаланишининг максимал тезлиги туғилгандан сўнгги 2–3 кунларга тўғри келади ва катталардагига писбатан 4–7 марта кўнцидир. Фақатгина, туғилгандан кейин бир ой ўтгач эритроцитлар парчаланишининг тезлиги катталардаги кўрсаткичга яқинлашади.

Парчаланиш билан бир вақтда янги эритроцитларни ҳосил бўлиши амалга ошади. Янги туғилган болаларда эритроцитларни жадал парчаланиши ва ҳосил бўлиши, эҳтимол фетал гемоглобинни ( $\text{H}_\text{b}\text{F}$ ) катталар гемоглобинига ( $\text{H}_\text{b}\text{A}$ ) алмашиши учун зарур бўлса керак. Эритроцитларнинг парчаланиши одатда янги туғилган болаларнинг физиологик "сариқ" касали билан кузатилади. Бу ҳол 7–10 кунга келиб йўқолади ва қон плазмасида парчаланаётган эритроцитлардан ҳосил бўладиган билирубин концентрациясини ортиши ҳамда уни терида тўпланиши билан боғлиқдир.

Эритроцитлар ҳаётининг ўртacha давомийлиги янги туғилган даврда катталарницидан камроқдир: 2–3 кунликда у 12 кунни ташкил қиласи, 10 кунликда деярли 3 марта кўпаяяди ва 1 ёндан кейин катталар нормасига (120 кун) яқинлашади. Янги туғилган болаларда эритроцитларни кам ҳаёт кечириши уларни деформацияланиш қобилиятини етарлича эмаслиги билан боғлиқ.

**Болалар қонининг ёшга оид морфологик таркиби  
қуийдаги жадвалда көлтирилган.**

Еши	Гемоглобин %	Эритроцитлар 1мм <sup>3</sup> да	Лейкоциттар 1мм <sup>3</sup> да	Нейтрофиллар 1мм <sup>3</sup> да	Лимфоцитлар 1мм <sup>3</sup> да	Тромбоциттар 1мм <sup>3</sup> да
1 – 2 ой	84	4450000	12100	25,0	61,5	231000
1 ёш	76	4670000	10500	32,0	54,5	243000
6 – 7 ёш	80	4890000	10600	46,5	42,0	200000
8 – 9 ёш	81	4840000	9880	49,5	39,5	
10 – 11 ёш	85	4910000	8200	51,0	35,0	
12 – 13 ёш	82	5120000	8100	53,5	35,0	
14 – 15 ёш	86	4980000	7650	60,5	28,0	300000

Бу, күндаланг кесими ҳажми күпинча эритроцитлар диаметридан кичкина бўлган қон капиллярлари орқали ўтиш учун зарурдир, шу билан бирга улар турли – туман шарсизмон, дисксимон, қуббасимон, ўтмас конус кўринишида туклари бўлган шаклларга эга. Айрим эритроцитларнинг диаметри 3 мкм дан то 10 мкм гача бўлади. Дисксимон шаклдагилари яхши деформацияланувчи бўлиб, капилляр орқали ўтиши пайтида цилиндсимон шаклга ўтади. Шарсизмон эритроцитларда (сферацитларда) деформацияланниш қобилияти пасайган бўлади. Бундай эритроцитлар капиллярларда тиқилиб қолади ва парчаланади. Ушбу ҳодиса янги туғилган болалардаги эритроцитларга хос бўлиб, улар гемоглобин миқдори кўп бўлганлиги туфайли анча ёпишқоқ цитоплазмага эгадир.

Эритроцитларнинг чўкиш тезлиги (ЭЧТ) янги туғилган болаларда 1 – 2 мм/соат<sup>-1</sup> ташкил этади. Бу ҳол, асосан плазмадаги глобулинлар концентрациясининг пастлиги билан тушинтирилади. Иккинчи ойдан бошлаб ЭЧТ ортади ва бир

ёшга келиб  $3-4$  мм/соат $^{-1}$  ташкил қиласы. Ундан каттароқ болаларда  $4-10$  мм/соат $^{-1}$  ташкил қилиб, бу күрсаткыч катталар нормасига яқиндир.

Одамнинг индивидуал ривожланишини алоҳида даврларида етилаётган эритроцитларида турли шакллардаги гемоглобин синтезланади. Улар оқсил қисмининг таркибий тузилмаси билан фарқланади. Таҳминан 4 ойга келиб, ҳомиланинг қонида одамларникуга хос гемоглобин пайдо бўлади, лекин унинг миқдори 10% дан ошмайди. Она қорнида тўлиқ ривожланган болада эмбрионал гемоглобин 70% ташкил қиласы, қолган қисми  $H_bA$  кўринишида бўлади. Шу билан бирга, қонда унча кўп бўлмаган миқдорда аномал гемоглобинни ҳам топиши мумкин. Эмбрионал гемоглобини кислородга юқори даражада бириктириб олиш хусусиятга эга. Аномал гемоглобин ҳам шундай хусусиятга эга, лекин тўқималарга кислородни бериш қобилияти ёмон.

Бола туғилгандан сўнг  $H_bF$  ўрнини  $H_bA$  эгаллайди ва иккинчи ҳафтанинг охирига келиб умумий миқдорнинг дебарли 50% ташкил қиласы, 40-кунга келиб эса-энг кўп миқдорга етади.

Янги туғилган болалар қони таркибида катта миқдорда гемоглобин бўлади, яъни  $208$  г/л $^{-1}$  (катталарда  $120$  г/л $^{-1}$ ), лекин унинг миқдори тез пасаяди ва бир ойлик даврда  $140$  г/л $^{-1}$  ташкил қиласы. Катта одамларникуга хос кўрсаткич 15 ёшга келиб намоён бўлади.

Янги туғилган бола қони таркибида лейкоцитлар миқдори кўп бўлиб, улар учун физиологик лейкоцитоз хосдир. Бу ҳол, айниқса ҳаётининг биринчи ҳафтасида ёрқин намоён бўлиб, лейкоцитлар сони  $16,7 \times 10^9/\text{л}$  ( $10,0-30,0 \times 10^9/\text{л}$ ) ташкил қиласы. Ундан кейин, унинг миқдори пасаяди ва эмизиклик даврида  $6,0-12,00 \times 10^9/\text{л}$  ташкил қиласы. Ҳаётнинг 15 ёшига келиб лейкоцитлар концентрацияси катталар кўрсаткичига ( $4,0-9,0 \times 10^9/\text{л}$ ) тенглашади.

Бола 9 ёшга тўлгунга қадар, лейкоцитлар миқдори нейтрофиллар ва лимфоцитлар мисолида ўзгаради. Бунда, агар биринчи 5 сутка давомида нейтрофиллар анча кўп ва лимфоцитлар кам миқдорда бўлса, 10-кунга бориб ушбу ҳолат тескари томонга ўзгаради ва 5 ёшга қадар сақланади, ундан кейин яна нейтрофиллар миқдори анча юқори бўлади.

Катталар учун хос бўлган лейкоцитлар ва лимфоцитлар миқдорини нисбати 15 ёшга келиб кузатилади.

Ҳомилани она қорнида ривожланишининг охирига келлиб Т – ва В – лимфоцитлар дифференциялашади. Суяк кўмигининг ўзак ҳужайралари тимусга миграция қиласиди. Бу ерда тимозин гормони таъсири остида Т – лимфоцитлар ҳосил бўлади. В – лимфоцитлар суяк кўмиги ўзак ҳужайрала – рининг бодомчаларига кўр ичакка, ингичка ичакнинг пейер тошмаларига миграция қилганларидан ҳосил бўлади.

Т – ва В – лимфоцитлар лимфатик бўғинларга ва талоққа ўтади. Бола 2 ёшга тўлгунга қадар, физиологик лейкоз оқибатида унинг қонидаги Т – лимфоцитларининг абсолют миқдори катталарникига нисбатан кўп бўлади. Бола 2 ёшдан ўтгандан сўнг Т – лимфоцитлар улуши катталарники каби бўлади.

Янги туғилган болада қондаги тромбоцитлар концен – трацияси катталарники каби бўлади. Қон томири девори шикастланганда тромбоцитлар агрегацияяга учрайди, лекин бу жараён учун катталарникига нисбатан кўпроқ вақт керак ва бунда қатнашадиган тромбоцитлар сони уларнидан кам бўлади. Ҳомиланинг қони 4 – 5 ойлик даврга қадар қуюлиш қобилиятига эга эмас. Бу ҳол, қонда фибриногеннинг бўл – маслиги билан боғлиқ. Бола туғилиши даврига келиб фибриноген катталарникига нисбатан 10 – 30% кам бўлади, лекин туғилгандан кейинги 2 – 4 кунга келиб, унинг миқдори кат – талар нормасига тенглашади.

Қон қуюлишининг алоҳида омиллари илк онтогенезда бир вақтда ривожланмайди. Уларнинг айримларини кон – центрацияси паст бўлади, лекин янги туғилган болалар қонининг қуюлиш тезлиги 5 – 5,5 дақиқа, яъни катталарники каби бўлади. Бу ҳол, қоннинг қуюлиш тезлиги нафақат омиллар концентрацияси билан, балки уларнинг нибатига ҳам боғлиқлиги билан тушинтирилади.

Қон қуюлиши омилларининг кўпчилигини миқдори бола ҳаётининг биринчи йилидаёқ ортади. Катталар учун хос бўлган прокоагулянтлар ва антикоагулянтлар концентра – цияси ўспиринлик даврида мустаҳкамланади.

Кон гурухлари хусусиятлари ота ва онанинг генлари билан белгиланади. АВО тизими қон гурухлари белгилари учта аллеломорф генлар орқали ўтади. Уларнинг иккитаси –

А ва В доминант учинчиси О – рецессив бўлади. Насл орқали қандай генлар ўтганлигига боғлиқ равищда, уруғланган тухум ҳужайра ва ундан ривожланаётган организм гомозиготали ёки гетерозиготали бўлиши мумкин. Фенотипда А ва В гуруҳлари ҳеч бўлмаганда битта А ёки В геннинг мавжуддиги билан белгиланади. AA ва AO генотиплари бўлган болалар – нинг қони А гуруҳли бўлади. Фақаттина A ва B генлар бўлмаган пайтда (00 генотип) қоннинг гуруҳи ноль бўлади. ABO тизими қон гуруҳларини белгилайдиган генотиплар қуийи – дагилар: I гуруҳ (O) – 00; II гуруҳ (A) – AA ёки AO; III гуруҳ (B) – BB ёки BO; IV гуруҳ (AB) – AB (4 – Жадвал).

Ота – оналар қони гуруҳларига боғлиқ равища қон гуруҳи турлича бўлган болаларнинг туғилиши частотаси 4 – жадвалда келтирилган. Кўриниб турибдики, ота – она қони эритроцитларида агглютиногенлар бўлмаса болалар эритроцитларида ҳам улар бўлмайди. Қон гуруҳи A ёки B бўлган ота – оналардан О гуруҳли болалар туғилишининг мумкинлиги ота ҳам, она ҳам гетерозиготали ҳамда AO ва AO ёки BO ва BO генотипга эга эканлиги билан изоҳланади.

4 – Жадвал

### Қони турли гуруҳли бўлган болаларнинг туғилиш частотаси

Ота – оналар қонининг гуруҳи	Қон гуруҳидаги болалар сони			
	I (O)	II (A)	III (B)	IV (AB)
I (O) ва I (O)	100	–	–	–
I (O) ва II (A)	42	58	–	–
I (O) ва III (B)	44	–	56	–
II (A) ва II (A)	18	82	–	–
II (A) ва III (B)	19	30	24	27
III (B) ва III (B)	17	–	83	–
I (O) ва IV (AB)	–	49	51	–
II (A) ва IV (AB)	–	49	23	28
III (B) ва IV (AB)	–	22	50	28
IV (AB) ва IV (AB)	–	22	28	50

Ҳомила ривожланишининг 2–3 ойига келиб эритроцитларда А ва В агглютиногенлар шаклланади. Уларни агглютинация реакциясига қобилияти катталарникига нисбатан 5 марта кам. Ушбу реакцияга бўлган энг катта қобилиятта фақаттина 10 ёшга келиб эришилади.

Резус тизимининг агглютиногенлари ҳомиланинг 2–2,5 ойлигидаги аниқланади.

Таҳминан 85% одамларнинг эритроцитларида резусомил мавжуд. Уларнинг қонини мусбат – резусли деб айтилади. Одамларнинг 15 фоизида омил бўлмайди ва мос равишда уларнинг қонини манфий – резусли деб айтилади. Резус – омилни ҳосил бўлишини назорат қиласидан генин Д ҳарфи билан белгилаш қабул қилинган. У доминант бўлиб, бундай гени иккала ота – онадан (ДД) ёки биттасидан (Dd) олган бола мусбат – резусли қонга эга бўлади. Кичкина д – рецессив аллел бўлиб, доминант бор бўлганда намоён бўлмайди. Иккита рецессив аллел (dd) учрашганда резус – омил синтезланмайди. Агарда ота – онанинг биттаси мусбат – резусга, иккинчиси эса манфий – резусга эга бўлса, улардан туғиладиган болаларнинг 30% манфий – резусли қон билан дунёга келади.

Мусбат – резусли ота ва онадан манфий – резусли бола туғилиши учун у, отасидан ва онасидан биттадан рецессив ген олиши зарур. Бундай ҳолда, мусбат – резусли она ва манфий резусли бола ўртасида уларнинг саломатлигига ҳавф солувчи ҳолат юз бермайди. Агар, онанинг қони манфий – резусли, ҳомиланинг қони мусбат – резусли (бола доминант гени отасидан олган) бўлса ҳавф солувчи ҳолат жуда тез кескинлашуви мумкин. Онанинг қонига, плацента орқали, ҳомиланинг резус – омиллари мавжуд эритроцитлари келиб тушиши мумкин. Онанинг иммун тизими антигенга (резус – омилга) мос равишдаги антитаналар ишлаб чиқаришни бошлайди. Улар ҳомила қонига келиб тушади ва агглютинацияни ҳамда эритроцитларнинг парчаланиши оқибатида токсик маҳсулотлар йигилади. Улардан биттаси билирубин бўлиб, ҳомиланинг ривожланаётган миясига ва бошқа тизимларига қаттиқ зарар келтиради. Аёл биринчи марта ҳомиладор бўлган вақтда, антитаналарнинг миқдори, қоидага биноан, ҳомиланинг ривожланишига кескин зарар келтиришга олиб

келадиган даражага етмайди. Бундай ҳолат иккинчи марта ҳомиладор бўлган вақтда муракқаблашади.

## **Билимларини текшириш учун саволлар.**

1. Қон тизимига қандай аъзолар мансуб?
2. Қайси аъзолар қон яратувчи ҳисобланади?
3. Турли ёшга оид даврларда бола қонининг миқдори қанақа?
4. "Гематокрит сон" деганда нимани тушинасиз ва у онтогенезда қандай ўзгаради?
5. Ҳомила ва болалар қонида аийдоz юз беришининг сабаблари нимада?
6. Онтогенезда болалар қонининг морфологик таркибини ўзгаришини кўrsатинг.
7. Қоннинг гуруҳли хусусиятлари қандай аниқланади ва улар қандай наслдан наслга ўтади?

### **ҚОН АЙЛАНИШИ.**

- ❖ Ҳомила даврида ривожланаётган боланинг қон айланиши механизми.
- ❖ Туғилгандан кейинги қон айланиши механизми.
- ❖ Юракнинг ёшга оид ўзгаришлари тавсифи.
- ❖ Акселерация ва юрак – томир тизимининг ривожланиши.


Ҳомиладорликнинг 3 ҳафтасидан бошлаб эмбрионда юракнинг ривожланиши бошланади (4 – расм). Юрак, иккита найча кўринишида бўйинга яқин жойда шаклана бошлаб, кейинчалик ушбу найчалар қўшилиб S – симон шаклга эга бўлади. Кейинчалик эса, юракнинг ҳолати, катталиклари, ташқи кўриниши (шакли) ва ички тузилишида жуда мурак – каб ўзгаришлар юз беради. Юракни 4 та камерага бўладиган тўсиқлар пайдо бўлади. Эндокардан клапанлар ва қопқоқ – чалар шаклланади. Ҳомила ривожланишининг 2 – ойини охирига келиб, юрак кўкрак қафасига силжиб ўтади ва у ерда ёшга қараб ўз ҳолатини ўзgartиради. Янги туғилган болада, юрак кўндаланг жойлашган бўлиб, катталаштан тимус безнинг орқасига сурилади. Катталашган жигар юракни юқори жойлашишини белгилайди ва унинг тела қисми 4 –

қовурғалараро бўшлиқда чапга проекция қиласи. Бола 5 ёшга тўлгач 5 қовурғалараро бўшлиқда проекцияланса, 10 ёшга келиб катталарникига мос келади. Юракнинг юраколди, меъдаолди соҳалари ва меъдачалари нотекис ривожланади. Бола янги туғилганда ва эмизуклик даврининг биринчи ойларида юракнинг меъдаолди соҳаси меъдачаларга нисбатан анча жадал ривожланади. Иккинчи ёшга ўтганда уларнинг ўсиши умуман бир хил бўлади. Аксинча, 10 ёшга тўлгандан кейин, меъдачаларнинг ўсиши меъдаолди қисмларига нисбатан кескин кучаяди ва бунда чап меъдача тезроқ ўсади. Бола 1 яшар бўлганда юрак оғма ҳолатда жойлаша бошлади.

Қон томирларининг ривожланиши юрак ривожланиши билан бир вақтда бошланади. Янги туғилган боланинг қон томирлари катталарники билан бир хилда бўлади. Уларнинг бир хиллари ўзининг ҳолати, қўшни аъзоларга муносабати, катталиклари, тузилиш хусусиятлари, ривожланиш даражаси билан фарқланади. Масалан, ўпка томирининг айланаси шотомир (аорта) айланасига нисбатан катта, аорта ёйи анча горизонтал жойлашган ва ҳ.к.

Ҳомиланинг қон айланиси плацентар деб номланади. Пастнатал қон айланисидан унинг фарқи шундан иборатки, ўпканинг қон айланиш доираси орқали қон ўтади, лекин газ алмашинуви жараёнида иштирок этмайди. Бундан ташқари, чап ва ўнг меъдаолди бўлмачалари ўртасида боғланиш дарчаси (овал дарча) ҳамда ўпка артериясининг қўйилиш жойи ва аорта ёки ўртасида қўшалоқ қўйилиш (артериал найча оқими) жойи мавжуд. Бунинг оқибатида, ҳомила аралашган артериал – веноз қон билан таъминланади. (5 – расм).

Плацентада киндик венаси бошланади ва у орқали плацентада оксидланган артериал қон ҳомилага йўналтирилади. Киндик йўли таркибида ўтадиган киндик венаси киндик ҳалқаси орқали ҳомиланинг қорин бўшлиғига кириб келади ва жигарга ўтади ҳамда у ерда жигарнинг қон томирлари билан бирлашиб, жигар веналари билан биргаликда қонни пастки ковак венага олиб келади. У орқали қон ўнг меъдаолди бўлмачасига ўтади ва пастки ковак венанинг түсиқчаси ёрдамида овал дарча орқали чап меъдаолди бўлмачасига, кейин эса чап меъдагача ва аортага ўтади.



4—Расм. Юрак камераларини шаклланиши.

Одам ҳомиласи юрагининг фронтал (умумий) кесмаси. А—4—4,5 ҳафталик ҳомила юраги: 1—юрак бўлмачаси; 2—қоринча; 3—бўлмача—қоринча (атриовентрикуляр) канали. Б—5 ҳафталикка яқин ҳомила юраги: 1—бирламчи бўлмачалар орасидаги тўсиқ; 2—бирламчи тешикча; 3— бўлмача—қоринча канали. В—5,5 ҳафталик ҳомила юраги: 1—бирламчи бўлмачалар орасидаги тўсиқ; 2—бирламчи бўлмачалар орасидаги тешикча (ёнилувчи); 3—иккиламчи бўлмачалар орасидаги тешикча; 4—бўлмача—қоринга каналидаги ёстиқча (эндокардни қалинлашуви); 5—қоринчалараро тешикча; 6—қоринчалараро тўсиқ. Г—6—6,5 ҳафталик ҳомила юраги: 1—бирламчи бўлмачалар оралиғидаги тўсиқ; 2—иккиламчи бўлмачалар оралиғидаги тешикча; 3—иккиламчи бўлмачалар оралиғидаги тешикча; 4—бўлмага—қоринчалар канали ёстиқчаси (атриовентрикуляр); 5—қоринчалараро тешикча. Д—8 ойга яқин ҳомиланинг юраги: 1—бирламчи бўлмачалар оралиғидаги тўсиқ (овал тешикча клапани); 2—иккиламчи бўлмачалар оралиғидаги тўсиқ; 3—иккиламчи бўлмачалар оралиғидаги тешик; 4—бўлмачалар тешигасидаги клапанлар (атриовентрикуляр).

Қон аорға орқали, биринчи навбатда юракка (вена арте – риалари бўйлаб), бўйинга, бошга ва қўлларга боради.


Ўнг меъдаолди бўлмачага келадиган веноз қон пастки ковак венадан ташқари яна устки ковак вена ва юракнинг тож синуси орқали ҳам келади. Ушбу қоннинг барчаси пастки ковак венадан келадиган кичик миқдордаги қон билан биргаликда ўнг меъдачага боради ва ундан ўпка йўғон томирга ўтади. Ўпка томиридан ўтган қон ўпка артериялари орқали ўпкага, ортиқча қон эса артериал найча орқали аорға келиб қуйилади.

Шундай қилиб, аортага аралаш қон келиб тушади, яъни: чаш меъдачадан кўпроқ артериал қон, артериал найча орқали эса кўпроқ миқдордаги веноз қон. Аралаш қон кўкрак ва қориндаги қон томирлар тармоғи орқали кўкрак ва қорин бўшлиғидаги аъзоларга, тос ва оёқларга боради.

Чап ва ўнг меъдачалардан келадиган қон оқими аорта орқали қисман аралашиб ўтади ва анча (аэроблашган) кисмий слородга тўйнган қон бошга келиб тушади. Киндик артеријаси бўйлаб, қон киндик ҳалқаси орқали қорин бўшлиғидан чиқади ва киндик йўли таркибида плацентага бориб етади. Ҳомиланинг қони плацентада озиқа моддаларни олади, корбонат ангиридан соқит бўлади, кислород билан бойитилади ва яна киндик венаси орқали ҳомилага қайтади.

Бола туғилгач, киндик йўли туғиб қўйилганида ва ўпка доираси орқали қон айланиши бошланганда киндик артеријасини артериал найчани ва киндик артерияларининг дистал бўлимларини секин – аста бўшлаб қолиши бошланади. Ушбу барча ҳосилалар бирлашиб яллигланади ва тутам ҳосил қилиб қотади. Бола туғилгандан сўнг ўзининг функционал моҳиятиви йўқотган овал дарча ва пастки ковак венанинг тўсиқчаси ҳам яллигланиб қотади.

Бола туғилиб, унинг организмини она организми билан алоқаси узилганда қонида корбонағ ангирид газини тўпла ниши бошланади ва бу ҳол илк бор нафас олишни рагбатлантиради ҳамда ўпка ҳаво билан тўлади. Кичик қон айланишили доирасида босим пасаяди ва ўнкага келадиган қон оқими ортади. Қонни ўнкадан юракка келиши ортади, юракнинг чаш ва ўнг бўлимларидаги босим кўрсаткичлари ўзгаради. Кичик қон айланиш доирасининг фаолияти бошлангандан сўнг чап меъдаолди бўлмачада босимнинг ортиши



5—Расм. Ҳомила ва түгилган чақалоқда қон айланиши. А—йүлдошда қон ҳаракати; В—ҳомилада қон айланиши; С—түгилган чақолоқда қон айланиши. 1—киндиқ артерияси; 1а—ән киндиқ түгини (шохланған артериялар); 2—ворсинкалар (сұрғычлар); 3—вена қонини олиб келувчи артериолалар; 4—артериал қонни олиб кепіувчи бошланғыч вена; 5—қонни лақунға (6) шарқатувучи она организми артерияси; 7—она организми веналари; Киндиқ венаси; 8 а—жигарни дөира түгүни (шохланған вена); 9—киндиқ халқаси; 10—вена ирмоги; 11—жигар; 12—пастки пүк вена; 13—овал тешикча; 13а—овал чуқурча (шохланған тешикча); 14—ұпка артерияси; 15—боталл ирмоги; 15 а—боталл түгүни (шохланған ирмоқ); 16—ҳомила ұпкаси; 16 а—түгилган чақалоқ ұпкаси.

туфайли овал дарчанинг клапани юрак бўлими ўртасидаги тўсиққа ёпишади ва уни ёпиб қўяди. Мушак толаларининг қисқариши натижасида артериал найча ҳам ёпилади. Бунинг барчаси, ҳомила юрагининг иккала бўлимини параллел бирлашган ҳолатини янги туғилган бола юрагида кетма – кет бирлашган ҳолатга айланишига олиб келади. Меъдаолди бўлмачалари ўртасидаги овал дарчани яллиғланиб қотиши бола туғилганидан кейин 6 – ҳафтада, кўпроқ 5 – 7 ойдан сўнг содир бўлади. Қатор ҳолатларда артериал найча ва овал дарча яллиғланиб қотмаслиги мумкин, туғма нуқсонлар ичида ушбу патология 20% ташкил қиласи.

Бола организмини ўсиши ва ривожланиши жараёнида унинг юрагини ёшга оид катталикларини, оғирлигини ва тузилишини ўзгаришлари содир бўлади. Ушбу ўзгаришлар бола ҳаётининг биринчи йилида жадал равишда, қисман иккинчи ёшида ва жинсий балогатга етиш даврида содир бўлади. Ўғил болалар 6 ёшга тўлганда, улар юрагининг узунлиги янги туғилгандагига нисбатан 2 марта кўп бўлади, энига эса 9 ёшга келиб, қалинлигига – 13 ёшга келиб икки марта ортади. Қиз болалар юрагининг барча параметрлари анча кичкина бўлади (5 ва 6 – жадваллар).

5 – Жадвал.

### Юракнинг ўртача катталиклари

Ёши	Кўндаланг диаметри (см)	Узунлиги (см)	Юзаси ( $\text{см}^2$ )
Янги туғилган	5,3	5,7	15
1 яшар	7,3	7,6	30
6 яшар	8,6	9,1	54
10 яшар	10,0	11,1	74
15 – 19 яшар	11,9	12,6	102

6 – Жадвал.

**Юракнинг оғирлиги (гр)**

Ёши	Ўғил болалар	Киз болалар
Янги туғилган	17,0	16,4
1 – 2 яшар	55,6	52,5
5 – 6 яшар	85,1	82,4
9 – 10 яшар	111,1	95,8
10 – 11 яшар	112,4	108,8
11 – 12 яшар	127,8	125,4
12 – 13 яшар	134,2	143,0
14 – 15 яшар	183,6	184,6
Вояга етган	244,4	

Ёшга қараб парасимпатик асаб тизимини роли ортади ва бу, юрак қисқаришлари частотасини пасайишига олиб келади (7 жадвал).

7 – Жадвал.

**Юрак қисқаришлари частотаси (дақиқада)**

Ёши	Юрак қисқари шлари частотаси	Ёши (йил)	Юрак қисқариш лари частотаси	Ёши (йил)	Юрак қисқари шлари частотаси
Янги туғилган	135 – 140	5	93 – 100	11	78 – 84
6 ойлик	130 – 135	6	90 – 95	12	75 – 82
1 яшар	120 – 125	7	85 – 90	13	72 – 80
2 яшар	110 – 115	8	80 – 85	14	72 – 78
3 яшар	105 – 110	9	80 – 85	15	70 – 76
4 яшар	100 – 105	10	78 – 85		

Болаларнинг артериал қон томирлари бўшлигини диаметри юрак бўшликлари ҳажми билан солиштирганда катта одамларницидан кўпроқдир. Бу, юрак қисқаришлари ритмининг пастлаги билан бир қаторда қонни катта тезлик

билин сиқиб чиқарилишига шароит яратади. Ёш катталашган сари қон томирлар бўшлигининг диаметри кичкиналашади ва бу, қон босимини ортишига ва қон оқими тезлигини пасайишига олиб келади. Систолик ва диастолик босим ортади, лекин улар ўртасидаги фарқ ортмайди, чунки систолик босим кўпроқ даражада кўпаяди (8 жадвал).

8 – Жадвал.

**Ўғил ва қиз болаларда қон босимининг катталиги  
(мм.симоб.устунида) ва юрак қисқаришлари частотаси  
(дақиқаларда).**


Ёши (йил)	Ўғил болаларда			Қиз болаларда		
	Сис- тола	Диас- тол	Юрак қисқари- шлари час- тотаси	Сис- Тола	Диас- Тола	Юрак қисқари- шлари частотаси
6	90,24	48,27	97,02	91,27	49,30	98,02
9	104,41	61,20	83,00	103,83	59,80	84,72
13	112,54	65,40	83,50	111,75	65,93	82,20
16	125,50	73,05	75,68	120,77	70,21	71,08

Болаларда қон оқими тезлиги вояга етган одамларни – кига нисбатан каттароқдир. Янги туғилган болаларда қоннинг тўлиқ айланиши 12 секунда амалга ошади, 3 яшарда – 15, 14 ёшарда – 18,5, катталарда – 22 секундларда амалга ошади. Болаларда қон оқими тезлигини белгилашнинг асосий сабаби – қон томирлари узунлигини кичкиналиги ва бола юрагини катталарникига нисбатан кўпроқ иш бажариши ҳи – собланади.

Хозирги вақтда, юракнинг гипоэволюция муаммоси мавжуд, яъни юракни ўз физиологик ривоҷланиши дара – жасидан, ёшга оид эволюцияси одатдаги хусусиятидан орқада қолиши. Ушбу ҳолат, кичик ўспирин юраги деб номланишда намоён бўлади. Гавдани бўйига ўсиши тезлиги ва юрак катталиги ўртасида сезиларли алоқа мавжуд. 11 – 16 ёшларда гавдани тезлик билан ўсиши ва организмда нейрогуморал қайта ўзгариш содир бўлади. Юрак массасининг

ўсиш тезлиги ва ҳажми ортади ва туғилгандан сўнгги ҳаё – тининг биринчи 2 йилдаги ҳолатга бошқатдан келади. Кардиоцитларнинг қалинлиги ва узунлиги катта одамлар юраги тавсифларига яқинлашади. Бу ёшда гавдани ўсишини тезлашиши кўпинча аъзолар ва тўқималарни жумладан юрак ва томирларнинг ҳам нотекис ўсиши билан бирга кузатилади. Юрак бўшлиқларининг ҳажми клапанлар тешиклари бўшлиқлари ва магистрал қон томирларига нисбатан тезроқ катталашади. Кўкрак қафаси яхши ривожланган ўрта бўйли баркамол ривожланган ўспириналарда тана, юрак ва магистрал қон томирлар бўшлиги катталиклари ўртасида энг яхши ўйғунлик мавжуд, уларнинг функционал имкониятлари энг каттадир.

Айрим болаларнинг юраги «ўспирин» ёки «йигит» юраги учун хос хусусиятларга эга бўлади (6 – расм).



6 – Расм. Ўспирин юраги варианлари (рентгенограммалар схемаси).

А – «етилмаган» юрак; Б – «гипертрофияланган» (хаддан ташқари ривожланиб кетган) юрак; В – "митрал" юрак; Г – нормал юрак.

Ёш катталашган сари улар тенглашади ёки йўқолади. «Ўспирин» юрагининг З та варианти фарқланади: 1. Митрал шакли, рентген орқали тадқиқот қилинганда аниқланади. Бу

шакл чап контур силиқлашганда катталиклари ортмаган ва гемодинамикаси бузилмаган ҳолда намоён бўлади. 2. Кичик ёки томчи шакли: юрак қон томирларида осилиб тургандек қорин бўшилиғида ўртача ҳолатни эгаллаб туради. Ўзига хос белгилари: паст систолик ҳажм, қисқаришларнинг тезлашиши, пасайган артериал босим, ҳансираш, бош айланиши, тик турганда хушдан кетиш. 3. Юракнинг гипертрофия – ланган шакли: унга, чап меъдачада қоннинг дақиқалик ҳажмини катталашуви, брадикардия, систолик артериал босимни унча сезиларли бўлмаган – 130 – 140 мм. сим. ус. даражасида ортиши, функционал систолик повқин кабилар хосди.

Гавданинг ўсиши билан юрак ва қон томирлар катталиги ўртасидаги физиологик нисбийлик тенглашмаган ҳолатларда бир қатор ўзгаришлар юзага келади: тез чарчашиб, юрак уришининг тезлашиши, юракда оғриқ, яъни қон билан таъминланиши ёмонлашган миокард дистрофиясини ҳавфли ривожланиши симптомлари кабилар.

Бу ҳол, тана катталикларини тез ўсиши ва эҳтимол ҳаракат фаоллигини пасайиши туфайли мос равища юрак шаклланиши жараёнларини бузилиши билан боғлиқ. Ўсиш акселерацияси ва кам ҳаракатли турмуш тарзи артериал босимни ортиши учун яхши ҳолатни яратади. Қон томирлари дистонияси ва гипертоник ҳолат пайдо бўлади.

Болалар ва ўспириналарда қон томири тонусининг ортиши ва гипертониянинг «ёшариши» – акселерация ва кам ҳаракатли турмуш тарзи билан боғлиқ диалектик муаммодир. Улар, баркамол ривожланишни бузилишига кўмаклашувчи фонни ташкил қиласиди. Ушбу бузилишлар бир ҳил ҳолларда астеник тана тузилишида намоён бўлади, яъни ўспириналарда ўсишга мос келмайдиган анча кичик елкалар ва кичкина доирага эга қўкрак қафасини шаклланиши содир бўлади ҳамда юрагининг ўсиши гавда ўсишдан орқада қолади. Бошқа ҳолатларда – семириб кетишда ва у билан боғлиқ бўлган юрак, қон томирлар ва ички секреция безлари ҳолатини бузилишида кузатилади.

### **Билимларни текшириш учун саволлар.**

1. Ҳомилада қон айланиши механизми янги туғилган боланикidan нима билан фарқланади?
2. Бола туғилгунга қадар ва туғилганидан кейин қон

айланиши механизмидаги ўзгаришларнинг сабаби нимада?

3. Юракнинг оғирлігі, катталиклари ва тузилишидаги ёшга оид ўзгаришлар нималардан иборат?
4. Ўсмирлар юрагининг қандай шакллари мавжуд?
5. Ёшта қараб қон босими ва юрак қисқариши частотаси кўрсаткичлари қандай ўзгаради?
6. Ўсмирлар гипертонияси нима билан боғлиқ?

## ТАЯНЧ-ҲАРАКАТ АППАРАТИ

- ❖ Суяк тўқимасининг таркиби.
- ❖ Скелет суякларининг ривожланиши босқичлари.
- ❖ Суякларнинг қотиши.
- ❖ Суяклар ривожланишининг ташқи ва ички омиллари.
- ❖ Суякларнинг ёшга оид ўзгариш босқичлари.
- ❖ Скелет қисмлари ривожланишининг ёшга оид хусусиятлари.
- ❖ Мушак тизими ривожланишининг ёшга оид хусусиятлари.

Онтогенез жараёнида скелет суяклари ривожланиши – нинг 3 та босқичи кузатилади:

1. Пардали боғловчи – тўқимали
2. Тоғайли
3. Суякли

Ушбу босқичларни деярли барча суяклар ўтади, бош чаногини тўплам суяклари, юз қисмини суяклари ҳамда ўмров суяклари қисмини суяклари бундан истисно. Улар тоғайли босқични ўтмайдилар. Суяк моддаси органик моддалардан (1/3), асосан оссеиндан ва ноорганик моддалардан (2/3), асосан кальций тузларидан, айниқса, фосфор кислотали ишқордан (51%) таркиб топган. Суякнинг эластиклиги оссе – инга, мустаҳкамлиги эса минерал тузларга боғлиқ. Улар биргаликда суякларни мустаҳкам ва пишшиқ қиласи.

Суякларнинг кимёвий таркиби ёшга боғлиқ бўлиб, болаларда суякларни ўта эластик қилувчи органик моддалар кўп бўлади. Қари одамларда органик моддаларнинг миқдори анча камаяди ва бу ҳол, суякларни осон ва ёмон ўсиши учун шароит яратади. Суяк тўқималарига остеоцитлар, остеобластлар

ва остеокластлар киради. Остеобластлар – сүяк ҳосил бўладиган зоналардаги ўсувчи ҳужайралардир, остеокластлар эса сүякли моддаларни парчаланишини таъминлайди. Остеобласт ва остеокластларнинг ҳамкорликдаги фаолияти суякларни ўсиши ва функцияларини ўзгариши пайтидаги уларни даврий қайта тузилишининг ўзгариши асосида ётади. Парчаланиш ва яратиш жараёнларининг ўзаро боғлиқлиги туфайли сүяк тўқимаси юксак регенератив қобилиятта эга.

Сүяк тўқимаси кальций ва фосфор учун депо ҳисобланниб, уларнинг тўпланиши ва сафарбарлиги қалқансимон олд безнинг гормони – паратгормон ва қалқансимон безнинг парофоликуляр тўқимаси гормони – кальцитонин ёрдамида амалга ошади. Паратгормон остеокластлар фаолигини рағбатлантиради ва бу ҳол, ҳужайралараро суюқлиқдан кальций ва фосфорни эркин ажralиб чиқишига олиб келади, буйракларда кальцийни реабсорбциясига ва унинг миқдорини қон плазмасида ортишига кўмаклашади ҳамда ичақда Д витамини миқдори етарли даражада бўлса кальций абсорбциясини кучайтиради.

Кальцитонин сүяк тўқимасидан кальцийни чиқишини ушлаб қолиб, уни плазмадаги миқдорини пасайтиради.

Суякларнинг ҳосил бўлиши, асосий танянч рол ўйнайдиган ҳужайралараро сүяк моддаларини ишлаб чиқувчи остеобластлар – мезенхима ҳужайралари ҳисобига содир бўлади. Скелет суяклари боғловчи ёки тоғайли тўқималар муҳитида ривожланади. Тўқиманинг маълум бир шаҳобчаларида (участкаларида) остеобластлар фаолияти туфайли сүякли моддалар оролчалари (сүяк қотиши нуқталари) пайдо бўлади ва бу жараён периферия бўйлаб барча томонларга нурсимон тарқалади. Боғловчи тўқималарнинг юза қатламлари тоғай пардаси кўринишида қолади ва унинг ҳисобига сүякни энита катталashiши (қалинлашиши) содир бўлади. Тоғай пардаси остеобластларининг фаолияти туфайли тоғай юзасида сүяк тўқимаси йиғилади. У тоғай тўқимасининг ўрнини босади ва компакт сүяк моддасини ҳосил қиласди. Суякнинг тоғайли модели сүяк босқичига ўтади ва сүяк тўқимасини кейинчалик йиғилиши сүяк парда ҳисобига бўлади. Сүяк қотишининг бундай тури периостал (os – сүяк) деб аталади. Эндохондриал (chondros – тоғай) сүяк қотиши тоғай пардаси иштироқида тоғай муртаклари ичида содир

бўлади, тогай пардалар тогай ичида қон томирларига эга бўлган ўсимталарни беради. Суяк яратувчи тўқима тогай -- ларни парчалайди ва тогайли модел марказида суяк тўқи-- малари оролчаларини (суяк қотиш нуқталарини) ҳосил қиласди. Бу, ғовоксимон (губкасимон) мoddани ҳосил бўли-- шига олиб келади.

Олдин, ҳомила ривожланишининг иккинчи ойида бир-- ламчи суяк қотиш нуқталари пайдо бўлиб, улардан тана оғирлигини кўтарувчи сужкларнинг асосий қисмлари ри-- вожланади, яъни таналар ёки найсимон сужкларнинг оралиқ қисмлари (диафизлари) (*dia* – оралиқда, *phyo* – ўсаман) ва (метафизалар) (*meta* – орқада, кейин) деб номланган (диа-- физларнинг кетинги ўсимталари ривожланади. Улар, пери-- ва эндохондриал остеогенез йўли билан қотади. Кейинчалик, туғилишдан сал олдин ёки туғилгандан кейинги биринчи йилларда иккиламчи нуқталар пайдо бўлади, улардан эндо-- хондриал қотиш йўли билан қисмлар бўғинларга ажралишда қатнашадиган сужклар учи, яъни эпифизлар ҳосил бўлади. Тогайли эпифиз марказида қотиш ядроси ўсиб катталашади ва ғовак мoddадан таркиб топган сужкнинг эпифизига айла-- нади. Бирламчи тогай тўқимадан, одам ҳаёти давомида, фақаттина эпифиз юзасида юпқа қатлам қолади ва улардан бўғинларнинг тогайлари ҳосил бўлади.

Болаларда, ўсмиirlар ва хатточи катта одамларда ҳам, мушак ва пайларни пайдо бўлиши оқибатида тортиш кучини таъсирига учрайдиган суяк қисмларида қўшимча қотиш су-- яклари ҳам пайдо бўлади. Уларни апофизлар дейилади. Масалан, белнинг умуртқа поғоналари ўсимталаридағи қўшимча нуқталар.

Ғовакли мoddалардан таркиб топган (умуртқа поғона-- лари тўш, оёқ кафтлари, бети, оёқ кафти билан болдир ора-- сидаги сужклар найсимон сужкларнинг бўғим учлари ва бошқалар) сужклар ва суяк қисмлари эндохондриал йўл билан, ғовакли ва компакт мoddалардан таркиб топган (бош чаноғи асоси, найсимон сужклар диафизлари ва бошқалар) сужклар ва суяк қисмлари эндо-- ва перихондриал йўл билан қотади.

Пубертат даврда скелет ўсишининг катталашishi, ав-- валомбор юқори остеоген фаолликда ҳамда сужклар ети-- шишининг тезлашишида намоён бўлади. Остеоген фаоллик


сүяк қотишининг эндохондриал ва периостал шаклари ҳи-  
собига янги сүяк ҳосил бўлиши билан тавсифланади. Гипо-  
физ ва қалқонсимон безнинг гормонлари остеоген фаол-  
ликка катта таъсир кўрсатади. Суякларнинг етилиши де-  
гаңда, ўсмирлар скелети секин – аста катта одамлар скеле-  
тига хос сифатларга эга бўлиш жараёни тушинилади. Бу  
даврда оссификация жараёни якунланади, узун найсимон  
суякларнинг бўғин учлари тоғайлари ва ўсиш пластинкалари  
кичкиналашиб йўқ бўлиб кетади. Суякларнинг етилиши ти-  
роксин, андрогенлар, эстрогенлар, соматотрон гормонлар  
назорати остида содир бўлади. Суяклар етилиши жараёни  
ўсиш тоғайли қотиши моментига келиб якунланади.

Суякларнинг етилиши жинсий балоғатта етиш ва фи-  
зиологик ёш билан яқиндан боғлиқ бўлиб, уларнинг объек-  
тив ва ишончли кўрсаткичи ҳисобланади. Ўслиринлик дав-  
рида найсимон суякларнинг бўғим учларидағи тешикларнинг  
ҳолатига боғлиқ равишда ўсишни пубертат тезлашиши фа-  
зларини аниқлаш амалга оширилади. Ўсишининг тезлашиши  
пайтида найсимон суякларнинг бўғим учларидағи тешиклар  
кенг бўлади, сустлашган пайтида – биринчи навбатда панжা  
ўзаги ва кафт орқаси суякларида ва бармоқлар суякларидағи  
тешиклар йўқ бўлади.

Организмни ўзоқ муддат ўсиши ва эмбрионал ҳамда  
етилган сүяк катталиклари ва шаклари ўртасидаги катта  
фарқ шундайки, улар, ўсиш давомида уни, албаттга, қайта  
тузилишини содир бўлишига олиб келади, яъни: янги осте-  
онларнинг ҳосил бўлиши эскиларини сўрилиб кетиши (ре-  
зорбция) жараёни билан параллел равишда боради, бу ҳол,  
остеокластлар (clasis – синдириш) фаолиятининг натижаси  
ҳисобланади.

Остеокластлар фаолияти туфайли диафизнинг барча  
эндохондриал сугиги сўрилиб кетади ва мия сугиги бўшлиғи  
ҳосил бўлади. Перихондриал сүяк йўқолиб, унинг ўрнида,  
сүяк пардаси ҳисобига янги қатламлар ҳосил бўлади ва бу  
ёш сукни қалинлигини ўшишига олиб келади.

Суякларни бўйига ўстирувчи узун найсимон суяклар –  
нинг бўғим учларидағи (эпифизлар) тоғай (ўсиш пластинка-  
си) эпифиз ва метафиз ўртасидаги тоғай қатлами болалик ва  
ўсмирликнинг барча давларида сақланади (7 – расм).



7—Расм. Эпифизар тоғай чизиги. Ўспириннинг найсимон сүягидаги сүякка айланган тоғай оралиғи. 20 ёшта етғанда (ўсиш фазаси тұгаганда) эпифиз (найсимон сүякни бүгін томони) ҳам сүякка айланади.

1—сүякка айланиш ядроси,  
2—бүгін тоғайи,  
3—эпифизар тоғай чизиги,  
4—сүяк.

Унинг ҳужайралари күләйиши тұхтайди ва эпифизар тоғай ўрнини секин — аста сүяк түқимаси әгаллады, метафиз эса эпифиз билан құшилади ва сүякнинг құшилиб үсиши ёки синостоз содир бўлади.

Шундай қилиб, сүякнинг қотиши ва үсиши остеобластлар ҳамда остеокластлар ҳаёт фаолиятининг натижаси дир.

Ҳар қандай найсимон сүяқда қуийдаги қисмлар фарқланади:

1. Тана (диафиз) — сүякли най, таркибида сариқ илик бўлади ва таянч ҳамда химоя функциясини бажаради. Девори зич компакт моддадан таркиб топған бўлиб, унда сүяк пластинкалари бир-бирига яқин жойлашган ва қалин массани ҳосил қиласи. Эпифизлар тоғайга ёндош диафиз учлари (охирларини) метафизлар деб аталади. Улар диафизлар билан бирга ривожланади, сүякларни бўйига үшида қатнашадилар ва говакли моддадан ташкил топған. Ушбу модданинг ячейкаларида қизил илик бор.

2. Найли сүякнинг бўғин охирлари энифизлар дейилади. Улар, таркибида қизил илик бўлган ғовакли моддадан иборат, лекин метафизлардан фарқли ўлароқ, энифиз тоғайнинг марказида тўпланган сүякнинг мустақил қотиш нуқтасидан эндохондриал ривожланади. Уларнинг ташқи томонида бўғин юзаси жойланган бўлиб, бўғинларни ҳосил бўлишида қатнашади.

3. Энифизларнинг ёнида сүяк ўсимталари – апофизлар жойлашган бўлиб, уларга мушаклар ва пайлар бириккан. Улар, сүякнинг мустақил қотиш нуқталаридан эндохондриал равишда қотади ва ғовакли моддадан ташкил топган.

Суякларнинг ривожланиши ички ва ташқи омилларга боғлиқ. Ички омилларни кўриб чиқамиз.

Сүяк тизимини ривожланиши ва эндокрин тизимининг ҳолати ўртасида маълум бир боғлиқлик мавжуд. Бу, айниқса, пубертат даврда сезиларлидир. Гипофиз фаолияти кучайган пубертат даврда ёк сүяк қотишининг барча асосий нуқталари пайдо бўлади. Уларни пайдо бўлиш муддатларида жинсий фарқлар топилган: қизларда ўғил болаларга нисбатан 1–4 йил олдин намоён бўлади. Пубертат даврнинг бошланиши биринчи панжга ўзаги ва кафт орқаси сүякларида сүяклараро бириктирувчи тўқиманинг сүякланиб кетиши билан сүякларнинг ўзаро бирикишини (синостозни) пайдо бўлишига билан тўгри келади ва бу ҳол, жинсий етилишнинг бошланиши кўрсаткичи ҳисобланади: ўғил болаларда 15–19 ёнда ва қиз болаларда 13–18 ёнда.


Тўлиқ жинсий балоғатга етиш ҳам скелст ривожланиши ҳолатида ўз аксини топади: барча найли сүякларда синостозларни ҳосил бўлиши якунланади (аёлларда 17–21 ёнда, эркакларда 19–23 ёнда). Синостозирланиши жараёни тугаши билан сүякларни бўйига ўсиши ҳам якунланиши назарда тутилса, нима сабабдан жинсий балоғатга етиши аёлларни кига нисбатан кечроқ тутайдиган эркакларнинг массаси ва бўйи аёлларнидан юқори эканлиги тушунарли бўлади.

Рентгенологик тадқиқотлар пайтида сүякларнинг тузилиши тизимининг ҳолатига ҳам боғлиқ эканлиги аниқланади: асаб тизими сүяк тўқималарига нисбатан трофиқ функцияни амалга оширади. Асаб тизимининг трофиқ функциясини кучайиши пайтида, сүякларда кўпроқ сүяк тўқималари ийғилади ва у анча зич–компакт (остеосклероз) бўла-

бошлайди. Аксинча, трофик функция сусайганда сүякларни бўшашиб қолиши (остеопороз) кузатилади. Асаб тизими мушаклар орқали ҳам сүякларга таъсир кўрсатади, яъни мушакларни қисқартириш орқали бошқаради.

Сүякларнинг ривожланиши қон тизими билан яқиндан боғлиқдир. Сүякли пластинкалар қон томирлар атрофида маълум бир тартиб асосида йигилади ва томир учун марка – зий канали бўлган остеонларни ҳосил қиласди. Суяк пайдо бўлиши ва шаклланиши даврида қон томирлар атрофида шаклланади. Сүякларда, артерия ва веналар ўтадиган ва ён – дошадиган жойларида қон томири каналлари ва эгатларини ҳосил бўлиши ҳам юқоридаги ҳолат билан тушинтирилади.

Бола туғилгандан кейинги даврда ҳам сүякларнинг қотиши ва ўсиши қон таъминланиши билан кечади. Суякларни ёшга оид ўзгаришларини бир қатор босқичларини кўрсатиш мумкин (8 – расм):



8 – Расм. Артерия оқимини ўзгариши билан боғлиқ бўлган сүякни ёшга оид ўзгариш схемаси.

1 – неонатал босқичи (янги туғилган), 2 – инфантил босқичи, 3 – ювенил босқичи (ўсмирлик ёши), 4 – етуклик босқичи, 5 – сенил босқичи (қарилик ёши).

1. Неонтал босқич – сүякининг қон томирлар ўзани бир қатор томирли зоналарга (эпифиз, диафиз, метафиз, апофиз) бўлинган бўлиб, улар ўзаро алоқага эга эмас.

2. Инфантил босқич — синостозлар бошланышыдан олдин. Томирли зоналар ҳали ажралмаган, лекин қон то-мирлар ҳар бир зона доирасида бир-бири билан анасто-мияланади.

3. Ювенил босқич — ўсмирлик ёши. Эпифизлар төгай орқали эпифиз ва метафиз томирлари ўртасида алоқа ўрна-тилиши бошланади. Эпифизлар, метафизлар ва диафизар томирларнинг изоляцияланганлик, яъни ўз доирасида берк бўлган ҳолати йўқолади.

4. Вояга етган босқич — ёши катта одамлар. Сино-стозлар бошланади ва суяк ичидаги барча томирлар ягона тизимни ташкил этади.

5. Сенил босқич — қариллик ёши. Қон томирлари ин-гичкалашади ва қон томирлар тизими ҳам сусаяди.

Скелетнинг тузилиши ва ривожланишига ташки омилларнинг таъсири қўйидагиларда намоён бўлади.

Скелетнинг ривожланиши ва ҳолатига мушакларнинг иши, айниқса, жуда кучли таъсир кўрсатади. Пайлар ёнишган жойларда дўнгликлар, ўсимталар, ғадир-будир-ликлар, мушак тутамлари ёпишган жойларда эса-тўғри ёки эгилган юзалар ва (чуқурчалар) ҳосил бўлади. Мушакларнинг ривожланиши қанча кучли бўлса, ушбу ҳосилаларнинг су-яқда намоён бўлиши аниқроқ бўлади. Шу сабабли, ёши катта одам суюгининг боланикига нисбатан, эркакларникуни аёлларникунига нисбатан рельефи ёрқин намоён бўлиб туради.


Мушакларни узоқ муддат ва тизимли қисқаришлари суяк моддаси массасини катталашиб кетишига сабаб бўлади, бу ҳолат ишчи гипертрафия деб аталади. Бундай ҳолат, су-якнинг катталиги, шакли ва тузилишидаги ўзгаришларни белгилайди. Жисмоний тадбирлар туфайли болалар скеле-тининг барча қисмлари, жумладан кўкрак қафаси ҳам яхши ривожланади, натижада уларга ёпишиб тўрган ҳаёт учун муҳим бўлган аъзолар (юрак, ўпка) ривожланишига ҳам ижобий таъсир кўрсатади. Жисмоний машқлар ёрдамида суюкларнинг йўналтирилган ўсишига таъсир кўрсатиш ва одам танасини баркамол ривожланишига кўмаклашиш мумкин. Меҳнат ва турмуш шароитларини ҳисобга олган ҳолда суюкларнинг нормал тузилишини ўрганиш, нормани чегарадан ташқарига чиқадиган кучли машқлар оқибатида

паталогияяга айланиши масаласини ечиш учун катта аҳамият касб этади.

Скелет қисмларининг ривожланиш ёшга оид хусуси – ятларга эга. Умуртқа асоси – скелет ўзак қисмининг, юқори учи қалла чаноғи билан бирлашган бўлиб, тана узуулитининг қарийиб 40% ташкил қиласди. Умуртқа асоси умуртқа пагоналаридан ва толали тоғайлардан ҳосил бўлган поғоналараро дисклардан тузишган. Ёш катталашган сари диск – ларнинг баландлиги пасаяди. Умуртқа устунини ўсиши биринчи икки ёш даврида энг жадал суръатда содир бўлади. Ҳаётнинг биринчи, 1,5 йилида унинг турли қисмларини ўсиши бир текис бўлиб, кейинчалик З ёшгача бўйин ва юқори кўкрак поғоналарини ўсиши сусаяди ва бел поғоналарининг ўсиши кучаяди. Бу жараён, умуртқа поғонасини кейинчалик ўсиши даврида ҳам давом этади. Умуртқанинг ўсиш темпини кучайиши 7–9 ёшда ва жинсий балоғатга етиш даврида кузатилади, кейинчалик бўйига қўшилиши жуда кам бўлади. Суякларнинг қотиш жараёни ҳомила давриданоқ бошланади ва болалик даврининг барча ёшларида давом этади. Бола 14 ёшга тўлгунга қадар умуртқанинг ўрта қисмлари суяклари қотади. Жинсий балоғага етиш даврида пластинкалар кўринишидаги суяқ қотишининг янги нуқтлари пайдо бўлиб, улар 20 ёшга келиб умуртқа танаси билан қўшилади. Суяклар қотиш жараёни 21–23 ёшга келиб якунланади. Умуртқанинг S – симон шакли боланинг инди – видуал ривожланиши жараёнида шакланади. Бўйин эгрилиги – оддинга қараб бўртиб туриши, бола бошини ушлаб туришни (лордоз) бошлаганда пайдо бўлади. Бола б ойлик бўлиб, ўтиришни бошлаганда бўртиб туриши орқага қарганда (кифоз) кўкрак эгрилиги пайдо бўлади. Бола туришни ва юришни бошлаганда бел лордози ҳосил бўлади ва оғирлик маркази орқа томонга силжийди, бу ҳолат тана вертикал турганда йиқилиб кетишга қаршилик кўрсатади. Бир ёшга келиб умуртқа эгриликларига эта бўлади, лекин улар мустаҳкам бўлмайди ва мушаклар бўшаганда йўқ бўлади. Бола – нинг 7 – ёшига келиб бўйин ва кўкрак эгриликлари аниқ намоён бўлади, бел эгрилигининг мустаҳкамлиги кечроқ яъни 12 – 14 ёшга келиб содир бўлади.

Умуртқа асосининг бузилишлари күнинча болани но-  
түри үтириши натижасида содир бўлади ва уни саломат-  
лигига салбий таъсир кўрсатади (9 – расм).

Кўкрак қафаси кўкрак бўшлигининг асосини ташкил  
қилади. У, тўпидан, орқа учи билан умуртқа устунинг ту-  
ташган 12 жуфт қовргадан иборат бўлиб, шакли ёшига қараб  
ўзгаради. Эмизуқлик даврида, у, ён томонлардан сиқилиб  
тургандек ва олдинги – орқа қисмини катталиги кўндаланғ  
қисминикидан катта. Ёши катта одамда кўндаланғ қисми  
кагта бўлади. Кўкрак қафасининг конуссимон шакли 3 – 4  
ёнгача сақланиб туради. Бола б ёшга яқинлашганда, кўкрак  
қафасининг юқори ва пастки қисмларини нисбий катта-  
ликлари катталарникига хос бўлади ва қовурғаларнинг эг-  
рилиги ортади. 12 – 13 ёшга келиб кўкрак қафасининг шакли  
катталарники каби бўлади.



9 – Расм. Қадди – қомат хиллари.

А – нормал, б – орқа ясси, в – нифотик, г – лордотик, д – елкаси чиққан, е – сколиотик.

Кўкрак қафасининг шаклига жисмоний машқлар ва  
бола үтирган пайтидаги гавда ҳолатининг хусусиятлари  
таъсир кўрсатиши мумкин. Бола узоқ муддат кўкрагини

столга тираб нотұғри үтирганда күкрак қафаси деформацияга учраши, бу ҳол эса, юрак, йирик қон томирлари ва үпканинг ривожланишини бузади. Спорт билан шуғилланиш күкрак қафасини көнг ва ҳажмли қиласы.


Күл скелети бүйімлардан ва әркин қүл сүякларидан иборат. Улар жуфт қуракларни ва үмров сүягини ҳосил қиласы. Қуракларшының сүяги 16—18 ёшта келиб қотади. Эркін қүл сүякларшының қотиши әртә ёшлардан бошланиб то 18—20 ёшгача, айрим ҳолларда ушдан кейин ҳам давом этади. Янги туғилған болада ичига ботиб кирған сүяклари энді шаклланишта бошлайды ва 7 ёшта келиб ёрқин намоён бүлади. 10—12 ёшдан бошлаб сүяклар қотиши жараёнининг жинста мансуб фарқлари пайдо бўлади. Үғил болаларда бу жараён 1 йилга кечикади. 11 ёшта келиб бармоқлар орасидаги тоғайларни сүякланиши, 12 ёшта келиб эса ичига ботиб кирған сүякларини қотиши якунланади.

Оёқлар думғази билан ҳаракатсиз бирлашган тос сүякларини ҳосил қиласы. Янги туғилған болаларда тос сүяги 3 та сүяклардан иборат бўлиб, уларнинг қўшилиб ўсиши 5—6 ёшда бошланади ва 17—18 ёшда якунланади. Думғаза томондаги умуртқа погоналарнинг қўшилиб битта сүякка думғазага айланиши ўспириилик даврида содир бўлади. Үғил ва қиз болаларнинг тосларини шаклидаги фарқ 9 ёшдан кейин билинади, үғил болаларда тос анча торроқ бўлади.

Янги тўғилған болалар товоғининг гумбази ёрқин ифодаланмаган бўлиб, бола юришни бошлагандагина шакланишини бошлайди.


Бош чаноғида иккита бўлим фарқланади — мия ва бет бўлимлари. Янги туғилған болада чаноқ сүяклари юмшоқ бирлаштирувчи тўқимали пардалар билан бирлашган. Ушбу пардалар бир нечта сүяклар туташган жойда, айниқса каттадир. Булар — ўйиқча бўлиб, боли сүягининг тена қисми сүякларининг бурчаклари бўйлаб жойлашган. Шу билан бирга, тоқ — пешона ва энса (гардан) сүяги ҳамда жуфт — (олдинги ёнбош ва орқа ёнбош) ўйиқчалар фарқланади. Ўйиқчалар ёрдамида сүяклари ўз чекка қисмлари билан бир — бирига ёпишиб ва айрим жойлари бўртиб чиқиб туриши мумкин. Кичик ўйиқчалар 2—3 ойга келиб ўсиб битиб кетади, катталари эса пешонадагиси қўл билан ушлагандан сезилади ва 1,5 ёшта келиб битиб кетади (10 — расм).

Боланинг илк бор ёшларида чаноқнинг мия бўлими уни юз бўлимига нисбатан анча ривожланган бўлади. Чаноқ суваклари бола ҳаётининг биринчи йили давомида энг кучли ўсади. Ёш ўтган сари, айниқса, 13–14 ёшдан бошлиб, юз бўлими анча жадал ўсади ва мия бўлимидаги ўсишга нисбатан кучая боради. Янги туғилган боланинг мия бўлими юз бўлимидан 6 марта, вояга стган одамда 2–2,5 марта катта бўлади. Ёш катталашган сари калланинг баландлиги билан ва тананинг узуналиги ўртасидаги нисбат сезиларли ўзгаради (11 –расм).



10–Расм. Янги туғилган чақалоқнинг бош суюги.

А–юқориган кўриниши: 1–пешона лиққилдоғи, 2–энса лиққилдоғи, 3–чакка бўртиғи, 4–пешона бўртиғи. Б–ён томондан кўриниши: 1–пешона лиққилдроғи, 2–энса лиққилдоғи, 3–наисимон лиққилдоқ, 4–наисимон лиққилдоқ, 5–пешона бўртиғи, 6–чекка бўртиғи.



11—Расм. Бош суюгининг ён томонидан кўриниши.

А—тож чоки, Б—тангасимон чок, В—«ламбдо» кўринишили чок. 1—пешона суюги, 2—тепа чизиги (пешона суюгидаги), 3—юқори тепа чизиги, 4—пастки тепа чизиги, 5—тепа суюги, 6—энса суюги, 7—тепа ташкакаси, 8—«сосия» кўринишили ўсимта, 9—ташқи эшишиш йўли, 10—ёноқ ёйи, 11—пастки жағ, 12—энтак тешиги, 13—юқори жағ, 14—ёноқ суюги, 15—кўз ёши суюги, 16—бурун суюги, 17—понасимон суюкниң катта қаноти.

Ушбу нисбат бола ёшини тавсифлайдиган норматив кўрсат—кичларнинг бири сифатида фойдаланилади. Калланинг ба—ландлиги янги тугилган болада тана узунлигининг  $1/4$  қисмини, 2 яшарда —  $1/5$ , 6 яшарда —  $1/6$ , 12 яшарда —  $1/7$  ва катталарда —  $1/8$  қисмини ташкил қилади.

Суякларнинг ҳолатига қараб одамнинг ёшини аниқлаш мумкин. Электрон микроскопия, рентгенли таҳлил, микро—рентгенография ва бошқа усуллардаги тадқиқотлар шуни кўрсатадики, сукт тўқимаси доимий равишда янгиланиш қобилиятига эга бўлиб, одам ҳаётининг барча давларида ундаги органик ва иоорганик моддалар ўртасидаги сон ва сифат кўрсаткичлари нисбати ўзгаради. Улар, ҳаётнинг барча давлари учун хос ва уларнинг ёрдамида ёшни

аниқлаш мумкин. Бир яшар бола сүяк тұқымасынан ортадағы мөдделар жаңадан күпдейді. Олардың сүякларини юмшоқ ҳамда эластик бўлишини сезиларида белгилайди. Органик мөдделар ва сув уларни чўзилувчалигини ва эластиклигини белгилайди.

Одам ўлғайган сари сүяк тұқымасынан ортадағы мөдделарнинг миқдори ортадағы сүяклар мустаҳкамланади. Скелет сүякларининг шаклланиши якунланганда ўзаро боғлиқ яратилиш ва бузилиш жараёнлари давом этади. Бир хил остеонлар йирик күп ядроли ҳужайралар – остеокластлар таъсири остида бўшлиқлар ҳосил қилиб парчаланаади, бунга параллел равишда бошқа ҳужайралар – остеобластлар янги остеонларни яратади. Тажриба йўли билан аниқланганки, сүякнинг ноорганик мөдделарининг таҳминан 29% эпифозларда ва 70% гача диафизларда 50 кун давомида янгиланади. Қайта тузишнинг балансланган жараёнлари сүяк тұқымаларини доимий янгиланиб туришини таъминлади.

Одам 40 ёшга тўлгандан кейин, сүяк тұқымаларидан инволютив жараёнлар бошланади, яъни остеонларнинг парчаланиши уларни яратилишига нисбатан тез содир бўлади. Сүякнинг зичлиги пасаяди. Ёш ўтган сари нафақат сүяк мөдделари камаяди, балки органик мөдделар миқдори ҳам, таркибидағы сув ҳам камаяди. Сүяклар нозик ва осон синадиган бўлиб қолади.

Қари одамнинг сүяклари учун бўғинлар юзасини қопловчи, ҳамда умуртқа поғоналари орасынан дискни ташкил қилувчи тоғай тұқымалардан ўсип чиқадиган сүяк чеккаларидағы ўсимталар хосдир. Бундай ҳол, бўғинлар функциясынан салбий таъсир кўрсатади. Нормада, сүякларнинг ёшга оид ўзгаришлари жуда суст ривожланади. Остепороз белгилари, одатда 60 ёшдан кейин билинади лекин у, 70–75 ёшда ҳам сезиларсиз даражада намоён бўлиши мумкин.

Турмуш тарзи кам ҳаракатли бўлган одамларда сүяк тұқымаларини муддатидан олдин қариш ҳолларини кузатиш мумкин. Сүякларнинг қариши сүяк пластинкалари сонини камайишида, сүяк тұқымасини бўлашида ва бир вақтнинг ўзида сүяк ўсимталари кўринишидағы ортиқча сүяклар ҳосил бўлашида, бўғинларни, тоғайларни, тутамларни сүякка

бирлашган жойларидан ишқорланишида намоён бўлади. Суяқ моддаларининг атрофияси бўғинлар учидаги дўмбоқчаларни деформацияга олиб келади. Уларнинг шаклидаги думалоқлик йўқолади, қирралари «ўтмаслашади», бурчаклар ҳосил бўлади. Ишқорни ортиқча йиғилиши оқибатида бўғин теншиклари тораяди.

## МУШАК ТИЗИМИ

Бола туғилишидан олдин эмбрионал ҳаёти даврида соодир бўладиган узоқ муддатли ривожланиш жараёнининг натижаси сифатидаги бир қатор турли ҳаракатларни амалга ошириши мумкин. Ҳаракатлар ҳомила ривожланишининг 3 – ҳафтасида пайдо бўлади ва 5 – ҳафтагача ҳаракатлар тўхтайди. 6 – ҳафтанинг охирида тўғридан – тўғри электр қўзғатгич таъсирига алоҳида мушакларни локал қисқаришлари соодир бўлиши мумкин.

Ҳомиланинг биринчи рефлектор ҳаракати енгил тенгишларга жавобан ривожланишининг 7 – 8 ҳафтасида пайдо бўлади.

7,5 – 10 ҳафтага келиб ҳомиланинг ягона рефлексоген зonasи унинг периоди оғиз атрофлари соҳаси ҳисобланади, кейинчалик 11 – ҳафтада тананинг барча соҳалари, оёқ – қўлларнинг териси таъсирини сезадиган бўлади, 11 – 12 ҳафталиқда кўкрак қафасининг юқори қисмида сезгирилик пайдо бўлади. 13 – 14 ҳафтада енгил қўзғатгичларга тананинг барча юзаси реакция қиласи, бел, бошнинг ёни, юқори ва орқа қисмини туғилганга қадар сезгирилиги бўлмайди.

Биринчи беихтиёр мушак реакциялари ҳомила ривожланишининг 8,5 ҳафтасидан бошланади ва бўйиннинг контраполатерал турланиши (флексияси) кўринишида бўлади.

9,5 – 10,5 ҳафтада, ҳомилада, янги туғилган болага хос бўлган барча асосий рефлексларнинг фрагментлари: сўриш, предметни чангласса ва қаттиқ ушлаш қобилияти пайдо бўлади. Охиргиси одам қўллари ҳаракатининг асосийларидан бири ҳисобланиб, одам эволюциясида мустаҳкамланган ва инсоннинг ўзига хос меҳнат кўникмалари таркибига кирган. Эмбрионал даврда ушлаш рефлекси жуда эрта – ҳомиладорликнинг 11 – ҳафтасида пайдо бўлади. Бола ҳаёти учун сўриш реакциясининг моҳияти табиийдир. 24 – 25

ҳафтада сўриш реакциясидан далолат берадиган қўзғаттич томонига бошни енгил буриш ва оғизни қийшайтириш ва кейинчалик сўриш ҳаракатларига ўхшаш яхши ифодалантган реакция намоён бўлади.

Сўриш, лаблар ва тил билан ҳаракат қилиб пастки жагни пастроқ тушириш ва оғиз бўшлигида маълум миқдорда вакуум ҳосил қилиш оқибатида бирмунча суюқликни сўрилишидан иборатdir. У, мос равишдаги мимика ҳамда қўл ва оёқлар билан ушлаш ҳаракатлари билан биргаликда кузатилади. Ҳомила, сўриб олган суюқликни нафас олишини бузмасдан ютиб юборишга қодир. Сўриш реакциясининг биринчи элементлари ҳомиланинг 9,5 ҳафталик ривожланиши даврида пайдо бўлиб, унда лабининг чеккасига қўзғаттич таъсир қилгалида оғизни тезда енгил очилиши юз беради.

Ривожланишнинг 10,5 ҳафтасида периорал соҳани қўзғатилишига жавобан ютиш реакцияси кузатилади ва у 12,5 ҳафтадан бошлаб доимий бўлиб қолади. Ютиш, ушлаш, қўзни пирииратиш рефлексларини анча ёрқин намоён бўлиши ва доимийлиги 13 – 16 ҳафтада кузатилади, 20 – 21 ҳафтага келиб мажмуавий тус олади, 24 – ҳафтада эса, ҳомила анча етарли ривожланган организмга айланади ва янги туғилган болага хос ҳаракат актларига эга бўлади.

Ушлаш рефлекси ёки Робинзон рефлекси болани кифтига таъсир кўрсатувчи ҳар қандай предметни рефлексив ҳолда чангалаш ва ушлаш қобилиятида намоён бўлади. Бу, янги туғилган боланинг ёрқин намоён бўладиган реакцияларидан биридир. Унинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, янги туғилган бола ёки охирги даврда ривожлангаётган ҳомила кучсиз нимжон бўлишига қарамасдан предметни шундай куч билан чанглайдики, уни бирга кўтартсангиз, шу ҳолатда бир неча сония ҳавода муаллак ушлаб туриши мумкин. Ушбу реакцияrudimentар ҳисобланиб, инсон томонидан ўзига ўхшаш маймунсимон аждодларидан наслий ўтган деб ҳисоблашади.

Ҳомила ривожланишининг 24 – ҳафтасига қадар суюқликни муваффақиятли ютиши кузатилмайди. Ютиш ва нафас олиш ҳаракатлари мувофиқлаштирилмаганлиги туфайли суюқлик қизилўнгач ўрнига трахеяга ўтади. Ривожланиш

нинг 24 – ҳафтасидан кейингина суюқликни ютиш(айрим ҳолатлардан ташқари) муваффақиятли ўтади.

Вояга етган одамнинг мимик ва ёки ифодали ҳаракатлари юз қисмидаги мушакларни мувофиқлашган билатерал ҳаракатлари ҳисобланиб, улар маълум бир руҳий ҳолатга (роҳатланиш, ҳурсандчиллик, қўрқўв, хомушлик мимикаси) мос келувчи бир бутун мураккаб ҳаракат актларини ҳосил бўлишига олиб келади.

Янги туғилган бола тўлиқ намоён бўлган йиғлаш мимикасига эга бўлиб, у, катталарнинг шундай мимикасидан кам фарқ қиласди. Бу ҳол, мимик реакцияларнинг қандайдир қисми тўгри эканлигини кўрсатади. Ҳомиланинг ривожланиши пайтида унда шундай мимик ҳаракатлар шаклланади – ки, улар қониқмаслик, дискомфорт ҳисларини намоён қиласди. Ўз – ўзидан (спонтан) мимик фаоллик 2 – ҳафтадан пайдо бўлади. 22 – ҳафтадан бошлиб пешона терисини тириштириш, қошларни ҳаракатлаштириш, ҳар хил товушлар (инграш, гириллаш, бақириш, йиғлаш) чиқариш тез – тез қайтариладиган реакциялар ҳисобланади. 23 – 24 – ҳафтада мимик ҳаракатлар сони кескин ортади, ҳомила тез – тез ва кучли равишда қошларини кўтаради ва туширади, лабларини қимиirlатади, кўзларини пирпиратади, эснаш, чайнаш, муваффақиятли ютиш, кўзларини ва оғзини очиб – юмиш бошланади. Ҳомила, сифат жиҳатдан янги туғилган болада кузатиладиган мимикага эга бўлади.

Одам ҳомиласи ривожланишини кузатиш, янги туғилган боланинг ҳаракат фаоллиги хаотик ҳисобланмайди, балки боланинг ҳаёти учун зарур, шаклланиб бўлган функционал тизимлар (нафас олиш, сўриш, кўзни пирпиратиш, аксириш, йиғлаш ва б) йиғиндиси деган хulosага олиб келади. Улардан ташқари, келгусида шаклланадиган функционал тизимларнинг алоҳида фрагментлари кўринишдаги кўп сонли ҳаракатлар ҳам мавжуд. Масалан, бошни кўтариш ва уни вертикал ҳолатда ушлаб туриш, гавдани буриш ва уни кўтариш, туриш ва бошқалар шулар жумласидан бўлиб, улар постнатал ҳаётнинг анча кейинги даврларида бутун реакция сифатида ташкилланади.

Одам вазни асосан гавда тузилиши, жинс ва ёшга боғлиқ бўлиб, одамнинг жисмоний ривожланганлиги ва соғлигини белгиловчи нисбий кўрсатгич ҳисобланади. Бо-

лалар ҳаётининг дастлабки йилларида, яъни гавда оғирлиги болаларнинг жисмоний жиҳатидан қай даражада ривож – ланганлигини кўрсатувчи омил бўлган улар учун ёшига қараб қўйидаги вазн нормаси белгиланган (9 – жадвал)

9 – Жадвал.


**Уч ёшгача бўлган болалар вазни (г ҳисобида).**

Еши	Ўғил бола	Қиз бола	Еши	Ўғил бола	Қиз бола
Чақалоқ	3500+450	3300+460	11 – ойлик	10500+1000	9800+1000
1 – ойлик	4300+650	4100+550	12 – ойлик	10700+1200	10100+1200
2 – ойлик	5300+750	5000+550	15 – ойлик	11400+1300	10500+1300
3 – ойлик	6300+750	6000+550	18 – ойлик	11800+1200	11400+1100
4 – ойлик	6900+750	6500+800	21 – ойлик	1270+1400	12300+1400
5 – ойлик	7800+800	7400+950	24 – ойлик	13000+1200	12600+1800
6 – ойлик	8700+750	8000+950	30 – ойлик	14000+1300	13900+1600
7 – ойлик	8900+1000	8300+950	36 – ойлик	15000+1700	14900+1500
8 – ойлик	9500+1000	8500+1000			
9 – ойлик	9900+1200	9300+1000			
10 – ойлик	10400+1200	9500+1300			

Одатда, ота – оналар бола вазнининг ўзгаришига, унинг гудаклик чоғида эътибор берадилар, катта ёшдаги болаларни оғирлига унчалик эътибор бермайдилар. Аммо, бу ёшдаги болаларнинг оғирлик нормасига ҳам эътибор бериш керак (10 – жадвал). Бу норма турли ёшдаги болаларни педиатор – лар, антропологлар ва физиологлар ҳамкорлигидаги текши – ришлари асосида олинган маълумотларга кўра тузилган. Бунда акцелерация ҳодисаси ҳам ҳисобга олинган. Шунинг учун 10 – жадвалда болаларнинг оғирлиги билан бирга бўйига ўсиши ҳам берилган.

Болалар вазнининг нормадагидан 15 – 20% га ошиши уларда ёз босишлиқ аломатининг бошланишидан, яъни биринчи даражалик семизлиқдан дарак беради. Гавданинг нормал оғирлиқдан 20 – 5 – %га купайиши иккинчи даражали семизлиқни, 50 – 100% га ва ундан кўпроқда ортиши учунчи ва тұртинги даражали семизлиқдан хабар беради. Ўта се – мизлиқ камдан – кам учрайди, аммо биринчи даражали се – мизлиқ сезиларли даражада кўпайиб кетмоқда. Семизлиқ болалар учун айниқса хавфли. Гавда вазнининг нормадан

ортиқ бұлиши юрак – томир тизимига оғирилік қылады, қон босимини ошишига ва гипертензияга сабаб бұлады. Болалар тез гарчайдиган, боши оғрийдиган бұлыб қолады, умумий ақвони ёмонлашады. Бу таянч – харакат аппаратига ұам ёмон таъсир этиши мүмкін, чунки болаларда сұяқ, бойлам ва тогай тұқымалар ривожланиш, шаклланиш босқичида бұл – ганлиги учун, ҳали унчалик мустаҳкам бўлмайди.



12–Расм. Ҳар хил шаклдагы мушаклар.

A–урчуксімон (ұртасуда қоринчаси ва учида пайи бұлған типик шакл), B–тоқ патлы, C–жуфт патлы, D–икки бошли, E–сербар ясси, F–пай түсікчали лентасімон мушак, G–икки қоринчали.

Шу сабабдан «тұла болалардаги» ортиқча оғирлик уларнинг скелет тузилишига күчли таъсир күрсатади. Бундай болалар ёши үлгайған сайин үзининг тұлалигини, бошқа болалардан ажралиб туришини ва етук әмаслигини сеза бoshлайды. Семиз болалар инжиқ, йиғлоқи, тажанғ ва рұхий шикаста бұлади.

Суяқ мушакларининг ривожланиши, үсиши ва шаклланиши таҳминан 20—25 ёшгача содир бұлади ва скелетни үсиш ҳамда шаклланишига таъсир күрсатади. Янги туғилған бола барча скелет мушакларига эга, лекин уларнинг оғирлиги катталарниңдан 37 марта кам бўлади. Янги туғилған боланинг барча мушакларини оғирлиги тана оғирлигининг 24% ташкил қиласди (12—расм).

Одам организмида 600 га яқин скелет мушаклар мавжуд бўлиб, уларнинг шакли ва катталиги бажарадиган ишига боғлиқдир. Боланинг ривожланиши жараёнида алоҳида мушик гуруҳлари нотекис үсади. Гұдакларда, аввалам бор, қорин мушаклари ривожланади, биринчи ёшнинг охирига келиб бели ва оёқ—қўлларининг мушаклари сезиларли үсади (10—жадвал).

10 — Жадвал.

### Жисмоний ривожланиш күрсаткичлари

Еши, ойлар	Тана массасининг ортиши, гр	Бўйнинг ортиши см
1	600	3
2	800	3
3	800	3
4	750	2,5
5	700	2,5
6	650	2
7	600	2
8	550	1,5
9	500	1,5
10	450	1,5
11	400	1,5
12	350	5
1 ёшдан ортиқ	Йилига ўртача 2 кг	

Ўсишнинг барча даврларида мушаклар массаси 35 марта ортади. Жинсий балоғатта етиш даврида найсимон сүяқларниң узунлашиши билан бир қаторда мушак пайлари ҳам узунлашади. Бу вақтда, мушаклар узун ва ингичка бўлади. 15 – 18 ёнда мушакни энига ўсиши янада давом этади. Мушакларниң ривожланиши 25 – 30 ёшгача давом этади (11 – жадвал).

11 – Жадвал.

### Гавда массаси ва бўйнинг ўртacha нормалари.

#### Қиз болалар

Ёши (йил)	Гавда массаси (кг)	Бўйи (см)
1	9,1 – 10,8	72 – 77
2	11,7 – 14,1	82 – 90
3	13,1 – 16,7	91 – 99
4	14,4 – 17,9	95 – 106
5	16,5 – 20,4	104 – 114
6	19,0 – 23,5	111 – 120
7	21,5 – 25,7	118 – 129
8	24,2 – 30,8	124 – 134
9	26,6 – 35,6	128 – 140
10	30,2 – 38,7	134 – 147
11	31,7 – 42,5	138 – 152
12	38,4 – 50,0	146 – 160
13	43,3 – 54,4	151 – 163
14	46,5 – 55,5	153 – 166
15	46,9 – 61,3	154 – 166
16	48,6 – 63,7	155 – 166
17	50,7 – 65,4	155 – 167

#### Ўғил болалар

Ёши (йил)	Гавда массаси (кг)	Бўйи (см)
1	10,0 – 11,5	73 – 79
2	12,4 – 13,7	85 – 92
3	13,7 – 16,1	92 – 99
4	15,5 – 18,9	98 – 107
5	17,4 – 22,1	105 – 116
6	19,7 – 24,1	111 – 121
7	21,6 – 27,9	118 – 129

8	24,1 – 31,3	125 – 135
9	26,1 – 34,9	128 – 141
10	30,0 – 38,4	135 – 147
11	32,1 – 40,9	138 – 149
12	36,7 – 49,1	143 – 158
13	39,9 – 53,0	149 – 165
14	45,4 – 56,8	155 – 170
15	47,8 – 64,9	160 – 173
16	53,8 – 68,5	165 – 177
17	57,5 – 71,3	168 – 178

Болаларнинг мушаклари катталарникига нисбатан ранги очроқ, нозикроқ ва анча эластик бўлади. Мушакларнинг ти – зими ортиқча кучланмасдан ишлаши уларнинг ҳажмини, кучини ва ишчанлигини ортишига олиб келади ва бу, бутун организмни жисмонан ривожланиши учун муҳимдир.

Мушаклар массасининг ортиши уларнинг бўйига ўсиши билан ҳамда алоҳида мушак толаларининг диаметрини кат – талашиши ҳисобига уларнинг қалинлигини ортиши билан эришилади. Мушак толалари ва мушак ичидаги боғловчи – тўқима толаларининг энига ўсиши 20 – 25 ёшта қадар давом этади ва ҳаракат фаоллигининг даражасига ҳамда машқ қилганилигига боғлиқдир. Мушакларнинг қисқарувчанлик асосини (замини) катталашуви мушак кучининг ортишига олиб келади. Болалар 7 – 11 ёшда паст мушак кучига эга бўлади ва куч талаб қиласидан, айниқса, турғун (статик) машқлар уларни тезроқ чарчашига олиб келади. Мушак ку – чини энг жадал кучайиши ўғил болаларда 13 – 14 ёшда, қиз болаларда эса 10 – 12 ёшда содир бўлади. Мушак кучидаги жинсий фарқ 13 – 14 ёшда пайдо бўлади. 18 ёшта келиб му – шак кучини ортиши сусаяди ва 25 – 26 ёшда тўхтайди. Турли мушак гуруҳлари кучининг ривожланиши нотекис содир бўлади. Белни букувчи мушаклар кучи 16 ёшда қўл ва оёқларни букувчи ва ёйувчи мушакларники эса 20 – 30 ёшда максимумга етади (12 – жадвал). Асосий мушак ишини бу – кувчи ва ёйувчилар мушаклар амалга оширади. Бола ҳаёти – нинг биринчи йилида букувчилар ёйувчиларга нисбатан кучлироқ бўлади. Ҳаётнинг 1,5 – 2,0 ойида бўйинни букувчи мушаклар тонуси мустаҳкамлана бошлияди ва бола калла – сини тик (вертикал) ҳолатда ушлайди (13 – расм).

**Алоҳида ёшга оид даврларда мушак кучининг ўртача  
кўрсаткичлари, кг/м**

Ўғил болалар				Қиз болалар			
Еши	Бел	Ўнг қўл	Чап қўл	Еши	Бел	Ўнг қўл	Чап қўл
9	58,2	13,8	12,6	9	38,5	9,1	8,5
10	69,3	15,1	14,4	10	52,4	11,5	10,2
11	76,5	17,8	15,9	11	62,7	13,5	12,5
12	82,4	22,6	20,6	12	70,9	18,7	17,4
13	96,2	24,5	22,5	13	81,2	19,8	18,1
14	98,6	29,3	26,9	14	91,0	22,8	20,5
15	110,1	35,7	32,0	15	96,0	26,4	24,8
16	125,9	45,4	41,4	16	96,1	30,1	27,8
17	138,0	44,0	40,0	17	98,6	26,6	24,8
18	153,3	40,9	35,0	18	98,6	26,2	24,4

Одамни тўғри туришини букувчи мушаклар таъминлайди ва катта ёшдаги одамда гавда ва оёқларни букувчи мушаклар – нинг тонуси ёрқин намоён бўлади. Беллинг тўғрилиги, тўғри елкалар, очик кўкрак қафаси, кўтарилган бош, яъни яхши гавда тузилиши ва уни тутиши ҳолати – бу нафақат саломатлик ва чиройлилик бўлибгина қолмай, балки юқори ишчанлик қобилияти ҳамдир. Пастга тушган ва эгилган елкалар, кўкракни ичига тортилиб туриши ўпка вентилляциясини қийинлаштиради, уларнинг ҳаётий ҳажми камаяди ва организмга кислород етишмай қолади. Бундай ҳолат, биринчи навбатда юрак – томир тизими ва бош мия ишига салбий таъсир кўрсатади.

Болалар ва ўсмирларда таянч – ҳаракат аппаратининг бузилишлари.

Одам юрганда, турганда, ўтирганда ва ишлаганда унинг гавдасини одатдаги ҳолати – гавдани тутиш дейилади.



13—Расм. Күкрак ёшидаги болаларни статик ва ҳаракат фаяолиятларини туғилишдан бир ёш бұлғунга қадар үзгаришилари.

1—янги туғилған чақалоқ, 2—1 ойлик, 3—2 ойлик, 4—3 ойлик, 5—ойлик, 6—5 ойлик, 7—6 ойлик, 8—7 ойлик, 9—8 ойлик, 10—9 ойлик, 11—10 ойлик, 12—11 ойлик, 13—12 ойлик бола.

Жисмоний ривожланиш күрсаткичлари 13—жадвалда келтирилған.

## Боланинг жисмоний ривожланиш ҳолати


Кўрсаткич	Еши, ойлар
Бошини тик ушлаб туради	1 – 2,5
Ағдарилади	4 – 5
Ушлаб турилганда оёқларини босиб туради	4 – 5
Ўтиради	5,5 – 7
Эмаклайди	7 – 9
Мустақил ўтиради ва таяниб туради	7 – 10
Мустақил туради, ушлаб турилса юради	8 – 10
Биринчи қадамларни ташлайди	4 – 14

Тўғри гавдани тутиш умуртқани, елкаларни, кўкракларни симметрик жойлашиши, каллани тўқри ушлаш, оёқларни тўғрилиги билан тавсифланади. Бундай ҳолатда ҳаракат аъзолари тизимини оптимал фаолияти ички аъзоларни тўғри жойлашиши ва фаолият қўрсатиши, оғирлик марказини тўғри ҳолатда бўлиши кузатилади.

Бир қатор сабаблар оқибатида, болаларнинг гавда тузилишида бузилишлар пайдо бўлиши ва нотўғри ривожланиши мумкин. Булар, умуртқани ёнбошга қийшайиши, қанотсимон елка кураклари, елка белбогининг асимметрияси, кўкрак қафасини қисилиши кабилар бўлиши мумкин. Ушбу ўзгаришлар юрак, ўпка, овқат ҳазм қилиш аъзоларини ишини қийинлаштиради, моддалар алмашувини ёмонлаштиради ва ишчанлик қобилиятини пасайтиради, ўспириналар ва катталарда – меҳнат унумдорлигини камайтиради.


Одам умуртқа поғонаси инсоннинг тик юришига мослашган бўлиб, пастга қараб кенгайиб боради. Умуртқа поғонасининг бўйин, бел, кўкрак ва думғаза қисмларида физиологик букилмалар бор. Бўйин ва бел қисмидағи букилмалар лордоз, кўкрак ва думғаза қисмлардаги букилмалар кифоз деб аталади. Бўйин ва бел қисмлари олдинга, кўкрак ва думғаза қисмлари орқага қараб букилган бўлади. Бу букилмалар бола бошининг мустақил кўтариб туриши, ўтиrsa бошлиши ва тик туриши, юришидан бошлаб шакланади. Умуртқа поғонасининг бўйин ва бел қисми кўп, кўкрак

қисми кам ҳаракатланади. Умуртқа узунлиги эркакларда ўртача 73 см, аёлларда 69 см, кексаларда сүякларнинг кич—райиши сабабли 7 см гача қисқаради. Умуртқа погонасининг туғма нуқсонларига кўпинча 2 ёки 3 умуртқанинг узоро би—рикиб кетиши, ортиқча умуртқалар борлиги ва шу кабилар киради. Одам умуртқа погонаси касаллигига умуртқа погонасининг физиологик ҳолатдан чиқиб, олд, ён ва орқа томонга қараб қийшайиши кузатилади. Сколиоз тұғма бўлиши мумкин, лекин кўпроқ 5—15 яшар болаларда, айниқса ўқувчилар орасида учрайди. Ўқув машғулотлари вақтида болалар партада гавдасини нотұғри турғиб үтириши натижасида оғирлик бир хилда тушмайды. Оқибатда мус—куллар бўшашиб қолади. Умуртқа погонаси бойламлари ва шаклининг ўзгариши турғун сколиозга сабаб бўлади (14—17 расм). Болаларнинг ёшлигига рахит бўлганлиги, катта ёш—дагиларнинг эса доим бир қўлда юқ кўтариши ҳам сколиозга олиб келиши мумкин. Умуртқанинг синиши ёки сил оқиба—тида емирилиши натижасида ҳам сколиоз бўлиши мумкин. Кишининг бир оёғи калта бўлса, ўша томонга энгашиб қадам ташлаши натижасида функционал сколиоз келиб чиқади.



14—Расм. Умуртқа погонасининг кўкрак ва бел бўлимининг қийшайиши: (Кўкрак кифози ва бел лордози).

15—Расм. Тананани нотұғри тутыш натижасида хосил бў—ган сколиоз (умуртқа погонасининг ёнга қийшайиши).



16—Расм. Сколиозда (A) умуртқа поғонасининг патологик қийышайиши ва торсиянинг (B) аниқлаш. Сколиоз турлари: а—күкракдан юқорида, б—күкпакда, в—күкракда қисмида, г—белда.



17—Расм. Күкрак сколиози.

Кифоз ёйсимон бўлиши мумкин. Бунда умуртқа поғо – насининг у ёки бу бўлаги орқа томонга қийшайган бўлади ва умуртқа поғонасининг орқа томонга туртиб чиқиши кузатилади. Ёйсимон кифоз кўпроқ умуртқа поғонасининг кўк – рак бўлимидан учрайди. Орқа мускуллар тонусининг кескин камайиши, ёшлиқда рахит билан касалланиш, гавдани узоқ вақт эгиб ишлаш (станокда ёки ёзув столида) ёйсимон кифозга сабаб бўлади. Умуртқа поғонасининг орқа томонга туртиб чиқиши кўпроқ кўкрак умуртқаларига кузатилади ва букрилик деб аталади. Букриликка умуртқа поғонасининг турли касалликлари ва шикастланиши, кўпинча умуртқа – ларнинг сил билан касалланиши сабаб бўлади.

Лордоза умуртқа поғонаси ичкарига қийшайди. Кўпинча чаноқ суюгининг сон суюги билан туташган бўғимнинг туғма чиқиши сабаб бўлади. Бел лордози қоринга ёғ йигилишидан ҳам пайдо бўлади. Лордоза умуртқалар деформацияланади ва оғрийди. Умуртқа поғонасининг шикастланган қисмининг ҳаракатланиши қийинлашади.

Умуртқа поғонаси қийшайишининг барча хилларини олдини олиш учун болаларни қоматини тўғри тутишига ўргатиш, тана мушакларини мустаҳкамлайдиган комплекс машқларни ҳар куни бажариб туриши керак.

Ўспириналар ўртасида кенг тарқалган касаллик сколиоз ҳисобланади. Ўмуртқанинг олдинги ва орқа йўналишлари – даги нормал (физиологик) эгриликларидан ташқари ёнбошга қийшайишлар ҳам пайдо бўлади ва бу қоматни бузилишига олиб келади. Болаларда букриликнинг (сколиоз) ривожланиши билан, албатта, умуртқанинг бурилиб қолиши (торсия) пайдо бўлади. Касалликнинг сабаби қоматдаги дефектлар, кўкрак қафасининг деформацияси бўлиб, үпка ва юрак – томир тизими функциясини бузилишига олиб келади. Ушбу касаллик кўпроқ қиз болаларда кучайиши кузатилган бўлиб, ўғил болалар ўртасида ҳам тарқалгандир. Болаларнинг таҳминан 8 фоизи 5 ёшдан 15 ёшгacha касалланади.

Қаматни тутища умуртқа бўйлаб жойлашган белнинг ёйувчи мушакларининг ҳолати муҳимдир. Тик (вертикал) ҳолатда энг кўп оғирлик бел қисмига тўғри келиб, у, бўйин қисми билан биргаликда умуртқанинг энг ҳаракатчан қисми ҳисобланади. Букрилик пайтидаги ўзгаришлар, аввалом бор, умуртқа погоналари ўртасидаги дискларда содир бўлади ва у,

дилдироқ ядрони торайишига ва шикастгланишига олиб ке-  
лади, қийшайиши ёйи шаклланади. Кейинчалик умуртқа ри-  
вожланишининг асимметрияси пайдо бўлади ва у, умуртқани  
вертикал ўзаги атрофида буралишига, понасимон шаклни  
ҳосил бўлишига олиб келади. Қийшайиши ёйини шакланиши  
 билан, умуртқанинг вертикал ҳолатини таъминлаш учун,  
унинг юқорисида ва пастида қайта қийшайиши ёйи шаклла-  
ниши учун шароит пайдо бўлади.

Бел мушаклари симметриясини бузилишлари: гавдани  
бемалол тутиб турганда, айниқса бир қўлда оғир юкни кў-  
тариб турганда қийшайишнинг бўртиб турган томонида  
мушакларнинг анча зўриқсан ҳолати кузатилади ва бу ҳол,  
уларни ортиқча чўзилишига ва қисқаришига олиб келади.

Букриликнинг (сколиоз) ҳар хил типлари маълум: 3 – 4  
кўкрак поғоналари (юқори кўкрак) даражасида, кўкрак  
погоналари даражасида ва 1 – бел поғоноси (кўкрак – бел)  
даражасида, 2 – 3 – бел поғоналари (бел) даражасида ҳамда  
комбинацияли сколиоз – кўкрак ва бел ёйлари билан бўлиб,  
уларда торсия даражаси бир хилдир.

Сколиоз ҳасталигига учраган беморлар учун, бошини,  
кўкрак бўлимидағи қийшайишнинг бўртиб турган томонига  
қараб салгина эгиб туриш хосдир, бунда тос қарама – қарши  
томонга силжийди. Бу пайтда, елка усти ва кураклар кўта-  
рилган бўлади ва кўпинча танадан чиқиб туради (қанот-  
симон). Умуртқа поғоналарининг киприксимон ўсимталари  
белнинг ўрта йўлидан қийшайган томонга қараб силжиган  
бўлади. Унча сезиларли бўлмаган сколиозда қийшайиши бур-  
чаги  $10^0$  ни, ўртача сколиозда –  $30^0$ , кескин намоён бўлган  
пайтда –  $50^0$  ва умуртқа кескин деформацияга учраган  
пайтда –  $50^0$  дан ортиқ бўлади.

Сколиоз пайтида юрак қоринчаларининг ишида асин-  
хрон фаолият кўринишдаги ўзгаришлар ташҳис қилинган:  
тез чарчаш пульснинг тезлашиши, қонда кислород миқдо-  
рининг камайиши билан биргалиқда кузатилади. Қиз бола-  
ларда сколиоз кўпинча тос шаклини узунасига ва кўндаланг  
йўналишда торайтирган ҳолда ўзгартиради. Таянч – ҳаракат  
аппаратининг деформацияси кўпинча болалик даврида  
юқумли касалликлар ва рапит билан ҳасталаниш билан  
боғлиқдир. Рахит касаллиғи оқибатида кўкрак қафасининг

деформацияси, оёқларнинг қийшайиши, ясси товони каби асоратлар қолади.

Қоматнинг ўзгариши ҳисобига кўпинча, у билан боғлиқ қасалликлар пайдо бўлади. Масалан, кифоз билан шапкўрлик, рахит билан мушакларнинг кучсизланиши ва бошқалар биргалиқда юзага келади.


Қомат асосан 6—7 ёнда шакланади, уни бузилишини чақирувчи омиллар қўйидагилар бўлиши мумкин: болани муддатидан илгари ўтиришига мажбур қилиш, қўлда нотўри кўтариб юриш, эмаглашдан олдин юришга ўргатиш, сайд қилганда доимо қўлидан ушлаб юриш. Мактабгача даврда — ўтириб ёзганда ва чизганда гавдани нотўри тутиши, ёшига мос келмайдиган асбобларда иш бажариш. Мактабда илк бор ўқиши бошлаганда, қоматни шакланишига ҳаракатларни кескин чегараланиши, ўтирганда ёки турганда мажбурий узоқ муддатли статик оғирлик тушиши, оғир сумкаларни кўтариб юриш салбий таъсир кўрсатади. Энг кўп тарқалганлигини сабаби нотўри холатда ўзини тутиб туриш ҳи-собланади: масалан, буқчайиб ўтириш (умуртқа кифози), ён томонга қийшайган ҳолда буқчайиб ўтириш — кифосколиоз, бир оёққа таянган ҳолда туриш — ёнбош сколиоз, бошни эгиб юриш, елкаларни қисиб юриш ва бир вақтнинг ўзида бошни эгиб юриш, тор ва калта кроватда ухлаш, юмшоқ пар ёстиқ ва баланд ёстиқда фақат бир томонга қараб ёнбошлаб ётиш ва ўралиб (бўрсиққа ўхшаб) ётиш, яъни гавдани букиб, бошни кўкракка эгиб, оёқларни эса тизага букиб бош томонга кўтарган ҳолда ётиш. Қомат ва ички аъзолар ҳолатига қоринни маҳкам тортиб турадиган белбоғлар билан боглаш салбий таъсир кўрсатади. Бунда нафас олиш, умуртқани ушлаб турадиган мушакларнинг мувофиқлашган ҳаракатла-ри, ички аъзоларнинг функциялари бузилади.

Қоматнинг турлари қўйидагилардир: нормал — тўғри елкалар, тортилган қорин, сал олдинга чиқиб турган кўкрак, юрганда қўлларни келишилган ҳолдаги ҳаракатлари: ростланган — умуртқа поғонасининг кўкрак қисмини орқа томонга бўртиб чиқиши (кифотик) бўлмайди ёки салгина на-моён бўлади; умуртқа поғонасининг кўкрак қисмини орқага бўртиб чиқиши натижасида кураклар қанотларга ўхшаб кўтарилган бўлади. Кўкрак қисмининг кифотик эгрилиги ёрқин намооён бўлган умуртқа поғонасининг ичкарига қий-


шайиши (лордик) – тананинг орқа юзаси тұғри ёки озгина ичкарига букилган, күкрак қафаси ясси, бўйин қисми етар – лича эгрилиги бўлмаган ва қорин девори нимжон ривож – ланган, умуртқа бел қисмининг эгрилигини нормадан ортиқлиги оқибатида қорин олдинга чиқиб турари, буқчайган елкалар ва бош пастга тўшган, умуртқанинг кифотик эгрилиги елка қисмида анча катта, умуртқа поғонасининг ён томонга қийшайиши (сколиотик), бир елка иккинчисига нисбатан паст, күкраклар бир хил даражада күкрак қафасининг бир томони анча бўртиб турари, иккинчи томони эса бир мунча ичига ботган. Бундай қоматга эга бўлган одам ўз гавдасини вертикал ҳолатда ва тўғри ушлаб тура олмайди. Унинг гавдаси вертикал ҳолатта ўтганда қийшайган ҳолда бўлади.

Ясси товон. Одамнинг товони таянч – ҳаракат тизими – нинг муҳим қисми ҳисобланади. Товонининг суюклари пайлар ёрдамида ўзаро боғланиб, тарант бирлашмани ҳосил қиласди. Бундай тузилиш, тана оғирлигини товонга бир текис тақсимланишини таъминлайди. Пайлар ва мушаклар бўшашган пайтда, оёқ кифти қисман ёки тўлиқ яссиланиши кўринишида деформацияга учрайди. Натижада, товоннинг рессор функцияси бузилади. Нормал товоннинг таянч юзаси унинг кўндаланг қисмини 1/3 қисмини эгаллайди, агар таянч юза унинг кўндаланг қисмини 50 – 60% ташкил қиласа – товон яссилашган бўлади. Бунда, товон деярли ўзининг барча нуқталари билан ерга тегиб турари ва унинг изида ички ботиқлик бўлмайди (18 – расм).

Товоннинг яссилиги кейинчалик юзага келиши мумкин, жуда кам ҳолларда туғма бўлади. Кейинчалик юзага келган яссилик статик, трамватик, паралитик бўлиши мумкин. Статик – ортиқча тана оғирлиги, оғир юкларни кўтариш, ёшига мос бўлмаган баланд пошнали оёқ кийимларини кийиб юриш, таги қаттиқ ва эластик бўлмаган оёқ кийимларини кийиш, рапхит касаллиги оқибатида юзага келиши мумкин. Травматик яссилик – оёқ кифтини, болдир бўгинларни, тўпиқни шикастланиши оқибатида ривожланади. Паралитик – болалар параличи оқибати сифатида асаб тизими касалликлари билан боғлиқ ривожланади.



*A*



*Б*

*В*



18—Расм. Ясси оёқлик.

*А—нормада, Б—яси оёқликда, В—ҳар хил даражали ясси оёқликдаги оёқ излари.*

Товон яссилиги күпроқ туриб қолганда, юрганда ёки югурганда товон ва сон мушакларыда оғриқ пайдо бўлишида намоён бўлади. Ушбу хасталик пайтида қомат ҳам бузилади, чунки умуртқада қийшайиш пайдо бўлади ва тана оғирлигининг кўп қисми оёқ кифтигининг ички юзасига тўғри келади. Бундай одам ўзини у ёқса, бу ёқса ташлаб, лопанг—лаб, оёқларини кенг очиб ва қўлларини икки томонга очиб юради.

Товон яссилигини профилактика ва коррекция қилиш бўйича маҳсус тадбирлар мавжуд. Булар, асосан товон пай ва мушакларини мустаҳкамлашга кўмаклашадиган маҳсус жисмоний машқлар, ортопедик оёқ кийимларни кийиб юриш, оёқ кийимларининг ичига маҳсус патак (супинатор) солиб кийиш, болалар ва ўспириналарни ҳар тарафлама жисмоний чиниқтиришдан иборат.

## **БИЛИМЛАРНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ УЧУН САВОЛЛАР**

1. Суяк түқимаси қандай ҳужайралардан таркиб топган? Уларнинг функциялари. Суяк түқимасининг кимёвий таркиби.
2. Онтогенезда суяк ривожланишининг қандай босқичлари кузатилади ва уларнинг тавсифи?
3. Суяк қотиши механизмини тавсифлаб беринг.
4. Суякларнинг ривожланиши қандай омилларга боғлиқ?
5. Онтогенезда суяклар ўзгаришининг қандай босқичлари кузатилади?
6. Умуртқа устунини, кўкрак қафасини, оёқ – қуллар суякларини ривожланишида ёшга оид хусусиятлар нималардан иборат?
7. Скелет мушакларини ривожланишида қандай ёшга оид хусусиятлар мавжуд?
8. Таянч – ҳаракат тизимида қандай патологик ўзгаришлар содир бўлиши мумкин ва уларнинг сабаблари нимада?

## **ОВҚАТ ҲАЗМ ҚИЛИШ ВА ОВҚАТЛАНИШНИНГ ЁШГА ОИД ХУСУСИЯТЛАРИ**

- ❖ Онтогенезда овқат ҳазм қилиш трактининг ривожланиши
- ❖ Тишларнинг ривожланиши
- ❖ Овқатланиш турлари ва уларни онтогенезда ўзгариши
- ❖ Болаларнинг овқат рациони

Овқат ҳазм қилиш тизимини ривожланиши жуда эрта, эмбрионал ривожланишнинг 3 – 4 – ҳафтасидан бошланади.

Овқат ҳазм қилиш аъзолари пушт танасининг вентрал қисмида бошланади. Бу ерда, эндодерма бирламчи ичак найчасини ҳосил қиласди ва у, иккиламчи тана бўшлиғидан иборат жуфт целомик қопчалар кўринишидаги мезодерма – нинг қорин бўлимлари билан уралган. Ичак найчаси овқат ҳазм қилиш ва нафас олиш аъзоларини ривожланиши учун асос бўлиб хизмат қиласди.

Олдин, найча кўринишидаги бирламчи ичак пайдо бўлади ва у, ҳайвоннинг бошидан то думигача чўзилган. Кейинчалик, ушбу найчадан, унинг бош қисмида нафас олиш аъзолари шаклланади, дум қисмида эса, у билан сийдик ва жинсий аъзолар алоқа ўрнатади ва бунинг оқибатида охирги

аъзода овқат ҳазм қилиш, айриш ва күпайиш аъзолари учун умумий бўлган орқа тешик (клоака) ҳосил бўлади. Юксак сут эмизувчиларда сийдик ва жинсий аъзолар айрилади ва ўзи – нинг алоҳида чиқиш тешигига эга бўлади. Натижада, ички аъзолар 4 та най кўринишида бўлади: овқат ҳазм қилиш найи бутун тана бўйлаб ўтиб, 2 та тешикка эга бўлади – кириш (офиз) ва чиқиш (анус); нафас олиш найи битта кириш тешигига (бурун), сийдик ва жинсий найлар фақатгина тананинг пастки (орқа) қисмида чиқиш тешикларига (эр – какларда сийдик чиқариш канали, аёлларда сийдик чиқариш канали ва бачадон) эга бўлади. Овқат ҳазм қилиш найча – сидан пайдо бўлган аъзолар тананинг барча бўшлиқларида – кўкрак, қорин ва тосда жойлашади.

Овқат ҳазм қилиш найининг бўлимлари ўзининг турли қисмларини ўсишидаги нотекислик туфайли шакллари мураккаблашади. Шаклларнинг бундай ўзгаришларида умумий тамойилни кўриш мумкин, яъни: ўзининг энг кичик ҳажмларида най қисмлари алмашинувнинг энг катта юзасига эга бўлади.

Кўкрак, қорин ва тос бўшлигининг деворлари сероз парда билан қопланган: плевра, перикард ва қорин бўшлиғида ички аъзоларнинг кўп қисмига ўтиб, уларнинг ҳолатини фиксациясига қисман кўмаклашади.

Хомила ривожланишининг 2 – ойи охирида қизилунгач, меъда ва ичаклар ажралиб кўринади, меъдаости бези ва жигар шаклланишини бошланиши ўсимталар кўринишида пайдо бўлади. Кейинчалик секретор аппарат шакланади.

Шиллиқ парда овқат ҳазм қилиш аъзоларининг ички қисмини қоплайди, бокалсимон ҳужайралар шилемшиқ ажратади. Эпитеиал ҳужайралар мажмуи томонидан найсмон, альвеоляр ва аралаш овқат ҳазм қилиш безлари ҳосил қилинади. Уларда, таркибида энзим ва электролитлар бўлган шидалар ҳосил бўлиши бошланади. Овқат ҳазм қилиш какали боланинг она қорнида ривожланиш давридаёқ фаолият кўрсата бошлайди.

Янги туғилган болаларнинг меъдаси думалоқ шаклга, биринчи ёшга келиб анча чўзинчоқ шаклга, 7 – 11 ёшга келиб катталарникига хос шаклга эга бўлади. Меъданинг ҳажми онтогенезда ўзгаради: янги туғилган болада 30 – 35 мл, биринчи йилнинг охирида – 250 – 300 мл, катталарда – 1,5 – 2 л.

Янги туғилган бола меъдаси шиллиқ пардасининг юзаси 50 кв.см., 4 ойликда – 140 кв.см., 1,5 ёшда – 200 кв.см., 3 ёшда – 300 кв.см. бўлади ва унинг бурмалари катталарни кига нисбатан анча кам. Найсимон безлардан шира чиқиш йўллари – нинг сони янги туғилган болада таҳминан 200 мингта, 3 ойликда – 700 минг, бир ёшда – 1 млн ва катталарда – 1,3 млн та бўлади, яъни меъда безларининг сони ёш катталашган сари ортади (14 – жадвал).

14 – Жадвал.

### Меъда шиллиқ пардаси массаси ва юзасини ёшга оид ўзгаришлари

Ёши	Меъда массаси		Шиллиқ парда юзаси	
	Абсолют, г.	Тина масаси бирлигига нисбатан, $\text{г.кг}^{-1}$	Абсолют, $\text{см}^2$	Тана юзаси бирлигига нисбатан, $\text{см.м}^{-2}$
Янги туғилган	6,5	0,19	39,2	0,015
3 – 6 ойлик	14,1	0,20	159,6	0,048
1 – 2 яшар	27,1	0,23	208,1	0,042
4 – 7 яшар	51,8	0,26	263,7	0,034
7 – 14 яшар	89,8	0,26	329,3	0,033
Катталар	154,5	0,21	525,6	0,030

Меъда ширасининг кислоталилиги бола 10 ёшга тўлгунга қадар секин – аста ортиб боради ва бу ҳол иккала жинсга мансуб болаларда параллел равишда содир бўлиб, кейинчалик эркакларда анча юқори бўлади. Бундай фарқ 40 ёшга қадар сақланади ва сўнгра кислоталилик тенглашади.

Ингичка ичакнинг нисбий узунлиги бола она сутини эмадиган ёшида энг катта бўлиб, тана узунлигидан таҳминан 6 марта кўп, катталарда эса ингичка ичак танага нисбатан 5 марта узундир. Йўғон ичакнинг узунлиги янги туғилган болада ва катталарда таҳминан тана узунлигига мос бўлади. Ингичка ичакнинг энг жадал ўсиши 1 дан 3 ёшгача ва 10 дан 15 ёшгача кузатилади (15 – жадвал).

## Ингичка ва йўғон ичак узунлиги

Еши	Ингичка ичак, см	Йўғон ичак, см
Янги туғилган	338,5	66,0
4 – 6 яшар	469,9	99,9
8 – 10 яшар	579,0	116,4
10 – 15 яшар	588,9	140,8
Катталар	753,0	160,7

Ичак бўшлиги 21 ёшга қадар катталашиб боради. Кўр ичак кичик тосга, одатда фақаттинга пуберрат даврида тушиди. Овқат ҳазм қилиш аъзоларнинг топографик жойлашиши 12 – 14 ёшга келиб катталарнига ўхшаш бўлади. Пуберрат давр тутагандан кейингина чарвида ёф тўқималар тўпланади.

Жигарнинг жадал ўсиши, айниқса, бола ҳаётининг биринчи 3 йилда, кейинчалик пуберрат даврда ҳам кузатилади. Янги туғилган болалар жигарнинг оғирлиги 135 г. бўлиб, та – насининг умумий оғирлигини 4% ташкил қиласиди. Уч ёшга келиб жигар оғирлиги 3 марта катталашади, катталар жигарнинг оғирлиги янги туғилган болаларнидан 10 марта кўп. Жигарни оғирлиги тана оғирлигига нисбатан камайиб боради: 4% дан то катта ёшга келиб 2,6% гача. Жигар оғирлигининг энг тез ўсиши қиз болаларда 13 – 14 ёшда, ўғил болаларда эса 15 – 16 ёшда кузатилади. Ўт халтасининг шакли бошида урчуқсимон, 13 ёшда – думалоқ, катта ёшда – ноксимон бўлади. Унинг узунлиги янги туғилган болада 3 см, катталарда эса – 10 см бўлади, ҳажми 3 мл дан то катта ёшга келиб 35 мл ни ташкил қиласиди.

Меъдаости безининг оғирлиги янги туғилган болаларда 3,0 – 3,5 г катталарда эса – 72 г бўлади.

Тишларнинг ривожланиши ҳомиладорлик даврининг 6 – 8 ҳафтасида бошланади, 5 ҳафтасидан бошлаб доимий тишларга, туғилгандан кейинги ойида жағ тишлари, 4 – 5 ёшга келиб ақл тишларга асос солинади. Бундай кетма – кетлик жағларнинг катталиги ҳамда уларни вақт ўтгани сари ўсиши ва ривожланиши билан боғлиқ (20 – расм).

Сут тишларнинг шакли доимий тишларники каби, фақат кичкина ва илдизи саёз жойлашган, улар сут эмадиган даврида чиқа бошлайди. Жағнинг ҳар бир қаторида сут

тишлар 10 тадан бұлади, жумладан 4 та курак тишлилар, 2 та қозық тишлилар ва 4 та жағ тишлилар, бу даврда кичик жағ тишлилар бўлмайди. 6 ёшдан то 14 ёшга қадар алмашувчи тишилам (прикус)<sup>1</sup> пайдо бўлади, чунки бу даврда, бир вақтнинг ўзида сут тишлилар ва доимий тишлилар мавжуддир, лекин охир оқибатда барча сут тишлилар ўрнини доимий тишлилар эгаллайди. Доимий тишиларнинг коронкаси жағда шаклланади. Сут жағ тишиларининг ўрида кичик жағ тишлилари ўсиб чиқади. Доимий катта жағ тишлилар ўрида олдин тишил бўлмайди. Доимий тишлилар чиқишидан олдин сут тишлилар илдизининг сўрилиши содир бўлади. Бу ҳол, илдизни ўсиб чиқаётган доимий тишининг коронкаси билан тўқнашган жойидан бошланади. Ундан сўнг доимий тишининг илдизи ўсишни бошлайди (16 – жадвал).

16 – Жадвал.

### Сут тишлилар ва доимий тишиларни ўсиш вақти

	Пастки сут тишилар (ойларда)	Устки сут тишлилар (ойларда)	Пастки доимий тишлилар (йилларда)	Устки доимий тишлилар (йилларда)
Үртадаги курак тишлилар	6 – 8	8 – 9	5 – 8	6 – 10
Ен курак тишлилар	10 – 12	9 – 11	9,0 – 12,5	8,5 – 14
Қозық тишлилар	18 – 20	17 – 19	9,5 – 12,5	9 – 14
Биринчи кичик жағ тишлилар	13 – 15	12 – 14	9,5 – 15	10 – 14
Иккинчи кичик жағ тишлилар	22 – 24	21 – 23	9,5 – 15	9 – 14
Биринчи катта жағ тишлилар			5 – 7,5	5 – 8

<sup>1</sup> Прикус – иккى қатор тишининг бир – бирига тегиб туриши.


Иккинчи катта жағ тишлар			10 – 14	10,5 – 14,5
Ақл тишлар			18 – 25	18 – 25

Тишлар сүякли ҳосиалардир. Тишинг асосий қисми деңтиндан таркиб топган бўлиб, унинг коронка соҳаси эмаль билан, бўйин соҳаси цемент билан қопланган. Тишинг ичидаги бўшлиқда – илдиз мавжуд ва у, юмшоқ масса ёки пульпа билан тўлган бўлади. Вояга етган одамлар тиши 32 дона бўлади. Турли шаклдаги тишлар сони қуийдаги формула билан ифодаланади:


$$\frac{2 \cdot 1 \cdot 2 \cdot 3}{2 \cdot 1 \cdot 2 \cdot 3}$$

бунда,

юқори жағнинг бир томонидаги тишлар чизиқ тепасидаги, пастки жағники эса чизиқ тагидаги рақамлар билан кўрса – тилган. Биринчи рақам қурак тишларни, иккинчи рақам қозиқ тишларни, учинчи ва тўртинчи рақамлар жағ тишларни ифодалайди (19 – расм).



19–Расм. Катта ёшли одам тишлари (схема):  
1–кесувчи (курак) тишлар, 2–қозиқ тишлар, 3–кичик жағ тишлар, 4–катта жағ тишлар.



20—Расм. Болаларда сут тишларнинг чиқиши.

1—6, 7 ойлик; 2—7, 8 ойлик; 3—8, 9 ойлик; 4—10, 12 ойлик; 5—12, 15 ойлик; 6—18, 20 ойлик; 7—20, 24 ойлик.

Сұлак безлари бола туғилиши билан фаолият күрсата бошлайды, лекин биринчи улар кам миқдорда сұлак ажратади. Сұлак ҳосил бўлиши 5—6 ойлик даврга келиб сезиларли даражада кўпаяди, бу ҳол, ўсиб чиқа бошлаган тишлар томонидан учлик асаб охирларини қўзғатиши билан боғлиқ бўлса керак. Бола икки ёшга етгач унинг сұлак безларини тузилиши катталарникига ўхшайди.

Онтогенез даврида овқатланиш типларини кетма — кет ўзгариши содир бўлади. Ҳомиланинг ривожланиши даврида гистотроф ва гемотроф овқатланиш содир бўлади. Гистотроф овқатланиш — уруғланган тухум ҳужайра (пушт) бачадон деворига ёпишгунга (имплантация) қадар содир бўладиган овқатланиш. Эмбрион цитоплазмадаги тухум ҳужайранинг озиқа моддаларини заҳираси ва тухум сарифи ҳалтасининг материали ҳисобидан озиқланади. Плацента ҳосил бўлган вақтдан бошлаб гемотроф (трансплацентар) овқатланиш асосий рол ўйнайди. Ушбу овқатланиш, плацента орқали онанинг қонидан озиқа моддаларни пуштга транспорт бўлиши билан таъминланади. Онанинг қонидан пуштнинг қонига глюкоза, аминокислоталар ва дипептиidlар ўтади. Плацента кўпчилик оқсиллар, липидлар ва полисахаридларни ўзидан ўтказмайди. Бу моддалар плацентада гидролизланади.

ва ҳосил бўлган мономерлар хомиланинг қонига ўтказилади. Протеолитик, липолитик ва карбогидрозали фаоллик плацента учун ҳосдир. Унда оқсиллар ва гликоген синтезланади. Трансплацентар овқатланиш бола туғилгунга қадар муҳим рол ўйнайди.

Плацента 14 – куни ҳосил бўла бошлайди ва 2 – ойда шакланади. У, моддалар алмашинуви функциясидан ташқари газ олмашинуви, эндокрин, айирав, иммун, плацентар тўсиқ функцияларини бажаради. Плацентар тўсиқни хорион варсинкаларининг эпителийси ва капиллярлар эндотелийси таъминлайдилар. Улар, молекуляр массаси 600 гача бўлган моддаларни ўтказувчан бўлиб, молекуляр массаси ундан катта бўлган моддаларни пуштнинг қонига ўтишини олдини олади. Ушбу ҳусусият онтогенез ва филогенезда маълум бир тасодифий бўлмаган моддаларга (оқсиллар, ёғлар, углеводлар, витаминалар, электролитлар, кислородлар) нисбатан шаклланади. Лекин, тасодифий моддаларга нисбатан тўсиқ функцияси суст намоён бўлади ёки умуман бўлмайди. Уларнинг қаторига алкоголь, гиёхванд моддалар, никотин, қўроғошин, симоб, мишяқ, гемолитик заҳарлар, турли токсик моддалар, вируслар, микроорганизмлар, кўп сонли доривор моддалар (антибиотиклар, сульфаниламидлар, барбитуралар, анальгетиклар, гормонлар, гликозидлар) киради.

Амниотроф овқатланиш ҳомила ривожланишининг 4 – 5 – ойдан бошланади. Бу вақтда, овқат ҳазм қилиш аъзолари фаолиятининг бошланиши кузатилади ва трансплацентар овқатланиш билан биргаликда амниотроф овқатланишни амалга ошириш бошланади. Бундай овқатланиш, ҳомилани ўраб турган сувларни (амниотик суюқликни), унинг меъда – ичак трактига кириб келиб озиқа моддаларини қисман ҳазм бўлишидан иборат. Ҳомиладорликнинг охирги ойларида бола организми томонидан амниотик суюқликни истеъмол қилиш 1 л ҳажмга етиши мумкин. Уни меъдага кириб келишида ҳомиланинг сўриш, нафас олиш, кейинчалик эса ютиш ҳаракатлари ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Амниотик суюқликнинг ҳажми ҳомиладорликнинг 7 – 8 – ойига қадар ортиб боради ва 1,0 – 1,5 л ни ташкил қиласди, кейинчалик 0,6 – 1,0 л гача камаяди. Ушбу суюқлик 98% сувдан ва 0,7% озиқа моддалардан таркиб топган. Озиқа моддаларнинг таркибига оқсиллар (0,2 – 0,4%), аминокисло-

талар, глюкоза, витаминалар, гормонлар ва энзимлар, жум – ладан протеазалар, липазалар ва карбогидразалар киради. Амниотик суюқлик таркибига, энзимлар ҳомиланинг сўлаги ва сийдиги билан бирга плацента орқали она организмидан келиб қўшилади ҳамда плацентада ҳосил бўлади. Озиқа моддаларнинг бир қисми меъда – ичак трактидан гидро – лизланмаган ҳолда (глюкоза, аминокислоталар) ҳамда пино – цитоз йўли билан димерлар, олигомерлар ва ҳатточи полимерлар сўрилади. Амниотик суюқлик озиқа моддаларининг айрим қисмлари унинг ўзини энзимлари томонидан ҳазм қилинади, яъни ҳомиланинг амниотроф овқатланишида овқат ҳазм қилишнинг аутолитик типи катта рол ўйнайди.

Ингичка ичакнинг энзиматик фаоллиги овқат ҳазм қилиш трактининг бошқа аъзоларидан олдин шаклланади. Унда, озиқа моддаларнинг гидролизи деворолди ва ҳужайра ичидаги ҳазм қилиш типи бўйича содир бўлади. Бўшлиқдаги овқат ҳазм қилиш типидаги амниотроф овқатланиш ҳомиладорликнинг 2 – ярмидан бошланиши мумкин, бу пайтда меъда бўшлиғига пепсиноген ажralиб чиқади. У, меъдадаги сут кислотаси томонидан фаоллаштирилади. Амниотроф овқатланиш ва ҳазм қилиш нафақат ҳомилага озиқа моддаларини келиб туриши учун, балким овқат ҳазм қилиш тизмини лактотроф овқатланиш "машқ қилиши" учун ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлиши мумкин.

Лактотроф ва аралаш овқатланиш. Лактотроф (сугли) овқатланиш ҳали овқат ҳазм қилиш аппарати ривожланмаган ўсаётган организмни зарурий пластик ва энергетик ресурслар билан таъминлайди. Бу тур овқатланиш, пуштнинг гемотроф ва трансплацентар овқатланиши орасидаги ҳамда туғилганидан сўнг анча кеч муддатлардаги дефинитив овқатланиш орасидаги оралиқ босқич ҳисобланади. Бола туғилгандан сўнг сутли овқатланиши орқали она организми билан алоқаси амалга оширилиб турилади, бу ҳол нафақат бола организмига озиқа моддаларни келиб тушишини, балким уни иммун ҳимояси учун ҳам муҳимдир. Она сути орқали витаминалар, энзамлар, минерал тузлар, фаол физиологик моддалар олади.

Бола туғилганидан сўнгги икки кун давомида онанинг сут безлари овуз ажратади ва учинчи кундан бошлаб, у, овуз сутига айланади, 4 – ва 5 – кундан бошлаб оралиқ сут ва 2 –

3 – ҳафтадан етилган сут ҳосил бўлади. Она сутининг 1 литрини калорияси 700 ккал атрофида бўлади (17 – жадвал).

17 – Жадвал.

### Аёл сутининг кимёвий таркиби ( $\text{г/л}^{-1}$ )

Сут тури	Оқсиллар	Казеин	Лактоальбумин, глобулин-лар	Еелар	Лактоза
Овуз	55	20	35	32	57
Оралиқ сут	16	9	7	37	68
Етилган сут	12	6	6	35	65

Сут билан овқатланиш даврида аутолитик овқат ҳазм қилиш сутнинг энзимлари томонидан амалга оширилади, бу энзимлар сут безлари томонидан синтезланади ва лейкоцитлардан ажралиб чиқади. Сут юқори липолитик ва эстеразали ҳамда амилолитик ва пептидазали фаолликка эга (айниқса овуз).

Постнатал ривожланишнинг бошида юқори диспергир озуқа билан овқатланган пайтда, моддаларнинг асосий гидролизи мембронадаги овқат ҳазм қилиш зонасида кузатида. Янги түғилган болаларда мембронада овқат ҳазм қилиш асосий ҳисобланади, чунки бўшлиқдаги овқат ҳазм қилиш кучсиз ривожланган.

Мембронада овқат ҳазм қилишни таъминловчи механизмлар эмбрионал ривожланишнинг охирига келиб шаклланади. Бўшлиқда овқат ҳазм қилиш эса, аксинча, сутли овқатланишдан дефинитив (аралаш) овқатланишга ўтиш пайтида ривожланади. Бунда, ичак ҳужайраси мембронасининг энзимлар спектрини ўзгаришлари ва лактоза синтезининг репрессияси кузатилади.

Бола түғилганидан кейинги биринчи кунларда эндоитоз типидаги ҳужайра ичидаги овқат ҳазм қилиш бирламчи рол ўйнайди. Гўдакларни овқатлантириш, амалиётида она сутини сигир сути билан алмаштириш кенг қўлланилади. Лекин, шуни эътиборга олиш ҳам зарурки, бу иккала сутнинг кимёвий таркибида фарқ бор. Гўдак ҳаётининг биринчи

ойида фақат сигир сути билан овқатлантириш қониқарсиз бўлса, биринчи кунлари ўта ҳавфлидир. Бунинг сабаби қўйидагича тушинтирилади.

Бола туғилганидан кейиноқ жадал эндоцитоз мавжуд бўлиб, у, ингичка ичак энтероцитлари томонидан макро – молекулаларни ютилиши ва уларни организмнинг ички му – ҳитга етказиб берилишидан иборат. Энтероцитларнинг турли молекула – рецепторлари иштирок этадиган ушбу механизм, ингичка ичакнинг юзасида ҳар хил типдаги молекулаларни ушлаб қолиниши, сўнгра уларни ёпиқ чуқарчалар деб ата – ладиган соҳада тезда мужассам бўлиши ва цитоплазмага ве – зикулалар кўринишида ўтишидан иборат. Бундай механизм кўпчилик ҳар хил самараларни, жумладан иммуноглобу – линларни она сути билан кириб келишини таъминлайди. Агарда, она сути бошқа сут билан алмаштирилса, ўша эндо – цитоз механизми ёрдамида боланинг ички муҳитига ёт бўлган антигенлар кириб келади, чунки гўдаклар меъда – ичак трактида ҳали иммун тўсиқ бўлмайди. Шундай ҳолат юз берадики, шахсий механизм ҳисобига боланинг ички муҳи – тига жуда қатта миқдорда бегона турдаги оқсилярни кириб келиши таъминланади.

Аёл сути таркибидаги лактоза миқдори сигир сутини – кига нисбатан анча юқори. Она сути билан овқатланганда лактозанинг бир қисми йўғон ичак бўшлигига етиб бориб, унда салгина кислотали реакцияни таъминлайди ва унда сут кислотали ҳамда бошқа фойдали бактериялар гуруҳларини ривожланиши учун қўлай бўлган муҳит пайдо бўлади. Сигир сутининг таркибида лактоза миқдори кам бўлганлиги ту – файли, уни гўдакка ичирилганда лактоза йўғон ичакгача етиб бормайди ва у ерда сут кислотали бижфиш ўрнига чириш жараёни содир бўлади, оқибатда, гўдак организмини инток – сикацияга олиб келади.

Ичак ва жигар тўсиқларини кучсиз ривожланганлиги муҳитида токсик маҳсулотларни шаклланиши болани ҳам жисмоний, ҳам интеллектуал ривожланишини бузилишига олиб келиши мумкин. Бундай бузилиш нафақат болалик даврида, балким ҳаётнинг анча кейинги даврларида ҳам таъсир кўрсатиши мумкин. Бола туғилгандан бир неча кун ўтгач озиқа моддаларни эндоцитоз ўзлаштирилиши ва се – кин – аста деярли тўлиқ тўхтайди.

Бола 5–6 ойлик бўлганда, уни ўсиб бораётган пластик ва энергетик эҳтиёжлари учун она сути етарли бўлмай қолади, шунинг учун, бу ёшдан бошлаб секин – аста кўпайтириб бориладиган қўшимча овқатлантириш бошланади, яъни аралаш овқатланишга ўтилади. Бу вақтга келиб, сутли сўлмаган овқатнинг озиқа моддаларини ҳазм қилиш ва сўриш механизми шаклланади. Қўшимча овқатлантириш овқат ҳазм қилиш тизимини ривожланишини ва уни дефинитив овқатланишга адаптациясини тезлаштиради.

Бола туғилгандан то бир ёшга тўлгунга қадар бўлган даврда меъда ширасининг протеолитик фаоллиги уч марта ортади, лекин катталарникига нисбатан хали ҳам икки марта паст бўлади. Биринчи ёш даврида меъдадаги ва ингичка ичақдаги овқат ҳазм қилиш безлари ривожланиши тез содир бўлади, жигар массаси 2 баравар ортади, панкреатик шира ҳажми 10 марта ва унинг таркибида амилазани ажралиши 25 маротаба ортади. Ёш ортган сари трипсиноген, липаза, фосфолипаза, пептидазалар секрецияси ортади. Аралаш овқатланишга ва айниқса, сунъий овқатланишга ўтказиш овқат ҳазм қилиш ширалари секрециясини ҳажмини ҳам энзимлар ҳосил бўлишини ҳам кучли тезлаштиради.

Сўлак безлари секрецияси 10 ёшгача ортади, сўлакнинг амилолитик фаоллиги эса 1–4 ёшда кескин ошади. 10–14 ёшда сўлак ажралиши кенг кўламда ўзгариб туради, амилотик фаоллиги бир хил ёшдаги ўғил болаларда қиз болаларникига нисбатан юқори бўлади. Меъданинг шиллиқ пардаси юзасининг ортиши билан бир вақтда меъда безлари секрециясининг ҳажми ҳам кўпаяди. Хлорид кислота секрецияси боланинг ёши ва тана массасига тўғридан – тўғри боғлиқ бўлади.

Ёш катталашган сари меъда безлари томонидан пепси–ногенларни секреция қилиши фаоллиги ҳам кучаяди. Меъданинг моторли – эвакуаторли фаолияти ҳам мукаммаллашади бунда унинг мушакли қатламини ривоожланишида эластик толаларни сони ва интрамурал асаб тизими муҳим аҳамиятта эга. Меъданинг мотор фаолиятини мустаҳкамланиши содир бўлади.

Ёш катталашган сари ингичка ичақда овқат ҳазм бўлиши мукаммаллашади, бўшлиқда овқат ҳазм бўлишида, айниқса, меъдаости бези ширасининг роли муҳим бўлади.

4–6 ёшга келиб меъдаости бези шираси таркибида про-  
теазалар миқдори, 6–9 ёшга келиб унинг амилолитик ва  
липолитик фаоллиги энг кўп даражага етади. Ушбу секре-  
циянинг кейинчалик ортиши энзимларнинг тахминан бир  
хил концентрацияси пайтида содир бўлади.

Ёш катталашган сари жигарда ўт ҳосил бўлиш тезлиги  
ҳамда ўт ажралиши муддати ва ҳажми ортади. Ўт суюқлиги  
таркибида ўт кислоталарининг миқдори ортади ва бу ҳол  
ёғларни ҳазм қилишни анча самарали бўлишига олиб келади.

Ичак шираси ва ундаги гидролитик энзимлар ортади.  
Ингичка ичакнинг бошлангич учдан бир қисмида овқат ҳазм  
қилиш анча фаол бўла бошлайди, унинг дистал қисми заҳира  
зонаси моҳиятига эга бўлади. Ингичка ичак шиллиқ парда-  
сидан юқори молекулали моддаларни ўтиши ҳамда уларни  
қонга ва лимфага сўрилиши камаяди. Йўғон ичакдаги жа-  
раёнлар, дефинитив овқатланишга ўтилгандан сўнг, асосан  
катта ёшдаги одамларнига ўхшаш бўлади. Ривожланиш-  
нинг эрта босқичларида бошқаришнинг гормонал ва маҳал-  
лий механизмлари шаклланади. Анча кейинги босқичларда  
овқат ҳазм қилишни бошқаришга марказий механизmlар  
қўшилади.

### **Болаларнинг овқат рациони.**

Болалар овқат таркибида ҳам катта ёшли одамлар овқат  
рационидаги каби, озиқа ва биологик фаол моддалар бўлиши  
керак, лекин бу моддалар ҳамда улар манбаси бўлган маҳ-  
сулотлар нисбати боланинг ёшига мос келиши лозим.  
Меъеридан кам ёки ортиқ ёки bemaza овқат боланинг жис-  
моний ва ақлий ривожланишига салбий таъсир этади.

Болалар серхаракат бўлгани учун, уларда моддалар ал-  
машинуви тезлиги ва кун энергия сарфланиши сабабли  
уларнинг оқсил ва юқори калорияли овқатга бўлган эҳтиёжи  
купдир (18 ва 19 – жадваллар).

Кичик ёшдаги болалар овқатида оқсил, ёғ ва углеводлар  
нисбати 1:1:3, каттароқ ёшдагиларда 1:1:4 бўлиши керак.  
Болалар овқатида ҳайвон маҳсулотлари кўпроқ бўлгани ях-  
ши.

Кичик ёшдаги болаларнинг овқат рационида ҳайвон  
оқсилининг солиштирма салмоғи умумий оқсилга нисбатан

70 – 80% ни, мактаб ёшидаги болаларницида эса 60 – 65% ни ташкил этиши лозим. Болалар овқат рациони таркибида етарли миқдорда гүшт, балиқ, тухум ва сут бўлиши уларнинг оқсилга бўлган эҳтиёжини қондиради. Ясли ёшидаги болаларнинг суткалик овқат рационида 600 – 800 мл, мактаб ёшидагиларницида 400 – 500 мл сут бўлиши керак.

18 – Жадвал.

### Бола ва ўсмирларнинг ёшига боғлиқ бир неча кундузлик энергия сарфланиши.

Ёши	Бир кечада сарфланидиган энергия, кДж (ккал)	Ёши	Бир кечада сарфланидиган энергия, кДж (ккал)
6 ойдан – 1 ёшгача	3349 (800)	7 ёшдан – 10 ёшгача	10048 (2400)
1 ёшдан – 1,5 ёшгача	5443 (1300)	11 ёшдан – 14 ёшгача	11932 (2850)
1,5 ёшдан – 2 ёшгача	6280 (1500)	14 – 17 ёшли йигитлар	13188 (3150)
3 ёшдан – 4 ёшгача	7536 (1800)	13 – 17 ёшли қизлар	11514 (2750)
5 ёшдан – 6 ёшгача	8374 (2000)		

Болаларнинг овқат рационида ёғнинг аҳамияти жуда катта, у витамин А ва Д ларнинг ҳазм бўлишини, организмнинг ута тўйинмаган ёғ кислоталари ва фосфатидларга бўлган эҳтиёжини таъминлайди. Болаларнинг овқат рационасида ортиқча ёғни бўлиши уларнинг организмида моддалар алмашинуви ва овқат ҳазм бўлишининг бузилишига, оқсилнинг ёмон ўзлаштирилишига ва семириб кетишга сабаб бўлади. Болаларнинг ёғга бўлган эҳтиёжини асосан сариёғ ва сут маҳсулотлари ҳисобига қондирилиши керак.

Углеводлар энергия манбай бўлиб, болалар овқати учун ута муҳимдир. Мевалар ва резавор мевалар, улардан тайёрланадиган маҳсулотлардаги углеводлар енгил ҳазм бўлади. Сутда болалар учун зарур бўлган углевод – лактоза бор. Аммо углеводлар меъёридан, яъни физиологик нормадан

ортиқча истеъмол қилинганда бола организмида моддалар алмашинуви бузилади, организмнинг ҳар хил касалликларга қаршилик кўрсатиши пасаяди. Натижада бола семириб кетади.

Боланинг овқат рационида ҳар хил витаминалар ва минерал моддаларнинг етарли миқдорда бўлиши катта аҳамиятга эга (20 – ва 21 – жадваллар). Янги сабсовот мевалар, сут ва сут маҳсулотлари, гўшт ва балиқ, ёғ, ёрма ва нон маҳсулотлари витамин ва минерал моддаларнинг асосий манбай ҳисобланади.

Овқатланиши режимига риоя қилиш болалар овқатланишини рационал ташкил этишнинг асосий шартларидан биридир. Мактабгача ёшдаги болалар ҳар куни 5 – маҳал овқатлантирилиши лозим. Бунда, суткалик калориянинг 2 – 25 % нонуштада, 15 % иккинчи нонуштада, 25 – 30 % тушликда, 15 % пешинда ва 20 – 25 % кечки овқатда олиниши керак. Мактаб ёшидаги болалар ҳар куни 4 маҳал овқатланиши керак. Бунда, суткалик калориянинг 25 % нонуштада, 30 % тушликда, 20 % пешинда ва 25 % кечки овқатда қабул қилиши лозим.

Рахит организмда витамин D этишмаслиги туфайли фосфор – кальций алмашинувининг бузилиши натижасида хосил бўладиган касаллик. Одатда 2 – 3 ойлиқдан 2 – 3 ёшгacha бўлган болаларда учрайди. Рахитга кўпинча боланинг чала туғилиши, қувватсизлигини, сунъий овқатлантириш сабаб бўлади. Бола яхши парвариш қилинмаса, тоза ҳаво ва қуёш нуридан баҳроманд бўлмаса, нотўри овқатлантирилса, унинг организмига витамин D етарли миқдорла кирмайди ёки ультрабинафша нурлар этишмаслигидан терисида витамин D ҳосил бўлиши бузилиб, рахит касали кучаяди. Бундан ташқари, боланинг тез – тез касалланиши, онанинг ҳомила – дорлик пайтида овқат рационини бузилганлиги ҳам рахит касаллиги келиб чиқишига сабаб бўлади.


**1 Ёшга тұлған болаларға тавсия этиладиган энергия (гавданинг кг ҳисобдаги оғирлигига түғри келадиган бир күнлик ккал), оқсил, ёғ ва углеводлар (гавданинг кг ҳисобидаги оғирлигига түғри келадиган бир күнлик г ҳисобдаги миқдорлар) миқдори.**

Еши, ой- ларда	Кало- рия- лиги	Оқсил		Ер		Углево- длар
		Жаъми	Шу жум- ладан ҳайвон оқсили	Жаъми	Шу жум- ладан ҳайвон ёни	
0 – 3	120	2,5	2,5	6,5	—	13,0
4 – 6	120	3,0	3,0	6,0	—	13,0
7 – 12	115	3,5	2,8	5,5	—	13,0

❖ Сунъий сут билан бокилганды.

**Болалар ва ұсмиirlарга тавсия этиладиган энергия (кундалик ккал миқдори), оқсил, ёғ ва углеводлар (кундалиги ғылыми хисобида) миқдори.**

Еши, йилларда	Кало- рия- лиги	Оқсил		ЕF		Угле- водлар
		Жаъми	Шу жум- ладан ҳайвон оқсили	Жаъми	Шу жум- ладан ўсимлик мойи	
1 – 3	1540	53	37	53	5	212
4 – 6	1970	68	44	88	10	272
7 – 10	2300	79	47	79	16	315
11 – 13 (ўғил болалар)	2700	93	56	93	19	370
(қиз болалар)	2450	85	51	85	17	340
14 – 17 (ўғил болалар)	2900	100	60	100	20	400
(қиз болалар)	2600	90	54	90	18	360



### Одам меъда – ичак тракти:

- |                          |                   |
|--------------------------|-------------------|
| 1 – оғиз бүшлиғи;        | 2 – томоқ;        |
| 3 – қызилұнғақ;          | 4 – меъда;        |
| 5 – ўн икки бармоқ ичак; | 6 – ингичка ичак; |
| 7 – йүғон ичак;          | 8 – түғри ичак.   |

**Болалар ва ўсмиirlар учун тавсия этиладиган витаминлар миқдори.**

14 – 17 ёшли (қиз болалар)	14 – 17 ёшли (үғыл болалар)	11 – 13 ёшли (қиз болалар)	11 – 13 ёшли (үғыл болалар)	7 – 10 ёшлик	4 – 6 ёшлик	1 – 3 ёшлик					
		0,8	0,9	0,9	1,0	100	10	45	450	7	440
		1,0	1,3	1,3	1,5	200	12	50	500	10	100
		1,4	1,6	1,6	2,0	200	15	60	700	10	100
		1,6	1,9	1,9	3,0	200	18	70	1000	12	100
		1,5	1,7	1,7	3,0	200	16	60	1000	10	100
		1,7	2,0	2,0	3,0	200	19	75	1000	15	100
		1,6	1,8	1,8	3,0	200	17	65	100	12	100

**Болалар ва ўсмирлар учун тавсия этилган минерал мөддаларнинг миқдори (кундалиги мг хисобида)**

Еши	Кальций	Фосфор	Магний	Темир
0 – 26 кунлик (чақалоқ)*	240	120	50	1,5
1 – 3 ойлик (гүдак)**	500	400	60	5,5
4 – 6 ойлик	500	400	60	7,0
7 – 12 ойлик	600	500	70	10
1 – 3 ёшлик	800	800	150	10
4 – 6 ёшлик	1200	1450	300	15
7 – 10 ёшлик	1100	1650	250	18
11 – 13 ёшлик (ўғил болалар)	1200	1800	350	18
11 – 13 ёшлик (Қиз болалар)	1100	1650	300	18
14 – 17 ёшлик (ўғил болалар)	1200	1800	300	18
14 – 17 ёшлик (Қиз болалар)	1100	1650	300	18

\* – Сунъий овқатлантириш ҳисобга олинган ҳолда.

\*\* – 10 % киритилган темирнинг ҳазм қилиниши ҳисобга олинган ҳолда.

Рахит касаллиги моддалар алмашинувининг бузилишига ҳамда ҳар хил аъзо ва тизимлар ишининг издан чиқишига олиб келади. Бу касалликда айниқса фосфор ва кальций ал-машинуви жиддий бузилади. Ичақда кальцийнинг сўрилиши ва суюкларга ўтириши ўзгаради. Бу эса суюкларнинг ингич-калашиб, тұқымаларнинг юмшашига, асаб тизими ва ички аъзолар фаолиятининг сузилишига олиб келади.

Касалликнинг дастлабки даврида беморнинг асаб тизимида ўзгаришлар пайдо бўлади: бола қўрқоқ, тажант, инжик шалвираган бўлиб қолади; кўп терлайди, эмаётганда юзи, ётганда энсаси айниқса терга ботади, ётганда ёстиғи ҳўл бўлиб қолади. Болани бадани қичишади. Бола бошини ёстиқша шуқайверганидан соchlари тўклилиб кетади. Касаллик кучайганда мушакллар заифлашади, буришади, кеч юради, қорин шишишади, ичи кўпинча қотади ёки сурилади. Кейин-чалик унинг тизими ўзгаради. Елка суяги яссиланади, боши катталашади, пешона ва калла суюгининг тепа суяги туртиб чиқади, пешона дўнг бўлиб қолади, калла тепа суяги ва энса соҳасидаги суюкларнинг юмшаси кузатилади. Бош катта лиққилдори ўз вақтида суюкларнинг кузатилади. Кўпинча түш ёнидаги қовурға суюклари қалинлашади. Бола юра бошлаганида оёқлари X шаклида О шаклида қийшайди. Кўкрак қафа-сининг шакли ўзгаради: ё олдинга туртиб чиқади ёки ичига ботиб кетади.

### **БИЛИМЛАРНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ УЧУН САВОЛЛАР**

1. Онтогенезда овқат ҳазм қилиш тракти ва тизимининг ривожланишини қандай хусусиятлари бор?
2. Сутгли тишларни доимий тишларга алмашиш жараёнини тавсифланг.
3. Ҳар хил типдаги – гистотроф, гемотроф, амниотроф, лактотроф ва аралаш овқатланишни тавсифланг.
4. Болаларни овқат рационида нималар бўлиши керак?

### **ҲАРОРАТ БОШҚАРИЛУВИ**

Хомила, янги туғилган даврларда ва онтогенезнинг дастлабки даврларида ҳарорат бошқарилуви (терморегуляция) хусусиятлари.

Хомила алоҳида терморегуляцияга муҳтоҷ эмас, чунки у, она организмида нисбатан доимий тана ҳарорати шароитида бўлади. Хомила оқиб чиқадиган қоннинг ҳарорати, унга кириб келадиган қон ҳароратидан  $0,3^0 - 0,4^0$  юқори бўлиб, агар плацента орқали қон ўтиши тўхтаса ҳомила қизий бошлайди. Бола туғилганидан кейинги бир неча кун давомида, унинг ҳароратини мунгазам бўлмаган тебраниб туришлари содир бўлади. 5 – 8 суткадан кейин тўғри ичакнинг ҳарорати  $36,8^0\text{c}$ , 4 – 5 ҳафтадан кейин –  $37,1^0\text{c}$ , 2 – 5 ёшда эса  $36,9^0\text{c}$  гача пасаяди.

Янги туғилган чақалоқнинг тана ҳарорати атроф – муҳит ҳароратига боғлиқ ва хона ҳарорати  $18 - 20^0\text{c}$  бўлганда ялангоч чақалоқнинг тана ҳарорати тез пасаяди ҳамда ҳароратни пасайиши (пиотермия) ривожланиши мумкин. Болалар танасидан иссиқликнинг чиқарилиши катталарникига ўхшаб нурланиш, иссиқликни ўтказиш ва конвенцияси, терлаш йўли билан содир бўлади. Болаларда иссиқлик чиқарилишини белгиловчи энг муҳим омил, улар танаси юзасини массаси бирлигига нисбатан катталиги ҳисобланади. Янги туғилган болалар танасининг 1 кг массасига, катталар – никига нисбатан 2,2 баравар кўп юза тўғри келади, яъни иссиқликни чиқариш ҳам 2,2 марта жадал содир бўлади. Катталарникига нисбатан бола терисида қон айланишини жадаллиги ҳам иссиқлик чиқаришни кучайтиради. Ундан ташқари, болаларнинг юпқа эпидермаси орқали кўп миқдорда сув тер орқали чиқиб, иссиқлик чиқишини кучайтиради.

Янги туғилган ва она сутини эмадиган болалардаги терморегуляция жараёнлари катталарникидан фарқ қиласи. Ушбу тизимнинг ўзига хос асосий хусусиятларидан бири – минимал иссиқлик ишлаб чиқариш пайтида қўллаб – қувватланадиган ташқи ҳарорат диапазони ҳисобланади. Ушбу диапазон – термоиндифферент зона деб номланади. Бу зона, катта ёшдаги ялангоч одамда  $28 - 30^0\text{c}$  ни, янги туғилган болада –  $32 - 34^0\text{c}$  ни ташкил қиласи. Янги туғилган болада бу кўрсаткичнинг юқори бўлиши, унинг тўқималарида иссиқлик ҳосил бўлиши катталарникига нисбатан 1,4 марта юқори моҳиятга эга, танаси юзасининг нисбатан катталиги ҳисобига эса иссиқликни чиқариш ҳам 2,5 марта жадал ўта –

ди. Шу туфайли, тана ҳароратини доимий сақлаб туриш учун унга анча юқори ҳароратли мұхит керак.

Агар, атроф – мұхиттің ҳарорати термоиндифферент зонадан юқори бұлса, терида қон айланиши кучаяди ва ис – сиқликтен чиқариш ортади. Қизиб кетищдан ҳимояланиш учун терлаш мұхимдир. Янги туғилған болалар териси юза – сига нисбатан тер безларининг сони катталарницидан күп – дір, лекин тер ажралиш фәоллиги камроқдір. Шунинг учун максимал тер ажралиши суткасига 57 мл/кг, катта одамларда 500 мл/кг ташкил қылады. Болалардан тер ажралиш ректал ҳарорат 37,2<sup>0</sup>С га еттеге бошланади. Еш катталашган сары ушбу бұсаға пасаяди, тер миқдори эса күпаяди. Ҳаво ҳарорати ошған пайтда янги туғилған болалар осон қизииди, пасайғанда эса – иссиқлик чиқариши кучаяди. Лекин, ушбу реакцияның жадаллығы тана ҳароратини доимий ушлаб туриш учун етарлы әмас. Янги туғилған болада иссиқлик чиқарылышини максимал ортиши асосий алмашинув катта – лиги иккі марта ортиши, катталарда эса уни 3 – 4 марта ортиши даражасыда бұлиши мүмкін.

Янги туғилған болаларда бир яшар болаларға хос бұлған совуқдан қалтираш содир бұлмайды, лекин совуқтотған пайтда мушаклар тонусини ортиши содир бұлады.

Катталарға нисбатан күпроқ болаларда терморегуляция учун қисқармайды (мушаксиз) термогенез мұхимдір. Иссиқликнинг мұхим манбасы – бүйін соҳаси ва кураклар үртасындағы тери остидаги құнгир ёғ ҳисобланади. Уннинг массаси 35 г атрофида ва у, иссиқлик ажралишини асосий алмашинув катталылғыға нисбатан 2 марта күдайтириши мүмкін. Ушбу тұқымада алмашинувни бошқариш симпатик асаб тизими томонидан амалға оширилади. Құнғир ёғнинг парчаланиши пайтида ажралады да ёғ кислоталарининг бир қисми скелет мушакларида оксидланиб, құшымча иссиқлик ҳосил қылады.

Шундай қилиб, янги туғилған болалардаги умумий терморегуляция катталарницига нисбатан камроқ мукам – маллашган. Бу ҳол, тана ҳароратини турған әмаслигіда на – моён бұлады. Иссиқлик ҳосил қилишнинг ортиши нисбатан күксіз намоён бўлиб, совуқдан қалтираш кузатылмайды. Шу билан берінше, терморегуляцияның асосий механизмлари уларда үз фәоллигини күрсата бошлаган бұлады. Гипотала –

мұсдаги терморегуляция маркази морфологик жиҳатдан ри-  
вожланған бұлади.

Ёш катталашған сари тана массасининг ортиши билан  
бирга тана юзасининг нисбатан камайиши күзатилади, тери  
остидағи ёғ қатламини катталиги ва мос равища организм-  
нинг иссиқлигі изоляцияси ортади. Бир вақтнинг үзіда ис-  
сиқлик ишлаб чиқарылыш кучаяди. Иссиқликни бошқариш  
механизми анча мұккаммаллашади. Тери қон томирларининг  
реакцияси тезлашади ва кучаяди, тер ажралиш бұсағаси  
пасаяди ва ҳажми ортади. Организм совуққоттан пайтда ис-  
сиқлик ишлаб чиқарылышнинг кучайишига скелет мушакла-  
рини бошқарув тонуси моҳияттін ортиши, уларни совуқдан  
қалтираш қобиляти күмаклашади, шунинг учун, бир ёшдаги  
болалар организми тана ҳароратини ташқи мұхит ҳарорати  
үзгарған пайтда ҳам муваффақиятли ушлаб туради.

Бола 2 ёшга түлғандан кейин, тинч ҳолатда, тана мас-  
сасининг бирлигига нисбатан иссиқлик ишлаб чиқарылыш се-  
кин – аста пасаяди, лекин бир вақтнинг үзіда тана нисбий  
юзасининг камайиши содир бұлади. 15 – 16 ёшга келиб ис-  
сиқлик алмашинуви ва иссиқликни бошқаришни ривожла-  
ниш шароитләри катталар учун хос күрсаткичларига яқин-  
лашади.

### **Билимларини назорат қилиш учун саволлар**

1. Ҳомиладорлық даврида терморегуляция қандай хусуси-  
яттарға зәға да, нима билан боғлиқ?
2. Яңғы туғилған болада терморегуляция қандай хусусият-  
тарға зәға?
3. Ёш катталашған сари терморегуляцияның мұккаммалла-  
шуви нима билан боғлиқ?

### **БҮЙРАКЛАР ВА СУВ-ТУЗ АЛМАШИНУВИ**

- ❖ Буйракларни онтогенезда ривожланиши
- ❖ Бүйракларда қон айланиши ва реабсорбция жараёнларини  
ривожланишининг тавсифи
- ❖ Бола организмидеги сув – туз гемостазида буйракларнинг  
роли.

Ҳомила ривожланишининг 9 – ҳафтасига келиб буйраклар фаолият кўрсата бошлайди. Ҳосил бўлган сийдик пушт ат –рофидаги суюқликка чиқарилади. Сийдик ҳосил бўлиши 5 – ойдан бошлаб то бола туғилгунга қадар 2,2 дан то 26,7 мл/соат гача ортади. Пуштнинг асосий айирув аъзоси пла – цента ҳисобланади. Бўйраклар бўлмаса ёки сийдик йўлла – рининг ўтказувчанлик имконияти бўлмаса пуштда уремия ривожланмайди.

Янги туғилган болалар буйраги нисбатан катта бўлиб, уларнинг оғирлиги тана оғирлигига нисбатан катталарни – кидан кўпроқдир. Уларнинг энг жадал ўсиши бола ҳаётининг биринчи йили давомида ва 14 ёшида кузатилади. Бўйрак – ларнинг ривожланиши туғилиш моментига келиб тўхтамай – ди. Биринчи ёш даврида пўстлоқ моддасининг массаси икки марта, магизники фақат 42% ортади, бўйрак таначаларининг диаметри, каналчаларнинг узунлиги ва диаметри, айниқса, Генли сиртмоғи (ингичка сегментин) катталашади, эпи – телийнинг таркибий тузилмаси ўзгаради. Нефронлар, бола туғилгандан кейинги биринчи йилда ва жинсий болаготга етиш даврида энг жадал ўсади. Бўйракларнинг ички тузи – лиши асосан 5 – 7 ёшда шаклланади, массанинг ўсиши эса 20 ёшгача давом этади.

Бўйраклардан ўтадиган қон оқими бола 2 ойлик бўл – гунга қадар ортади ва 3 ёшга келиб, унинг ҳажми катталар – никига яқинлашади. Капсулаларнинг фильтровчи мембра – налари тешикларининг диаметри, болаларда катталарникоидан икки марта кичкина, коптокчаларининг диаметри ҳам кич – кина. Шу туфайли, янги туғилган болалар бўйракларининг мемброналарнинг ўтказувчанлиги ва фильтровчи юза май – дони нисбатан кичкина, копточча орқали фильтрланиш ки – чик тезликка эга. Тана юзаси бирлигига нисбатан ҳисоб – ланганда, улар одамлардаги кўрсаткичларни 27% ташкил қиласи (22 – жадвал).

Копточчалар ўсан сари фильтровчи мембрана юпқалашади, уларнинг тешикларини сони ва диаметри ҳамда унинг юзаси катталашади. Копточчалар капиллярларида қон оқими ва гидростатик босим ортади.

**Болаларда коптокча орқали фильтрланиб ўтиш тезлигини  
ёшга оид ўзгаришлари, мл.мин<sup>-1</sup>**

Ёши	Фильтрланиш тезлиги
2 – 7 сутка	34
8 – 30	46
1 – 3 ойлик	59
3 – 6	65
6 – 12	69
4 – 14 ёш	121
Вояга еткәнлар	124

Бунинг барчаси коптокчалардаги фильтрация тезлигини ортишига олиб келади ва у, ҳаётнинг биринчи йилида жуда тез ортади. Кейинчалик ҳам у ортишда давом этади, лекин анча суст содир бўлади.

Проксимал каналчаларнинг узунлиги катталарнига нисбатан 10 марта калта бўлади, шунинг учун барча моддаларнинг реабсорбцияси секинроқ бўлади. Шу билан бирга, оқсиллар ва глюкоза тўлиқ реабсорбция бўлади ва қоидаги биноан якуний сийдик таркибида учрамайди. Бу ҳол, реабсорбциянинг максимал катталиги коптокчалардаги фильтрация тезлигига боғлиқлиги билан туширилади, яъни тезлик қанча катта бўлса, проксимал реабсорбциянинг ҳажми шунча катта бўлади. Хужайрада глюкоза реабсорбцияси механизми туғилиш вақтига келиб шакланади. Аминокислоталар пастроқ жадаллик билан реабсорбцияланади ва якуний сийдик таркибида учраши мумкин. Худди шундай, проксимал каналчаларда сув ва тузлар ҳам пастроқ жадаллик билан реабсорбцияланади. Сув осмотик градиент бўйлаб боради ва натрийни кичик даражадаги реабсорбцияси сувнинг кичик миқдорда реабсорбциясига олиб келади (23 – жадвал).

Оқсил парчалангандан кейин ҳосил бўладиган азотли маҳсулотларнинг асосий массаси, жумладан мочевина сидики билан чиқариб юборилади. Катта ёщдаги одамлар сидики таркибидаги қуюқ моддаларнинг 90% ги улардан иборат, болаларда бирмунча кам бўлади.

## Сийдикнинг миқдори ва таркибини ёшга оид хусусиятлари

Кўрсаткичлар	Ёши	
	Гўдаклик	Мактаб ёши
Миқдори, мл.мин <sup>-1</sup>	0,1 – 0,2	0,5 – 0,9
РН реакцияси	6,0	4,6 – 8,0
Оsmотик концентрацияси, мосл.л <sup>-1</sup>	450	800 – 1200
Мочевина (сийдикчил), мг.кг <sup>-1</sup> суткада	20 – 90	180
Сийдик кислота, мг.кг <sup>-1</sup> суткада	14 – 28	9
Кратинин, мг.кг <sup>-1</sup> суткада	10 – 15	12 – 21
Натрий, мэкв.кг <sup>-1</sup> суткада	0,8	2,5
Калий, мэкв.кг <sup>-1</sup> суткада	2,3	1,8
Хлоридлар, мэкв.кг <sup>-1</sup> суткада	1,3	3,8
Фосфатлар, мэкв.кг <sup>-1</sup> суткада	22 – 40	10 – 30

Унинг ажрилиши бола туғилгандан кейинги 3 – ойдан бошланади. Ясли ёшидаги болалар уни сийдик билан 0,24 г атрофида, мактаб ёшигача бўлган болалар 0,60 г атрофида чиқарадилар. Шундай экан, болалар ўсишининг жадал даври мочевинани минимал ҳосил бўлиши билан тавсифланади. Янги туғилган боланинг сийдигида деярли доимо унча катта бўлмаган миқдорда оқсил бўлади ва бу ҳол нефронлар коптоқчалари эпителийларининг ва уларнинг каналчаларини амиакни ўтказувчанлигини катталиги, оқсилларни кўп истеъмол қилиниши билан тушинтирилади. Ёш ўтган сари сеқин – аста сийдик таркибидан оқсил йўқолади ва кичик ёшдаги болаларда у бошқа учрамайди.

Ҳосил бўлган сийдик сийдик ҳалтасида йигилади, унинг ҳажми ёшга боғлиқ ўзгаради: Бир ёшга келиб 200 мл, 9 – 12 ёшда 600 – 900 мл, 12 – 14 ёшда – 1200 мл бўлади. Бир кечакундузда ажralадиган сийдикнинг миқдори ўзгариб туриши мумкин: 4 – 5 яшар болаларда 1 литр, 9 – 11 ёшдагиларда 1,5 литр бўлади. Болаларда катталарга нисбатан кўпроқ миқдорда сийдик ажратилиди ва бу, уларнинг жадал сув алмашинуви билан тушинтирилади.

Сувли – тузли гомеостаз. Вояга еттан одамлар организмининг 60% сувдан иборат бўлади ва у, ҳужайралар, ҳужайралараро суюқлик ва қон плазмаси таркибида бўлади (24 – жадвал).

24 – Жадвал.

**Организмда сувнинг тақсимланиши  
(тана массасига % ҳисобида)**

Ёши	Сувнинг умумий миқдори	Ҳу-жайра ичидағи суюқлик	Қон плазмаси	Ҳу-жайра лараро суюқлик
Хомила	86	27	—	—
Янги туғилганлар	76	30	6	40
Сут эмадиган болалар	70	35	5	30
1 – 5 ёшар	65 – 70	35 – 40	5	25
6 яшар ва вояга еттан	60 – 65	40 – 45	5	17

Янги туғилган болаларда сувнинг умумий миқдори нисбатан катта. Ҳужайралараро бўшлиқдаги сувнинг нисбатан кўп қисми сувнинг сарфланиши фавқулодда ортган пайтда ишлатиладиган заҳира сифатида бўлади. Ёш катта – лашган сари ҳужайра ичидағи сувнинг нисбий ҳажми орта – ди, ҳужайралараро сувники эса камаяди. Туғилгандан кейинги биринчи кунларда тана массаси 10% атрофида камаяди ва бу ҳол, асосан ортиқча суюқликни чиқариб юборилиши билан тушинтирилади.

Дастлабки ёшлардаги болалар тери ва ўлка орқали нисбатан кўп миқдорда сув йўқотадилар. Кўкрак сути эмадиган болаларда сутка давомида йўқотадиган сув миқдори: 1 кг тана массаси ҳисобига тери орқали 100 мл, ҳаво ташила – диган йўллар орқали – 40 мл, ичак орқали – 40 – 80 мл, буйраклар орқали – 90 – 100 мл ни ташкил қиласиди. Организмда сув етишмаслигидан катталарга нисбатан болалар кўпроқ қийналадилар.

Сут эмадиган болаларда тана массасига нисбатан сийдик айириш катталарницидан кўп бўлади. Бир хил миқдор – даги мочевина, сийдик кислотаси, креатенин, ионларни чиқариб юбориш учун катталарницига нисбатан 2 – 3 марта

күпроқ сув сарфланади. Бир ёшдан катта болаларнинг суткалик диурезини қуийдаги формула билан тахминан ҳисоблаш мумкин:

600+100 (n-1), бунда n – йиллар ҳисобидаги ёши.

Болаларнинг сутка давомида сув истеъмол қилишга талаби катталарницидан кўпdir. Организмга суюқликни келиб тушиши тўхтаган пайтда янги туғилган бола ҳужайра ташқарисидаги суюқликнинг ҳаммасини 5 сутка давомида, катталар эса – 10 сутка давомида йўқотади. Янги туғилган ва сут эмадиган болаларда чанқоқлик ҳисси ривожланган ва уларни дегидратацияга (сувсизланишга) мойиллиги шу билан тушинтирилади. Бола организми етарли миқдорда минерал моддаларни олиши керак, айниқса, натрий, калий, кальций ва магний ионларига бўлган эҳтиёжи каттадир. Ички муҳитнинг ионли таркиби барча ёш даврларида доимий бўлиб қолади, янги туғилган пайти бундан мустасно – бу даврда натрий ва калий концентрацияси бирмунча юқори бўлади.

Сут эмадиган болалар буйраклари функциялари сувли – тузли гомеостазни таъминлаш учун етарлидир. Бу, кислота – ли – ишқорли мувозанатни бошқаришга ҳам таалуклидир. Лекин, мослашиби заҳиралари кичкина болаларда чегара – ланган. Буйракларнинг функционал имкониятларининг чегараси ёш катталашган сари ортади.

### **Билимларни текшириш учун саволлар**

1. Буйракларни онтогенезда ривожланишини қандай хусусиятлари бор?
2. Бўйраклар каналчаларни фильтровчи ва реабсорбция функцияларини ёшга оид хусусиятларини кўрсатинг.
3. Дастробки онтогенез даврида сувли – тузли гомеостазни сақланишида бўйраклар функциялари қандай хусусиятларга эга?

### **НАФАС ОЛИШ**

- ❖ Хомила даврида организмини кислород билан таъминлаши хусусиятлари
- ❖ Хомила даврида газ алмашинуви
- ❖ Хомила даврида ўпканинг ривожланиши. Янги туғилган болаларда нафас олишнинг ўзига хослиги.
- ❖ Ўпканинг ривожланиши

- ❖ Ўпка вентилляцияси
- ❖ Нафас олиш частотаси ва чуқурлиги
- ❖ Ўпканинг умумий ва ҳаётий ҳажми
- ❖ Қон орқали газлар транспорти
- ❖ Неонатал ва постнатал даврларида тамаки чакишни боланинг ўсиши ва ривожланишига таъсири.

Она организми эмбрион ва ҳомила учун ташқи муҳит ҳисобланади. Ҳомила онанинг қонидан кислородни олади ва унга корбонат ангиридан чиқаради. Ҳомиланинг асосий ташқи нафас олиш аъзоси бўлиб, унинг ривожланишини барча даврларида плацента ҳисобланади. Унда, кислороднинг диффузияси ўпкадагига нисбатан паст самара билан амалга ошади. Мембраннынинг қалинлиги ўпканикidan 5 – 10 марта каттадир.

Таркибида кислород юқори миқдорда бўлган қон билан фақат ҳомиланинг жигари таъминланади, унинг қолган аъзолари эса аралаш қон билан таъминланади. Пастки ва юқориги ковак веналардан келган қонни ўнг юраколди бўлмачада ва алоҳида қон оқимларини аорта ёйида тўлиқсиз аралашishi оқибатида анчагина кислородга тўйинган қон ҳомила боши ва танасининг олдинги қисмини артерияларига келиб тушади. Катта одамлар организмига нисбатан олинганда ҳомила қони таркибидаги кислород даражасига кўра оғир гипоксия ҳолатига мос келади. Шунга қарамасдан, ҳомила тўқималари нормал ривожланиши учун етарли миқдорда кислород билан таъминланади. Бу, бир нечта ҳолатлар билан тушибинтирилади:

1. Ҳомила тўқималаридағи оксидланиш жараёнлари нисбатан юқори бўлмаган жадалликка эга, лекин анаэроб жараёнлар (хусусан, гликолиз) анча жадал ўтади.

2. Ҳомилада энергия сарфланиши чегараланган бўлади. Терморегуляция, сийдикни концентрациялашга, ўпка вентиляциясига, овқат ҳазм қилишга энергия сарф қилиш талаб қилинмайди. Скелет мушакларининг қисқариши учун энаргия кам сарфланади.

3. Ҳомила тўқималари орқали қон оқими жуда жадал ўтади, у, тана массаси бирлигига нисбатан катталарникidan деярли 2 марта кўпdir.

4. Эволюцияда, ҳомила тўқималарининг ҳужайралари кислород миқдори кам бўлган шароитларда яшашга мослашган.

5. Кислород билан тўқималарни таъминлашга гемоглобинни кислородга тўйинганлигини катталарникига нисбатан кўплиги кўмаклашади.

Катта ёшдаги одамларникига нисбатан ҳомила қони билан газларни транспорт қилиш учун қуийдагилар хосдир:

1. Кислород таранглигини пастлиги ва гемоглобинни кислород билан тўйинганлиги.

2. Карбонат ангирид таранглигини катталарнинг кўрсаткичларига яқинлиги ёки анча пастлиги.

3. Н<sup>+</sup>нинг юқори концентрацияда бўлиши.

4. Карбоангидроза энзимининг фаоллигини пастлиги.

5. Ишқорли заҳиранинг паст даражадалиги.

Ҳомиланинг ўпкаси ташқи нафас олиш аъзоси сифатида фаолият кўрсатмайди. Ҳомиланинг ўпка бўшлиги юқори нафас олиш йўллари воситачилигида амниотик суюқлик билан туташиб туради. Ҳомиланинг альвеолалари ва бронхлари бир – бирига уланган ҳолатда бўлмайдилар, улар, кўпроқ альвеоцитлар томонидан секреция қилинадиган суюқлик билан тўлган бўлади. Амниотик ва альвеоляр суюқликларнинг қўшилиши жуда секин содир бўлади, буни улар таркибининг ҳар хиллиги кўрсатади. Уларни аралашиши учун асосан ҳиққилдоқ (товуш бўшлиғи) тўсиқлик қиласи. Ўпка суюқлигини ҳосил бўлиши ўпкани нормал ривожланиши учун зарурдир. Трахеясига фистула ўрнатилган ҳайвонларнинг ҳомиласида ўпка массасининг ортиши пасайган.

Бола туғилганидан кейин ўпкани фаолият кўрсатишини асосий шарти сурфактант мавжудлиги ҳисобланади. Үнинг асосини фосфолипидлар ташкил қиласи ва уларнинг ичидагасосийси – лецитин (фосфатидилхолин) бўлиб, унинг улуши 60 – 80% ташкил қиласи. Лецитин ва бошқа фосфолипидлар барча биологик мембраналарнинг мажбурий компонентлари. Сурфактант тартибга солинган мембрана тузилмасига эга. Үнинг мембраналари мураккаб бўлиб, шундай жойлашганки, нафас олинганда улар ростланади, чўзилади ва фосфолипидларнинг бир қават молекулаларини ҳосил қиласи. Нафас чиқарилганда, улар қатъий тартибли панжаралар

қуринишида йифилади. Сурфактант – ўпкани чўзилишини ва сиқилишини, газ алмашуви самарадорлигини белги – лайдиган муҳим омиллардан биридир. Ушбу юзаки фаол парданинг мавжудлиги туфайли ўпка эластик бўлиб, уни нафас олишига имконият беради.

Агар, ҳомилада суфактантни ривожланиши нормал кечса, у, ҳомиладорликнинг 22–25 ҳафтасида ишлаб чиқлади ва ўпкани тўлдириб турган суюқликка келиб тушиди. Янги туғилган бола илк бор нафас олганда сурфактант альвеолаларнинг юзасини бир текис қоплади ва уларнинг ҳажмини стабиллигини ҳамда пулфакчаларни биринчи нафас олингандаёқ тушиб кетишига йўл қўймайди. Агарда, бирон – бир сабабга кўра сурфактант ажралиши бузилса, ўпкада ҳавоси йўқ зоналар – ателактазлар пайдо бўлади. Бундай ҳол, кўпинча, тўлиқ ривожланмасдан туғилган болаларда кузатилади ва ўпканинг сурфактант синтез қилувчи ҳужайрала – рини тўлиқ етилмаганлиги билан боғлиқдир. У, бутун ҳаёт давомида альвеолалар деворларининг ҳужайралари томонидан доимо янгиланиб туради. Уларда фосфолипидлар ва сурфактант мембраналарининг оқсиллари синтезланади. Унинг ишлатилган заррачалари балғам ҳамда макрофаглар билан бронхалар орқали чиқариб юборилади.

Ҳомиладорликнинг 11 – ҳафтасидан бошлаб, пуштнинг ҳаракатларида, диафрагманинг испиратор мушакларини ва кам даражада – қовургалараро мушакларни даврий қис – қаришлари кўринишидаги нафас олиш ҳаракатлари пайдо бўлади. Улар, узунчоқ миянинг нафас олиш марказини фоллиги билан белгиланади. Ҳомила қонида газлар таркиби нормал бўлган пайтда нафас олиш ҳаракатлари кузатилади, лекин уларнинг частотаси гиперкарния ва ацидоз пайтида ортади. Ҳомиланинг нафас олиш ҳаракатлари ўпкани нормал ривожланиши учун зарурдир. Кўкрак бўшлиғидаги босимни даврий пасайиши ҳомилада қон айланишига қўмаклашади, юракка венадан келадиган қон оқимини кучайтиради.

Боланинг илк бор нафас олиши, қоидаги биноан, туғилганидан кейин 15–70 сония ўтгач, одатда киндикни кесиб бойлангандан кейин, айрим пайтларда унгача, яъни туғилиши биланоқ бошланади. Биринчи нафас олишнинг асосий шарти қонда нафас олишнинг гуморал қўзғатгичларини:  $\text{CO}_2$   $\text{H}^+$  ва кислород етишмаслиги мав –

жудлиги ҳисобланади. Киндик бойлангандан сўнг  $\text{CO}_2$  ва  $\text{H}^+$  концентрацияси ортади, гипоксия кучаяди (афиксия ҳолати). Бундан ташқари, биринчи нафасни рағбатлантирувчи асосий омил — туғиши жараёнида ва ундан кейин пайдо бўладиган, тери рецепторларидан, проприорецепторлардан, вестибуло-рецепторлардан келадиган афферент импульслар оқими ҳисобланади. Ўпка вентиляциясининг бошланиши кичик қон айланиш доирасининг фаолиятини бошланиши билан боғлиқ. Ўпка капиллярлари орқали қон оқими кучаяди. Ўпка суюқлиги, ўпкадан қон томирларига, бир қисми эса лимфага сўрилади. Боланинг нафас олишлари ўпка аэрациясига ва унда ҳавони тақсимланишига кўмаклашади. Янги туғилган боланинг кўкрак қафаси конуссимон шаклда бўлади. Тинч ҳолатда нафас олиш, уларда диафрагмали бўлади, лекин қичқирган пайтда қовурғалараро мушаклар ҳам иштирок этади. Янги туғилган болалар доимо бурни орқали нафас оладилар, уларнинг нафас олиш частотаси юқори бир дақиқада 30 – 70 марта, ўртача – 40 марта (катталарда 12 – 18 марта). Нафас ҳажми 17 мл атрофида, катталарда эса – 400 – 500 мл ташкил қиласди.

Янги туғилган боланинг ҳаво ўтказувчи йўллари тор бўлиб, ўпкаси учун эса, кўкрак бўшлигини юқори чўзилув – чанлиги пайтида паст чўзилувчанлик хосдир. Янги туғилган бола ўпкасининг ҳаётий ҳажми қичқирган пайтда чиқариладиган ҳаво ҳажми билан баҳоланади ва у, 120 – 150 мл ташкил қиласди (катталарда 3000 – 5000 мл).

Ўпканинг ривожланиши. Бола туғилганидан то 7 – 8 ёшгача ўпкада асосан иккита жараён содир бўлади: бронхиал шохчаларни дифференцияланиши ва альвеолалар сонини кўпайиши. Бронхиолаларнинг шоҳланиши йўли билан альвеолали йўлларнинг ривожланиши ва типик ацинусларни шакланиши содир бўлади. Туғилгандан сўнг альвеолалар сони 300 – 400 мл гача, яъни 10 – 12 марта ортади, айниқса, биринчи 3 йилда жадал ортади. Ўпкани ўсиши кейинчалик ҳам, айниқса, ўспирийлик даврида давом этади. Янги туғилган бола ўпкасининг массаси 50 г атрофида, 13 ёшда – 500 г, катталарда – 1 кг атрофида бўлади. Альвеолаларнинг диаметри 12 ёшга келиб икки марта, вояга етган одамларда уч марта (200 – 300 мкм) ортади. Бола туғилгандан кейин альвеолаларнинг умумий юзаси таҳминан 20 марта катта –

лашади. Альвеолалар юзаси билан параллел равища кичик қон айланиш доираси капиллярларининг сони ҳам ортади.

Үпка вентиляцияси. Үпка вентиляциясининг катталити нафас олиш частотаси ва чуқурлиги билан белгиланади. Дақиқадаги нафас ҳажми ( $\text{ДНХ}$ ), тинч ҳолатда, ёш улғайиши билан деярли 10 марта катталашади (25 – жадвал).

25 – Жадвал.

**Дақиқадаги нафас ҳажми, тана массаси, нисбий  $\text{ДНХ}$ , нафас частотаси ( $\text{НЧ}$ ) ва нафас ҳажми ( $\text{НХ}$ ) кабиларни ёшга оид ўзгаришлари**

Ёши	$\text{ДНХ}$ , л.мин $^{-1}$	Тана массаси, кг	Нисбий $\text{ДНХ}$ , л.мин $^{-1}$ .кг $^{-1}$	$\text{НЧ}$ , цикллар мин $^{-1}$	$\text{НХ}$ , мл
Янги түгилган	720	3,5	206	44	16
1 яшар	2000	10,0	200	35	57
5 яшар	3900	19,6	199	25	156
8 яшар	5350	29,2	183	22	243
12 яшар	6000	39,7	151	18	333
16 яшар	7700	55,4	139	17	453
Вояга етганлар	7000	66,7	105	16	438

$\text{ДНХ}$ нинг энг жадал ўсиши түгилгандан кейинги биринчи йилда содир бўлади. Кейинчалик, у катталашгани билан бу жараён суст амалга ошади, айниқса, 7 дан 8 ёшгача ва 10 дан 11 ёшгача бўлган даврда, балоғатта етиш даврида эса тезлашади.

Болалар учун, тана массаси бирлигига ҳисоблаганда юқори даражадаги үпка вентиляцияси хосдир (нисбий  $\text{ДНХ}$ ). Ёш катталашган сари у камаяди, чунки тана массаси  $\text{ДНХ}$  га қараганда тез катталашади, деярли 20 марта. Нисбий  $\text{ДНХ}$  катталигидаги ушбу ўзгариб туришлар 20 ёшга қадар давом этади, ундан сўнг эса стабиллашади.

Нафас частотаси ва чуқурлиги. Ёш катталашган сари нафас частотаси ( $\text{НЧ}$ ) пасаяди, айниқса, ҳаётининг биринчи йилида, кейинчалик эса пасайиш секинлашади, 18 – 20 ёшга келиб стабиллашуви кузатилади. Нафас цикллари нафас

олиш ва чиқариш фазаларининг ҳисобига узаяди. Нотекис нафас ритми ёш катталашган сари стабиллашади, ўспиринлик даврида ҳам, ҳали катталарапникига ўхшаб бир хилда бўлмайди. Болаларда нафас олиш ва чиқариш давомийлиги бир – бирига яқин, катталарда эса, нафас олишга нисбатан нафасни чиқариш муддати узунроқдир. Бундай ўзгаришлар ўспиринлик давридаёқ кузатилади.

Нафас чуқурлигининг кўрсаткичи – нафас ҳажми ҳи – собланади. Унинг катталиги ёш ортган сари ўсади (25 – жадвал), лекин 1 кг тана массасига нисбатан ҳисоблаганда кам ўзгаради. Шундай қилиб, нисбий ДНҲ нинг камайиши, асосан нафас частотасининг камайиши билан боғлиқдир.

Ўпканинг умумий ва ҳаётий ҳажми. Ўпканинг умумий ҳажми (ЎУҲ) ва унинг барча компонентлари ёш ошганда кучли катталашади. Янги туғилган болаларникига нисбатан вояга етган одамларда ЎУҲ 36 марта (тана массаси 20 марта катталашади) ЎҲҲ ўпканинг ҳаётий ҳажми – 45 марта катталашади.

ЎУҲ катталашганига қарамасдан, унинг алоҳида компонентларининг нисбати 6 – 7 ёшгача кам ўзгаради: қолдиқ ҳажм, нафас олиш ва чиқаришнинг ҳажми ўзаро бир – бирига яқин. Ёш катталашган сари эркин нафас чиқаришнинг охирида альвеоляр ҳавонинг миқдорини ортиши алоҳида аҳамиятга эга. Нафас олишнинг охирида, унга нафас ҳажмининг альвеоляр қисми қўшилади. Альвеоляр ҳаво сув буғлари билан тўйинган бўлиб, бу ҳол альвеолалар деворини қуриб қолишига йўл қўймайди. Ушбу ҳаво ҳарорати тана ҳароратига тенг.

Ўпканинг ҳаётий ҳажми (ЎҲҲ) 9 – 10 ёшдан кейин, айниқса жадал катталашади. Бола 7 – 11 ёшга етганда кўкрак қафасининг конуссимон шакли қовурғалар нисбатан эгилган ҳолда сақланади. Ўспириналарнинг кўкрак қафаси цилиндрга ўхшаш шаклга эга бўлади, қовурғаларнинг эгрилиги ортади, нафас мушакларининг кучи катталашади. Ушбу омиллар нафас олиш ва чиқаришнинг заҳира ҳажми катталашишини таъминлади, айниқса, нафас олишнинг заҳира ҳажми кучли катталашади ҳамда ўпканинг умумий ва ҳаётий ҳажми таркибида энг катта бўлади. Нафас олишнинг заҳира ҳажми – нинг ортиши нафас олиш тезлашган ва жисмоний оғирлик тушган пайтда нафас чуқурлигини катталашиши имкония –

тини акс этади. Бир хил ёшдаги болаларда ЎҲҲ бир хил эмас ва уларнинг бўйига конститутциясига, жисмонан чи ниққанлигига боғлиқ. Пубертат даврида ўғил болалрда ЎҲҲ қиз болаларнидан катта бўлади.

Ўпкада газ алмашинуви. Альвеоляр бўшлиқдаги юқори жадалликдаги вентиляция оқибатида, болалардаги альвеоляр ҳаво, таркиби бўйича, катталарнидан фарқли ўлароқ, атмосфера ҳавосидан кам фарқ қиласди. Альвеоляр ҳаводаги кислороднинг парциал босими юқори, карбонат ангиридники эса – паст бўлади. Ёш катталашган сари кислороднинг парциал босими пасаяди, корбонат ангиридники эса ортади.

Ўпкага оқиб келадиган веноз кислородининг таранглиги болаларда (5 ёнда 35 мм. сим. уст. атрофида) катталарнига (40 мм. сим. уст) нисбатан паст. Ўпка мембранны орқали кислород диффузиясини таъминловчи босим градиенти болаларда юқори. Нисбатан юқори парциал босим оқибатида болаларнинг артериал қонида кислород кучланиши катталарнидан (100 мм. сим. уст) юқори бўлади.

Веноз қондаги корбонат ангиридинг кучланиши ҳам болаларда катталарнига нисбатан паст. Корбонат ангиридинг нисбатан паст парциал босими, уларда, артериал қондаги корбонат ангирид кучланишини паст бўлишини таъминлайди.

Болалар туғилгандан кейинги биринчи соатлар ва кунларда вентиляцияни ўпка перфузиясига нисбати 1 дан кам бўлади. Лекин, кейинчалик вентиляция – перфузия нисбати ортади ва 8 – 10 ёнда 1,1 атрофида бўлади. Бу, дақиқадаги нафас ҳажми ва ўпка ҳон оқими даражасини юқори бўлиши билан боғлиқ. Тинч ҳолатдаги ўпка вентиляцияси ва перфузиясининг ўзига хослиги болаларда моддалар алмашинувини юқори даражасига мос келади. 10 ёндан кейин вентиляция – перфузия нисбати 1 дан кам бўлиб қолади (26 – жадвал).

Қонда газлар транспорти. Альвеоляр ҳавода кислороднинг парциал босимини юқорилиги оқибатида болаларнинг артериал қонида кислород кучланиши ва гемоглобинни кислород билан тўйиниши, сут эмиш давридан бошлаб, катталарнидан юқоридир (26 – жадвал).

**Альвеоляр ҳаводаги кислород ва карбонат ангирид концентрацияси ва парциал босимини ёшга оид үзгаришлари**

Ёши	Кислород		Карбонат ангирид	
	Концен-трацияси	Парциал босими	Концен-трацияси	Парциал босими
Янги туғилган	17,0	121	3,2	23
1 яшар	17,2	123	3,0	21
5 яшар	16,4	117	3,8	27
8 яшар	16,0	114	4,1	29
14 яшар	15,5	111	4,9	35
Вояга еттан	14,3	100	5,6	40

Ундан ташқари, болаларда тана массаси бирлигига қон оқимининг ҳажм тезлиги катта бўлади. Ушбу омиллар кислородни тўқималарга етказиб беришга кўмаклашади. Лекин, болалар қонидаги гемоглобин концентрацияси (янги туғилгандан кейинги 1 – ҳафта бундан истисно) катталарни – кидан паст. Бунинг оқибатида, уларда 1 л қон билан ташиладиган кислород миқдори камдир: 5 яшар болаларнинг артериал қони таркибида  $163 \text{ мл.л}^{-1}$  миқдорда, катталарни – кида эса –  $190 \text{ мл.л}^{-1}$  миқдорда кислород мавжуд. Бу ҳолат, болалarda кислород транспорти тезлигини пасайтиради.

Қондаги кислородли ҳажм унча катта бўлмаслигига қарамасдан болалар организмининг тўқималари, ўпканинг жадал вентиляцияси ва қон оқимининг катта тезлиги ҳисобига кислород билан тўлиқ таъминланади. Альвеоляр ҳаводаги ва артериал қондаги корбонат ангиридинг паст кучланиши тўқимадан қонга ва қондан альвеолаларга корбонат ангиридни диффузия бўлишига кўмаклашади.

Физиологик оғирликлар пайтида, болаларда ўпка вентиляциясини кучайтириш қобилиятини ривожланиши мавжудлиги, айниқса катта аҳамиятга эга, бунда газлар алмашинуви, бир вақтнинг ўзида ҳам ўпка вентиляциясини, ҳам дақиқадаги қон ҳажмини ортиши билан таъминланади. Ишни бажариш бошлангунга қадар нафас олиш ва қон айланиш тизимлари функцияларини шартли рефлекторли, ўзиб кетувчи кучайиши муҳим аҳамиятга эга. Нафас олиш тизими декомпенсациясиз узоқ муддатли жисмионий иш ба-

жариш қобилияти, мос равищдаги машқларни бажарыш оқибатида 17 – 18 ёшга келиб пайдо бўлади.

Неонатал ва постнатал даврларда боланинг ўсиши ва ривожланишига тамаки чекишнинг таъсири

Тамаки тутуни таркибида 500 га яқин кимиёвий бирикмалар мавжуд бўлиб, уларнинг 30 таси организм учун зарарли хусусиятларга эга. Уларнинг биттаси никотин ҳи – собланиб, тамаки баргида унинг миқдори 2 дан 10 фоизгacha бўлади. Тамаки ёнганда никотин ундан чиқади ва 9/10 қисми тутунга ўтади. Тутун таркибида концероген хусусиятга эга моддалар топилган. Шундай қилиб, ҳар 100 г тамаки ёнган пайтда 7 граммгача тамаки қорамойи ажралади ва унинг таркибида бензпирен, бензатрацен ва бошқа концероген смолалар мавжуд. Радиоактив элементлар ичида полоний – 210 энг катта ҳавф туғдиради ва у, тамаки барги орқали ҳавдан ютилади, барглар қуритилганда эса, уни тамаки баргидаги концентрацияси ортади. Ушбу элемент, тамаки чекилганда одамнинг ўлкасида, жигарида ва буйракларида тўпланади. Ушбу элементнинг ярим парчаланиш даври анча катта ва шунинг учун у, тўқималарда катта концентрацияларда тўпланади.

Тамаки ёнган пайтда карбонат ангидрид ҳам ажралади. У, гемоглобин билан ўзаро ҳамкорликда карбоксигемоглобин ҳосил қиласди. Карбоксигемоглобин кислород ташиб қобилиятига эга бўлмайди, натижада тўқимада нафас олиш жараёни бузилади. Одам бир қути сигарета чекканда, унинг организмига 400 мл атрофида карбонат ангидрид гази киради ва уни қондаги миқдори 7 – 10 фоизгacha ортади.

Тамаки ёнишидан ҳосил бўлган маҳсулотларда заҳарли моддалар ҳам топилган (аммиак, синил кислотаси, азот икки оксиди ва бошқалар). Ҳимоя механизми мавжудлиги туфайли, нафас олиш йўлининг барча қисмларидан то альве – олагача ўтиб келган ҳаво, одатдаги шароитда етарлича то – заланган, намланган ва иситилган ҳолда ўлкага етказилади. Бир дақиқада, улар орқали 100 л атрофида ҳаво ўтади. Эволюция жараёнида мураккаб ҳимоя механизми мажмуаси шаклланган бўлиб, у, нафас йўлларига кириб қолган бегона заррачаларни зарарсизтираниш ва чиқариб юборишни таъминлайди. Ҳимоянинг биринчи линияси буруннинг ва ҳаво ўтказувчи йўлларнинг – трахеялар, бронхлар, брон –

хиолаларнинг шиллиқ пардаси ҳисобланади ва у, тебранувчи эпителий билан қопланган. Унинг ҳужайралари киприкчалар билан таъминланган, ҳар бир ҳужайрада узунлиги 3–7 микрометр бўлган 200 тагача киприкчалар мавжуд ва улар бир дақиқада 160–250 мартагача тебранишларни амалга оширади. Барча киприкчаларнинг ҳаракати қатъий муво-фиқлашган бўлиб, улар бурун–ҳалқум йўналиши бўйича тебранади ва у томонга буруннинг шиллиқ пардаси ажратадиган шимлимишни суради.

Бурун бўшлиғининг шиллиқ пардасида, турли бегона заррачаларнинг, асосан 50 микрометр катталиқдан йирик бўлгандарининг 40 фоизигача ушланиб қолади. Ундан май–далари эса трахея ва бронхаларга ўтади ва у ерда, ҳам эпителиал ҳужайралар ҳисобига, ҳам трахеобронхиал шира мавжудлиги туфайли ҳавонинг тозаланиши давом этади. Трахеобронхиал ширани трахея, бронхлар ва бокалсимон ҳужайралар деворининг шиллиқ безлари ишлаб чиқади. Киприкчалар, ширанинг фақат суюқ қисмида яхши фаолият кўрсатади. Трахеобронхиал шира антивирусли ва антибактериал хусусиятларга эга бўлиб, унинг таркибида оқсиллар, углеводлар, липидлар, энзим, интерферон, лактофиррин ва пирогенлар бор.

Лизоцим микроорганизмларнинг ҳужайра қобиғини парчалайди, интерферон ва лактоферрин нафас олиш аъзоларини уларга хос бўлмаган иммун ҳимоясини таъминлади. Эндоғен пирогенлар жон–жаҳди билан ҳимояланиш реакциясини чақиради. Чекувчи одамларда тана ҳароратини ортиши киприкчалари бўлган эпителийни бир қисмини нобуд бўлишига олиб келади, фаолият кўрсатадиган ҳужайралар киприкчаларнинг тебраниши кескин пасаяди. Тебранувчи эпителий нобуд бўлган участкаларда киприкчалари бўлмаган ҳужайралар пайдо бўлади. Бу билан бирга бурун шиллиғининг ҳаракатланиш тезлиги, трахеобронхиал шира камаяди. Ҳаво ўтадиган йўлларда касаллик чақиравчи микроорганизмлар тўпланиши, яъни инфекцион жараёнларни ривожланиши учун яхши шароит пайдо бўлади.

Тамаки тутунининг таъсири остида сурфактант ўзининг ҳимоя хусусиятларини ва альвеолаларни бегона заррачалардан тозалаш қобилиятини йўқотади.

Тамаки чекиши, ривожланаётган организмга хаттохи она қорнидаги даврда ҳам таъсир күрсатиши мумкин. Тамаки тутуни билан заҳарланиш тамаки чекиши ёки тамаки тутуни билан пассив нафас олган пайтида содир бўлади. Тамаки тутунининг компонентлари плацента орқали ҳомила қонига эркин ўтади, кейин эса турли аъзоларнинг тўқималарига, жумладан жигар ва мияга бориб етади. Ҳомиланинг тўқималарида никотин секин-аста тўпланади ва унинг концентрацияси онанинг қонидагига нисбатан анча юқори бўлади.

Ҳомиладор аёлнинг қони таркибида никотин бачадон қон томирларини ва плацентани торайишига бачадон – плацента қон айланишини бузилишига олиб келади. Бу ҳол, ҳомиланинг озиқа моддалар ва кислород билан таъминла – нишини ёмонлаштиради. Ҳомиланинг ривожланиши ҳам сусаяди.

Карбонат ангирид гемоглобин билан қўшилиб кар – боксигемоглобин ҳосил қиласи ва эритроцитларни нафас олиш функциясини ошириш қабилиятини йўқотади. Гемо – глобин қанчалик кўп блокланган бўлса, ҳомиладор она ва ҳомиланинг аъзолари ва тўқималари шунчалик кам миқдорда кислород билан таъминланади. Кислородни хроник етиш – мовчилиги шароити юзага келади ва унинг оқибатида, бола ташлаш, муддатидан олдин туғиши, ҳомилани нобуд бўлиши содир бўлиши мумкин.

Чекмайдиган аёлларнига нисбатан, чекувчи аёллар туғадиган болалар тана массасининг оғирлиги (150 – 200 граммга) кам бўлади. Туғилгандан кейин, бундай болалар суст ривожланади, уларни инфекцияларга қаршилик кўрса – тиш қабилияти паст бўлади ва улар бронхит, үпка шамол – лаши ҳасталикларига кўпроқ учрайдилар.

Тамаки тутуни лактацияни пасайтиради. Болалар 5 ёшгача тамаки маҳсулотлари таъсирига ожиз бўладилар, уларда гиповитаминосозлар, безовталаниш, уйқусини бузилиши, иштаҳасини пасайиши, жисмоний ривож – ланишини орқада қолиши кузатилади. Бронхиал астма касаллиги билан эрта ҳасталаниш – болани чекувчилар муҳитида бўлиши оқибатидир. Тамаки тутунидан нафас оладиган болалар бир йил давомида 4 ва ундан кўп марта бронхит касаллиги билан оғриши мумкин.

Тамаки тутуни аллерген ҳисобланади, пассив чекувчи болалар қони таркибида тамаки экстрактига антитаналар мавжудлиги буни яқыл исботидир.

### БИЛИМЛАРНИ ТЕКШИРИШ УЧУН САВОЛЛАР.

1. Ҳомила организми қандай кислород билан таъминланиш хусусиятларига эга?
2. Ҳомила қандай газ алмашиш хусусиятларига эга?
3. Ҳомила даврида ўпка қандай ривожланади?
4. Янги туғилган болаларда қандай нафас жараёнлари хусусиятлари бор?
5. Ўпка ривожланишини қандай кўрсаткичлар тавсифлайди?
6. Онтогенезда ўпканинг умумий ва ҳаётий ҳажми қандай ўзгаради?
7. Болалар ва катталарда газлар транспорти механизмидаги фарқлар.
8. Болани анте – ва постнатал даврларида ривожланишига тамаки чекишни таъсири қандай?

### ИЧКИ СЕКРЕЦИЯ БЕЗЛАРИ

- ❖ Ички секреция безларининг ривожланиши ва функцияси.
- ❖ Аденогипофиз гормонлари. Соматотропин, пролактин, тиротропин, картиотропин, гонадотропин.
- ❖ Қалқансимон без гормонлари ва уларнинг функцияси.
- ❖ Буйракусти безлари гормонлари ва уларнинг функцияси.
- ❖ Жинсий безлар гормонлари ва уларнинг функцияси.
- ❖ Эпифиз гормони ва унинг функцияси.

Эндокрин безлар ва улар синтезлайдиган гормонлар организм функцияларини нейрогуморал бошқариш тизимини ажралмас қисми ҳисобланади. Гормонлар ҳужайра – ларнинг генетик аппаратига таъсир кўрсатади ва шу зайлда аъзоларнинг фенотипик дифференцияланишида ва бутун организм генетик дастурини ривожланишини амалга оширишда қатнашади. Улар, моддалар алмашинувини барча турларига ҳамда ўсишга, жисмоний ва ақлий ривожланишига таъсир кўрсатади.

Эндокрин ва нейроэндокрин ҳамкорликни бошлани – шида маълум бир кетма – кетлик бўлади. Эндокрин тизимига асос солиниши ва цитодифференцияланиши содир бўлгандан кейин гормонлар синтези ва секрецияси бошланади ва охир оқибатда, нейроэндокрин алоқалар бошланади.

Ички секреция безлари ривожланишининг бошланиши бир вақтда содир бўлмайди. Кўпчилик гармонлар жуда эрта – ҳомила ривожланишининг 2 – ойиданоқ синтезлана бошлайди, лекин айримлари ички секреция безларининг ичида кейинроқ пайдо бўлади. Гормонларни самарали таъсир кўрсатиши учун икки хил шароит зарур: гормонларнинг миқдори бўсага даражасидан ортиқ концентрацияларда бўлиши ва ҳужайра – нишонларда гармонларни сезувчи ўзига хос рецепторлар мавжуд бўлиши керак. Бундай шароитлар, онтогенезда бир вақтда юзага келмаслиги мумкин.

Эндокрин тизимни етилишида алоҳида безлар ўртасида функционал алоқаларни бўлиши, айниқса муҳимдир. Пери – ферик эндокрин безлар тамонидан гормонларни секреция қилинишини бошланиши гипофиз гармонларига боғлиқ эмас. Эндокрин безларда гормонларни сезувчи рецепторларни пайдо бўлиши билан улар ўртасида тұғридан – тұгри ҳамда қайтар алоқаларни шаклланиши бошланади, уларнинг якуний етилиши бола туғилганидан сўнг содир бўлади.

Аденогипофиз ва унга боғлиқ безлар ўртасида алоқаларни мустаҳкамланишига гипоталамус катта таъсир кўрсатади. Аденогипофиз функцияларини гипоталамик назорат қилиниши ҳомилани 3 – ойлик ривожланишидан кейин кўринади. Гипоталамик гормонларнинг (либеринлар ва статинлар) секреция бўлиши бир вақтда бошланмайди. Гипоталамусда улар миқдорини юқори даражада бўлиши ҳомила ривожланишининг 5 – ойида кузатилади. Бу вақтга келиб, портал гипоталамо – гипофизлар тизими морфологик жиҳатдан шаклланади ва у, либеринлар ва статинларни аденоhipофизга, унинг троп гормонларини эса гипоталамусга транспорт қиласи ва шу туфайли, эндокрин ва асаб тизимларини ҳамкорлиги таъминланади. Агар гипофиз, гипотала – мус томонидан рағбатлантирилмаса нафақат гипофизни, балки бошқа эндокрин безларнинг ҳам ривожланиши бузилади.

Ўз навбатида ички секреция безлари томонидан гор-монларни секреция қилиниши гипоталамусни ва умуман марказий асаб тизимини етилишини мұхым шарти ҳисобла-нади. Ҳомиладорликнинг 5–7 ойлари ўртасида андрогенлар таъсири остида гипоталамус эркак типи бўйича, уларнинг таъсиризиз – аёллар типи бўйича ривожланади. Туғилиш вақтига келиб эндокрин тизим марказий асаб тизими томо-нидан назорат қилинади ва шундай қилиб, бошқаришнинг ягона нейроэндокрин тизими фаолият кўрсата бошлади. Бола туғилгандан кейин ҳам нейроэндокрин ҳамкорлик ри-вожланиш ва мукаммаллашишда жадал давом этаверади.

Аленогипофиз гормонлари. Аденогипофиз ҳужайралари эмбрионал ривожланишнинг 7–9 ҳафтасида дифферен-циялашади ва гормонларни синтез қилишга тайёр бўлади. Уларга соматотропин (ўсиш гормони), пролактин (лактотро-пин), тиротропин, гонадотропин кабилар киради. Сомато-тропин 9–ҳафтада гипофизда аниқланади ва унинг сони ортиб бориб, ҳомиладорликнинг охирида 12000 марта кўп бўлади. Ҳомила ривожланишининг 12–ҳафтасида, ушбу гормон унинг қонида пайдо бўлади, 4–6–ойга келиб эса, унинг концентрацияси максимал даражага етади. Янги туғилган болада соматотроп гормоннинг концентрацияси, уни она қонидаги даражасидан 2–3 марта юқори бўлади, лекин биринчи ҳафта давомида кескин (50% га) камаяди.


Соматотроп гормон иммун реакцияларда қатнашади ва лимфоцитларнинг сони унга боғлиқ. Бола 5–6 ёшта тўл-гандан кейин, қонидаги ушбу гормоннинг миқдори катта-ларни кидагида даражага мос келади. Соматотропин ўсишни рағбатлантирувчи гормон ҳисобланиб, РНК ва оқсиллар синтезини, ҳужайраларни бўлиниш жараёнини кучайтиради. Бундай таъсир, фақатгина меъдаости бези, қалқонсимон без ва буйракусти без нормал фаолият кўрсатганда намоён бўлади. Соматотроп гормон эпифизар тобайларнинг ўсишига кучли таъсир кўрсатади, уларни кейинчалик сувяк тўқималарига айланишини эса қалқонсимон безнинг гор-монлари таъминлайди. Андрогенлар ушбу иккала жараённи ҳам тезлаштиради. Соматотроп гормонни ўсишга таъмири соматомединлар томонидан белгиланади, ушбу моддалар полипептид табиатга эга бўлади ва улар олтингугурт ва ти-мидинларни тобайлар таркибига киришга кўмаклашади. Со-

матомедиинларнинг фаолиги болалар ўспиринлик ёшига етгунга қадар юқори бўлади ва уларнинг миқдори соматотроп гормонларга боғлиқ.

Ҳомилани она қорнида ўсиши болани ўсишига нисбатан кўп марта тез содир бўлсада, ўсиш учун эндокрин безлар ҳал қиувлчи аҳамиятта эга эмас. Ҳомиланинг ўсишига плацентар гормонлар, она организмининг омиллари ва ривожланишнинг генетик дастури таъсир кўрсатади деб ҳисобланади. Ўсишнинг тўхташи соматотроп гормоннинг секрецияси пасайиши ёки тўқималарни унга сезгирилигини пасайиши туфайли юзага келмайди. Эҳтимол, мос равишдаги ёш даврида ўсишни тўхташи жинсий балоғатга етиш билан боғлиқ бўлган умумий гормонал ҳолатни ўзгариши оқибатида юзага келади. Гипофизни шикастланиши ёки нотўлиқ ривожланиши оқибатида соматотроп гормонни етишмаслиги болалар ўсишини сусайишига ва кейинчалик гипофизар нанизмга ёки паканаликка олиб келади (21, 22 – расмлар). Соматотроп гормон етишмаслиги оқибатида ўсишнинг орқада қолиши 2–4 ёшдан намоён бўлади. Ёшга оид нормага нисбатан болани бўйига ўсишини орқада қолиши ўзига эътиборни жалб қиласди. Гипофизар паканалик ҳолатида тананинг узунлиги, кўпинча, қўл – оёқлар узунлигидан ортиқ бўлади. Гипофизар пакана одамлар, вояга еттанда ҳам, тана пропорциялари болаларнига ўхшаш бўлади. Уларнинг интеллектуал ривожланиши, одатда бузилмайди.

Болаларда ўсиш гормонини ортиқча ишлаб чиқилиши гигантизмга олиб келади (қиз болалар бўйи 190 см, ўғил болаларники 200 см дан ортиқ бўлади). Бундай ўсиш, фақатгина соматотропинни ортиқча секреция қилиниши пайтида юзага келиши мумкин ва кўпинча ўғил болаларда кузатилади (23–25 – расмлар).


Пролактин. Ҳомила ривожланишининг 9 – ҳафтасида пролактин гормонини синтезлайдиган ҳужайралар пайдо бўлади. Гормоннинг секреция қилиниши ҳомила ривожланишининг 4 – ойида бошланади ва ҳомиладорликнинг оҳирги учдан бир қисмида сезиларли даражада ортади. Пролактин моддалар алмашинувини бошқаришда қатнашади деб ҳисоблашади.



21—Расм. Гипофизар нанизм хасталиги учраган 22 ёшли қыз.




22—Расм. Гипофизар нанизм билан отригандын 10 ёшли беморнинг құли рентгенограммасы. Скелеттің дифференцировкасы 7 ёшли боланиктика түрі келади.



23—Расм. Субгигантизм. 16 ёши үспириң.  
Бунинг узунлиги 192,8 см.



24—Расм. Гигантизм: чапда — соғлом одамнинг құли,  
үнгда — беморнинг құли.



25—Расм. Гигантизм: чапда — 25 ёшлик гигантнинг оёғи, үн-  
га — үша ёшдагы соғлом одамнинг оёғи.

Ҳомиладорликнинг охирида унинг миқдори она қонида ҳам, амниотик суюқлиқда ҳам кўп бўлади. Плацентар пролактин ҳомилани ривожланишига фойдали таъсир кўрсатади, бунга, янги туғилган бола массаси билан плацентадаги гормон концентрацияси ўртасидаги ижобий корреляция гувоҳ бўлади. Бола туғилганда ушбу гормоннинг миқдори юқори бўлади, сўнгра пубертат даврга қадар пасаяди ва кейинчалик айниқса қиз болаларда яна ортади.

Пролактин ўспирин организмида бир қатор муҳим функцияларни бажаради. Эркаклар организмида тестостерон ва лютотропин билан биргалиқда, у, эркак жинсий безини ва можкларни ўсишини рағбатлантиради. Пролактиннинг гиперсекреция қилиниши тестостерон секрециясини пасайтиради ва гипогонадизмни чақиради.

Аёллар организмида ҳайз кўриш цикларини бошлиниши билан пролактинни қондаги концентрацияси 11 дан то 40 мкг $\text{L}^{-1}$  атрофида циклик ўзгариб туради. У, овуляцияга бир кун қолганда максимал даражага етади ва ҳайз бошланганда минимал даражага тушади. Пролактин гонадотроп гормонлар секрециясини тормозлайди, шу туфайли, лактация даврида аёллар қони таркибида унинг миқдори пасаяди.

Тиротропин. Ушбу гормонларни ишлаб чиқадиган ҳужайралар 8 – ҳафтада гипофизда топилади, қонда эса ушбу гормон ҳомила ривожланишининг 12 – ҳафтасида аниқланади. Унинг концентрацияси 4 – ойга келиб, катта одамлар организмдаги даражадан 3 – 5 марта кўп бўлади ва унда туғилганга қадар сақланади. Гормон бўлмаган пайтда қалқонсимон безнинг ривожланиши орқада қолади. Гипоталамусни гипофизнинг тиретроп функциясига рағбатлантирувчи таъсири ҳомила ривожланишининг охирги учдан бир қисмидагина намоён бўлади. Туғилгандан кейин, гипофизда тиротропин ишлаб чиқувчи ҳужайралар сони кўпайишда давом этади ва гормонни қондаги концентрацияси ортади. Гормон синтезини сезиларли даражада кучайиши икки марта кузатилади: туғилган заҳотиёқ, бола организмини янги шароитта адаптацияси билан боғлиқ равища ҳамда пубертат даврдан олдин, жинсий безлар функциясини кучайишини ўз ичига олган гормонал қайта тузилиш билан боғлиқ равища.

Кортикотропин. Ушбу гормони синтезлайдиган ҳужай—ралар эмбрионда 7—8 ҳафтада топилади, гормоннинг секрецияси 9—ҳафтадан бошланади ва 7—ойга келиб максимум даражага етади. Ҳомила ривожланишининг охирида, қондаги кортикотропин концентрацияси катталарникига тенг ёки күпроқ бўлади.

Ҳомила ривожланишининг 7—ойида кортикотропинни буйрак усти безларига ўзига хос таъсири намоён бўлади, уларда гидрокортизон ва тестостерон ҳосил бўлиши тезлашади. Ҳомиладорликнинг 2—ойида гипофиз ва буйракусти безлари ўртасида нафақат тўғридан—тўғри, балки қайтар алоқалар ҳам бошланади, гипофизнинг адренокортикотроп функцияси эса гипоталамусга боғлиқ бўлиб қолади. Янги туғилган болада гипоталамус—гипофиз—буйракусти безлар пўстлоғи тизимининг барча бўғинлари фаолият кўрсатади. Кортикотропинни қондаги концентрацияси катталарники каби бўлади. Бола, туғилганидан кейинги биринчи соатларданоқ, кортикостероидлар миқдорини қон ва сийдик таркибида ортиши билан боғлиқ стресс даражадаги қўзгаттичларга реакция қила бошлайди. Лекин, бундан ташқари, гипофизнинг кортикотропини меланоцитларни рағбатлантирувчи ва липолитик фаолликка эга бўлади. Унинг секрециясини кучайиши Иценко—Кушинг хасталиги шаклида намоён бўлади, унинг аломатлари — ўсишни орқада қолиши, семириш, муддатидан оддин жинсий жунлар билан қопланиш, остеопороз, гипертония, диабет, терининг трофик бузилишлари кабилар ҳисобланади. Гормоннинг етишмаслиги, глюкокортикоидлар етишмаслигига хос бўлган шаклда на—моён бўлади.

Гонадотропинлар. Уларга фолликулларни рағбатлантирувчи (фоллитропин) ва лютеинловчи (лютропин) гормонлар кабилар киради. Гонадотропинларни ишлаб чиқувчи ҳужайралар 8—ҳафтада топилади, гормонлар эса, қонда 3—ойда пайдо бўлади ва уларни максимал концентрацияси ҳомила ривожланишининг 6—ойида кузатилади. Гонадотроп гормонлар жинсий безларнинг эндокрин секрециясини рағбатлантиради, лекин ҳомиланинг жинсий дифференцияланишини назорат қилмайди. Ҳомиладорликнинг 2—ярмида гипофизнинг гонадотроп функцияси, жинсий безлар гормонлари ва гипоталамус ўртасида алоқа шаклланади.

Бундай алоқа, ҳомиладорликнинг 5 – ойида, тестостерон таъсири остида гипоталамо – гипофизар тизимни жинсий дифференциялашувидан кейин содир бўлади.

Бола туғилганидан сўнг, қондаги гонадотропинларнинг кескин пасайиши содир бўлади ва пубертат давргача шу ҳолда сақланиб, кейинчалик уларнинг концентрацияси ортади. Қиз болаларда, ушбу гормонлар тухумдонларни ўсиши ва ривожланишини чақиради ва секрет ишлаб чиқаришни циклилиги шайдо бўлади, бу эса, жинсий цикллар пайдо бўлишининг сабаби ҳисобланади.

Қалқансимон без. Ушбу без гормонлари бўлмиш тироксин ва трийодтиронин ҳомиланинг ривожланишида, тўқималарнинг ўсиши ва дифференцияланиши жараёнла – рида муҳим рол ўйнайди. Улар, марказий асаб тизимидағи нейронларни нормал морфологик ва биокимёвий дифференцияланиши, нейроэндокрин бошқарув (гипоталамо – гипофизар – гонадали, гипоталамогипофизар – буйрак усти безлар) тизимларни етилиши учун ўта муҳимдир. Антенатал онтогенезда тиреоид гормонларни етишмаслиги ёки ортиқча бўлиши марказий асаб тизими ривожланиши ва суюкларни қотиш жараёнини бузилишига олиб келади.

Бола 7 ёшга келиб, унинг қалқансимон бези массаси янги туғилган боланикига нисбатан 3,5 баровар катталашади ва функцияси ҳам кучаяди. Ушбу даврда пиреоид гормонлар жуда муҳим бўлиб, уларнинг етишмаслиги ўсишни сусайшига, ақлий ва жинсий тўлиқ ривожланмай қолишига, танини номутаносиб ривожланишига олиб келади. Ушбу ҳодисалар мажмуини кретинизм деб аталади.

Қалқансимон без массасини ва унинг секретор фоллиягини тезкор ортиши жинсий вояга етиш даврида содир бўлади. Бунда, вақтингчалик пубертат гипертиреоз ҳолати пайдо бўлиши мумкин ва у, қўзғалувчанликни юқори бўлишида, юрак урушларини, асосий алмашинувни ва озиб кетишни кучайишларида намоён бўлади. Безнинг гормонларини синтези ва секреция қилиниши жинсий гормонларга боғлиқдир. Тестостерон ва эстрогенлар безга бевосита ҳамда гипоталамус ва гипофиз орқали таъсир кўрсатади. Безнинг фоллигига эстрогенлар таъсир қилишининг мураккаб механизмда рағбатлантирувчи, тестостерон таъсирида эстормозловчи фаолият кучлидир.

Бола ҳаётининг биринчи ойларидаёқ гипотиреоз белгиларини кузатиш мумкин. Бу, ҳол болани она сути билан боқишиш түхтатилганда анча яққол намоён бўлади, чунки сут орқали она организмдаги гормонлар ҳам ўтади. Сунъий рационалда овқатлантириладиган болаларда тироксиннинг етиш маслиги анча эрта кузатиласди: бола бушашган, кам ҳаракатчан, бефарқ бўлади, деярли тетиклашмайди, онасини танимайди, ўйинчоқлар ўйнамайди, оч бўлса ҳам узоқ муддат овқат сўрамайди, таги хўл бўлса ҳам ётаверади. Бундай болалар, ой ўтган сари, ўсиш ва ривожланишдан орқада қоладилар, вақти келса ҳам бошини тўғри ушлай олмайди, ўтирумайди, юришни бошламайди, боши танаасига нисбатан катта, бош тепасидаги лиққилдоқ эса 2 ёшга тўлганда ҳам юмшоқ бўлади. Тишларини чиқиши ҳам кечикади, улар тез бузилади, соchlари сийрак, тери оч рангда, юзи шишгансимон бўлади.

Бундай болалар қанчалик кўп вақт даволанмай юрса, унинг организмида шунчалик чуқур ва тузалиши қийин бўлган ўзгаришлар юз беради. Ушбу ҳасталикни даволаш тиреоид гормонлар билан биргалиқда витаминаларга бой ва таркибида йод бўлган маҳсулотлар билан тўла қийматли овқатланиш орқали амалга оширилади.

Туғма гипотиреоз икки турдаги – микседема ва кретинизм касалликлари орқали намоён бўлади. Микседема билан ҳасталанган болаларда буйи ўсишини орқада қолиши билан биргалиқда, ташқи кўринишида ҳам ўзгаришлар юз беради, яъни: боши катта, бурни кенг ва юқорига қараб эгилган, киндик грижали, барча бирикмалари нормадан ортиқ ҳаракатчан, суяклар қотиши жараёни суст, психикаси нисбатан ақлий ривожланишдан орқада қолишдан тортиб то ёрқин намоён бўлган тентаклик даражасида бузилган бўлади (26,27,28 – расмлар). Гипертиреозда Базедова касали кузатилади (29 – расм).


Кретинизм ҳам микседемага жуда яқин бўлади. Микседема ҳасталигига дучор, бўлган болалардан фарқли рационалда кретинларда жисмоний ва руҳий ривожланмаган, кўпинча катта ҳажмдаги буқоқ пайдо бўлади.



26—Расм. Микседема билан оғриган 2,5 ёшли қыз.



27—Расм. Түғма микседема билан оғриган 29 ёшли бемор (бүйнинг ўсиши кескин пасайған, иккиламчи жинсий белгилари күрінмайды).



28—Расм. Микседемани даволашдан олдин (а) ва даволагандан кейинги (б) күриниши.



29—Расм. Базедова ҳасталигига учраган bemорлар.

Уларда скелет тузилишида кучли ўзгаришлар, бүйини ўсишида орқада қолиш, тери ривожланишида ўзгаришлар, жинсий тизимида ва ақлий жиҳатдан ўзгаришлар кузатилади. Юзи ва бош чаногини асимметрияси, калла суяги асосини ўсишини эрта якунланиши кузатилади ва бу ҳол, юз тузилишини кретинларга хос кўринишга олиб келади, кўзлари кўпинча бир-биридан узоқ жойлашган, тили катта-лашган бўлади. Юз тузилиши жаҳлдор одамникига ўхшашиб, бўйни калта ва йўғон бўлиб, сколиозлар содир бўлади. Мушак тизимлари ёмон ривожланган бўлиб, кўпинча кретинлар юрмасдан эмаклайди. Жинсий сезгирилиги умуман бўлмаслик ҳоллари учраб туради. Ақлий ривожланишнинг бузилиши ва сезги аъзолари ривожланишидаги салбий бузилишлар, жисмоний ва руҳий ривожланишдан орқада қолиш кретинизм учун хосдир. Ақлий жиҳатдан заифлашиш, ҳар қандай руҳий ҳиссиятлари бўлмаган идиотизмнинг оғир даражасига этиши мумкин. Сезги аъзолари томонидан салбий ўзгаришлар ҳид билишни йўқотиш ва кўп учрайдиган гўнглик кўринишида намоён бўлади.

Буйрак усти безлари. Ушбу безларнинг пўстлоқ ва мағиз қисми гормонлар ишлаб чиқаради ва улар, организм ҳаёт фаолиятининг турли жараёнларига таъсир кўрсатади. Мағиз қисмида хромаффин ҳужайралар мужассам бўлиб, улар гранулалар кўринишидаги катехоламинларни — адреналин ва норадреналинларни ишлаб чиқади ва йигади. Ушбу, бир-бирига яқин бўлган иккала гормон организмни мослашувчанлик реакцияларида, айниқса, буйракусти безлар томонидан катехоламинлар ишлаб чиқиш 50 мартағача ортиши мумкин бўлган экстремал стресс ҳолатларида муҳим рол ўйнайди. Натижада, юрак қисқаришларининг кучи ва частотаси кучаяди, қон томирларининг тонуси ва қон оқими қайта тақсимланади, энергия ҳосил бўлиши кучаяди ва ҳ.к.

Катехоламинлардан ташқари, буйракусти безлари, кортикостероидлар деб умумий номланадиган яна ўнга яқин гормонлар ишлаб чиқади. Безнинг пўстлоқ қисмида синтез қилинадиган ушбу гормонлар минералокортикоидлар (альдостерон), глюокортикоидлар ва жинсий гормонлар (андрогенлар ва эстерогенлар) кабилардир. Альдостерон бўйрак каналчаларини калий ва натрийга нисбатан ўтказувчанлигини ўзгариради. Организмда натрийни ушланиб қолиши

ұжайра атрофидаги суюқлик миқдорини күпайиши ва артериал босимни ортиши билан бирга содир бўлади. Альдостерон етишмаганда қон босими пасаяди.

Глюкокортикоидлар углеводли ва оқсилли алмашинувга фаол таъсир кўрсатади ва уларни организмни стрессга нисбатан адаптациясидаги роли маълумдир. Улар, шамоллашга қарши таъсир кўрсатиш қобилиятига эга, иммун реакцияларни кучайтиради.

Андрогенлар ва эстрогенлар ҳам жинсий безлар синтез қиласиган стероидлар каби таъсир кўрсатади. Улар, аёлларда андрогенларнинг асосий манбаи ҳисобланади. Бир қатор ҳолатларда, андрогенларни ишлаб чиқиш механизми бузилганда ва ушбу гормонлар нормадан ортиқ ажратилганда, аёлларга эркакларнига ўхшаб жун билан қопланиш бошланади (кўкракда жун, юзида соқол—мўйлов ўсади). Эркакларда эстерогенларни жуда кўп ишлаб чиқилиши организмни феминизацияси билан тавсифланади.

Бўйракусти безлари пўстлоғининг бошланғич ривожланиши эмбрион 4—5 ҳафталик бўлганда кузатилади. Иккинчи ойда пўстлоғининг тўқималари учта қоватга дифференцияланади ва гормонларни ҳосил бўлиши бошланади. Ҳомила ривожланган сари кортикостероидларни қондаги миқдори ортиб боради. Ҳомила ривожланишининг 5—ойидан кейин бўйракусти безлар аденогипофизнинг адренокортиктроп гормонига реакция қила бошлайди. Ҳомиладорликнинг охирида ҳомила қонидаги глюкокортикоидлар миқдори она қонидаги уларнинг даражасига мос бўлади.

Бўйракусти безларнинг глюкокортикоидлари жигарда гликоген миқдорини бошқаришда қатнашади. Улар, бир қатор аъзоларни хусусан ва ўпкани ривожланиши учун ҳам зуурдир. Кортикостероидлар ўпкада сурфактант ҳосил қилиш учун зарур. Янги туғилган болаларда бўйракусти безларнинг гипофункцияси пайтида геалинли мембраналар ва ателектазлар синдроми ривожланиши мумкин.

Минералокортикоидлар ишлаб чиқиш ҳомиладорлик даврини 4—ойидан бошланади. Қонда альдостерон топилади ва ёш катталашган сари уни қондаги концентрацияси ортади. Бўйракусти безлар пўстлоғининг эстрогенлари аёл жинсига мансуб ҳомилада бачадон, қин, ташқи жинсий аъзоларни ривожланишига кўмаклашади. Бола туғилганидан кейинги

биринчи кунларидан бошлаб буйракусти безлар ноқулай омиллар таъсирига адаптив реакцияларда қатнашади. Лекин, кичкина болаларнинг гипаталамо – гипофизар – буйракусти безлар тизими катталарнига нисбатан кичик заҳира имкониятларига эга, шу туфайли, уларнинг адаптация қобилияти катта эмас ва тизим осонгина бузилиши мумкин.

Болаларда буйракусти безлар пўстлоғи фаолиятини бузилиши оғир оқибатларга, масалан гидролазалар синтезини турма етишмаслигига олиб келади. Бу ҳол, глюко – ва минералокортикоидларни ҳосил бўлишини бузилиши ва андрогенлар ҳосил бўлишини кўпайиши билан бирга кечади. Қиз болаларда эркак жинсига хос иккиласми жинсий белгилар ривожланади (вирилизм). Болаларнинг жисмоний ривожланиши биологик ёшидан илгарилаб кетади, ақлий заифлик пайдо бўлади, жинсий ривожланиш бузилади. Буйракусти безлари пўстлоғи томонидан гормонларни, масалан кортикостероидларни гиперсекрецияси Иценго – Кушинг хасталигига ўхшашиб бўлган Кушинг синдроми шаклида намоён бўлиши мумкин.

Буйракусти безларининг магиз моддасида норадреналинни синтез қилиниши ҳомиладорлик даврини 3 – ҳафтасини охирида ва 4 – ҳафтасини бошида бошланади. Ҳомилада адреналин кам ҳосил бўлади. Янги туғилган болаларда магиз модда суст ривожланган. Хромаффин ҳужайралар сонининг кўпайиши, асосан бола туғилганидан кейин, айниқса, 3 – 4 ёшдан бошлаб то 7 – 8 ёшга қадар содир бўлади. Ушбу даврда магиз модданинг массаси 2,5 марта ортади (тана массаси 5 марта ортади), 10 ёшга келиб эса, унинг массаси пўстлоқ массасидан ортиқ бўлади.

Симпатаадренал тизимнинг фаоллиги бола туғилганидан кейиноқ бошланади. Янги туғилган бола биринчи кунларда – ноқ стрессли қўзғатгичлар таъсирига (масалан, асфиксияга) норадреналинни секреция қилишни ортиши билан реакция киришиш қобилиятига эга. Ундан ташқари, янги туғилган болаларда катехоламинлар, организм совиган пайтда оқсидланиш жараёнларини кучайтириш орқали мушак иштирокисиз кечадиган термогенезда қатнашадилар.

Бола 1 ёшдан 3 ёшга тўлгунга қадар катехоламинларни суткалик ва фаслий циклик экскрецияси шаклланади. Норадреналинни ажралиши иккита суткалик чўққига эга: соат 9

дан 12 гача ва 18 дан 21 гача. Адреналиннинг экскрецияси тунда минимал даражада бўлади. Катехоламинларнинг экскрецияси баҳорда кучаяди. Ёш катталашган сари гормонларнинг секрецияси ва экскрециясини ўсиши давом этади ва унинг даражаси болаларни ҳаракатчанлигига, эмоционал реакцияларга, турли қўзғатгичлар таъсирига боғлиқ. Катехоламинларнинг роли организмни адаптив реакцияларида, углеводлар алмашинувини, юрак – томир ва организмни бошқа тизимларини бошқаришда анча муҳим бўла бошлайди.

Ўзининг табиати ва таъсири бўйича ҳар хил бўлган гормонларни ажратадиган пўстлоқ ва мafиз моддалар, шу билан бирга, бир – бирига сезиларли таъсир кўрсатади. Масалан, кортикостероидлар қон орқали мafиз қисмига келлиб тушганда унинг ҳужайраларида моддалар алмашинувини кучайтириши аниқланган. Ушбу гормонлар норадреналинни адреналинга айланишини рафбатлантиради.

Пўстлоқ ва мafиз моддаларнинг гормонлари, айниқса, организмга атроф – муҳитнинг ноқулай таъсири оқибатида ҳавф туғилган моментда яқиндан ҳамкорликда ҳаракат қиласи.

Юқорида айтилганидек, буйракусти безларини кучли асабли изтироб чекишга, совуққотишига, қўрқувга, травмага нисбатан бирламчи реакцияси – бу қонга катта миқдорда катехоламинларни чиқариш ва оқибатда моддалар алмаси – нуви, юрак ишлаш фаоллашади, артериал босим ортади. Кейин эса, кортикостероидлар қўшилади, айниқса глюко – кортикоидлар фаол ҳаракат қила бошлайди. Улар, адреналин билан ҳамкорликда жигарда ноуглеводли бирикмаларни гликоген ва глюкозага айланишини фаоллаштиради. Ушбу барча реакциялар аденогипофизнинг адренокортикотроп гормони томонидан йўналтирилади ва бошқарилади.

Буйракусти безларнинг гормонлари организм ҳаёти учун муҳимдир. Буйракусти безларининг мafиз моддаси бўлмаган, демак ўз навбатида катехоламинлари бўлмаган ҳайвонлар овқат топиб ейиш, ҳавф – ҳатарга реакция қилиш, ҳимояланиш қобилиятига эга бўлмайди. Буйракусти безининг пўстлоқ моддаси бўлмаган ҳайвонлар эса бир неча кундан сўнг ҳалок бўлади.

Жинсий безлар. Гонадаларнинг жинсий дифференцияланиши ҳомила ривожланишининг 2-ойини иккинчи ярмидан бошланади.

Ургудонлар. Эркак жинсий гормонлар (андрогенлар) эмбрион ривожланишини 8-ҳафтасида пайдо бўладиган Лейдиг ҳужайралари томонидан ишлаб чиқилади. Ушбу ҳуҷайралар сони ва катталиклари жиҳатидан максимум дарражага 4-ойда етади. Ҳомилани генетик дастурлаштирилган жинсини амалга оширишда андрогенлар ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Ҳомиланинг 4,5-7 ойлик даври оралиғида андрогенлар гипоталамусни эркаклик (тоник) типи бўйича дифференцияланишини чақиради, улар бўлмаган пайтда эса гипоталамуснинг ривожланиши аёллар (цикли) типи бўйича содир бўлади. Андрогенлар эркаклик жинсий аъзоларини ривожланишини таъминлайдилар ва улар таъсир кўрсатмаганда ташқи жинсий аъзолар боланинг генетик жинсидан қатъий назар аёллик тузилишини сақлаб қолади. Андрогенлар етишмаганда ташқи жинсий аъзони ривожланмай қолиши ва моякларни кичрайиши содир бўлади.

Аёл жинсига мансуб ҳомилада андрогенларнинг миқдори ортиқча бўлганда ташқи жинсий аъзолар эркак типи бўйича ривожланади. Ушбу гормонлар моякларни қорин бўшлиғидан моякларга ўтиши учун зарурдир. Жинсий белгиларни дифференцияланиши 3-ойдан бошланади ва ҳомиладорлик даврини охирига келиб якунланади.

Бола туғилганидан кейин ургудонларнинг гормонал фаоллиги пубертрат даврига қадар унча катта эмас ва 16-17 ёшга келиб вояга етган эркакларникига мос келади. Ўслинлар организмига андрогенлар кўп томонлама таъсир кўрсатади; яъни оқсиллар алмашинуви кучаяди, тана пропорциялари шакланади, гемопозз рағбатлантирилади, скелет мушаклари ривожланади, етилган сперматозоидлар ҳосил бўлади.

Ўғил болаларнинг жинсий ривожланишида иккита давр мавжуд: 10 ёшдан 15 ёшгача бўлган давр (жинсий аъзоларни ва иккиласми жинсий белгиларни ривожланиши ва 15 ёшдан кейинги (сперматогенез даври) – репродуктив давр. Ургудонларнинг гипофункцияси пайтида ўғил болаларнинг жинсий етилиши орқада қолади ва танасини пропорциялари бичилаган эркакларникига хос шакланади. Уларни гипер-

функцияси пайтида эса, аксинча, ташқи жинсий аъзоларини муддатидан илгари ўсиши ва иккиламчи жинсий белгиларни пайдо бўлиши, мушакларни ривожланиши, юқори жинсий мойилликни эрта пайдо бўлиши содир бўлади.

Тухумдонлар. Ҳомиланинг тухумдонларида фолликула—ларнинг ҳосил бўлиши 4—ойда бошланади. Бунинг учун аденогипофизнинг гонадотропинларини таъсирига ҳожат йўқ. Ҳомиладорлик даврининг иккинчи ярмини бошида етилаётган фолликулалар пайдо бўлади. Тухумдонларда стероидли гормонларни ҳосил бўлиши ҳомиладорлик даврининг охирига келибгина бошланади. Ҳомила тухумдонларининг гормонлари жинсий аъзоларни шаклланишига таъсир кўрсатмайди. Ҳомиланинг тухумдонлари ва жинсий аъзоларини ривожланиши она гонадотропинлари, плацента ва буйра—кусти безлари эстрогенлари таъсири остида содир бўлади. Янги туғилган қиз болаларда биринчи 5—7 кун давомида онасининг гормонлари циркуляция қиласи, кейин эса уларнинг концентрацияси камаяди. Тухумдонлар фаоллигини ривожланиши учта даврга ажратилади: нейтрал—7 ёшгача, препубертат — биринчи ҳайз кўргунгача ва пубертат—жинсий вояга етгунгача. Биринчи даврда эстрогенлар секрецияси жуда суст бўлиб, у, препубертат даврда кучаяди. Иккиламчи жинсий белгилар пайдо бўлади: сут безлари (10 ёнда), жинсий аъзоларни жун билан қопланиши (9,5—14 ёнда), пубертат даврда танани ўсиши тезлашади ва у аёллар қоматига эга бўлади.

Ҳайз кўриш циклари биринчи икки йилда анавулятор шаклда бўлиши мумкин, яъни тухум ҳужайраларни овуляцияси бўлмаган ва сариқ таналар ҳосил бўлмаган ҳолда. Пубертат даврда эстрогенлар (эстрадиол ва эстрон) секрецияси ортиб боради ва циклик содир бўлади. Циклнинг иккинчи ярмида прогестерон концентрацияси ортиб боради ва гормонлар таъсири остида аёллар тана пропорциясини шаклланиши давом этади. 18 ёшга келиб жинсий гормонлар секрецияси катталарникига мос бўлади.

Гипоталамус ва гипофиз тухумдонлар фаолиятини йўналтиради ва уларга гормонал фаоллик ритмини беради. Гонадотроп—фолликулларни рафбатлантирувчи, лютенизирловчи, лютеотроп гормонлар ёрдамида улар, тухум ҳужайраларни етилиш жараёнларини ва уни изофолликуладан

чиқишини назорат қиласылар. Гипоталамус – гипофиз –  
гонадалар тизимининг бүғинлари ўзаро яқындан боғлиқ ва  
қайтар алоқа тамойили бүйича ишлайди.

Эркаклар ва аёллар жинсий безларини нормал фоа –  
лияти гипофизнинг гонадотроп гормонлари қонга келиб  
тушган шароитдагина содир бўлади. Агар гипофиз олиб  
ташланса жинсий безлар функцияси сўнади. Андрогенлар  
ҳам, ўз навбатида, гипоталамус ва гипофизнинг марказий  
бошқарув механизмларига сезиларли таъсир кўрсатади, яъни  
уларнинг фаолиятини эркак типи бўйича шакллантиради ва  
унинг асосий фарқи гонадотропинларни циклик ажра –  
лишини бўлмаслигидадир.

Эпифиз. Эпифиз гормони бўлмиш мелатонин пиг –  
ментли алмашинувга таъсир кўрсатади. Унинг таъсири ос –  
тида ҳужайралар рангсизланади.

Мелатонин аденоғипофизнинг гонадотропинларини  
секреция бўлишини пасайтиради ҳамда тухумдонлар ва  
урӯғонлар массасини камайишига олиб келади. Эпифизи  
олиб ташланган ҳайвонларда жинсий вояга етиш тезлашиб,  
муддатидан оддин вояга етади. Шундай қилиб, эпифиз жин –  
сий ривожланишга тормозловчи таъсир кўрсатади. Пубертат  
ёшда мелатонинни қондаги миқдори 14 марта камаяди ва уни  
сийдик орқали экскреция бўлиши ортади.

Ушбу безнинг тўқималари ҳомила ривожланишининг  
5 – 7 – ҳафтасида топилади. Мелатонин секрецияси 3 – ойда  
бошланади. Эпифизнинг фаоллиги бутун ҳаёт давомида  
кузатилади.

### **Билимларни назорат қилиш учун саволлар.**

1. Гормонлар қандай функцияларни бажарадилар? Гормонлар таъсир кўрсатиши учун қандай шароитлар зарур?
2. Эндокрин тизим тушунчаси нимани англатади? Гипоталамо – гипофизар тизим қандай функцияларни бажаради?
3. Нейроэндокрин ҳамкорлик нимани таъминлайди?
4. Аденогипофизда қандай гормонлар синтезланади?
5. Соматотроп гормон қандай функцияларни бажаради?
6. Пролактин қандай функцияларни бажаради?
7. Тиротропин қандай функцияларни бажаради?
8. Гонадотроп гормонлар қандай функцияларни бажаради?

9. Қалқансимон безнинг ривожланиши, унинг функциялари. Қалқансимон безнинг гипофункцияси.
10. Буйракусти безларининг гормонлари ва уларнинг функциялари, гипофункцияси ва гиперфункцияси.
11. Эркак ва аёл жинсий безларининг гормонлари ва уларнинг функциялари.
12. Эндокрин тизим фаолиятида гипофизнинг тропгормонлари қандай аҳамиятга эга?
13. Эпифизда қандай гормон синтезланади ва унинг функцияси.


## АСАБ ТИЗИМИ

- ❖ Антенатал ва неонатал даврларда асаб тизимини морфологик хусусиятлари ва ривожланиши.
- ❖ Болалар ва ўспиринларда ҳаракат ва психик (руҳий) күникмаларни ривожланиши.
- ❖ Болаларда нутқни ривожланиши.

Асаб тизими, ташқи шароитларни ўзгаришларга мос равища, организмни физиологик функцияларини бошқаради ва унинг ички муҳитини маълум бир турғунлигини ҳаёт фаолиятини таъминлайдиган даражада ушлаб туради. Асаб тизими фаолияти тамойилларини тушуниш миянинг таркибий тузилмаси ва функцияларини ёшга оид ривожланишини билишга асосланган. Бола ҳаётида асаб фаолияти шакларини доимий мураккаблашуви, қуршаб турган ижтимоий ва табиий муҳит шароитларига мос келадиган, организмни янада мураккаброқ адаптациян қобилиятини шакллантиришга йўналтирилган.

Шундай қилиб, ўсиб бораётган одам организмини адаптациян имкониятлари унинг асаб тизимини ёшга оид ташкиллашиш даражаси билан белгиланади. У қанчалик сода бўлса, унинг жавоб реакциялари ҳам оддий ҳимоя реакцияси кўринишида примитив бўлади. Лекин, асаб тизими тузилишини мураккаблашиб, муҳит таъсирининг таҳлили анча дифференциялашган бўлганда, боланинг ҳулк – атвори ҳам мураккаблашади, унинг адаптация бўлиш даражаси ортади.

Асаб тизими пуштнинг ташқи вароғидан яъни экто-дермадан ривожланади. Асаб тизимига асос солиш, экто-дермани тананинг дорзал юзаси бўйлаб йўғонлашиши кўринишидаги асаб пластинкасидан бошланади (20 куни). Кейинчалик, асаб пластинкаси чеккалари йўғонлашади, яқинлашади ва асаб найчаларини ҳосил қиласи (24 куни), улар чуқурроқ ботади ва эктодермадан ажралади. Асаб най-часи ва эктодерма оралигидаги чегарада умуртқа погоналараро тугунчалар ҳосил бўлади (30 – расм).



30 – Расм. Одам миясини эмбрион (пушт) ва хомила даврларида (ён томондан кўриниши) ривожланиши.

Юқоридаги бешта расмда (25 – 100 кунлик) эмбрионни ривожланишини аниқроқ кўрсатиш учун катталаштирилиб чизилган. Пастдаги (5 – 9 ойлар) расмлар бир хил масштабда чизилган. Бош миянинг учта асосий (олдинги, ўрта ва ке-

тинги) қисми асаб сопининг бош томонидаги бўртмалардан ҳосил бўлган. Одамларда бош мия ярим шарлари кейинчалик ўрта ва кейинги миядан ҳосил бўлади ҳамда миячани қисман қоплаб туради. Мия учун ҳосил бўлган жўяқ ва эгатлар пушт ривожланишининг ўрталаригача ҳосил бўлмайди, 7 ойдан бошлаб ҳосил бўла бошлайди, 9 ойда аниқ билинади. Агар тўлиқ ривожланган бош мияда 100 миллиард нейрон бўлса ва туғилгандан кейин янги нейронлар деярли қўшилмаса демак мия ривожланишида бир минутига 250000 дан ортиқроқ нейрон ҳосил бўлиши керак.

Асаб найчаларининг ҳужайралари нейробластларга дифференцияланади, улар нейронлар ва спонгиобластлар ҳосил қиласди, нейроглияларга элементлар беради.

Ҳужайраларни маркировка қилиш усули қўлла – нилгандан кейин бирламчи асаб ҳужайраларини «тақдир харитасини», яъни уларни кейинчалик локализация бўлиш жойини аниқлаш имконияти пайдо бўлди. Ривожланаётган пушт эктодермаси ҳужайраларининг бир қисми ихтисос – лашган тўқималарга айланадиган ва ундан бош мия ва орқа мия ривожланадиган жараён нейронал индукция деб атала – ди. XX асрнинг 20 – йилларидан маълумки, нейронал индукция учун маълум бир ҳодиса бўлиб, эктодермия ва унинг тагида ётган қисми – мезодерма қатламини ҳамкорлиги ҳи – собланади. Уларнинг ҳамкорлигини табиати охиригача аниқланмаган, лекин у, моддаларни мезодермадан эктодер – мага маҳсус ўтказишни ўз ичига олади ва натижада экто – дерманинг дифференциялашмаган тўқимаси асаб тўқима – сини шакллантиришга қайтмас ҳолда жалб қилинади. Кей – инчалик ҳамкорлик бош мия ва орқа миянинг асосий қисмларини фазодаги детерминацияланишига олиб келади.

Асаб тизимининг асосий қисмлари детерминация бўлган сари уларнинг потенцияси шунчалик чегараланади. Масалан, асаб пластинкасининг олдинги чеккаси азалдан мияолди – кўз майдони сифатида бўлиб, ундан олдинги мия ҳамда кўзнинг асаб тузилмалари тарақкий этади. Агар ушбу даврда, эктодермал тўқиманинг унча катта бўлмаган қисми олиб ташланса, ушбу дефект қўшни ҳужайраларни кўпайиши ҳи – собига тезда бартараф қилинади ва ривожланиш нормал кечади. Агар, худди шу операцияни анча кейинги даврда

ұтказилса, ё олдинги мияни ёки күзни дефекти бартараф қилинмай қолади. Бошқача айтганда, анча кейинги давларда маълум бир аниқлик билан олдинги мия майдонини ажратиш имкони бўлиб, у, фақатгина олдинги миянинг дефинитив тузилмаларини ва кўз майдонини ҳосил қиласди.

Янада анча кейинги давларда, олдинги мия майдони – нинг ичида ҳам ихтисослашган соҳалар ажралади. Кўпчилик нейронлар асаб найчасининг вентрикуляр зонасида ҳосил бўлади, етилган шаклда эса, ундан маълум бир масофада силжиган ҳолда кузатилади. Бу ҳол, нейронлар ҳосил бўлган жойларидан силжишини (миграция қилишини) билдиради, шу билан бирга, улар бўлинини давом этади. Ушбу нейронлар, катта яримшарларнинг чуқур тузилмаларидағи анча майда нейронларни (базал ганглияларни), майда кортикал нейронларни ҳамда бош мия пўстлоғини кўпчилик глиал ҳужайраларини ва оқ моддани ҳосил бўлишига асос бўлади.

Кўпчилик ҳолатларда нейронларнинг ҳаракати амёба – никига ўхшаш бўлади. Силжий бошлаган ҳужайра, аввалига ҳаракатлантирувчи ўсимта чиқаради ва у мос келадиган субстратта мустаҳкамланади, ядро оқиб ўтади ёки ўсимтага тортиб олинади, шундан сўнг ҳужайранинг қолган қисми тортилади. Силжиш тезлиги суткасига 0,1 мм га teng. Нейронларнинг ҳаракатларини глиал ҳужайралар йўналтириб туради. Улар ривожланишнинг бошлангич давларида пайдо бўлади ва нейронларнинг силжиши тўхтагандан кейин ҳам бир мунча вақт мавжуд бўлади. Ушбу ҳужайралар асаб найчасини вентрал қисмида жойлашади, уларнинг ўсимталари эса юзага нисбатан радиал чўзилган ва силжийдиган ҳужайраларни доимий турадиган жойига йўналтиради. Ноаниқ силжийдиган нейронлар 3% ташкил қиласди ва айрим ҳолатлар ҳисобга олинмаганда барчаси дегенерацияга учрайди.

Миграция қилувчи нейронлар ўзининг охирги турадиган жойига етиб келганда, улар ўзига ўхшаш (аналогик) ҳужайралар билан ё пўстлоқ қатламини ёки ядро массасини ҳосил қилиш орқали агрегация бўлади. Танловчи адгезивлик барча ҳужайралар учун умумий хусусият ҳисобланади ва ўзининг юзасида алоҳида синфга мансуб молекулалар мавжудлиги билан таъминланади. Ушбу молекулалар қариндош ҳужайраларни «таниш» ва уларни бир – бири билан боғлаш

учун хизмат қиласы. Ҳужайра – лараро лигандалар ҳар бир тип ҳужайралар учун юксак даражада үзига хосдир.

Ривожланаётган асаб тизимида ҳужайралар агрегациясынинг яна бир үзига хослиги шундан иборатки, миянинг күпчилик соҳаларида ҳужайралар нафақат агрегация бўлади, балким айрим афзалликка эга ориентацияни ортиради. Масалан, бош мия ярим шарлари пўстлоғида кўпчилик йирик пирамидали нейронлар бир қаторга шундай келишилган ҳолда тизиладики, уларнинг бўртиб чиқиб турган апикал дендритлари юза томонга, аксонлари эса оқ модда томонга йўналган бўлади. Эҳтимол бунга, ҳужайралар юзасида ориентация берувчи турли синфга мансуб молекулалар мавжудлиги, ёки дастлабки ҳужайра агрегациясини белгиловчи юзадаги молекулаларни танлаб қайта тақсимланиши кўмаклашади.

Мия нейронлари кўпчилик ҳолларда мультиполляр ҳи – собланади. Дендритлар шоҳданишини маълум бир типини шаклланиши учун зарур бўлган ахборот генетик детерминация қилинган бўлади. Ҳужайралар қабул қиласидан импульсларнинг сони ва тақсимланиши, сўзсиз, нейронларни якуний шаклга эга бўлишига қатъий равишда таъсир кўратади.

Кўпчилик нейронларда, уларнинг үсуви үсимталарида үсишнинг муҳим тузилма – конуслари жойлашган. Ушбу ёйилган, ҳаракатчан тузилмалар бошқа асаб ҳужайралари билан алоқаларни ҳосил қиласи. R.Sprettуни кимёвий яқинлиги гипотезаси мавжуд бўлиб, унга кўра барча нейронлар ривожланишининг дастлабки даврларида кимёвий фарқларга эга бўлади. Дифференцияланиш маълум бир белгиларни мавжудлиги билан ифода бўлади ва у бўйича нейрон – нишондаги аналогик ёки комплементар белгини таниш мумкин, ва контакт ҳосил бўлиши натижасида синапслар шаклланади. Ундан кейин нейромедиаторларни ажралиш ва алоқаларни стабиллашиш жараёнлари бошлилади.

Умумий қўринишда шуни айтиш мумкинки, миянинг барча қисмлари үзининг ривожланиш даврида саккизта асосий босқични ўтади:

1. Асаб пластинкасининг ҳужайралари бўлгуси нейронлар сифатида детерминацияланади.

2. Детерминацияланған қисмдаги ұжайралар бўлинишга бошлайди.
3. Ұжайралар оралиқ ёки доимий турадиган жойларига миграция қиласы.
4. Ҳали етилмаган нейронлар доимий локализация жойига етиб боргаңдан сұнг гурухларга йиғила бошлайди ва улардан, кейинчалик вояга етган асаб тизимини «ядролари» тараққий этади.
5. Тұпламлар ҳосил қилувчи эмбрионал нейронлар бўлинишдан тұхтайди ва бирлаштирувчи үсімталарни шакиллантиришни бошлайди.
6. Үсімталарнинг ҳосил бўлиши алоқаларни зерта ҳосил бўлишига олиб келади ҳамда нейромедиаторларни синтез қилиш ва ажратиш имкониятыни таъминлады.
7. Охир оқибатда «тұгри» алоқалар стабиллашади, алоқалари «муваффақиятсиз» ёки жуда кам сонли бўлган ұжайралар эса дегенерацияга учрайди. Ушбу жараён «ұжайраларни дастурлаштирилган ҳалокати» сифатида маълум.
8. Нейронларнинг умумий қисми стабиллашгандан кейин, үтказувчи йўлларни у ёки бу тизимларнинг функционал юкламасига мос равишда бир озгина үзгариши содир бўлади.

Асаб тизимининг ташкиланиши қатъий график асосида амалга ошиши керак. Ушбу жараённи зарур ашёлар (материаллар) билан таъминланғанлыги ҳаёт учун муҳим аҳамият касб этади. Эмбрион шакланиши даврида онанинг физиологияси шундай адаптация бўладики, у, ўз эҳтиёжларига қарамасдан ҳомила эҳтиёжларини қониқтиришга қаратилади. Ривожланаётган асаб тизими юқумли касалликларга мойил ва бошқа физиологик таъсирларни сезувчан бўлади. Турли моддалар, асаб тизимини тезкор үсиши ва етилишини бошқаришни бузувчи манбаа бўлиши мумкин. Тугма дефектларни хусусияти ва оғирилиги, одатда, тўсиқлар ривожланишнинг қайси даврида пайдо бўлишига ва қанчалик узоқ муддат таъсир кўрсатишига боғлиқ.

Асаб найчасини турли дифференцияланishi ва нотекис үсиши нафақат унинг ички тузилишини, балки ташқи кўринишини ва унинг бўшлигини шаклини ҳам анча үзгартиради. Асаб найчасининг краниал, кенгайған бўлими ривожланиб бош мияга, қолган қисми эса орқа мияга айланади.

Бош мия асаб найчасининг кенгайган краниал бўлими – дан ривожланади. Асаб найчасининг ушбу қисми иккита ушлаб қолувчининг воситачилигида учта бирламчи пуфак – чага бўлинади: олдинги мия пуфаги, ёки олдинги мия, ўрта мия пуфаги – ўрта мия ва кетинги мия пуфаги, ёки ром – бсимон мия. 30 – кунга келиб биринчи пуфакчада кўзнинг ривожланиш нишонлари ҳамда ўрта мия пуфагида ва орқа мияда асаб ўсимталари пайдо бўлади.

Кейинчалик 45 кунга келиб олдинги мия иккита пуфакчага – биринчи мия пуфаги ёки охирги мия ва иккинчи мия пуфаги ёки оралиқ мияга бўлингандা бешта иккиламчи пуфакчаларни пайдо бўлиши бошланади. Ўрта мия бўлинмайди ва учинчи мия пуфаги бўлиб қолади. Ромбсимон мия иккита пуфакчага бўлинади: кетинги мия ва узунчоқ мияга.

Охирги мия, кейинчалик дастлабки ривожланишнинг яна учта босқичини үтади:

1. Палеокортекснинг тузилмалари – ҳид билиш бўлакчалари, гиппокамп ва лимбик тизим тузилмалари ривожланади.
2. Олдинги миянинг деворлари қалинлашади ва унинг ичидагиз базал ганглияларни (думли ва рангсиз ядро, қобиқ, бодом – симон тана) ҳосил қилувчи ҳужайраларнинг массаси ўсади.
3. Пўстлоқ (неокортекс) шаклланади. Ҳужайраларнинг бўлинниш тезлиги дақиқада 250 та бўлган пайтда пўстлоқнинг юзаси тез катталашади ва бурмалар (пушталар ва жуяклар) ҳосил қиласи, қайсики улар янги туғилган болаларда мавжуддир.

Деворларни анча қалинлашиши ва мия юзасининг рельефини мураккаблашиши оқибатида мия пуфакчаларининг бўшлиқлари катталиги ва ҳолати бўйича турли ёриқлар шаклига эга бўлади. Ушбу ёриқлар бош мия меъдаларни деб номланиб, цереброспинал (орқа мия) суюқлиги билан тўла бўлади. Бош мия меъдачалари ўзаро ва орқа миянинг марказий канали билан туташган бўлади. Ҳар бир мия пуфакчасининг деворидан бош миянинг маълум бир қисми ривожланади, бўшлиғи эса мос равишдаги меъдачанинг бўшлиғига айланади.

Охирги мия қолган барча мия пуфакчаларини қоплаб турувчи бош мия яримшарларини, унинг бўшлиғи эса – иккита ён ёки латерал меъдачаларни ҳосил қиласи.

Асаб найчасидан ривожланадиган миянинг орқа ва бош мия қисмлари улардан чиқиб келадиган асаблар билан биргаликда генетик, анатомик ва функционал жиҳатидан яхлит бир ҳолатда намоён бўлади ва кескин чегаралари бўлмаган ҳолда бири иккинчисига қўшилиб туради. Бош ва орқа миядаги нейронлар танаҷаларининг кўпчилигини имтиёзли локализациясини топографик хусусиятларини ҳамда организм фаолиятида бош ва орқа мия ўйнайдиган катта функционал ролни ҳисобга олган ҳолда барча асаб тизими шартли равишда иккига бўлинади: марказий асаб тизими (МАТ) – бош ва орқа мия; периферик асаб тизими – чаноқ – мия ва орқа мия асаблари ҳамда орқа миядан ташқаридағи асаб боғламлари.

МАТ кул ранг ва оқ моддалардан ҳосил бўлади. Кул ранг модда кўпроқ асаб ҳужайраларини йиғиндицидан, оқ модда эса – асаб ҳужайраларининг аксонларидан иборат. Кул ранг товланиш МАТ дан ташқарида жойлашган (симптик тутунлар ва б) нейрон танаҷалари йиғиндицига ҳам хосдир.

Асаб найчасининг орқа мия ҳосил бўладиган қисмida асаб ҳужайралари унинг бўшлиғи доирасида тўпланиб, орқа миянинг кул ранг моддасини шакллантиради.

Ушбу ҳужайраларнинг ўсимталари найча деворининг периферияси бўйича жойлашади ва орқа миянинг оқ моддасини ҳосил қилишда қатнашади. Найчанинг бўшлиғи орқа миянинг марказий каналига айланади ва унинг бўшлиғи орқа мия суюқлиги билан тўлган бўлади. Орқа мия ўзинини юқори чегараси билан биринчи бўйин умуртқа поғонаси даражасида эгалласа, пастки чегараси билан – биринчи ёки иккинчи бел поғоналари даражасида эгаллайди. Уч ойлик ҳомилада, у, бешинчи бел поғонаси даражасида, янги туғилган болаларда эса – учинчи бел поғонаси даражасида тугайди. Вояга етган одамнинг орқа миясини узунлиги 40 – 45 см ўртасида, эни – 1 – 1.5 см, оғирлиги ўртача 30 грамм бўлади. Янги туғилган боланинг орқа миясини узунлиги 14 – 16 см, оғирлиги 3 – 4 грамм бўлади. 20 ёшга келиб орқа миянинг оғирлиги 8 баравар ортади. Вояга еттан одамнинг бош мияси ўртача 1375 грамм, унинг ҳажми эса – 1200 куб.см атрофида бўлади. Янги туғилган бола бош миясининг оғирлиги ўртача 400 грамм бўлиб, 9 ойга келиб 800 грамм –

гача ортади, 3 – 4 ёшда – 1200 грамм атрофида бўлади. Бола 5 ёшга тўлганда бош мия массаси тана массасининг 1/13 – 1/14 қимини, 20 ёшга келиб эса – 1/40 қисмини ташкил қилади. Ўсаёттан бош миянинг турли бўлимларида анча ёрқин топографик ўзгаришлари тўғилгандан кейинги биринчи 5 – 6 йилда содир бўлади ва ҳаётининг 15 – 16 йилида якунланади.

Янги туғилган болалар миясининг морфофункционал хусусиятлари қўйидагича бўлади. Мия бўлимлари нейрон – ларининг тузилиши ва функциялари турлича ривожланган. Улар, орқа мияда, узунчоқ мия ядроларининг бир қисмида (ретикуляр формацияда, учламчи, юз, сайёр, тиности асаб – ларининг ядроларида, вестибуляр ядроларда, нозик ядрода) ўрта мия ядроларининг бир қисмида (қизил ядролар ва қора субстанция), гипоталамус ва лимбик тизимнинг айrim ядроларида энг юқори дифференцияланган. Катта ярим шарлар пўстлогининг филогенетик янги соҳаларини (жум – ладан сенсомотор ва кўриш), стриополидар тизими нейронли механизмлари, кўриш дўнгчаларининг аксарият ядролари, гипоталамуснинг, миячанинг, пастки оливаларнинг кўпчилик ядролари якуний ривожланишдан нисбатан орқададир.

Катта филогенетик ёшдаги афферент тизимлар ривож – ланишнинг анча юқори даражасига эга. Ушбу тузилмалар тери рецепторлари, проприорецепторлар, вестибуляр, таъм билиш, ҳид сезиш рецепторлари билан боғлиқ. Кейинчалик, кўриш ва эшитиш рецепциялари билан боғлиқ мия тузил – малари ривожланади.

Янги туғилган ҳайвон болаларининг нейронлари нис – батан паст тинчлик потенциалига (ТП) эга, яъни 50 мВ атрофида (катталарда – 60 – 70 мВ). Нейронлар ва ден – дритларнинг синапслар билан қопланган таначалари юзаси катталарникига нисбатан кичкина бўлади. Бунга қарамасдан, мияда нейронлар томонидан кўпчилик медиаторларни синтез қилиниши ҳомиладорлик даврида ривожланганида бош – ланади. Янги туғилган ҳайвон болаларнинг орқа миясида, ўзанида ва гипоталамусида ацетилхолин, гамма – аминомой кислота, серотонин, норадреналин, дофамин топилади. Нейронлар мембраналарида юқорида номлари келтирилган медиаторлар учун хос бўлган рецепторлар мавжуд. Янги туғилган бола миясида медиаторлар миқдори катталарникига нисбатан анча кам бўлади (10 – 15%).

Құзғатувчи постсинаптик потенциаллар янги туғилған болаларда катталарниңдан анча узоқ муддатта эга, синаптик ушланишлар ҳам каттароқдир. Нейронларларни құзғолиша бұсағаси ёш катталашған сари пасаяди.

Масалан, кескин даражагача бұлған деполяризация пайтида ҳаракат потенциаллари пайдо бұлады ва улар, мушукнинг ҳомиласида 20 мВ, боласида  $-10 - 20$  мВ, катта мушукларда 10 мВ атрофида. Ёш катталашған сари нейрон танаачаларининг ҳаракат потенциалларини амплитудаси катталашади. Мушук ҳомиласи орқа миясининг мотонейронларида ушбу амплитуда  $30 - 50$  мВ, мушук боласиниңда  $-50 - 80$  мВ, катта мушукларниңда  $-90$  мВ бұлады. Ҳаракат потенциали чүққиларининг давомийлик муддати, ёш катталашған сари, аксина, камаяди (ҳомилада  $2,5 - 3,0$  мс, мушук боласида  $-1,8$  мс, катта мушукларда  $-1,0$  мс). Янги туғилған ҳайвон болалари нейронларининг ҳаракат потенциаллари шакли ва амплитудаси бүйіча үзгарувландыр.

Ёш катталашған сари, нейронларининг амалдаги доимий (спонтан) ритмик фаоллиги кучаяди. Масалан, мушук ҳомиласида мия үзани ретикуляр формациясида ҳам нейронларнинг  $1/3$  қисми «тинч туради». Спонтан фаол нейронлар разрядларининг частотаси паст  $- 1$  секунда  $0,5 - 1$  импульс атрофида бұлады. Спонтан импульсацияның ривожланиши миянинг турли бүлимларида ҳар хил тезлиқда содир бұлады. Янги туғилған мушук болаларида ретикуляр формацияның деярли барча нейронлари фаол бұлады, катта ярим шарлар пүстлөгіде эса фақат 20% атрофидаги нейронлар фаолдир.

Янги туғилған ҳайвонларда марказий тормозланиш мавжуд бұлады, лекин тормозли постсинаптик потенциалнинг амплитудаси кичкина. Бу ёшда нейрон танаачаларыда тормозли синапсларнинг сони катталарниңда нисбатан анча камдир. Тормозли таъсирларнинг самараадорлиғи ҳам кичкінадыр.

Нейронларни қабул қилиш функцияларини ривожлаши ҳолати түғрисида, денритлардағи тиканаклар деб аталаған үсімталарнинг мавжудлігі хабар беради. Улар, 2,5 ойлик аёл ҳомиласининг интернейронларини дендритларда ретикулоспинал ва вестибулоспинал йүлларни ривожланиши билан боғлиқ равища пайдо бұлады. Катта ярим шарлар

пўстлогои нейронлари дендритларида тиканаклар асосан бола туғилганидан кейин ривожланади.

Асаб тизими функцияларининг ривожланишида асаб тўқималарини миелинланиши муҳим аҳамият касб этади. Ҳаммасидан олдин орқа миянинг кетинги қобиқлари, яна бир оз муддат ўттач олдинги қобиқлари (5 ойлик атрофидаги ҳомилада) толалари ҳамда учламчи ва юз асаблари толалари миелин пўстлоқ билан қопланади. Янги туғилган болаларда, кўпроқ орқа миянинг кўтариувчи йўлларининг тўқималари миелинлашган бўлади. Пастга тушувчи йўллардан вестибу—лоспинал, кейин эса руброспинал трактлар тўқималари эрта (6 ойда) миелинлашади. Янги туғилган болаларда пирамидали трактларнинг тўқималари миелин пўстлоқча эга эмас. Пирамидали трактларнинг миелинланиши бола туғилганидан кейинги иккинчи ярим йилда кучаяди ва тахминан 4 ёшга келиб тугалланади.

Шундай қилиб, туғилиш пайтига келиб асаб тизимининг умумий конструкцияси деярли тўлиқ ривожланади, лекин катта одамнинг мияси янги туғилган боланинг миясига нисбатан анча мураккабдир. Миянинг алоҳида тузилмалари ёшга мос равишда ривожланган даражага турли муддатларда етади. Масалан, узунчоқ мия ва кўприкнинг тузилмалари ҳаётнинг 7 йилида, ўрта миянинг қизил ядролари 2 ёшдан 4 ёшгача, қора субстанция 3 ёшдан 16 ёшгача етилади. Базал ядролар биринчи 2 ёшда кучли ривожланади ва бунда уларнинг массаси 2 баравар катталашади. Мияча массаси ҳаётнинг биринчи йилида 4 марта катталашади ва 3 ёшга келиб, катта одамларнидагидек массага етади, 7—8 ёшда эса миячанинг жадал ривожланиш жараёни якунланади. Вегетатив асаб тизими функционал жиҳатдан 12—14 ёшга келиб етилади ва бу жараён ҳаракат асаб тизимининг ҳолати билан яқиндан боғлиқ.

Илгари, туғилиш моментига келиб боланинг асаб тизими нейронларнинг тўлиқ тўпламига эга бўлади ва фақатгина улар ўртасидаги алоқаларни мураккаблашиши ҳисобига ривожланади деб ҳисобланган. Ҳозирги вақтда маълумки, ярим шарларнинг чакка соҳаларида ва миячадаги айрим ҳосила—ларда 80—90 фойзгача нейронлар, фақат туғилгандан кейингина, сезги аъзолари орқали яъни организмнинг ички ва

ташқи мұхитидан келадиган сенсор ахборот оқимига боғлиқ жадаллик билан ҳосил бўлади.

Бош мияда алмашинув жараёнларининг фаоллиги жуда юқори. Юрак томонидан катта қон айланиш доирасининг артерияларига ҳайдаладиган барча қоннинг 20 фоизи бош мия орқали ўтади ва у, организм қабул қиладиган кисло-роднинг 1/5 қисмини истеъмол қиласди. Мия қон томирларида қон оқимининг юқори тезлиқда ўтиши ва уни кислород билан тўйинганлиги – асаб тизими ҳужайраларининг ҳаёт фаолияти учун зуур шартлардир. Бошқа тўқималарнинг ҳужайраларидан фарқли равишда, асаб ҳужайраси ҳеч қандай энергетик заҳирага эга эмас. Қон орқали таъминла-надиган кислород ва озиқа моддалар доимо сарфланади, уларни камайиши асаб ҳужайраларида қайтмас ўзгаришлар содир бўлишига олиб келади. Кислород билан таъминланиш 7–8 дақиқага тўхтаса асаб ҳужайраларини бузилиши бошланади. Ўртacha, 1 дақиқада 100 грамм мия моддасига 50–60 мл қон оқими келиши зарурдир.

Мия массасини ортишига мос равишда бош чаноги су-яқлари пропорцияси сезиларли даражада ўзгаради. Бу ҳол, ҳаётнинг биринчи З ойида анча жадал содир бўлади, бошнинг айланаси 5–6 см катталашади. Кейинчалик темпл су-саяди ва бир ёшга келиб, у, умуман 10–12 см гача каттала-шади. Бошнинг жуда катта бўлиб ўсиб кетиши ва орқада қолиши ҳам патологик ҳодисаларни (масалан, гидроцефалия ёки микроцефалияни) ривожланиши мумкинлигини билди-ради.

Янги туғилган боланинг орқа мияси бош миясидан фарқли равишда функционал жиҳатдан анча мукаммал морфологик тузилишга эга бўлиб, умуртқа канали бўшлигини деярли тўлиқ эгаллаган. Умуртқа поғонасини ривожланиши билан орқа миянинг ўсиши секинлашади (30–расм).

Шундай қилиб, янги туғилган боланинг асаб тизими тузилиши жиҳатидан шаклланган бўлсада, ҳали етилмаган бўлади. Масалан, ҳулқ – авторнинг мураккаб шакллари ва руҳиятнинг тузилма асоси пўстлоқнинг ассоциатив соҳалари, айниқса, унинг пешона ва пастки энса соҳаларида жойлашганлари ҳисобланади. Ушбу соҳаларнинг юзаси, бола туғилганидан кейин 9 баравар катталашади ва катгаларда

янги пўстлоқ юзасининг 2/3 қисмини эгаллайди. Ундан ташқари, болаларда, инсон учун хос бўлган нутқ ҳаракат, нутқ эшитиш ва нутқ куриш функцияларини таъминлайдиган пўстлоқ тузилмалари ривожланади.

Асаб тизимининг фаолиятини асоси рефлекторли бўлади. Рефлекс деганда, организмнинг ички ёки ташқи муҳитидаги қўзғатгичлар таъсирига организмнинг жавоб реакцияси тушунилади. Уни амалга ошириш учун қўзғатгични қабул қиласидиган сезувчи нейронли рецептор зарур. Асаб тизимининг жавоб реакцияси, охир оқибатда, ҳаракат нейронига келади. Ушбу нейрон ўзи иннервациялайдиган аъзо реакциясини рефлексив жавоб беришга ва фаолият кўрсатишга ёки тормозланишга ундейди. Рефлектор ёй деб атадиган бундай нейронлар занжири ва уни сақланиши рефлексни амалга ошириши мумкин.

Мисол тариқасида, янги туғилган боланинг оғзини бурчагини енгил штрихли қўзгатишга реакция қилишини келтириш мумкин. Бунга жавобан бола қўзғатгич томонга қараб бошини буради ва оғзини очади. Ушбу рефлекснинг ёйи жуда мураккаб албатта, лекин моҳияти бир хил: рефлексоген соҳанинг қўзғатилишига жавобан болада боши билан излаш ҳаракатлари ва сўришга тайёргарлик пайдо бўлади.

Туғма, яъни шартсиз рефлекслар, айниқса янги туғилган даврда кўпроқ овқатланиш, ҳимояланиш ва холатмувозанат реакциялар кўринишидаги автоматизм хусусиятига эга. Одамнинг бундай рефлекслари асаб тизимининг турли бўлимларида таъминланади ва шу туфайли спинал, миячали, пўстлоқи ва пўстлоқ рефлекслари фарқланади. Янги туғилган болаларда асаб тизими бўлимларини етилиш даражаси турлича бўлгани туфайли спинал ва ўзак автоматизми рефлекслари кўпроқ.

Индивидуал ривожланиш ва, албатта асаб тизимининг юксак бўлимлари иштирокида янги вақтли алоқалар ишлаб чиқиши ҳисобига янги кўникмаларга эга бўлиш давомида шартли рефлекслар ҳосил бўлади. Асаб тизимида туғма алоқалар асосида ҳосил бўладиган шартли рефлексларни шаклланишида бош мия катта яримшарлари мұхим рол ўйнайди. Шунинг учун шартсиз рефлекслар ўз-ўзидан пайдо бўлмайди, балки барча шартли рефлекслар ва ҳаёт фаолия-

тининг ўта мураккаб актларини мажбурий компоненти ҳи—собланади.

Янги туғилган болага диққат билан назар солинса, унинг қўллари, оёқлари ва бошини тартибсиз ҳаракатлари мавжудлиги кузатилади. Масалан, оёқлар совуқ ёки оғриқ қўзғатгичига жавобан алоҳида оёқни тортиб олиш билан эмас, балки умумий, яъни қўзғалишнинг генерализацияланган ҳаракат реакциясини беради. Тузилмаларнинг етилиши ҳар доим функцияларни мукаммаллашишида намоён бўлади. Бу ҳол, ҳаракатларни турли туманлигини шакланиб мустаҳкамланишида анча сезиларли бўлади.

Ҳомиланинг биринчи ҳаракатлари З ҳафталик давридаёқ кузатилади (унинг танаси узуналиги 4 мм атрофида бўлади) ва улар юрак қисқаришилари билан боғлиқ. Терини қўзғатилишига жавобан ҳаракат реакциялари ҳомиладорлик даврини иккинчи ойидан бошланади, яъни рефлектор фаолият учун зарур бўлган орқа миянинг асаб элементлари шакланаётган даврда. Ҳомила ривожланишининг 3,5 ойига келиб, янги туғилган болада кузатиладиган кўпчилик физиологик рефлекслар пайдо бўлади (қичқириш, ушлаш рефлекси ва нафас олиш бундан мустасно). Ҳомиланинг ўсиши ва массасини ортиши билан унинг спонтан ҳаракатларини ҳажми ҳам ортади. Бунга, она қорнини эҳтиёткорлик билан тақи́ллатиб ҳомила ҳаракатини чақириш орқали ишонч ҳосил қилса бўлади.

Боланинг ҳаракат фаоллигини ривожланишида иккита бир—бири билан боғлиқ қонуният кузатилади: функцияларни мураккаблашиши ва бир қатор оддий шартсиз, яъни туғма рефлексларни сўниши, албатта, улар йўқ бўлиб кетмайди, балки янги, анча мураккаб ҳаракатларда ишлатилади. Бундай рефлексларни кеч қолиши ёки кечроқ сўниши ҳаракат ривожланишини орқада қолишини кўрсатади.

Янги туғилган бола ва унинг ҳаётини биринчи ойлари учун автоматизм (автоматик ҳаракатлар — шартсиз ҳаракат рефлекслари тўплами) хосдир. Ёш катталашган сари автоматизм ўрнига анча онгли ҳаракатлар ёки кўнникмалар келади. Ҳаракат автоматизмининг асосий рефлекслари—бу овқатланиш, ҳимояланиш, спинал рефлекслар, ҳолатнинг тоник рефлекслари.

Овқатланиш ҳаракат автоматизмлари болада сүришга ва овқат манбайни излаш қобилиятини таъминлайди. Янги туғилган болада ушбу рефлексларни сақланиши асаб тизимини нормал функция қилишини күрсатади. Уларнинг пайдо бўлиши қўйидагиларни ўз ичига олади: кифти секин бо силганда бола оғзини очади ва бошини буради ёки эгади; агар лабларига бармоқ учи билан енгил урилса унга жавобан лабларини найчасимон чўзади (хартум рефлекси). Оғзининг бурчагини силағанда болада излаш рефлекси пайдо бўлади, у бошини ўша томонга буради ва оғзини очади. Ушбу гуруҳда сўриш рефлекси асосий ҳисобланади (31 – расм).

Агар, юқорида келтирилган учта биринчи рефлекс 3 – 4 ойга келиб йўқолса, сўриш рефлеси 1 ёшга келиб йўқолади. Ушбу рефлекслар болани овқатлангиришдан олдин, қорни оч бўлганда энг фаол намоён бўлади. Овқатлангандан сўнг улар анча сўниши мумкин, чунки қорни тўқ бола тинчланади.

Спинал ҳаракат автоматизмлари бола туғилганиданоқ пайдо бўлади ва биринчи 3 – 4 ой давомида сақланиб, кейинчалик сўнади. Ушбу рефлексларнинг энг оддийси ҳимояланиш рефлекси ҳисобланади: агар болани қорнига ётқизиб қўйилса, у дарҳол бошини ён томонга буриб, оғзи ва бурни орқали нафас олишини енгиллаштиради. Бошқа рефлекс шундан иборатки, бола қорнида ётганда агар оёқлари тираб турилса, у эмаклаш ҳаракатларини амалга оширади (32 – расм).

Бу тоифага ва автоматик юриш рефлекслари ҳам киради. Буни текшириб кўриш учун болани қўлларидан ушлаб турган ҳолда тургизиб қўйиш керак. Бунда, бола оёқлари тагида таянч борлигини сезиб, оёқларини тўғрилайди ва тикка туради. Агар болани олдинга қараб энгаштирилса, у, олдин бир оёғи билан, кейин эса иккинчи оёғи билан рефлектор қадам босади.

Бола туғилганиданоқ, унда ушлаш рефлекси бўлади: боланинг қўл кифтига бармоқ қўйилса уни яхши ушлаш қобилияти мавжудлиги. Ушбу ушлашнинг кучи, боланинг ўзини ушлаб туришга етарли бўлиб, уни юқорига кўтариш ҳам мумкин. Янги туғилган маймун боласининг ушлаш рефлекси, уни онанинг танасида ўзини маҳкам ушлаб туриш ва она ҳаракатланган пайтда ҳам тушиб кетмаслик имконини беради (33 – расм).


Турли манипуляциялар пайтида бола құлларини кенг ёйиб күтариб туширади. Ушбу реакциялар, одатда қучоқлаш шартсиз рефлексларини намоён бўлиши билан боғлиқ ва етарли кучга эга бўлган ҳар қандай қўзғаттич билан чақирилиши мумкин: бола ётган жойни шапиллатиб урилганда, аёқларини қўл билан юзага нисбатан кўтарганда ёки оёқларини тезлик билан тўғрилаганда. Бунга жавобан, бола құлларини икки томонга ёйиб, муштини очади ва кейинчалик уларни олдинги ҳолатига қайтаради. Бола кучлироқ қўзғатилганда рефлекс кучаяди. Ҳаётнинг 4—5—ойидан кейин рефлекс сўнади.

Ҳолатнинг тоник рефлекслари. Янги туғилган болаларда ва ҳаётининг биринчи ойлариданоқ бош ҳолатининг ўзгиришлари билан боғлиқ бўлган рефлектор ҳаракат автоматизмлари намоён бўлади. Масалан, бошини ён томонга буриши қўл ва оёқлар мушаклари тонусини қайта тақсимланишига олиб келадики, бунда бош бурилган томондаги қўл ва оёқлар ёйлади, қарама-қарши томондагилари эса букилади. Бу ҳолатда, ҳаракатлар ассимметрик хусусиятга эга бўлади. Бош кўкрак томонга эгилганда қўл ва оёқлар тонуси симметрик равишда ортади ва уларни букилишига олиб келади. Шу ҳолатдаги боланинг боши кўтарилса, ёювчилар тонусини ортишини ҳисобига қўл ва оёқлари ҳам ёйлади.


Бола ҳаётининг иккинчи ойида бошини ушлаб туриш қобилияти шаклланади, 5—6 ойдан кейин эса бола ағдарилиши ҳамда қорнида ётганда қўл билан қорнидан озгина кўтарилса «қолдиргоч» позасида туриши мумкин (32 —расм).



31—Расм. Рефлекслар: 1—кафт-оғиз, 2—хартум, 3—қиширув, 4—сўриш.



32—Расм. Рефлекслар: 1—бүйин тоник ассиметрик, 2—бүйин тоник симметрик, 3—«қалдырғоч» ҳолатыда баш ва оёқни ушлаб туриш.



33—Расм. Рефлекслар: 1—химоя, 2—эмаклаш, 3—таянч ва автотоматик юриш, 4—ушлаш, 5—құчоқлаш.

Болада ҳаракат функциясини ривожланишида ҳара – катлар мустаҳкамланишини пастга тушувчи типи кузатилади, яъни олдин бош ҳаракатлари (уни вертикал ушлаш кўри – нишида), кейин эса бола қўлларининг танч функциясини шакллантиради. Чалқанча ётган болани қорнига қараб ағдарилганда олдин боши бурилади, кейин елка томони ва охирида танаси ҳамда оёқлари бурилади. Ҳаммасидан кейин бола оёқларининг ҳаракатларини, яъни таяниш ва юришни ўзлаштиради (33 – расм).

Бола 3 – 4 ойлик бўлганда, шу вақтгача уни қўлтиғидан ушлаб турганда оёқларига яхши таяниш ва қадам босиш ҳа – ракатларини бажариш қобилияти бирданига йўқолади, чунки бу ёнда таянч рефлекси ва қадам босиш рефлекслари ўр – нида вертикал туриш ва юриш кўникмалари пайдо бўлади (4 – 5 ойлик бўлганда).

Бола ҳаётининг дастлабки 1,5 йилида ҳаракатларни ўзлаштириш тартиби қуийдагича. Ҳаракатларнинг ривож – ланиши 1,5 ойлик бўлганда бошни ушлаб туриш қоби – лиятини, 3 – 4 ойда эса қўлларини мақсадга йўналтирилган ҳаракатларини таъминлайди. Бола 5 – 6 ойлик бўлганда предметларни қўли билан яхши сиқади ва маҳкам ушлаб туради, ўтира олади ва туришга тайёрлиги намоён бўлади. Бола 9 – 10 ойлигида таянган ҳолда тик туради, 11 – 12 ой – лигида эса қўлидан ушлаб турилганда мустаҳкам равишда юради. Дастлабки даврдаги мустаҳкам бўлмаган қадамлар 15 – 16 ойга келиб мустаҳкамланади ва бола юрганда жуда кам ийқилади.

Болалар 1 ёшга тўлгунга қадар уларнинг ҳаракат ва психик кўникмаларини ривожланиши тўғрисида 27 – жад – валда келтирилган маълумотлардан хulosса чиқариш мумкин. Ушбу жадвалда, ойма – ой бола ҳаётидаги ҳулқ – автор ре – акцияларининг тавсифи, нутқ ривожланиши, сенсор ва ҳа – ракатлар ривожланиши келтирилган.

Янги туғилган болада рефлексларнинг мураккаб тизими мавжуд бўлиб, мос равишдаги қўзғаттичлар таъсирида у йўталиши, аксириши, сўриши, ютиши, ушлаши ва бошқа ҳаракат реакцияларини бажариши мумкин.

**Бола бир ёшга тўлгунга қадар ҳаракат ва психик кўник-  
маларининг ривожланиши**

Еши, ҳафта, ой	Ҳулқ- атвор ре- акцияла- ри	Овоз ре- акциялари ва нутқ ривожла- ниши ху- сусиятла- ри	Сенсорли се- зиш ва руҳий ривожланиш хусусиятлари	Ҳаракат- лар ри- вожлани- шининг хусусият- ла-ри
1	2	3	4	5
1 ҳафта	Тинч ух – лайди, овқатланиш учун ёки таги ҳўл бўлганда уйғонади. Тез ухлаб қолади.	Қичқириши баланд ва тиник, шу билан бирга на – фас олиши қисқа, чиқариши эса узоқроқ.	Кучли ёруғликдан кўзини юмади ва безовтала – нади. Ёруғлик манбаига қарайди. Ба – ланд овоз эшиттанды сесканади.	Қорнида ёттанды бошини ён томонга буради, оёқ ва қўллари букилган ва танаисига яқин, уларнинг тонуси юқори, пассив ҳаракатлар пайтида бардошли.
1 ой	Оч қолганда ёки таги ҳўл бўл – ганда уйғонади. Тезда ух – лайди, мулақот пайтида оғзини очиб диққат қилади.	Қичқириши баланд ва тиник, шу билан бирга на – фас олиши қисқа, чиқариши эса узоқроқ.	Назар солиш фиксацияси қисқа муд – датли ва ку – затади. Эши – тиши жалб қилинган. Катта одам – нинг овозини эшиттанды йиғлашни тўхтатади ёки ўзгартиради.	Қорнида ёттанды қисқа муддат бошини кўтаради. Букиш то – нуси сим – метрик ортади ва пассив ҳаракатлар пайтида бардошли.

2 ой	Үйкү ва бедорлик ритми аниқ. Бирданига ухлаб қолади. Бедорлик пайтида тинч (агар қорни түк ва таги қуруқ бұлса). Мулоқот пайтида кулади.	Қичқириши интонация – ли ва ифода – ли. Гувиллаш – ни бош – лани – ши.	Горизонтал юзада ҳаракат құлувчи үй – инчоқ орқасидан қарайди. Эшитиши жалб қилинган.	Қорнида ётғанда бошини вертикал ҳолда ушлабту – ради, лекин доим эмас. Құлларини елка бүғинлари даражасыда спонтан симметрик буради ва горизонтал даражада күтаратади. Оёқларини пассив ҳаракат – лантири – лишига енгил қаршилик қиласы.
3 ой	Бедорлик пайтида фаол, мулоқот пайтида жонланади.	Қичқириши аниқ интонация – ли, гувиллаши оқангдор.	Үйинчоқ орқасидан барча йұна – лишларда радион кузатади, овоз манбаига бошини ва күзини буради. Құлларини объект то – монга чұзади.	Бошини вертикал ҳолатда яхши ту – тади. Құлларини ён томонға спонтан симметрик буради. Оёқларини пассив ҳаракат – ларига енгил қаршилик құрсатади.

4 ой	Мулоқотга бұлған ориентирли реакция жонла – нишга олиб келади.	Ашуласи – мон гу – виллаш ва кулиш.	Үйинчоққа талпинади. Үз құлларини күздан кечи – ради. Фазода овоз манбанин излайди ва топади.	Чалқанча ётганда құллари – дан тор – тил – ганда бошини құтаради. Ётган жойида ён томонга ағанаиди. Қорни билан ёт – ганда бопи ва елкала – ри – ни яхши ту – тади. Тұла ҳажмдаги ва ихтиё – рий ҳара – катлар
5 ой	Ориен – тирли ре – акция жонланиш ёки құрқув реакцияси билан ал – машади.	Аппуласи – мон гу – виллаш товушлар, күлгі, инқи́ллаш занжири билан.	Жисмларни бирма – бир күздан кечи – ради. Үйин – чоққа құл чұзади. Үй – инчоқ ёки құлинин оғзига солади. Она – сининг ово – зига, унинг овозини ин – тонациясига адекват ре – акция қиласы.	Қорни билан ёт – ганда ол – динга чұ – зилган құлларига таянади. Чалқанча ётганда құллари – дан аста құтарылса юқорига тортилади. Ён томонга бемалол ағдарила – ди. Тұлиқ ҳажмдаги пассив ва ихтиёрий

				ҳаракат – лар.
6 ой	Аниқ ори – ентирли реакция. Онасини күрганда безовтала – нади ёки жонлана – ди. Ат – рофдаги жисмлар ва одамларни күздан кечиради.	Гулдироб гапириш – нинг қисқа товушлари.	Үйинчоқни ҳар қандай томонидан ушлайди. Ҳар иккала құлида биттадан жисм ушлайди. Овозга бури – либ қарайди. Диққати фаол.	Қорни билин ёт – ганды ол – динга чү – зилган құлларига, бир құлига таянади. Чалқанча ётганды құллары билин тортилади ёки үти – ради, қорнига ағдарила – ди. Оёқларини қорнига тортган холатда ушлаб ту – ради.
7 ой	Мулоқотга киришиш – дан олдин кatta одамларни диққат билин ку – затади. Қүрқиши реакцияси кузатишга, үрганишга қизиқиши билин ал – маша – ди. Үзиники – лар ва	Фаол гул – дираб га – пириш.	Яқин одам – ларнинг ово – зини танийди. Үйинчоқларни ушлаш гене – рализация – ланган фаол ҳаракаттар билин биргә содир бүләди, жисмларни құлдан – құлга үтказади. Үйинчоқни құллары билин шапатилаб уради.	Катталар ёрдамида үтиради, құлларига таянган холда үти – ради, қорни билин эмаклайди, ушлаб ту – рилган – да тик туради. Қорни билин ётқизил – ганды

	бегона – ларни фарқлай – ди.			чалқасига ағдарила – ди. Осилиб турганда ва чалқанча ётганда оёқларини ушлаб ту – ради.
8 ой	Катталар билин үйин контакти. Имо ва ишоралар, гулдираб гапириш орқали мулоқот. Ўзиники ва бегона – ларни яхши фарқлай – ди.	Фаол ин – тонация – ли ифодали гулдираб гапириш.	Жисмларни итариб юбо – риш. Жисм – ларни отади, бир – бирига уради, 2 – 3 та жисмларни манипуляция қиласи. Одамларни юзига қараб фарқлайди, ўзини отини билади.	Утира олади ва таянмаган ҳолда ўти – ради. Тўрт оёқлаб ту – ради. Та – янган ҳолда тиззала – рида ту – ради. Қорни билин ёт – ганда оёқларини кўтариб ушлаб ту – ради.
9 ой	Катталар билин үйин контакти. Онаси билин контакт пайтида турли ҳиссий реакция – лар, имо – ишора билин му – лоқот.	Гулдираб гапирганда турли хил овозлар чиқаради, жумлани ифодали – кучли имитация қиласи.	Сўз билин берилган сў – роқларга ҳа – ракат билан жавоб беради. Яшириб қўйилган ўй – инчоқни то – пади, майдада жисмларни икки бармоғи билин олади.	Утирган ҳолда ўй – инчоқ, ўй – наганда мувозанат сақлайди. Таянган ҳолда ту – ради. Қўлларидан ушлаб ту – рилганда оёқларини босиб юради.
10 ой	Турли	Овоз ва	Қўл ҳара –	Мустақил

	жолатлар — дан қониқмас — лик реак — ция — сини намоён этади. Эх — тиёжи түгрисида овоз орқали сигнал бе — ради. Катталар билин үйин Контакти, имо — ишора — лар — ни қайтарди.	жумлалар — ни қайтариш — га ҳаракат қилиш. Товуш бирикма — ларини, сўзларни гулди — рашни хилма — хиллиги.	катларини ұхшатиши: масалан, «ассалом» ёки «хайр» каби. Кузатган ҳолда бармоғини тешикларга тиқади. Үзга одам тана қисмларини кўрсатади. Бармоғи билан ўйинчоқин ушлайди.	туради. Бир қўли билан ушлаган ҳолда юради.
11 ой	«Тегма» дэйилгандан тормозла — ниш ре — акцияси. Айрим ил — тимосларни бажаради. Атрофда — гиларга нисбатан танлаб муноса — батда бў — лади. Ай — рим жисмларни номини билади.	Сўз ва то — вушларни қайтаришга ҳаракат қиласи. Гилдираган сўзларни айтади. Она, ота, боба каби сўзларни айтади.	Ўйинчоқларни отиб юборади, пайпаслаган ҳолда бар — моғини те — шикларга тиқади. Турли ҳаракатларни ұхшатишига ҳаракат қиласи. Ўз танаси қисмларини кўрсатади.	Танчсиз дадил ту — ради. Бир қўлидан ушлаганда юради, тиззасига ўтиради, қўйиб юборил — ганда бир нечада қадам босади.
12 ой	Атрофда — гилар билин танлаб	5 — 6 та сўзни гул — дираб га — пиради,	Бир жисмни иккинчисига солади. Қутиларни	Ўзи юради, ўтириб туради.

муноса – батда бў – лади. Катталар билин овоз орқали, товуш би – рикма – лари ёр – дамида мулоқот қилади. Айрим ил – тимосларни бажаради. Гапира – ётган ки – шини юзига қарайди.	сўраш интона – ция – си ифодали. Гулдираш товушла – рини одамлар ва жисмларга қаратса ишлатади.	очади. Рас – мларни та – нийди. Қошиқ билин овқат олиб оғзига олиб боради.
--	---	---

Ҳомила туғилганига қадар тери ва шиллиқ пардаларини механик ва термик таъсиrlанишларини сезишиб қобилиятига эга, шу вақтнинг ўзида кўриш, эшлиши, ҳид билиш ва таъм билиш қўзғаттичларини сезишиб суст ёки умуман бўлмайди деб ҳисобланади. Бола туғилганига қадар ҳаракатсиз бўлган рефлекслар тезкор ривожланиш ҳисобига биринчи заруратнинг ўзидаёқ ишга тушиши мумкин, шу туфайли муддатидан олдин туғилган болалар ҳам яшашга мослаша олади. Янги туғилган боланинг мияси эса ўзгача бўлиб, у, гапириш, символларни тушиниш ёки мураккаб ҳаракат аклларини бошқариш қобилиятига эга бўлмайди. Унинг мияси янги туғилган боланинг мураккаб руҳий фаолиятини сўриш, ютиш, сийдик айириш, овқат ҳазм қилиш функцияларини фаолияти каби таъминлай олмайди. Янги туғилган боланинг мияси морфологик жиҳатдан етилмаган бўлсада, бу ҳол, боланинг руҳий ривожланиши тезлигини белгиламайди. Муддатидан олдин туғилган (масалан, 7 ойда) боланинг ҳулк – атвори 2 ойдан кейин худди бошқа 2 ойлик болалар – никидай бўлади. Асаб тизими, атроф – муҳитдан келадиган қўзғаттичлар таъсири остида фаол ривожланади. Агар, бирон

бир сабабга кўра, боланинг масалан кўриш органи зарарланса, унда унинг бош мия пўстлоғидаги кўришни сезишни таъминловчи соҳасининг ривожланиши ҳам сусаяди. Бола 12 – 14 ёшга етганда унинг кўриш қобилияти тикланган ҳолда узоқ муддатли ўргатиш ва машқ қилиш оқибатида кўрилган образларни айнан ўхшаш ҳолда таниши мумкин.

Масала шундаки, кўрган нарсани таниш қобилияти охир оқибатда тўпланган тажриба асосида пайдо бўлади. Ташиб дунёдан келадиган турли сенсор ахборотлар оқими нафақат янги туғилган ёки илк болалик даври учун муҳим бўлмай, балки ҳаётининг барча даврларида ҳам муҳимдир. Етилган мия, тўпланган тажрибадан қатъий назар, агар у ташки дунё билан алоқаси бўлмаса хаттоқи бедорлик қилишга ҳам қодир эмас.

Боланинг руҳиятини шаклланишида илк ривожланиш даврининг муҳимлиги «маугли – болалар» мисолида ёрқин намоён бўлади. Агар, бола 8 – 10 ёшига қадар одамлар жамиятидан ташқарида тарбияланса, кейинчалик бундай бола гапириш қобилиятига ва бошқа инсоний кўнилмаларга эга бўлмайди. Бундай бола идрокининг ривожланмаганлиги, тўрт оёқлаб юриши, ерда овқатланиши, сувни тили билан ичиши билан ажralиб туради, яъни бирга яшаган ҳайвонларнинг хулқ – автор ва мулоқот шаклларини ўрганади.

Асаб тизимининг ривожланиши билан бирга сезги аъзолари мукаммаллашади. Янги туғилган болаларда тери қўзғатгичларини сезиш яхши ривожланган. Оғриқни сезиш безовталаниш ва йиги реакцияларини чақиради. Таъмни сезиши эрта пайдо бўлади, лекин уларнинг дифференцияланиши ҳаётнинг 2 – 3 ойидан бошланади. Кескин ҳидларга нисбатан реакция туғилган пайтдан мавжуд, лекин уларни фарқлаш ва шартли рефлекслар ишлаб чиқиши 3 – ойдан пайдо бўлади.

Бола 1 – 1,5 ойлик бўлгунга қадар кўзлари бир томонга ёки ҳар хил томонга қараб туриши мумкин, кейинчалик эса кўзларининг ҳаракатланиши ҳамкорликда, мустаҳкамланган ҳолда бўлади. 4 ойга келиб бинокуляр кўриш қобилияти шаклланади, 6 ойлик бола диаметри 8 мм бўлган оқ дискни, 8 ойда эса – 6мм бўлган дискни ажратади. Бир ёшга келиб, бола мусиқани тинглашни бошлайди, ёқимсиз товушлардан бошини ўтириши, қўзғатгичлар таъсир кўрсатаётган жойни

локализация қилиши, диаметри 4 мм бўлган дискни фарқлаши мумкин.

Кейинги 12 ой ичида сезиш функциялари мукаммал – лашибда давом этади, лекин 2 ёшга етгандагина, боланинг анализ қилиш функциялари етарлича ривожланишга эга бўлади. Ҳаётининг биринчи йилини охирида ёки кейинроқ, бола юришни бошлаганда атроф – муҳитни билишнинг му – ҳим даври бошланади. Мустақил юришни бошлаган бола янги предметлар билан танишади, уларни кўради ва оғзига солади, бўшлиқни уч ўлчамли сезиш қобилиятига эга бўлади. Сезги аъзолари ёрдамида билиш усуллари ва кўникмалари мукаммаллашади. Боланинг ҳаракат кўникмаларини ри – вожланишидаги, ҳаракат фаоллиги даражасидаги муваф – фақиятлари унинг руҳияти ва нутқини ривожланиш тезлиги билан бирга уйғуналашади. Бола ўзлигини танишини шакл – ланишига уни атроф – муҳит билан бевосита kontaktда бў – лиши қўмаклашади. Бола 2 – 3 ёшга етгунга қадар етарли даражада мулоқот қиласди, бошқаларга нисбатан дўстона муносабатда бўлади, нотаниш катта одамлар билан осон та – нишади, қўрқиши ҳис қилиши ривожланмаган бўлади.

Шундай қилиб, ҳаётининг биринчи 2 – 3 йили бола ру – ҳиятини ривожланишининг энг маъсул даври ҳисобланади. Биринчи йили руҳий фаолиятга асос солинади, мустақил юришга, нутқ фаолиятига тайёргарлик кўрилади. Бола бе – дорликка нисбатан кўпроқ ухлашига қарамасдан, унинг учун турли қўзғатгичларни сезиш, ташқи дунё билан kontaktда бўлиш катта аҳамиятга эга. Қўзғатгичларнинг дефицитлиги, уларнинг бир хиллиги боланинг руҳиятини кейинчалик ри – вожланишига сезиларли таъсир кўрсатади. Ушбу даврда бирламчи ўрганиш содир бўлади, яъни миянинг шундай нейрон конструкциялари шаклланади деган фикр мавжуд. Уларнинг асосида анча мураккаб ўрганиш имкониятлари пайдо бўлиши мумкин бўлиб қолади.

Церебрал механизмларнинг роли сезиш, таҳлил қилиш, синтез қилиш ва олинган ахборотни сақлашдан иборатdir. Миянинг тузилиши охирги минг йилликларда бирон – бир сезиларли даражада ўзгаргани йўқ, балки ахборот миқдори ва ундан фойдаланишни билиш ўзгарди. Форда яшаган одам билан замонавий одамнинг фарқи генетик сабаблар билан

белгиланмайди, балки атроф – муҳит ва маданият таъсири остида яратилади.

### **Билимларни назорат қилиш учун саволлар.**

1. Эмбрионал ва ҳомила даврида асаб тизимини ривожланишининг қандай морфологик хусусиятлари мавжуд?
2. Асаб тизими рефлектор фаолиятини даврий ривожланиши нималардан иборат?
3. Янги туғилган болалар учун қандай ҳаракат автоматизмлари ҳос? Уларни тавсифланг.

### **ОЛИЙ АСАБ ФАОЛИЯТИНИНГ РИВОЖЛАНИШИ**

- ❖ Кўкрак сути эмадиган болаларнинг ОАФ
- ❖ Илк болалик давридаги ОАФ
- ❖ Биринчи болалик давридаги ОАФ
- ❖ Иккинчи болалик давридаги ОАФ
- ❖ Ўспириинлик давридаги ОАФ
- ❖ Болаларда ОАФ турларининг хусусиятлари

Кўкрак сути эмадиган болаларнинг олий асаб фаолияти (ОАФ). Янги туғилган болаларнинг индивидуал мослашув – нинг энг илк шакллари натурал шартли рефлекслар ҳисоб – ланади. Бола туғилганидан кейин 2 ҳафта ўтгач, бир хил режимда овқатлантирилганда овқатлантиришдан 30 дақиқа илгари бола қонида лейкоцитлар концентрацияси ортади, газ алмашинуви кучаяди ва кейин бола уйғонади. Ушбу ҳоди – салар вақтга нисбатан натурал овқатланиш рефлекси сифа – тида баҳоланади. Деярли бир вақтнинг ўзида яна бир нату – рал шартли рефлекс, яъни овқатланиш учун тана ҳолати рефлекси пайдо бўлади. Унга сигнал сифатида проприоре – цепторларни, тери ва вестибуляр рецепторларни қўзғатгичларини мажмуаси хизмат қиласи, овқатлантириш эса уни мустаҳкамлайди.

Болаларни режимга мослашиши (уйқу, бедорлик, овқатланиш) кетма – кет қўзғатгичлар мажмуасига вақтли алоқалар тизимини ҳосил бўлишига асосланган. Туғил –

ганидан кейинги биринчи ярим йилда болалар учун ташқи шартли құзғаттичлар катта ақамиятта эга эмас. Масалан, улар атрофдаги ҳолатни үзгаришларига реакция қылмайдилар, лекин овқатланиш ва үйқу режимини бузилишига жуда сезгирдір. Ташқи құзғаттичларнинг ақамияти 9–10 ойга келиб ортади, бу ҳол, турли ташқи сигналларга (сунъий шартли рефлекслар) шартли рефлекслар сонини ортиши билан тушинтирилади.

Турли рецепторларнинг құзғатилишига шартли рефлекслар ишлаб чиқилиши имконияти алоқида анализаторларни етилиши муддатлари билан аниқланади. Масалан, вестибуляр (чайқалиш) ва әшитиш анализаторларидан мустақам шартли рефлекслар иккинчи ҳафтанинг охирига келіб күзатылади. Кейин ҳид билиш ва таъм билиш, кейинроқтери – тактил ва күриш құзғаттичларига шартли рефлекслар пайдо бўлади. Тугилгандан 2 ой ўтгач ҳар қандай анализа торларнинг құзғатилишига шартли рефлекслар пайдо бўлади. Олдинига, шартли рефлекснинг ишлаб чиқилиши учун кўп сонли шартли ва шартсиз құзғаттичларни хамкорлиги талаб қилинади. Боланинг ёши қанча катталашса, вақтли алоқаларни мустақамланиши учун шунчалик кам сонли шартли ва шартсиз құзғаттичларни хамкорлиги талаб қилинади.

Болаларда шартли ҳаракат рефлексларини мустақамланиши учун босқичда ўтади. Биринчи босқичда олдин жавоблар кучсиз ва мустақам эмас ҳамда улардан вегетатив компонентлари бўлган ориентирли реакциялар пайдо бўлади. Иккинчи босқичда вегетатив компонентлари бўлган мустақам махсус реакциялар пайдо бўлади ва учинчи босқичда – ҳаракатлар доимий ва аниқ, вегетатив компонентлар эса кучсизланган. Боланинг ёши қанча кичик бўлса, барча босқичлар шунчалик узоқ муддатда ўтади, анча катта ёшли болаларда биринчи ва иккинчи босқичлар бўлмайди.

Құзғаттичларга танлаб муносабатда бўлиш ва шартли рефлексларни ихтисослашиши тормозланишини ривожланиши билан узлуксиз боғлиқдир. Шартсиз ташқи тормозланиши шартли – рефлекторли фаолиятнинг бошланишиданоқ намоён бўлади. Ҳар қандай бегона құзғаттичлар шартли рефлексни тормозлайди. Ташқи тормозланишини осон пайдо

бўлиши кичик ёшдаги болаларда шартли рефлексларни доимий бўлмаслигини сабабларидан бири ҳисобланади.

Шартли (ички) тормозланиш 2,5–3 ойдан катта бола-ларда пайдо бўлади. Фақат яхши фарқланиши мумкин бўлган қўзгаттичларгина (қўнгироқ) дифференцияланади. 5 ой-лиқдан бошлаб кечикувчи тормозланиш пайдо бўлади, 6 ой-лиқдан бошлаб дифференцияланадиган тормозланиш аниқ пайдо бўлади.

Турли анализаторларнинг ўзаро ҳамкорлиги 3 ойдан 6 ойгача ўрнатилади ва бунинг асосида қўлларнинг йўналти-рилган ҳаракатлари ҳамда предметларни шакли ва хусуси-я tlari тўғрисидаги бошланғич тасаввурлар шакланади.

Олий асаб фаолиятининг индивидуал типологик хусусиятлари болаларнинг биринчи ёшини иккинчи ярим йил-лигида пайдо бўлади. Бир хил болаларда ижобий ва тормозли рефлекслар тез ҳосил бўлади ва мустаҳкамланади, бу ҳол, асаб жараёнларини вазминлиги ва барқарорлиги тўғрисида гувоҳлик қиласди. Бошқа болаларда ижобий шартли реф-лекслар яхши ҳосил бўлади, лекин тормозли шартли реф-лекслар эса қийинлик билан ишлаб чиқлади (беқарорлик нишонаси). Ҳар иккала рефлекслар ҳам қийинчилик билан ҳосил бўладиган болалар ҳам учрайди.

Болалар 9–10 ойлик бўлганда қўзғаттичлар мажмуига, ҳолатга реакциялар пайдо бўлади, уларнинг компонентлари оддий сўз бўлиши мумкин. Сўзга нисбатан шартли реф-лекслар 7 ойлик бўлганда пайдо бўлади (сенсор нутқни биринчи пайдо бўлиши). Ушбу ҳолатда сўз мустақил сигнал ҳисобланмайди, балки қўзғаттичлар мажмуасининг компонентигина бўлиб ҳисобланади. Агар унинг компонентларидан атиги биттаси ўзгартирилса боланинг реакцияси йўқолади. Агар барча компонентлар сақлаб қолинса, сўзни эса унга яқин товуш билан ўзгартирилса, унда реакция сақланади.

Қўзғаттичлар мажмуасида сўз секин—аста анча кучли аҳамият касб этади, кейинчалик эса мустақил аҳамиятта эга бўлади. Бу, одатда, биринчи ёшнинг охирига келиб намоён бўлади. Илк бор сўзлар эшишилаётгандарга тақлид сифатида гапирилади ва конкрет предметга нисбатан эмас, балки ҳолатга нисбатан қаратилган бўлади. Масалан, «ма» ёки «да» каби сўзлар ҳар қандай сўзга нисбатан ишлатилиши мумкин. Бир яшар болалар учун дунё товуш ва кўриш муносабатла –

рида ҳали кам бүгинарга бүлинган күринищда намоён бүлади. Бу даврда, сүз ёрдамида абстракция қилиш ва умумлаштириш қобилияти ҳали бўлмайди

Илк болалик давридаги ОАФ. Бу ёшда миянинг янада ривожланиши содир бўлади, тадқиқот фаолияти жадал ривожланади. Нутқ эса, атрофдагилар билан мулоқотда бўлиш имконини беради. Бола бу вақтда қўзғатгичлар мажмуудан алоҳида компонентларни бўгинарга ажратиш қобилиятига эга бўлади. Секин – аста предметлар билан мос (адвокат) ҳаракатлар шаклланади, бола ўзи мустақил ўтириб, қошиқ билан овқат олиб ейди. Агар, ҳаётнинг биринчи йилида, бола учун энг кучли мадад овқатланиш бўлса, 2 – ва 3 – ёшда энг самарали мўлжалга (ориентир) олиш, мудофаа ва ўйин бўлиб қолади. Предметларнинг турли хусусиятларига (масалан, ранг ва унинг товланиши, предметнинг оғирлиги ва бошқалар) кўпгина рефлекслар шаклланади.

Бу ёшда кўпчиллик доимо бир хил (стереотип) шаклдаги ҳаракатлар пайдо бўла бошлияди, масалан ювиниш, овқатланиш, ўйнаш, кийиниш ва ечиниш босқичларини ашуладаги сўзларни кетма – кет келишини ўрганиш. Фаолиятнинг бир туридан иккинчисига ўтиш асаб жараёнларини ҳаракатчанигини етарлича ривожлан – маганилиги туфайли ҳали кийин кечади. Стереотип ҳаракатлар босқичларини ўзлаштирилган тартиби жуда мустаҳкам бўлиб, уни ўзгартириш жуда қийин масала ҳисобланади. Шунинг учун бола З ёшга тўлгунга қадар уларда одатларни пайдо бўлишига жуда эҳтиёткорлик билан ёндошиш керак.

Боланинг нутқини ривожланиши, оиласидаги ҳаётининг биринчи йилида ўзлаштирилади. Илк болалик даврида нутқий ҳаракат шартли рефлекслар жамғармасини жуда жадал тўпланиши содир бўлади. Иккинчи ёшнинг охирида боланинг сўз бойлиги 200 – 400 сўзни, учинчи ёшнинг охирида – 2000 ва ундан кўп сўзни ташкил қиласиди. Нутқни шаклланишида товушларга тақлид қилиш муҳим аҳамиятга эга. Бир вақтнинг ўзида, сўзни, у ифодалайдиган предмет хусусиятлари билан алоқаси ўрнатилади. Сўз ва предмет билан танишаётган боланинг ҳис қилиши ўртасидаги алоқани шаклланишини физиологик жиҳатдан таърифлаш рус олимни И.М.Сеченов томонидан берилган. Масалан, бола арчани кўради, уни ушлайди, ҳидини сезади, яъни тўғридан – тўғри

бир қатор ҳиссиётлар олади. «Арча» деган сүз – бу сигнал (И.М.Сеченов бүйича «биринчи даражали сигнал») бўлиб, унда барча сезгилар мужассамланган. Мажмуа компонентлари ўртасидаги алоқаларнинг бундай тизимини И.М.Сеченов «элементтар шаклдаги билим» деб атаган. Бола турли арчаларни кўрганидан кейин, «арча» сўзи анча кенг моҳиятга эга бўлади («иккинчи тартиб символи»), сезиш образи эса унчалик конкрет бўлмай қолади. Кейинчалик «дарахт» деган сўз пайдо бўлади ва у, предметларни кенг доирасини қамраб олади. «Ўсимлик» деган сўз эса, бундан ҳам умумий моҳиятга эга бўлади.

Нутқ фаолиятида нутқни тушуниш (сенсор нутқ) ва уни қайта такрорлаш (ортекуляция) кабиларни фарқлаш зарур. Бола, аввалига нутқни тушунади, кейинчалик ушбу иккала жараён жуда яқин кўринишида боғланади. Уч ёшта қадар, болаларда нутқҳа эга бўлиш предметларни ушлаганда ёки улар билан ҳаракат қилганда бармоқларини нозик ҳарақатлари билан бирга амалга ошади. Шу билан бирга, нутқ – ҳаракат аппаратидан сўз айтилган пайтда чиқадиган сигналлар ҳам муҳим аҳамиятга эга.

2 – 3 яшар болалар учун хос бўлган ташқи дунёни фаол билиш, предметларни ушлаш ва ўйнаш «ҳаракатдаги тафаккур» билан яқиндан боғлиқдир. Аввалига боланинг ҳарақатлари мақсад сари йўналтирилмаган ва бир хилда бўлади, кейинчалик, эса, тажриба тўплаши натижасида улар мақсад сари йўналтирилган ва ташкиллаштирилган бўлади. Предметлар билан бирга ҳаракатлар бажаришни ўрганиш нутқни умумлаштиришни шакллантириш учун жуда муҳимдир. Ушбу ҳаракатлар билан сўз сигналларини бирикмаси янги шартли алоқалар билан бойийди ва у, умумлаштириш функциясини физиологик асоси ҳисобланади. Ушбу ёшда ҳосил бўладиган вақтли алоқалар тизимлари алоҳида мустаҳкамлилиги билан фарқланади ва айрим ҳолларда ҳаётнинг охирига қадар сақланади.

Ҳаётнинг иккинчи йилида сўзларни ибораларга бираштириш содир бўлади. Бундай нутқ оқимлари ҳали қисқа ва 2 – 3 та сўздан иборат бўлади. Сўзни умумлаштирувчи функциясини ривожланишини қўйидаги босқичлари фарқланади (М.М.Кольцова). Интеграциянинг I даражаси – сўз маълум бир предметни сезиш образини ўрнини босади, у

битта конкрет предметнинг эквиваленти (биринчи ёшнинг охири ва иккинчи ёшнинг бошланиши). Интеграциянинг II даражаси – сўз бир турдаги предметларни бир нечта сезиш образларини ўрнини босади (иккинчи ёшнинг охири). Интеграциянинг III даражаси – сўз ҳар хил турдаги предметларни сезиш образини ўрнини босади (3 ёш). Интеграциянинг IV даражаси – сўзда олдинги даражаларни бир қатор умумлаштирилишлари мужассамланади. Бунга, бола ҳаёти – нинг 5 – йилида эришилади.

Уч яшар болаларда конкрет қўзғатгичларнинг моҳияти ҳали юқори бўлади, тафаккур асосан предметли бўлиб қолади.

Бола 2 ёшга тўлгач расм чизишга ҳаракат қиласи. Расм чизиш фаолияти олий асаб фаолиятини ривожлантиришнинг муҳим кўрсаткичи бўлиб хизмат қилиши мумкин. Уч яшар болага сариқ, кўк ва қизил рангга бўялган учта геометрик фигураналар (айлана, квадрат ва учбурчак) чизилган қофоз берилади. Вазифа – бошқа қофозга ушбу расмларни қайтадан чизишидан иборат бўлади. Бунда, бола барча фигуранларни оддий тартибсиз чизиқлар кўринишида бир хилда чизади. Рангги умуман эътиборга олинмайди. Расм чизишнинг ушбу боқичини қоракул чизиш дейилади. Вазифа бир неча марта такрорланади ва бола секин – аста фигуранларни олдиндан белгиланган контурларини устидан чизиш кўниг – масига эга бўлади. Кейинчалик эса, бола мустақил равища фигуранларни унча – мунча тўғри қайта чизишни бошлайди, олдинига рангларни алмаштирган ҳолда ва сўнгра тўғри танлаган ҳолда чизади. Катталарнинг мақтови унинг кўниг – масини мустаҳкамлашга хизмат қиласи.

Биринчи болалик даври учун ички тормозланишнинг барча турларини янада ривожланиши хосдир. Шартли сигналларнинг сўниши ва дифференцияланиши тезроқ ишлаб чиқилади, тормозли жараёнларнинг даври анча узоқ муддатли бўлади. Бунга боғлиқ равища ҳаракатчаларнинг аниқлиги ортади, ортиқча ҳаракатларнинг сони камаяди, ортирилган кўникмалар кўпроқ ишлатилади.

Стереотип ҳаракатларни бажаришда тўғридан – тўғри алоқалар кўпроқ бўлади. Масалан, болалар 1 дан 10 гача бемалол санай оладилар, лекин тескарисига сонашга ожиз бўладилар. Қайтар алоқалар кейинчалик мактаб ёшига ет –

гандагина пайдо бұлади. Шунга қарамасдан 5–6 ёшли болаларда стереотипларни қайта үзгартыриш қийин вазифа бўлмай қолади ва болалар уни ўйин сифатида қабул қиласидилар.

Бу ёнда қўзғалишнинг ёрқин ифодаланган иррадиацияси ҳали кўриниб туради, шартли рефлексларнинг ихтисосла – шишига эса қийин эришилади. Агар болаларга, масалан бешгача санаганда чап қўлларини кўтариш таклиф қилинса, улар бошқа сўзларга ҳам қўлларини кўтараверадилар.

Мактабгача ёндан болаларда таҳлилий – синтетик механизмлар фаол шаклланади, мураккаб қўзғатгичларга рефлекслар ишлаб чиқилади, биринчи ва иккинчи сигнал тизимларининг ҳамкорлиги ривожланади.

3–5 ёшни аффектив деб аталади, чунки бу ёш учун болалар томонидан жўшқин эмоцияларни намоён қилиш, ўзига эътиборни жалб қилиш, ўзга болалар ичидаги ажралиб туриш хосдир.

6–7 ёшга келиб ўқиши ва ёзишига ўргатиш туфайли сўз ёрқин намоён бўлган абстракт можиятта эга бўла бошлайди. Аффектив кўринишлар анча вазминлашади. Сўзлаш орқали тафаккур қилиш ички нутқ билан бирга кучая боради. Фаол дикқат қилиш ва ақлий фаолиятни болалар 15 дақиқа сақлаши мумкин.

6 ёндан бошлаб болалар дастлабки оғзаки йўриқнома асосида ўзларини хулқ – авторларини бошқара оладилар. Улар ўз хотираларида бир қатор кетма – кет ҳаракат опера – цияларидан иборат ҳаракат дастурини сақлай оладилар. Кўникмаларни ишлаб чиқишини боришига ҳар хил турдаги мустаҳкамлагичлар катта таъсир курсатади. 5 ёшга қадар максимализм тамойили кучли бўлади: хаттоки минимал даражада мустаҳкамланиш таҳмини ҳам шартли рефлексий қайтарилишига олиб келган. Энди, болаларнинг хулқ – автори кўпроқ даражада ҳодисаларнинг эҳтимоллиги билан аниқланади – оптимизм тамойили.

Оғзаки йўриқномаларга бўйсениши қобилияти хулқ – автор дастурини ушлаб туриш, уни конкрет шароитларга мослашиши, натижаларни олдиндан билиш юксак ассоциатив тизимларни, аввалам бор, боп миянинг пешона соҳала – ридаги фаолиятларни талаб қиласидилар. Айнан 7 ёшга келиб

катта ярим шарлар пўстлоғи пешона бўлимини етилиши со-  
дир бўлади.

Электрофизиологик тадқиқотлар шуни кўрсатадики, марказлараро муносабатларни ташкил қилинишида етакчи бўғин неокортекснинг ассоциатив бўлимлари бош тепаси – нинг пастки ва пешона соҳалари ҳисобланади. Биринчи ёшдаги болаларда ўзаро алоқадор фаоллик соҳалар бош те-  
пасининг пастки соҳалари ҳисобланаб, улар пўстлоқнинг энса, чакка ва мотор соҳалари билан алоқалар ўрнатади. Икки яшар болаларда ўзаро алоқадор фаоллик соҳалари пўстлоқнинг пешона бўлимларига ўтади. 4–5 яшар бола-  
ларда бош тепасининг пастки бўлимларини марказлараро ўзаро ҳамкорлигини кучайиши кузатилади. Онтогенезнинг анча кейинги босқичларида, 6–7 ёшда пўстлоқнинг пешона соҳаларини марказлараро алоқаларини яна кучайиши содир бўлади.

Иккинчи болалик даврида асаб жараёнлари етарлича кучга эга бўлганлиги ва барқарорлиги билан тавсифланади, ички тормозланишнинг барча турлари яхши намоён бўлади. Фаол диққат қилиш ва жиддийликни белгиловчи меҳа-  
нисмлар ҳали етарлича намоён бўлмайди. Чарчаш тез ри-  
вожланади. Бола руҳиятининг ривожланишига мактабда таълим олиш катта таъсир кўрсатади. 6 яшар болаларда мактабда таълим олиш боғчада таълим олаётган тенгдошла-  
риникига нисбатан руҳиятни ривожланишини тезлаштиради. Бу даврда, бош мия пўстлоғини морфологик ривожланиши катта одамларниқидаги ҳолатга яқинлашади.

ОАФ нинг типологик хусусиятлари аниқ намоён бўла бошлайди. Болалар асаб жараёнларини тавсифи бўйича фарқлай оладилар, яъни қўзгалиш ва тормозланиш кучи, ҳаракатчанилиги ва барқарорлиги бўйича. Лекин, ёши кат-  
талашган сари, ушбу белгилари ўзгаради ва қатъий ишлаш пайтида ОАФ хусусиятларининг ривожланиши керакли йу-  
налишда ўзгартирилиши мумкин. Тарбиявий ишда боладар –  
нинг типологик хусусиятларини албатта эътиборга олиш зарур.

Ўспиринлик ёшидаги ОАФ. Қиз болаларда 11–13 ёшдан ва ўғил болаларда 13–15 ёшдан бошлаб (пубертат даврнинг биринчи фазаси) хулқ – атвортаги ўзгаришлар марказий асаб тизимини қўзгалувчанлигини умуман ортиши ва тормозла-

ниш жараёнларини сусайиши билан аниқланади. Бу, айрим ҳолларда, серзардаликни ортишига, енгил чарчашига, ўйқуни бузулишига олиб келади.

Гормонал фоннинг ўзгариши ўспиринларнинг шартли рефлекторли фаолиятларига таъсир кўрсатади ва сигналларни дифференцияланишини ёмонлашуви ҳамда қўзгалувчанликни кенг иррадацияси кузатилади. Ўғил болаларда қўлларини, оёқларини ва танасини «ортиқча» ҳаракат қилишини пайдо бўлиши кузатилади. Шартли рефлекторли реакцияларни латент боқичлари ортади, нутқ сусаяди, жавоблар иҳчам ва стереотипли бўлиб қолади, овозли сигналларга янги вақтли алоқаларни шаклланиши қийинлашади. Буларнинг барчаси иккинчи сигнал тизимини фаолиятини пасайиши тўғрисида далолат беради.

Бу ёшдаги қиз болаларга ақлий меҳнат қобилиятини пасайиши, юқори ҳиссиётлилик, ёрқин намоён бўладиган вегетатив реакциялар хосдир. Айрим ўспиринлар учун мурракаб жумлаларни тузиш, мантиқий хуросаларни чиқариш, ўқув материалини эслаб қолиш қийин бўлади.

Пубертат даврининг иккинчи фазаси (қиз болаларда 13–15 ёш ва ўғил болаларда 15–17 ёш) ривожланишда мушкул давр ҳисобланади. Руҳий беқарорлик ҳайқириқ ҳолатидан депрессияга кескин ўтиш ва аксинча ҳолат намоён бўлиши, катта ёшдаги одамларга нисбатан кескин таңқидий муносабатда бўлиш, ҳафа бўлиш, қиз болаларда тез–тез ийғлаш кабилар пайдо бўлиши мумкин. Негатив ва аффектив ҳолатларни намоён бўлиши тез–тез кузатилади.

Гармонал қайта қуриш даври ўспиринларга нисбатан диққат билан ва идрокли муносабатда бўлиши талаб қиласи. Ўспиринлар ва ота–оналар ҳамда ўқитувчилар ўртасида пайдо бўладиган конфликтлар кўпинча бу даврда болалар ОАФ хусусиятларини тўғри баҳолай олмасликнинг оқибати ҳисобланади.

Ушбу даврни бузилишларсиз ва тўсиқларсиз енгиг ўтишининг асосий шартлари соғлом кун тартиби, осойишта ҳолат, ҳайрихохлик руҳи, ўспирин учун қизиқарли, жумладан жисмоний машғулотлар ҳисобланади.

15–18 ёшда иккинчи сигнал тизимининг роли яна ортади, хотира яхшиланади. Бу ёшда ОАФ нинг ривожланиши

асосан якунланади ва у, юқори функционал мукаммалликка эришади.

Болалар олий асаб фаолиятининг типларини хусуси – ятлари Н.И.Красногорский (1952) томонидан И.П.Павлов белгилаган түртта тип асосида таснифланган (классификацияланган). Улар қуидагилар: 1. Кучли, мувозанатлашган ҳаракатчан тип (сангвиник); 2. Кучли, мувозанатлашган кам ҳаракат тип (флегматик); 3. Кучли, мувозанатлашмаган тип (холерик); 4. Кучсиз (инертли) тип (меланхолик). Таснифнинг асоси сифатида асаб жараёнлари кучини тавсифи, уларнинг ҳаракатчанглиги, қўзғолиш ва тормозланиш жараёнларини барқарорлиги, биринчи ва иккинчи сигнал тизимлар ўрта – сидаги ҳамкорлик олинган.

Ҳаракатчан тип соғлом кучли болаларда учрайди. Бу тип, фаолиятнинг шартсиз турлари пўстлоқнинг назорати остида бўлиши билан тавсифланади. Шартли рефлекторли алоқалар тез ҳосил бўлади, реакциянинг катталиги қўзғаттичларининг кучига мос келади ва шартли алоқалар мустаҳкам бўлади. Асаб тизими ушбу типга мансуб болаларда ички (шартли) тормозланиш тез ишлаб чиқилади (сўниш, дифференцияланиш, кечикиш). Сангвиник болаларнинг пўстлоқ фаолияти катта ҳаракатчанлиги билан фарқланади. Болалар ўзларининг ҳиссийётларини ва инстинктларини осон назорат қиласидилар. Улар, муҳит шароитларига боғлиқ равища тарбиявий таъсирга енгил кўникадилар.

Кам ҳаракат типдагилар, ҳаракатчан типга мансуб болаларга нисбатан, шартли рефлекторли алоқаларни анча сенкин ҳосил бўлиши билан тавсифланади. Улардаги ижобий шартли рефлекслар нормал катталикка ва катта мустаҳкамликка эга. Тормозли шартли рефлекс (сўниш, дифференцияланиш, кечикиш) тез ҳосил бўлади. Ушбу типга мансуб болалар яхши ўқийдилар ва мактабни хулқ – атвортга таалуқли барча талабларини қониқтирадилар. Одий шароитларда улар тинчликни сақлайдилар, юқори фаолликни талаб қиласидиган шароитларда эса тўсиқлардан ошища юқори ҳаракатчанликни намоён қиласидилар. Сангвиник болалардан фарқли равища флегматик болаларнинг нутқи суст бўлади, тез эмас, тинч, қўллари билан имо – ишора қиласидиган ҳолда ва эмоцияларсиз, нормал луғат бойлигига эга, тўғри бўлади.

Кучли, мувозанатлашмаган тип юқори құзғалувчанлик билан тавсифланади ва натижада ушбу типга мансуб болаларда үтреңсизлик намоён бўлади, айниқса, улар янги ҳолатга тушганларида тўғри жавобни топа олмайдилар. Бу, пўстлоқни назорат функциясини етарли эмаслиги тўғрисида гувоҳлик беради, айнан шунинг оқибатида муҳитнинг янги шароитларига тўлақонли мослашаолмаслиги келиб чиқади. Шартсиз рефлекслар одатда жуда кучли бўлиши ва пўстлоқ томонидан қийин бошқарилиши ҳам шуни кўрсатади, бу, болани ҳулк – атворини белгилайди. Ижобий шартли рефлекслар олдинги икки типдаги болаларникуга қараганда сустроқ ҳосил бўлади. Шу билан бирга, ҳосил бўлган шартли рефлекслар сўнган пайтда тез тормозланади ва бу жиҳатдан ҳаракатчан ва кам ҳаракат типга мансуб болалар реакциялари билан ўхшашлик мавжуд. Мувозанатлашмаган типдаги болаларда дифференцияланган ва кечиқувчи тормозланиш қийин ишлаб чиқилади ва уларнинг самараси доимий эмас. Бундай болалар характеристини беқарорлиги билан фарқ қиласи, бунинг оқибатида, улар ҳиссиётлари ва аффектларини қийинчилик билан ушлаб турадилар, бунда одатдаги нормалардан чеккага чиқадиган ҳулк – атвор реакцияларини ҳам намоён қиласидар. Уларда, эзилган ҳолатта нисбатан юқори қўзғалувчанлик ҳолатини ўзгаришида даврийлик кузатилади. Бундай болаларни тарбиялашда анча қийинчиликларга дуч келинади.

Кучсиз типга пўстлоқ ва пўстлоқости фаолияти паст қўзғалувчанликка эга бўлган, шартли рефлекслари нотекис ва мустаҳкам бўлмаган болалар киради. Кучсиз типга мансуб болаларда қўзғатувчи ва тормозловчи жараёнлар ўртасидаги тенглик кўпингча бузилади, шартсиз рефлексларнинг (масалан, сўлак ажралиши) катталиги нормадан паст. Шартли рефлексларни ҳосил бўлиши суст ва шартсиз қўзғатгич билан кўп миқдорда биргаликда бўлишини талаб қиласиди, ички тормозланиш жараёнлари кучсизланган, бунинг оқибатида бундай болаларда ҳар хил турдаги шартли тормозланишлар жуда қийин ишлаб чиқилади. Шартли рефлекслар ташқи қўғатгичлар томонидан осон тормозланади ва ташқи тормозланиш узоқ муддат сақланади. Болалар кучли қўзғатгичларнинг узоқ муддатли таъсирини кўтармайдилар ва

пўстлоқ ҳужайраларининг кучсизлиги туфайли турғун тор – мозли ҳолатта тушади.

Иккала қулоқ олди безларидан шартсиз сұлак секрецияси тадқиқот қилинганда катта яримшарлар синхрон ишлашини бузилиши билан боғлиқ секретор ассимметрия кузатилиб турилади. Катта яримшарларни бундай ҳар хил ишлаши оқибатида бола, масалан тормозловчи құзғатгичта жавобан баллонни босади ва ундан кейин, уни босғанлигини инкор қиласы. Кучсиз типга мансуб болаларнинг нүтқи лугатта бой бұлмайды ва кечикувчан бұлади. Асаб жараён – ларини кучсизлиги оқибатида биринчи ва иккінчи сигнал тизимлар ўртасидаги ҳамкорлик үйғунылыгини функционал бузилишлари ҳам пайдо бўлиб туради.

Бола ОАФнинг типи түгма ва ижтимоий омиллар билан белгиланади. Онаси ҳомиладорлик даврида етарли овқат – ланмаганлиги, ҳасталанғанлиги, оғир кечинмалари, йиқил – ганда лат еғанлиги ва бола туғилиши пайтидаги бош чано – гини шикастланиши асаб тизими фаолиятини кучсиз булиши ёки ОАФда қўнимсизлик кўринишидаги айрим бузилишларга олиб келиши мумкин. Лекин, боланинг индивидуал ҳаётидаги тарбия, овқатланиш зарур ижтимоий ва гигиена шартларига риоя қилиш жараёнида, анализаторлар эрта машқ қилин – ганда типологик хусусиятлардаги кучсизлик кўринишилари, қўнимсизлик ва бошқа нұқсонлар анча тўғриланиши мумкин. Асаб тизимини түгма нұқсонларини коррекция қилишда педагог ва тарбиячи боланинг ривожланишини тўғри йўлга қўйишида муҳим роль ўйнайди. Лекин, бундай мураккаб пе – дагогик вазифани боланинг типологик хусусиятларини аниқ билгандагина ечиш мумкин. Бунда, ОАФ типини аниқлашда юқори эҳтиёткорликни ва кучсиз ҳамда қўнимсиз болаларга нисбатан педагогик ҳайриҳохликни сақлаш зарур, яъни болалар ўзларининг асаб фаолиятидаги камчилликлар ҳақида билмасликлари керак.

ОАФ ривожланиш ҳолатини ва у билан боғлиқ руҳий жараёнларни тавсифлаш учун динамик стереотипни ишлаб чиқиш усули ишлатилади, қайсики у, ёшга оид ва типологик хусусиятларга эта. Маълум бир вақт интервали орқали таъсир қилувчи ва кучи бўйича ҳар хил шартли рефлекс – ларни чақирувчи шартли құзғатгичларни қатъий маълум бир тартиби ёки кетма – кетлиги ташқи стереотипни ўзида ифода

этади. Бундай шароитларда организм уларни тизимлаштиришга ва ўзлаштиришга қодир. Динамик стереотипини ҳосил қилиш – бу, бир томондан құзғатгичлар тизимини мурак-каблигига ва бошқа томондан организмни индивидуал хусусиятларига боғлиқ турлы қувватта эга бўлган бош мия асаб тузилмаларининг ишидир. Қўзғатгичлар бир неча бор аниқ кетма – кетлиқда қайтарилганда ва вақт интервалларига риоя қилинганда барча мажмуа битта қўзғатгич сифатида ўзлаштирилади. Бундай ҳолатда, уларнинг фақатгина биттасини қўллаш пустлоқ жараёнларини бутун тизимини ишга туширади ва жавоб реакциясининг кучи мос равишдаги қўзғатгич ўрнида бўлганининг кучига тўғри келади. Қўлланилган қўзғатгичлар мажмуининг барчасидан фақатгина биттасидан фойдаланиш мумкин, лекин ҳар бир ҳолатда жавоб реакциясининг кучи ушбу жойда илгари қўлланилган қўзғатгични каби бўлади.

Динамик стереотипни шаклланишида ёшга оид фарқлар аниқ намоён бўлади. Улар, динамик стереотипга қўзғатгичлар тизимининг компонентларига алоҳида шартли peak-цияларни бирлашишини нисбий тезлигида ҳам кўринади. Масала шундаки, кичик ёшдаги болалар айрим алоҳида компонентларга биринчи реакцияларни анча тез ҳосил қилсалар ҳам, лекин узоқ муддат уларни ягона бир бутун тизимга интеграция қила олмайдилар. Реакцияларни динамик стереотипга бирлаштиришдаги ушбу қийинчилик диффе-ренцияловчи қўзғатгичларга тормозли шартли реакцияларни секин ҳосил бўлиши билан боғлиқ. Ўрта ва, айниқса, катта мактаб ёшидаги болаларда биринчи ижобий шартли peak-цияларни намоён бўлиши тезлигида айрим сусайиш кузатилади. Шу вақтнинг ўзида, кичик ёшдаги болалар гуруҳидан фарқли равиша, ўрта ва катта мактаб ёшидаги болаларда динамик стереотип биринчи ижобий шартли реакцияларни намоён бўлиш моментига келиб шаклланган бўлади. Иллюстрация учун баён қилинган ёшига оид фарқларни энг типик ҳолатларини 28 – жадвалда келтирамиз.

**Динамик стереотипни ишлаб чиқишини ёшга оид  
хусусиятлари**

<b>Ёшга оид гурӯҳлар</b>	<b>Болалар сони</b>	<b>Шартли реакцияни пайдо бўлиш тезлиги</b>	<b>Динамик стерео- типни пайдо бўлиш тезлиги</b>	<b>Динамик стерео- типни мустаҳ- кам- ланиш тезлиги</b>
7 – 8 ёш	10	5	12	26
12 – 13 ёш	10	8	3	16
15 – 16 ёш	10	9	2	3

Болалар қанча катта бўлса, шартли реакцияларни динамик стереотипга бирлашиши шунчалик тез содир бўлади ва у, шунчалик тез мустаҳкамланади.

Ёшга оид хусусиятларидан ташқари мактаб ёшидаги болаларда динамик стереотипни шакллантириш бўйича ишда индивидуал типологик хусусиятлар ҳам топилади. Бунга мос равишда динамик стереотипни ишлаб чиқилиши ва намоён бўлиши натижалари бўйича болаларда ОАФ нинг тўртта типи кўрсатилади: 1 – мувозанатлашган ёки лабил тип бўлиб, унда ижобий ва салбий шартли алоқалар тез ҳосил бўлади. Уларда динамик стереотип осон ва тез шаклланади. Индикаторли қўзғаттич билан синааб кўриш тизимнинг барча жойларида адекват реакциялар тенденциясини кўрсатади; 2 – инерт тип, уларда динамик стереотипнинг ижобий ва салбий компонентлари секин ҳосил бўлади, шундан келиб чиққан ҳолда динамик стереотипнинг ўзи ҳам секин ҳосил бўлади. Индикаторли қўзғаттич тизимлиликни анча аниқ кўрсатади; 3 – қўзғатувчи тип, унда стереотипнинг ижобий компонентлари тез, тормозлилари секин, қийинчилик билан ишлаб чиқиласди. Алоҳида қўзғаттичларни индикаторларга алмаштирилгандағи тизимлилик қўзғатиш жараёнини инертлилиги туфайли етарлича аниқ кўринади; 4 – тормозли кучсиз тип, унда ижобий компонентлар секин ҳосил бўлади, тормозли компонентларни ҳосил бўлиши осонроқ кечади. Намоён бўлган динамик стереотип мустаҳкамланади.

майди ва қоидага биноан йүқ бұлади. Индикаторлы құзғатгичдан фойдаланиш тартибсиз реакцияларни чақиради.

Үрта ва катта мактаб ёшидаги болаларда худди шундай 4 та типологик гурухлар күрсатилади. Лекин, үрта ва катта мактаб ёшидаги құзғалувчан тип болаларда дифференция — ланишни ҳосил бўлиш тезлиги кичик мактаб ёшидаги болаларнидан мос равишда юқори ҳамда мустаҳкам динамик стереотипни ишлаб чиқилиши осон ва тез бўлади.

### **Билимларни назорат қилиш учун саволлар**

1. Янги туғилган болалар учун қандай шартсиз рефлекслар ҳосдир ва улар қандай функционал аҳамиятга эга?
2. Бир ёшгача бўлган болаларда ҳаракат ва руҳий күникмаларни ривожланишини тавсифланг.
3. Турли ёшга оид даврлардаги болаларда ОАФ ривожланишини тавсифланг.
4. Болаларда ОАФ типларини тавсифланг.

## Адабиётлар рўйхати

1. Аршавский И.А. Физиология кровообращения во внутриутробном периоде. – М: Медгиз, 1960. – 367 с.
2. Аршавский И.А. Очерки по возрастной физиологии. – М: Медицина, 1967. – 476 с.
3. Аршавский И.А. Основы возрастной периодизации // Возрастная физиология / под ред. В.Н.Никитина. –Л: Наука, 1975. – С 5-67.
4. Аршавский И.А. Физиологические механизмы и закономерности индивидуального развития. –М : Наука, 1982. –270 с.
5. Асадов Д.А. Шарипова М.К. Проблемы наследственных болезней в детском возрасте // Мед.журн.Узбекистана. –1998. -№1 – с. 93-97.
6. Биология индивидуального развития: Курс лекций. – Ташкент: ТашГУ, 1999 – 28 с.
7. Брусиловский А.И. Жизнь до рождения. – М: Знание, 1984. – 192 с.
8. Вахабова Ф.Н. Особенности личностного развития школьника как фактор готовности к школе: Автореф. дис. канд. психол. наук. –Ташкент, 2000. –12 с.
9. Великанова Л.К. Резервные возможности механизмов регуляции водно-солевого обмена в различные периоды онтогенеза // Онтогенез почки. –Новосибирск: НГПИ, 1984. –С. 109-129.
10. Возвратные изменения энергетического обмена и терморегуляция. –М: Наука, 1979. –156 с.
11. Гуминский А.А., Леонтьева Н.Н., Маринова К.В. Руководство к лабораторным занятиям по общей и возрастной физиологии: Учеб. пособие для студентов биол. спец. пед. Ин-тов. –М: Просвещение, 1990.-239 с.
12. Жуковский М.А. Детская эндокринология. –2-е изд. –М: Медицина, 1982. –448 с.
13. Закс М.Г. Возрастные особенности функции почек. // Возрастная физиология / Под ред. В.Н.Никитина. – Л. : Наука, 1975. – С. 313 –329.
14. Закс М.Г., Никитин В.Н. Онтогенез пищеварительной функции. // Возрастная физиология / Под ред. В.Н.Никитина. –Л: Наука, 1975. – С. 263 – 312.
15. Исаев Д.Н., Каган В.Е. Половое воспитание и психогигиена пола у детей. –Л: Медицина, 1980. –184 с.
16. Иргашев М.С., Клемешева Л.С. Возрастная физиология: Учеб.пособие. –Ташкент: ТашГУ, 1989. –90 с.
17. Иржак Л.И. Гемоглобины и их свойства. –М: Наука, 1975. –240 с.

18. Калмыкова А.С. Функциональные и биохимические показатели у детей раннего возраста при кардионарушенях // Мед. Журн. Узбекистана. –1997. -№ 8-10. –С. 91-93.
19. Калюжная Р.А. Физиология и патология сердечно-сосудистой системы детей и подростков. –М: Медицина, 1973. –327 С.
20. Каримова М.Н. Здоровье и школьная зрелость детей 6-летнего возраста // Мед. Жур. Узбекистана. –1998. -№ 6. –С. 10-12.
21. Клемешева Л.С. Возрастная физиология и гигиена: Краткий курс лекций. –Ташкент: ТашГУ, 1989. –70 с.
22. Клемешева Л.С., Эргашев М.С. Ёшга оид физиология: Ўқув – методика маркази университетлар ва педагогика олий йўқув юртлари учун ўқув қўлланма. – Тошкент: Ўқитувчи, 1991. – 166 с.
23. Клиорин А.И. Некоторые возрастные особенности функций желудочно-кишечного тракта и обмен веществ у детей // Справочник по детской диетике / Под ред. И.М.Воронцова и А.В.Мазурина. –Л: Медицина, 1977. –С. 5-11.
24. Колчинская А.З. Кислородные режимы организма ребёнка и подростка. –Киев: Наукова думка, 1973. – 330 с.
25. Кольцова М.М., Усов А.Г. Возрастные особенности высшей нервной деятельности человека // Возрастная физиология / Под ред. В.Н.Никитина. –Л: Наука, 1975. –550-573 с.
26. Коротько Г.Ф. Ферменты пищеварительных желез в крови ( очерки о ферментном гомеостазе). – Ташкент: Медицина, 1983. –212 с.
27. Лаузр Н.В., Колчинская А.З. Дыхание и возраст // Возрастная физиология / Под ред. В.Н.Никитина. –Л: Наука, 1975. С. 157-220.
28. Левина С.Е. Формирование эндокринной системы а пренатальном развитии человека. –М: Медицина, 1976. –200 с.
29. Лекция по возрастной физиологии и школьной гигиене / Под ред. В.М.Касьянова. –М: Моск.госпединститут, 1974. –С. 57-66.
30. Маркосян А.А. Ломазова Х.Д. Возрастные особенности системы крови // Возрастная физиология / Под ред. В.Н.Никитина. –Наука, 1975. – С. 68-108.
31. Мацкевич М.С. Гормональные регуляции в онтогенезе животных. –М: Наука, 1978. –224 с.
32. Мозг / Д.Хьюбел, Ч.Стивенс, Э.Кэндел и др; Пер. с. англ. Н.Ю.Алексеенко; Под ред. П.В.Симонова. –М: Мир, 1984.-279 с.
33. Нестеровский Е.Б. Нервная система ребёнка: когда болезнь нарушает развитие. –М: Знание, 1988. –48 с.
34. Основы морфологии и физиологии организма детей и подростков / Под ред. А.А.Маркосяна. –М: Медицина, 1969. –575 с.

35. Основы физиологии функциональных систем. -М. : Медицина, 1984. -223 С.
36. Особенности пищеварения у детей // Б.М.Э. -3-е изд. -М: 1982. -Т. 19. -С. 888-898.
37. Очерки по физиологии плода и новорожденного / Под ред. В.И.Бодягиной. -М: Медицина, 1966. -311 с.
38. Сафонов В.А., Экслер Н.Д., Пелевиков В.А. Становление функций дыхательной системы а онтогенезе. Внутриутробные дыхательные движения // Науч.докл.высш.шк.Биол.науки-1983. - №12. -С. 4-12
39. Синельников Р.Д. Атлас анатомии человека // 2-е издание. - М:1963. -Т. III. -С. 11-18.
40. Тур А.Ф. Шабалов Н.П. Кровь здоровых детей разных возрастов. Л: Медицина, 1970. -191 с.
41. Уголев А.М. Эволюция пищеварения и принципы эволюции функций: Элементы современного функционализма. -Л. : Наука, 1985. -544 с.
42. Фарбер Д.А. Функциональное созревание мозга в раннем онтогенезе. -М.: Просвещение, 1969.-279 с.
43. Фарбер Д.А., Альферова В.В. Электроэнцефалограмма детей и подростков. М.: Педагогика, 1972. -215 с.
44. Физиология плода и детей / А.С.Батуев, В.Д.Глебовский, В.А.Жданов и др. Под ред. В.Д.Глебовского. -М: Медицина, 1988.-219 с.
45. Физиология развития ребенка. Под ред. В.И.Козловой и Д.А.Фарбер. -М.: Педагогика, 1983-297 с.
46. Хризман Т.П. Развития функций мозга ребенка. -Л.: Наука, 1978. -126 с.
47. Хрилкова А.Г., Антропова М.В., Фарбер Д.А. Возрастная физиология и школьная гигиена: Пособие для студентов пед. ин-тов. - М.: Просвещение, 1990. -319 с.



